

НАВРЎЗ – МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ

Бахтиёр ИСОҚОВ

Наргиза ИСОҚОВА

НАВРЎЗ – МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТ «КЕЛАЖАК НУРИ» НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ

Бахтиёр ИСОҚОВ
Наргиза ИСОҚОВА

НАВРЎЗ – МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ

Асрлар бағридан келган шодиёна, башариятнинг боқий
байрами, улкан маънавий кўзгу, ғурур ва ифтихор манбаи,
анъаналарни абадиятга айлантирган айём – Наврўз байрамига
бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот жараёнида
фойдаланиш учун услубий қўлланма

«НАМАНГАН» нашриёти
2017 йил

УЎК: 821.512.133.9

КБК: 84(5Ў36)7

И – 1

Байрамлар қадим-қадим замонлардан турли-туман этнослар маънавий эҳтиёжи сифатида аста шаклланган, муайян мафкуравий вазифаларни бажариб келган. Аждодлардан ҳозирги ҳамда келажак авлодларга маънавий мерос тариқасида минг йиллар мобайнида ўтиб келаётган ва амалда башариятнинг боқий байрамига айланиб улгурган «Наврўз» муқаддас анъанавий айёмлар тоифасига киради.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Наманган вилояти Маънавият ва маърифат ҳудудий кенгашининг жамоатчилик тарғибот гуруҳи раҳбари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси, Наманган Давлат университетининг доценти, НамДУ «Ахборот гуруҳи»нинг раҳбари, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Робиддинович ИСОҚОВ ва Наманган Давлат университети Тарих фанлари кафедраси ўқитувчиси, Ватан тарихи магистри Наргиза Бахтиёровна ИСОҚОВА томонидан тайёрланган.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор А. Аширов

Такризчилар: тарих фанлари доктори, профессор У. С. Абдуллаев,
тарих фанлари номзоди А. Саримсоқов,
тарих фанлари номзоди А. Эрқўзиев

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг «Мустақиллик берган неъмат» лойиҳаси учун ажратган 44-08/70-14- сонли Давлат Гранти ҳисобига чоп этилди.

ISBN-978-9943-47-84-0-4

© Бахтиёр Исоқов
© «Наманган» нашриёти

Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг улуг байрам – шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида айниқса ёрқин намоён бўлади.

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ҳамда катта хурсандчилик, ўта шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаётнинг абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, жуда кўп минг йиллик миллий қиёфамиз ҳамда олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда...

Янгиланиш ҳамда эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб чиндан одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват, ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аجدодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний гоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

Ислом КАРИМОВ

МУҚАДДИМА

Миллий ўзликни англаш ҳамда миллий қадриятларни қайта тиклаш жараёни бевосита ўзбек халқининг жудаям улкан маънавий меросини, унинг миллий анъана ва урф-одатларини ўз таркибига олган маданий ҳаёти тарихини жиддий тарзда ўрганиш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёт давомида келиб чиқиши, мазмун-моҳияти ҳамда ижтимоий ҳаётда қарор топишига биноан анъанавий, диний, миллий, бошқа байрамлар шаклланган. Уларнинг энг қадимги аجدодлардан келгуси авлодларга маънавий мерос тариқасида ўтиб келадиганлари бўлса анъанавий байрамлар ҳисобланади.

Анъанавий байрамлар қадим замонлардаёқ кишиларнинг Она табиатга бўлган меҳр-муҳаббатларини яққол акс эттириб, уларнинг диний ҳамда мифологик эътиқодларини ифодалаган бўлса, ҳозирги даврда катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган ўзига хос бениҳоя улкан бир маънавий кўзгу ҳисобланади.

Байрамлар қадим-қадим замонларда ҳамда турли маконларда бани башарнинг маънавий эҳтиёжи сифатида вужудга келган ва ўз вақтида муайян мафкуравий вазифаларни ҳам бажариб келган.

Турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида жамият ҳаёти ҳам ўзгариб боргани сари унга мутаносиб тарзда байрамлар ҳам мавжуд воқеликка аста мослашиб борараверган. Айни бир пайтда ҳар бир авлод аجدодларидан мерос байрамларга ўз замонасининг талабларидан келиб чиққан ҳолда янги-янги элементларни қўшган. Натижада, байрамлар дунё маданияти улкан хазинасига йиғилган ўта қимматли маънавий бойликларни уйғунлаштириш вазифасини ҳам адо эта бошлаган.

Байрамлар башарият маданиятининг бошланғич шаклидир. Шу боисдан ҳам айёмлар инсониятнинг ўзи босиб ўтган минглаб йиллик сўқмоқларини, йўлларини, шоҳкўчаларини чуқур англаши, жудаям катта машаққатлар билан қўлга киритилган ғалабалардан мағрурланиши, эртанги кунларга катта умид билан қарашига ёрдам беради. Уларда халқнинг кўтаринки руҳи, бир вақтнинг ўзида эса, унинг шон-шарафли ўтмиши, ўта сермазмун ўтаётган бугуни ҳамда порлоқ келажаги акс этади.

Байрамларнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий ҳамда маънавий-маърифий аҳамияти, энг аввало, шу билан ҳам белгиланадики, у ниҳоятда муҳим урф-одатлар, маросимлар ва анъаналарни қўллаб-қувватлаб, умуминсоният маданиятининг улкан ютуқларини янада мустаҳкамлайди. Айнан шу сингари сабабларга биноан байрамлар инсоният маданиятининг ғоятда муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда, уни доимий равишда ривожлантириб, янада таракқий эттириб боришдаги ғоятда самарали маънавий-маърифий воситалардан бири ҳам ҳисобланади.

Улуғ аждодимиз Маҳмуд Қошғарий минг йиллар муқаддам унга шундай бир ажойиб таърифни берган эди: «Базрам – одамлар орасида шодлик ва кулгу. Гуллар очилган жойларга базрам йэр дейилади. Яъни, жуда ёқимли ер демақдир. Ўғузлар ҳайит кунини базрам дейдилар, яъни шодлик ва ёқимли кун». Ҳақиқатан ҳам байрамлар шундай даражадаги кўтаринки руҳий кайфиятни ҳам вужудга келтирадики, унда одамлар бошқа кунлардагига нисбатан янада хурсандроқ ҳамда шодонроқ-хуррамроқ бўладилар. Шундай нуқтаи назардан қараганда, байрамни маълум бир вақтдаги ўзига хос идеал ҳаётнинг шакли сифатида баҳолашимиз ҳам мумкин.

Инсоният байрамлари, жумладан ўзбек халқ байрамларининг жудаям кўп афзалликлари ва диққатга сазовор томонлари мавжуд. Файласуф Усмон Қорабоев «Ўзбекистон байрамлари» китобида уларнинг энг муҳим жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатган эди: «Байрам улуғвор ишларнинг тантанали равишда бошланиши ҳамда муваффақиятли тугалланиши сингари дақиқаларда ҳам вужудга келади. У кишиларнинг кураши, меҳнати ҳамда бошқа соҳаларда эришган ютуқлариниям ифодалайдиган ҳодисадир. Байрам – орзу,

меҳнат, курашнинг ғалабаси, ... ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган «кўзгу»дир, ... кишиларда (некбинлик) оптимизм – ҳаётбахш руҳ уйғотиш учун хизмат қилади».

Башарият байрамлари, шу жумладан, ўзбеклар айёмларининг бир қатор афзалликларини ҳамда унинг диққат-эътиборга сазовор жиҳатларидан бохабар бўлиб қўйиш эса ҳеч биримизга ортиқчалик қилмаса керак:

1) Байрамлар, энг аввало, ҳаётнинг давоми, унинг энг муҳим бўлаги, турмушдаги ғоятда муҳим воқеа, ҳодисалар, жараёнларни, қайд этиб, уларни тантанали тарзда нишонлаш учун керакли шарт-шароитларни ҳам яратади. Байрам улуғвор ишларнинг тантанали бошланиши, жуда муваффақиятли тугалланиши каби дақиқаларда ҳам вужудга келади.

2) Байрамлар бани башар ҳаётининг давоми ҳисобланишига қарамай, баъзан айрим кишилар учун, гўёки зерикарли ўтаётгандек туюлган энг олий ҳакам бўлмиш – вақтнинг монотонлигини (бир хиллигини) бузиб ташлаб, унга муайян ритм (маромийлик)ни бахш этади. Айнан шундай сабабга кўра энг қадим-қадимдан байрамлар (маълум бир вақтда доимий такрорланиб тургани учун ҳам) ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Ҳозирги даврда ҳам (ҳаммамиз яхши биладиган тақвим (календарь)нинг бўлишига қарамасдан) байрам кунларида муайян вақтнинг ўтиб кетганлигиниям (масалан, Наврўз айёми нишонланаётганида тагин бир йил ўз поёнига етганлигини) янада чуқурроқ ҳис қилишимиз мумкин.

3) Байрамлар, юқорида қайд этилганидек, башарият ҳаётининг энг яхши томонларини ва қирраларини акс эттирадиган ўзига хос ойна ҳисобланади. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, одамлар айнан байрамлар пайтида эзгу одатлари ҳамда характерларини намоиш этадилар. Энг чиройли либос, кийимлари, сарполарини киядилар, ниҳоятда лаззатли таомларни бўлса, мароқ билан тайёрлайдилар, ўзларидаги мавжуд иқтидор, истеъдод, салоҳиятларини эл-юртга намоиш этадилар. Бу куни ҳамма бениҳоя кўтаринки кайфиятда бўлади. Аксарият кишилар чин кўнгил, қалбдан севадиган байрам кунларида турли-туман иллатларни учратишам анча мушкуллашиб қолади: ёмонлар – яхши, хасислар – сахийроқ, хунуклар – гўзал,

чиroyилилар бўлса янада ҳам гўзалроқ бўлиб кетишига байрамлар чоғида ўзингиз жудаям кўп бора гувоҳ бўлгансиз.

4) Байрамлар қадим-қадимдан озодлик ва ободлик, эркинлик ҳамда фаровонлик куни ҳисобланган. Чунки, аجدодлармиз байрам кунларида жудаям оғир жисмоний меҳнат қилишни айб сифатида қоралаганлар. Айнан шу сабабга биноан одамлар кундалик ишлар, ташвишлардан ҳам озод бўлганлар. Байрам, айём кунлари, гарчи вақтинчалик бўлса-да, барча қийинчиликлар ҳамда дарду аламлар унутилган, кишилар эса ўзларини шод-хуррам бўлишга роса ҳам шайлаганлар. Айнан шу кунда одобсизлик, ўғрилиқ, зўравонлик, фисқ-фасод сингари бир қатор иллатлар ҳам унутилган.

5) Байрам кунлари одамлар орасида ўзига хос тенглик ҳукм сурган, бошқа кунларга нисбатан барча тенг ва баравар бўлган. Ҳамма бир қозондан ниҳоятда лаззатли таомларни тановул қилиб, бир хилдаги томошадан баҳраманд бўлганидан кейин биргаликда сайилгоҳларга чиққан.

6) Байрам, энг аввало, тинчлик-омонлик куни ҳисобланган, шу куни уруш-жанжаллар ҳам, вақтинчалик бўлса-да, тўхтатилган. Эл-юртнинг қадимий одатларига кўра бу куни хафагарчиликлар, гинакудуратлар унутилган, аввалдан аразлашиб юрганлар ўзаро ярашиб олганлар, таниш-билишлар бўлса энди дўст-биродарларга айланиб қолганлар.

7) Байрамларни нишонлаш чоғида вужудга келган ғоявий-руҳий кўтаринкилик кишиларга эртанги кунларга эзгу умидларни боғлаш, порлоқ келажакка ишонч билан қараш, ўз ҳаётини янада гўзал, озод, обод қилишга тинимсиз равишда ундайди ва чорлайди. Хуллас, байрам кишилар психологиясидаги пессимизм (бадбинлик) руҳиниям аллалаб ухлатиб қўйиб, некбинлик (оптимизм)нинг аста мудраётган ҳаётбахш руҳини чиндан уйғотиб юбориш жараёнига холис хизмат қилади.

Аждодларимиз умргузаронлик қилган, ҳозирда Сиз билан Биз яшаётган, Евроосиё материгининг юраги бўлмиш – Марказий Осиё инсоният цивилизациясининг, маданиятининг ниҳоятда қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Археологик тадқиқотлар бўлса бу ҳудудда энг камида 1 миллион йилдан буён одамлар муқим тарзда

яшаб келаётганлигидан далолат бермокда. Демак, маҳаллий аҳоли маданияти, жумладан, ўзбек халқ урф-одатларининг пайдо бўлиши ҳамда шаклланиш жараёни тарихини нафақат минг йилликлар, шу билан бирга юз минг йилликларни қамраб олган ҳолда ўта жиддий равишда, тинимсиз тарзда ўрганмоғимиз даркор.

Анъанавий халқ байрамларининг ўқ илдизи ниҳоятда узоқ ва қадим маконлар ва замонларга бориб тақалади. Уларни тадқиқ ва таҳлил этиш, ўрганиш ҳамда байрамлар мазмун-моҳиятини теран англаш орқали бу масаланинг ҳозирги замонга, ХХІ аср ибтидосига ҳам бевосита дахлдор эканлигига яққол амин бўлишимиз мумкин.

Курраи заминнинг турли-туман нуқталарида қадим-қадимдан, ўтмиш замонлардан ҳанузга қадар росаям катта тантаналар билан нишонлаб келинаётган анъанавий байрамлар ғоятда долзарблигини сақлаб қолган маънавий-ахлоқий тарбиянинг тизимидаги ўзига хос, жудаям муҳим, шу билан бирга, энг йирик кўриниш, шакллардан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай этнос санъати ва маданиятининг турли шакллари орасида улкан оммани ўзига жалб қила оладиган оммавий тадбир ҳам байрамлар ҳисобланади. Шу боисдан ҳам оммавий байрамлар кишиларнинг руҳиятига ўта кучли эмоционал таъсир этувчи барча воситаларни бирлаштириб, умумий тарбия тизимидаги ўзига хос кульминацион (энг баланд ва ёрқин) халқани эл-юртга тантанали равишда намоён этади.

Ҳозирги даврда, табиат ва инсоният ўртасидаги муносабатлар биров таранглашаётган пайтда, бутун Курраи Замин миқёсида Она табиатга ҳамда ерни, сувни, фауна ҳамда флорани асраб-авайлашга доир байрамларга қизиқиш тағин ошаётганлигини ҳам сезишимиз мумкин. Бинобарин, Она табиатни жиддий тарзда муҳофаза қилиш муаммоси ХХІ аср ибтидосидаги дунёнинг ғоятда долзарб, глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурган ҳозирги жуда мураккаб даврда бундай мавзуга бағишланган тадбирлар, кўрик-конкурслар, байрамларга ҳаётий эҳтиёж ва зарурат янада кучаймокда. Чунки, бундай тадбирлар кишилардаги Она табиат гўзалликларининг асл кадр-қимматига етиш ҳис-туйғуларини уйқусидан уйғотиб, уларда Она сайёранинг келажагига, тақдирига жавобгарлик ва жонкуярлик

учун қулай шарт-шароитни яратиб бераётганлигини ўзингиз ҳам яхшигина кўриб-билиб, чин дилдан ҳис этиб турибсиз.

Шарқ халқларининг муштарак ижоди – Наврўз узок мозийдан бугун замонларга қадар етиб келган энг азиз ва муқаддас маънавий қадриятлардан бири, асл байналмилал байрамдир. Унинг мазмун-моҳиятига эса қадимги аجدодларимизнинг ибтидоий ва мифологик тасаввурларидан тортиб, бугунги замондошларимизнинг ўта илғор қарашларигача бўлган улкан маънавият олами сингиб кетган ва у инсоният цивилизациясининг беҳад узок асрлар мобайнидаги ҳар бир ютуғидан доимо каттагина куч-қувватни олиб турган.

Башариятнинг узок тарихидаям Наврўз айёмидан қадимийроқ байрамни топишимиз жудаям қийин, унинг ғоятда теран илдизлари неолит (мил. авв. VI – IV минг йилликлар. – Б. И., Н. И.) даврига бориб тақалади.

Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер ҳақида, унинг коинотдаги ўрни хусусида мулоҳаза юрита бошлаган даврига тўғри келади. Бошқача қилиб ифодаласак, Наврўз айёми одамзодда Ер ҳақида энг дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шакллана борган. Дастлаб Наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларнинг орасида расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ҳамда кўчманчи туркий халқларнинг ҳам доимий амалда бўлган урф-одатлари, анъаналари ва қадриятлари таркибига ҳам аста кириб борган. Демак, бундай байрамлар турли гуруҳларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ишлаб чиқариш хўжалиги фаолияти – деҳқончилик билан бир вақтда шаклланган.

Шундай қилиб, ҳозирги дунё ва даврда, макон ҳамда замонда башариятнинг бебаҳо боқий байрами – Наврўз айёми бундан 4 – 4,5 минг йиллар бурун бизнинг ўлкамизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан аллақачон исботлаб берилган.

Халқнинг умрбоқий қадриятлари, удумлари ва байрамларини яхши билиш, англаш ҳамда уларга амал қилиш кишиларга миллий ўзлигини англашига ҳам анчагина катта ёрдам беради.

Улардан олий маънавий қадрият сифатида ақл ва идрок билан алоҳида шахс, жамоа, халқ, жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас маънавий бурчи бўлмоғи

лозим. Бу бўлса инсоният босиб ўтган ғоят мураккаб йўлларни ўта чуқур, теран англаши, қўлга киритилган ғалабалардан ғурурланиш ҳамда эртанги кунларга катта умид билан қарашига ёрдам беради. Шунингдек, миллий ғоямизнинг энг муҳим тамойилларидан бири – комил инсон, жисмонан ва маънан соғлом, баркамол авлод таълим-тарбиясида ҳам бениҳоя муҳим ўрин эгаллайди.

Истибдодга чек қўйган, порлоқ истиқболни кўзлаган миллий Истиқлол йилларида турли анъанавий байрамларнинг воситасида халқимизнинг бой миллий-маънавий меросиям қайта тикланмоқда. Жойларда маданиятимизнинг негизлари, миллий қадриятларимиз тикланиб, уларга эса янгидан ҳаётий руҳ бахш этилаётганлигидан ўзингиз ҳам бохабарсиз.

Буюк Ота маконимиз – Ўзбекистон Республикасида юксак тараққиёт таянчи – соғлом ва баркамол авлоднинг шаклланишида, ёшларимизнинг онги ва қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор ва энг юксак ватанпарварлик ғояларини камол топтиришда анъанавий байрамларнинг аҳамияти бекиёс.

Байрамларнинг мазмун-моҳиятида улуғ халқимиз томонидан минглаб йиллар мобайнида тўпланган ниҳоятда улкан тарихий ва ҳаётий тажриба мавжуд.

Миллий Истиқлолимизнинг истиқболли йилларида, маълум даражада унутилиб борилаётган байрамларнинг бениҳоя ижобий анъаналарини сақлаб қолиб, уларни эркин, ёш авлоднинг маънавий мулкига айлантириш, келажаги ниҳоятда порлоқ, соғлом, баркамол авлоднинг таълим-тарбиясига ўзига хос таянч сифатида беминнат хизмат қилади ҳамда камида 3,5 минг йиллик буюк давлатчилик тарихимиз, енгилмас куч бўлмиш юксак миллий маънавиятимизни янада бойитади.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР

Энг қадим-қадим замонлардан турли маконларда турли-туман муносабатлар билан ўтказилувчи байрамлар башарият маънавий

ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган ва барчада ўзига хос қизиқиш уйғотиб келган. Мазкур муаммо, ўз навбатида, турли даврларда яшаб фаол равишда ижод қилган, ўзларидан кўра кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлажак келажак авлодларнинг ғамини еган ҳамда ташвишини чеккан улуғ алломаларнинг жуда кўплаб асарлари ва тадқиқотларида изчил тарзда ёритилиб, энг буюк ҳаёт мураббийи – тарих илмининг маънавий мулки, мероси, қадриятига айлантириб келинган.

Ўзбек халқининг анъанавий байрамлари ҳамда уларнинг халқ анъанавий турмуш тарзидаги кўринишларига доир мавжуд илмий тадқиқотлар, адабиётларни таҳлил қилишдан олдин энг бобокалон китоб, 3,5 минг йиллик ўзбек давлатчилиги илк даври мафкураси вазифасини шараф билан адо этган, дунё илм аҳли томонидан эса ханузга қадар синчиклаб, жуда жиддий ўрганилаётган – *“Авесто”*, *“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”*, *“Бухоро тарихи”*, *“Масъуд тарихи”*, *“Сиёсатнома”*, *“Наврўзнома”*, *“Шажарайи турк”* каби бир қатор тарихий, илмий манбаларда келтирилган ва бизларга маънавий мерос сифатида қолдирилган далиллар мазмун-моҳиятига алоҳида диққат-эътиборимизни қаратмоғимиз даркор.

«Авесто» саҳифаларида келтирилишича, энг қадимда йилнинг турли-туман босқичларида нишонланувчи энг асосий байрамлар – *“гоҳанбор”*лар олтига бўлган. Бу байрамлар ҳар йилнинг муайян вақтларида жудаям катта тантаналар, ғоятда кўтаринкилик билан нишонланганлиги қайд этиб қўйилган. Масалан, биринчи байрам *“Майзюйи заримая”*, яъни *“баҳорнинг ўртаси”* йилнинг 41 – 45 кунлари; иккинчиси, *“Майзюйи шима”* – *“ёзнинг ўртаси”* йилнинг 101 – 105 кунларига; учинчиси, *“Пайтяш ҳаҳя”* – *“ғаллани йиғиб олиш”* йилнинг 176 – 180 кунларига; тўртинчиси, *“Айатарима”* – *“чорвани уйга қайтармоқ”* ҳар бир йилнинг 206 – 210 кунлари; бешинчиси, *“Майзйайряҳ”* – *“йил ўртаси”* йилнинг 285 – 292 кунларига; олтинчиси, *“Ҳамаспасмасидаяҳ”* – *“бутун сипоҳнинг ҳаракати”* ё *“ўтиб кетган аждодларнинг руҳи уйга қайтадиган кун”* йилнинг 360 – 365 кунларига тўғри келади.

Демак, «Авесто» замони, жамиятининг кишилари, қадимий аждодларимиз бундан 3,5 минг йил муқаддам ҳар бир йилнинг

олдиндан белгилаб кўйилган вақтларида ўзига хос жуда муҳим ҳаётий байрам ва маросимларни ўтказиб келганлар.

Мазкур энг улуғ байрамлар тўғрисидаги ҳаётий маълумотлар ўзбек халқи анъанавий байрамлари тарихини ўрганиш жараёнида асосий ҳамда қадимий, жудаям катта илмий аҳамиятга эга бўлган ноёб ёзма манбалардан бириям ҳисобланади. Шунингдек, тарихий манбалар ўзбек халқининг анъанавий байрамларининг дастлабки кўринишлари, жуда узоқ мозийдаги илдизлари тўғрисида ҳаққоний хулосалар чиқаришда ўзига хос таянч вазифасини бажариб, катта маънавий тарбиявий аҳамият касб этади.

Шарқ халқлари йил тақвими билан боғлиқ маросимларини ўзида акс эттирган ўрта аср ёзма манбалари орасида буюк қомусий тафаккур соҳиби, илм-фанлар тарихида унинг ўта мўътабар исм-шарифи бутун бир XI аср билан чамбарчас боғлиқ – Абу Райҳон Берунийнинг *«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»* номли ниҳоятда буюк асари алоҳида диққат-эътиборга моликдир. Буюк олимнинг ҳар битта асари, ечимини бизларга кўрсатган муаммоси, фикр-мулоҳазалари инсониятнинг бепоён илм уммонига қўшилган бекиёс дур, бебаҳо жавоҳир ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Биринчи президенти Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли машҳур асарида ҳақли равишда қайд этганидек: «Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, машҳур америкалик фан тарихчиси Ф. Сартон XI асрни «Беруний асри» деб таърифлайди. Бундай юксак ҳамда ҳақли баҳо, энг аввало, қомусий тафаккурнинг чинакам соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан изоҳланади».

Ислом Каримов 2014 йил май ойида Самарқандда ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация (тамаддун) ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция очилиши маросимидаги нутқида юқоридаги фикрига қўшимча, яна шундай мулоҳаза билдирган, баҳо берган эди: «Улуғ қомусий алломамиз Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга баҳо беришнинг ўзиям қийин. Берунийнинг 150дан

зиёд илмий ишларидан бизгача фақатгина 31таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлғезмаларининг қўлимиздаги ана шу унчалик тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ернинг радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанларининг ортида ҳам қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ҳамда уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги фан тарихчи олимлари томонидан «Беруний асри» деб аталиши бежиз эмас».

Беруний болалигидан бошлабоқ илм-фанга ўта чанқоқ бўлган. «Ёшлигимданок, – деб ҳикоя қилади алломанинг ўзи, – табиатимда билим олишга бўлган иштиёқ ҳаддан ташқари кучли ва зўр эди. Бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги воқеани ҳикоя қилишимнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман: юртимизга бир румлик келиб қолган эди. Мен унга ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар, ўсимлик ҳамда бошқа нарсаларни келтириб ва уларнинг тилида, яъни юнончада қандай аталишини сўраб, айтганларини ёзиб олардим». Бундан ҳам яққол кўриниб турибдики, Абу Райҳон Беруний илм-маърифат томонга интилишда, жумладан, хорижий тилларни ўрганишда ҳам ҳар бир имкониятдан самарали равишда фойдаланишга ҳаракатини қилган. Аллома кўпгина тилларни, ва хусусан, ўша даврларда мусулмон оламида илмий тил ҳисобланган араб тилини, шунингдек, форс, туркий, лотин, ҳинд (санскрит), юнон, яҳудий, сурёний, қибтий тили (қадимги мисрликлар тили)ни қунт билан ўрганган.

Берунийнинг юқорида номи қайд этилган тарихий-этнографик асарида исломгача бўлган даврлардаги хоразмликлар, сўғдийлар, эронликларнинг ҳайитлари – байрамлар тўғрисидаги жуда муҳим маълумотлар ҳам баён этилган. Айниқса, улуғ алломанинг *Наврўз*, *Меҳржон*, *Сада*, “*Қовоқ байрами*”, “*Узум байрами*”, ва “*Ўтган аждодларни хотирлаш*” билан бевосита боғлиқ турли байрам ва

маросимлар тўғрисидаги тарихий маълумотлари ҳозирги замон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур байрамларнинг барчасида табиатда домий равишда юз бериб турадиган бир қатор ўзгаришлар акс этган. Буюк бобомизнинг бу китоби Марказий Осиё халқлари маданияти, уларнинг урф-одатлари ва турли эътиқодлари тарихи акс эттирилган ўзига хос тарихий ва этнографик асар бўлиб, ўзбек халқи анъанавий байрамлари генезисини ва тарихий тараққиётини ўрганишда энг бебаҳо манбалардан бири ҳисобланади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг *“Қутадғу билиг”* (*“Саодатга йўлловчи билим”*) китобида бўлса Наврўз шундай тасвирланган: «Энг аввал Шарқдан баҳорий насим (шаббода) эсиб келади, бу оламини безаш учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг (яъни қор) кетиб, ерга ифор тўлади ва ҳамма ёқни алвон-алвон ранг эгаллайди, чунки олам ҳам чиройли безанмоқни истайди. Баҳорнинг насими зерикарли қишни хайдайди, мусаффо баҳор яна ўзининг ҳукмига киради. Япроғини тўккан дарахтлар тагин яшил кийинади, оқ, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанади...».

Ўрта асрлардаги маълум ва энг машҳур муаррихларидан бири Муҳаммад Наршахийнинг *“Бухоро тарихи”* номли асарида ҳам улуғ аجدодларимиз томонидан Наврўз байрами ҳамда олов билан боғлиқ бир қатор маросимлар ўтказилганлиги қайд этилган.

Бу асарда кўрсатилишича, деҳқонлар ва мубад(коҳин)ларнинг Наврўз байрамлари бир-биридан ўтказилиш муддати билан фарқ қилган. Асарда айёмнинг вужудга келиш тарихи мил. авв. 2 минг йилликлар билан боғланган. Мазкур китоб ўрта асрлар кишилари байрамларининг келиб чиқиши билан бевосита боғлиқ ўзига хос тасаввурлари ҳамда ўша замонлардаги аجدодларимиз томонидан турли айёмларга бўлган муносабат қандай даражага кўтарилгани ҳақида тарихан сира сохталаштирилмаган, сиёсийлаштирилмаган жудаям тўғри, ҳаққоний хулосаларни чиқаришимизга катта имкон беради.

Абулфазл Байҳақийнинг *“Масъуд тарихи”* асаридаги Султон Масъуд (1030 – 1041) даврида Наврўз, Меҳржон сингари байрам ва маросимларнинг ҳукмрон табақа ҳамда аҳоли ўртасида ўтказилиш тартиб-қоидаларига доир тарихий маълумотларнинг ҳам анъанавий

байрамларнинг турли кўринишлари ҳамда уларга нисбатан давлат томонидан қандай даражада диққат-эътибор берилганлиги, сиёсат юритилганлиги ҳақида аниқ тасаввур ва хулосаларга келишимиз имконини яратиб беради.

Булардан ташқари эса, Низомулмулкнинг “*Сиёсатнома*”сида Наврўз ва Меҳржон байрами кунлари подшоҳлар қабулига шикоят ва ариза билан келган оддий халқ вакиллари шаҳсан ўзлари қабул қилиб, тегишли қарорлар чиқарганлиги ва бу кунларда барча кишилар ҳақ-ҳуқуқи баробар бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган бўлса, Умар Хайёмнинг “*Наврўзнома*”сида Наврўз байрами тарихи, ўша давр йил тақвимидаги ойлар номлари, мазкур ойларда бажариш мумкин бўлган амаллар ҳамда қадимги даврдаги подшоҳларнинг одатлари тўғрисидаги жудаям қизиқарли мисоллар ва далиллар қайд этилган.

Буюк алломалар томонидан келажак авлодлар учун маънавий-маърифий мерос сифатида ёзиб қолдирилган тарихий маълумотлар ўзбек халқи анъанавий миллий байрамларининг аста ривожланиб бориши жараёнида уларга нисбатан ҳукмрон табақанинг юритган сиёсати ҳамда муносабати, шунингдек, эл-юрт айёмларининг қай даражада давлат аҳамиятига молик бўлганлиги масаласида аниқ ва тегишли хулосалар чиқаришимиз имконини беради.

Ўрта асрларда Хива хонлигини бошқарган ва, шу билан бирга тарихда буюк муаррихлардан бири сифатида улуғ ном қозонган Абулғози Баҳодирхоннинг дунёга маълум ва машҳур “*Шажарайи турк*” асари эса Наврўз айёмининг туркий халқлар орасида нима сабабдан байрам қилиниши ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар, ўзбек халқи анъанавий байрамларининг ўша даврларда сақланиб қолган шакллари хусусида бизларга ниҳоятда кенг тушунча бериши билан аҳамиятлидир.

Мазкур манбалар ниҳоятда қизиқарли тарихий маълумотлар бериши билан ўзбек халқи анъанавий байрамларининг вужудга келиши ривожланиши борасидаги фикрларимиз, билимларимизни янада бойитади ва келажакка, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида жудаям жадал суръатлар билан амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-

маърифий ислохотларга бўлган ишончимизниям мустаҳкамлайди. Айниқса, «Авесто», «Осор ул боқия», «Наврўзнома»да байрамлар хусусида баён этилган ноёб тарихий маълумотлар бугунги миллий истиқлол кунларимиз учун ҳам ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Китоблардаги тарихий маълумотлар ўзбекларнинг анъанавий байрамлари генезиси ва трансформацияси, яъни уларнинг ҳозирги замоннинг талабларига ҳамоҳанг равишда ўзгариб ҳамда мослашиб боришига доир тўғри, ҳаққоний хулосалар чиқаришимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Юқорида номлари қайд этилган манбалардаги маълумотларга асосланадиган бўлсак, анъанавий халқ байрамлари ўзбек халқи аجدодлари турмуш тарзида ўта катта аҳамиятга эга бўлиб, айёмлар табиатнинг эрта баҳорда уйғониши ва қиш фаслида тагин қайтадан уйқуга кетиши билан боғлиқ энг қадимий фалсафий қарашлар, тафаккур тамойилларининг доимий тарзда такомиллашиб бориши натижасида вужудга келган. Умуман олганда, мавжуд манбаларда асосий диққат-эътибор хилма-хил тантаналар таркибида етакчилик қилувчи Наврўз ва Меҳржон сингари халқ байрамлари ҳақидаги батафсил таърифлар ва тавсифларга қаратилган. Ҳар йилнинг икки хил муддатларида ўтказилувчи мазкур айёмлар эса ўзида қадимий фалсафий қарашларни акс эттирган бўлиб, ўзбек халқи анъанавий байрамлари тарихи ҳамда мазмун-моҳиятини ўрганиш жараёнида ўзига хос бир даврий чегара ва етакчилик функцияларини шараф билан бажариб келмоқда.

Марказий Осиё халқлари анъанавий байрамлари билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар ҳақидаги турли-туман фикр-мулоҳазалар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида асосан даврий матбуот нашрлари ва юртимизнинг бениҳоя буюк тарихига катта қизиқиш билдирган кўплаб хорижлик шарқшунослар асарларида учрайди.

Мавжуд адабиётларни таҳлил қилишдан аввал шуни алоҳида таъкидлаш ҳам лозимки, ўша давр матбуотида чоп этилган турли-туман хабарлар ва мақолалар муаллифлари ахборотчилардан олган маълумотлари ҳамда ўзлари шахсан гувоҳ бўлган урф-одатлар ва маросимлар ўтказилиши жараёнини унинг икир-чикирларига қадар ниҳоятда батафсил баён этганлар.

Ушбу даврларда фаолият юритган Ю. Казбеков томонидан ёзилган турли мақолаларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида Зангиота култининг тутган ўрни ҳамда роли ҳамда унинг асл номи билан боғлиқ зиёратгоҳда ўтказилувчи сайиллар тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар берилган.

Ўзбек халқининг анъанавий байрамларини ўрганишда, аввал Россия империяси Туркистон генерал-губернаторлигидаги Фарғона областида, Наманган уезди бошлиғи ўринбосари сифатида хизмат қилган, кейинчалик бўлса Янгиқўрғон тумани Нанай қишлоғида анча йиллар мобайнида ўз оиласи билан яшаган В. Наливкиннинг рафиқаси М. Наливкина билан ҳаммуаллифликда ёзган *“Фарғона маҳаллий ўтроқ аҳолиси аёллари турмушидан очерклар”* номли асари ҳам башарият боқий байрами тарихини ўрганишда алоҳида эътиборга молик. Китобда водий ўзбекларининг анъанавий халқ байрамлари масаласи ҳам анча кенг ёритилган. Мазкур тарихий асарда хайитлар, турли сайиллар, сумалак, узун қиш кечаларида ўтказилувчи зиёфатлар, «сафар оyi» кабилар билан боғлиқ турли-туман маросимлар, байрамлар ҳамда уларда фаол иштирок этувчи жинслар ўртасидаги тафовутлар тўғрисида бугунги давр учун ҳам жудаям қизиқарли маълумотлар қайд этилган.

Наливкинлар Наврўзда сумалак маросимининг келиб чиқиши тарихини қуйидагича тарзда изоҳлагандилар: қишда донни сақлаш усуллари ҳамда шакллари яхшилангунча кишилар буғдой сақлашга жудаям қийналганлар, қишнинг охирларига келиб махсус ўраларда сақланган дон нишлаб қолган. Шунда нишлаб қолган буғдойдан ун ҳосил қилишга уринганлар. Натижада эса, ун ўрнига бошқа ширин таом ҳосил бўлган экан. Бу тўғрида кўни-қўшнилarga ҳам маълум қилинган. Авваллари ҳеч ким томонидан кўрилмаган янгича таом уларга жуда манзур бўлган. Эрта баҳорда нон ҳамда дон узилиши пайтида шундай бўлиши ҳам табиий эди. Ана шу тариқа оилада сумалак тайёрлаш жараёни алоҳида бир маросимга айланиб кетган. Ушбу қарашдан шундай хулосани қилишимиз мумкинки, бундай таомни тайёрлаш вазифаси асосан аёлларнинг зиммасида бўлгани учун ҳам сумалак аёлларнинг маросимига айланиб кетган.

Шу сабабдан ҳам юртимиз тарихини жудаям яхши ва жиддий ўрганган шарқшунос олим В. Москалев «Ўзбек аёлининг табиатида туғма жўшқинлик, туғма қизиқувчилик ва туғма ақл мавжуд»лиги хусусида бениҳоя ҳайрат ва ҳавас билан ёзиб қолдирганди.

Н. Ликошиннинг куз фасли ўрталари ёки унинг поёнида энг дастлабки оппоқ қор гупиллаб ёға бошлаган паллада дўст-биродар, ошна-оғайнилар ва жўралар орасида амалга оширилган «Қорхат» ўйин-маросими, баҳорни роса интиқиб кутиб олиш, яъни баҳорги сайиллар тўғрисидаги маълумотлари ҳам аждодларимиз томонидан ўтказилувчи байрамлар тўғрисидаги тасаввурларимизни янада ҳам ойдинлаштириб юборади. Муаллиф XX аср бошларидаги мазкур байрамона сайилларнинг ўтказилиши тартиби ва жараёни ҳақида ҳам жуда муҳим маълумотлар берган.

Ўзингиз ҳам номини эшитган машҳур олим В. Вяткиннинг Самарқандда Наврўз айёмининг кутиб олиниши билан боғлиқ жуда қизиқарли маълумотлари эса анъаналарни абадиётга айлантирган улуғ айёмнинг ўзига хос таркибий қисмлари тўғрисидаги фикр ва хулосаларимизни янада ҳам аниқлаштириб олишимизга қулайроқ имкониятни яратиб беради.

Умуман олганда, XIX аср охири – XX аср бошларидаги даврий матбуот – газета ва журналларда чоп этилган мақолалар хабар ёхуд маълумот шаклида ёзилган бўлса-да, муаллифларнинг шахсан ўзлари ўша даврда нишонланган байрамларнинг бевосита гувоҳи бўлганликлари ёхуд масалани шаклий жиҳатдан ниҳоятда яхши биладиган ахборотчилардан олган маълумотлари ҳам Сиз азизларнинг қўлингиздаги қўлланма-китобнинг ёзилиш жараёнида муҳим аҳамиятга молик манбалардан бири вазифасини бажарди.

Ўзбек халқининг анъанавий байрамлари тарихи ва мазмун-моҳияти борасидаги дастлабки илмий изланишлар XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкашунос, тарихчи, этнограф тадқиқотчилар ҳамда чор Россиясининг Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатган мустамлака идоралари вакиллари томонидан амалга оширилган.

Марказий Осиё тарихини жиддий ўрганган рус шарқшунос олимлари К. А. Иностранцев ва А. А. Бобринский байрамларга оид айрим маълумотларни Сосонийлар даври, Вохан ҳамда Ишқошим

тожиклари мисолида келтирган эдилар. Тадқиқотчи-олимларнинг илмий ишлари айни ўзбекларнинг турмуши билан бевосита боғлиқ бўлмаса-да, турли-туман байрамларимизнинг келиб чиқиши ҳамда ривожланиш жараёнини кўрсатиб бериш ҳамда уларни қиёсий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

XIX аср охири – XX аср бошларида амалга оширилган қатор илмий тадқиқотлар эса профессионал даражадаги мутахассислар томонидан бажарилмаган. Лекин, улар мавзу доирасида илк бора эълон қилинган илмий ишлар эканлиги ҳамда шахсий кузатувлар асосида ёзилганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга. Бироқ, ушбу қайдномалар кўпинча асл мутахассислар томонидан йиғилмагани туфайли ҳам, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда маҳаллий хусусиятлари борасида батафсил, аниқ тасаввур ҳосил қилишга сира имкон бера олмайдиган, таърифий, тавсифий характердаги ёки узук-юлуқ маълумотларнинг ўзига хос бир мажмуидангина иборат бўлиб қолган.

Инсоф юзасидан ҳам алоҳида қайд этишимиз лозимки, мазкур маълумотлар ўзбек халқи байрамларининг генезиси (яъни, келиб чиқиши, туғилиши) ва унинг эволюцияси жараёнини ўрганишда ҳамда тегишли равишдаги илмий хулосалар чиқаришда ниҳоятда катта амалий аҳамиятга эга.

Этнограф Е. М. Пешчереванинг Қўқон уездининг Исфарасида ўтказилиб келинган «лола сайли» тўғрисида маълумотлари ҳам ўзбек халқи анъанавий байрамларини ўрганиш жараёнида муҳим аҳамиятга молик. Жумладан, тадқиқотчи бу сайилнинг ўтказилиш тартиби, унда эркак ва аёлларнинг иштироки, сайил билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, сайил давомида турли тоифа ва табақадаги кишилар томонидан ниҳоятда мириқиб айтиладиган, куйланадиган халқ оғзаки ижодиётига доир муҳим маълумотларни қайд этган.

Олиманинг аниқлашига қараганда, бу байрам кечкурун саф-саф бўлволиб, бир-бирларининг бўйинларидан қўлларини ўтказиб олган йигитларнинг яллалар айтиб лола териш учун қир-адирларга чиқиб кетиши билан бошланган. Иккинчи куни эрта тонгдан бир дарахтни кесиб, уни гуллар билан безатганлар. Янги, тоза либослар кийган, чаккаларига, бошларига гуллар таққан кишилар боғларда

гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланиб, ўйин-кулги қилганлар. Каттакон гул-дарахт тайёр бўлгач, қўшиқ айтиб, ўйнаб уни кўтариб сайилгоҳга олиб борганлар. Шак-шубҳа йўқки, байрам Фарғона водийсининг бошқа жойларида ҳам шу тартибда ўтган.

Айни шу даврларда фаолият юритган М. Гаврилов ҳам қиш фаслида ўтказилувчи маросимлар тўғрисида қатор маълумотларни ёзиб қолдирган. Илмий тадқиқотчи «яса-юсун» ҳамда «гап-гаштак» маросимлари генезиси ҳамда уларнинг ривожланиши борасидаги алоҳида диққат-эътиборга сазовор мулоҳазаларини баён қилган.

XX аср 20 – 30- йилларида байрамлар тарихи, улар мазмун-моҳиятини жиддий равишда ўрганиш борасида амалга оширилган илмий тадқиқотларга ям шўроларнинг коммунистик, экстремистик мафкуравий тазйиқи ва таҳдиди ҳали унча кучли бўлмаганлигини кузатамиз. Шу боисдан ҳам айнан ана шу даврдаги илмий ишларда келтирилган турли тарихий маълумотлар кейингиларига нисбатан бирмунча аниқлиги ҳамда унчалик сохталаштирилмаганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

XX аср 40 – 70- йилларида ҳаддан ташқари кенг қулоч ёйган, халқ ҳаётининг барча жабҳаларига жудаям салбий таъсир этган коммунистик идеология тазйиқлари кўплаб миллий қадриятлар қатори анъанавий байрамларнинг ўтказилишига ҳам жиддий тарзда тўсқинлик қилган. Тинимсиз равишда амалга оширилган шўровий агитация-пропаганда ҳамда амалий ҳаракатлар оқибатида миллий байрамларнинг айрим ижобий жиҳатлари аста-секин бўлса-да, халқ хотирасидан ўчириб ташлана бошлаган эди. Мазкур даврда амалга оширилган аксарият тадқиқотларда анъанавий халқ байрамлари тарихи ва мазмун-моҳияти синфийлик, партиявийлик, атеистик ва айнан коммунистик идеология нуктаи назаридан ёндашилган ҳолда ёритилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мазкур даврда Марказий Осиёдаги қўни-қўшни халқларнинг турмуш тарзидаги байрамлар этнограф мутахассислар томонидан анча яхши ўрганилган, бу борада маълум бир ижобий натижаларга ҳам эришилган. Хусусан, Х. Аргынбаев ҳамда Ж. Х. Кармышева, Д. Айтмамбетов, Т. Д. Баялиева, А. С. Бежкович, Л. Майский, Н. А. Кисляков, М. Р. Раҳимов, И. Муҳиддинов, Р. Р. Раҳимов, В. Н.

Басилов сингари этнолог олимлар тадқиқотларида Марказий Осиё халқларининг қадимий, кейинчалик эса исломлашган қарашлари, деҳқончилик ва чорвачилик, байрамлар билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар тўғрисидаги қизиқарли, ибратли маълумотлар мавжуд.

А. Х. Ҳамроев Бухоро вилоятида қадим замондан ўтказилиб келинган «қизил гул сайли» деб номланувчи ажойиб маросимниям жиддий равишда ўрганиб, гул сайлининг келиб чиқиши, ўтказилиш жараёнини ва унинг халқимиз турмуш тарзидаги ўзига хос амалий аҳамиятини батафсил ёритишга ҳаракат қилганди. Унинг ёзишича, майдон, бозор ва сайилгоҳларда кураш, кўчқор уриштириш, баъзи пайтларда эса улоқ уюштирилган, ҳар хил томошалар кўрсатилган, дорбозлар ўйнаган. Қиз-жувонлар эса гуруҳ-гуруҳ бўлиб уйма-уй кўшиқ айтиб, ўйнаб келин кўрди маросимини ўтказишган. Чунки, айнан шу кунда қизлар ҳам, йигитлар ҳам ниҳоятда эркин бўлиб, бир-бирларини бемалол кўришлари, қулай фурсатдан эса унумли тарзда фойдаланиб ўзаро севги изҳор қилишлариям мумкин эди.

Хоразмда ҳам ўтмишда «Қизил гул» байрамининг умумхалқ айёми сифатида ҳам нишонлангани хусусида Абу Райҳон Беруний маълумотлариям бор. 1883 йилда бутун Марказий Осиёни айланиб чиққан венгер олими Г. Вамберининг бу тўғрида ёзганлариям жуда қизиқарлидир. Бу масала хусусида С. П. Толстов, Г. П. Снесарев, Н. П. Лобачева, Т. Қиличев каби фидойи олимлар тадқиқотларида инобатли шарҳларни, фикр-мулоҳазаларни баён этганлар.

Маълум бўлишига қараганда, «Қизил гул» байрами Хоразмда ҳам одатдаги тартибда ўтар экан: гул сайли, ўзаро қутлов, майдон ва сайилгоҳда кураш, пойга, кўчқор уриштириш, дорбозлик, рақс, масхарабозлик. Т. Қиличев «Қизил гул» байрамининг уч кун давом этиши, айёмнинг иккинчи куни бўлиб ўтадиган «Ёр танлаш» деган маросими, учинчи кунида эса арғимчоқларда учиш ва олма отиш ўйинларининг тафсилотларини ёзиб олиб, байрамнинг ўтказилиши тартиби ҳамда мазмунини анча тўлиқ тарзда тиклаб берган эди.

Тадқиқотчи Р. Я. Рассудова эса Фарғона водийсининг суғорма деҳқончиликка ихтисослашган ҳудудларида ҳаёт манбаи бўлмиш сув ҳавзаларининг ҳомий культлари, аҳоли турли табақаларининг уларга нисбатан ижобий муносабати ҳамда қишлоқ хўжалигида

жамоанинг жуда муҳим ўрни ҳақидаги таъсирчан маълумотларни берган.

Академик Карим Шониёзовнинг бир қатор монография ҳамда илмий мақолаларида ўзбек халқининг анъанавий байрамлари билан бевосита боғлиқ ўта қимматли тарихий маълумотлар мавжуд.

Хуллас, кўрсатилган даврга доир адабиётларда келтирилган тарихий маълумотлар миллий қадриятларнинг анчагина чеклаб қўйилганлиги, ва айниқса, диний тусга эга бўлган байрамларнинг коммунистик мафкура таъсири натижасида ўзининг асл моҳиятини йўқотганлигидан ҳам яққол далолат беради. Шунингдек, бу даврда юртимизга европаликларга хос бўлган бир қатор байрамларнинг кириб келиши ҳамда ўзбек халқи турмуш тарзида ўзига хос ўрин эгаллаганлигини ҳам яққол кўришимиз мумкин.

XX асрнинг 80- йилларидан кейинги даврда ҳам ўзбек халқи анъанавий байрамларининг айрим бир кўринишларини ўзида акс эттирган илмий тадқиқотлар амалга оширилган эди. Хусусан, Г. А. Брыкина ҳамда Н. Г. Горбунова сингари археологлар томонидан Фарғона водийси аҳолисининг энг кўхна деҳқончилик маданияти айнан археологик материаллар асосида таҳлил қилиниши борасида фундаментал тадқиқотлар амалга оширилганди. Улар зироатчилик билан боғлиқ қадимий байрам, турли урф-одат ва маросимларнинг илк тарихий илдизларини ёритишда ўзига хос равишдаги назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Умуман олганимизда эса, юқорида номлари ҳам қайд этилган тадқиқотларда Фарғона водийсидаги деҳқончилик маданиятининг шаклланишининг тарихи, зироатчилик маросимлари ҳамда қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ қадимий культлар тарихига доир қатор диққат-эътиборга сазовор фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, буюк халқимизнинг жудаям кўхна ва навқирон, ўзига хос бўлган байрамларининг мазмуни ва моҳиятини қиёсий жиҳатдан таҳлил этишга жиддий равишда кўмак берди.

Байрамларимиз тарихининг билимдони ҳамда йирик этнолог олим Очил Бўриев йил тақвимига алоқадор Наврўз ва исломий маросимлар мазмун-моҳиятини тарихий манбалар асосида ёритиб берган. Бу бўлса бизларга асрларнинг бағридан келган шодиёна,

башариятнинг боқий байрами – Наврўз тарихи манбашунослигини ўрганиш жараёнида бирмунча қулайлик, енгилликларни туғдиради. Очил Бўриевнинг қаламига мансуб “*Муродбахш кунлар*” номли рисолада асосан Қамарий (Ой) тақвим билан боғлиқ тасаввурлар ҳамда ушбу тақвим асосида ўтказилувчи турли исломий маросим ва байрамлар таъриф-тавсифи ўз аксини топган.

XX аср 80- йиллари охирига келганда юртимизда ижтимоий-сиёсий вазият анча ўзгариб, жамият ҳаётида демократлаштириш жараёни бошланганлигидан катта ёшли кишилар яхши бохабар. Бу жараён бўлса, ўз навбатида, ўша даврларда ўтмиш ҳақида ошкора, холисона фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳам имконият яратганди.

Айнан мана шу даврдаёқ аҳоли маънавий-маърифий эҳтиёжи, эл-юртнинг манфаатларига ўта мос келганлиги туфайли анъанавий урф-одат ва маросимлар, қадимий ва навқирон халқона байрамлари ҳеч қандай тарғибот-ташвиқотларсизам тагин қайтадан нишонлана бошланган эди.

Умуман олганда, собиқ иттифоқ замонида этнограф олимлар томонидан йил тақвими билан боғлиқ маросимлар ва қарашларга оид бошқа ҳудудларнинг мисолида ҳам жиддий равишдаги илмий тадқиқотлар бажарилган. Чунончи, айнан мазкур даврда кўпгина китоб, рисоалар ва мақолалар нашр этилган бўлса-да, уларнинг бирортаси «ўзбек халқининг анъанавий байрамлари» йўналишида бўлмаган. Шўролар томонидан бўлса айрим халқ байрамларига гўё диний тус берилиб, уларга айнан партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридангина салбий муносабатда бўлинган эди. Шундай тазйиқ ҳамда таҳдидларга қарамай, 80- йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотларда янгича ва холисона қарашлар ҳам ўзини аста-секин намоён эта бошлаганди. Хуллас, юқорида қайд этилган барча фикр, мулоҳазаларимизни умумлаштириб ифодаладиган бўлсак, ўзбек халқининг анъанавий байрамлари мазкур даврда ҳам умумлашган, яхлит равишда махсус ўрганилмаганлигига яққол гувоҳ бўламиз.

У. Қорабоев ўзбек халқи байрамлари тарихи ва ривожланиш босқичларига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотларни амалга оширган. Жумладан, Наврўз, Меҳржон ва сайиллар (сув, қум, қо-

вун...)нинг турли даврларда, турли-туман ҳудудларда қай даражада нишонланганлиги масаласига алоҳида эътибор қаратган.

Исо Жабборовнинг *“Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти”* номли ўқув қўлланмасида ҳам халқнинг анъанавий байрамларига оид қимматли, диққат-эътиборга молик фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Машҳур фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» Маматқул Жўраев кўплаб тадқиқотларида ўзбекларнинг анъанавий халқ байрамларига оид барчага маълумотларни келтирган. Унинг бир қатор асарларида ўзбекларнинг самовий тасаввурлари, турли-туман мавсумий маросимлар – қишки, баҳорги, ёзги ҳамда кузги маросимлар, чорвачилик билан боғлиқ маросимлар фольклорининг жанрлар таркиби атрофлича, жудаям теран равишда ёритилган.

Наманган вилояти Косонсой туманида таваллуд топиб, йирик этнолог олим, тарих фанлари доктори ва профессор даражасига эришган А. Аширов илмий тадқиқотлари асосан ўзбек халқининг энг қадимий эътиқодлари йўналиши доирасида бўлса-да, уларнинг деярли барчасида асл халқона, боқий байрамларимизнинг тарихий илдизлари ҳақидаги диққат-эътиборга молик фикр-мулоҳазаларни учратишимиз мумкин. Муаллифнинг *«Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари»* деб номланган, ўнлаб йиллик жиддий илмий изланишлар, юзлаб билафон, турли миллатлар вакиллари бўлмиш ахборотчилар билан дилдан суҳбатлари самараси бўлган монографиясида ўзбек халқи турмуш тарзига оид кўпгина бениҳоя муҳим тарихий-этнографик маълумотлар берилган. Этнолог олим томонидан келтирилган далиллар бўлса, ўз навбатида, анъанавий байрамларимиз генезиси (келиб чиқиши)ни жудаям жиддий тарзда ўрганиш жараёнида халқимизга зарур ва ғоятда қимматли тарихий маълумотлар сифатида хизмат қилади.

Андижон Машинасозлик институтининг профессори, тарих фанлари доктори У. С. Абдуллаевнинг 2005 йилда Тошкентдаги «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар» номли монографиясининг «Оилавий урф-одат ва маросимларда этник ҳамда умумминтақавий жиҳатлар» деб номланган бўлагиди ҳам бу масалага доир маълумотлар мавжуд.

Ҳар бир йилнинг дастлабки чораги, яъни баҳор фасли турлитуман байрамлар ҳамда маросимларга тўла бир палла ҳисобланади. Шунингдек, ушбу даврлардаги маросимларда ўзбекларнинг табиат билан боғлиқ қадимий фалсафий қарашлари ўзини яққол намоён этади, айнан шу сабабли бундай урф-одат ҳамда маросимлар доим тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Тадқиқотчи З. Исоқов Фарғона водийси аҳлида деҳқончилик тақвими билан боғлиқ айрим бир урф-одатлар ҳақидаги қимматли маълумотларни келтирган бўлса, ўзга бир тадқиқотчи И. Жалилов ёмғир чақириш маросимини анчагина тузук ёритиб берган.

НамДУ Архившунослик кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди А. Саримсоқов ўзбек халқи тақвимий маросимларининг яхши билағони, бу борада монография ва мақолалар муаллифи.

Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлоли йилларида амалга оширилган жиддий илмий тадқиқотлар туфайли байрамлар хусусида ҳақиқий, ҳолисона фикр-мулоҳазалар ва илмий қарашлар тантанаси бошланганлигини эса, ўзингиз ҳам жудаям яхши кўриб-билиб турибсиз. Анъанавий байрамлар билан боғлиқ урф-одатлар, маросимларга оид изланишларнинг натижалари турли адабиётлар, журнал ва газеталарда нашр этилганлигидан бохабарсиз. Уларнинг баъзиларини бўлса ўзингиз ҳам маза қилиб, жуда қувониб, ғурурга, завқ-шавққа тўлиб-тошиб ўқиб чиққансиз.

Бундай тадқиқотларни амалга оширган илмий изланувчилар бўлса асосий диққат-эътиборларини кўпроқ локал (маҳаллий) урф-одат ва халқона анъаналарга – Наврўз, деҳқончилик, чорвачилик, мавсумий маросимлар тарихи, урф-одатларнинг таъриф-тавсифига қаратганлар.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли стратегик аҳамиятга молик машҳур китобида ҳақли тарзда таъкидлаганидек: «Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга, унинг бойликларига бўлган муносабатни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик даражада зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай

суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик даражада муҳимдир Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадим-қадимдан эъзозлаб келинган, аجدодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрланиб келган...

Одамларни дарёларнинг мусаффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга ҳам чексиз даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас».

Сизнинг қўлингиздаги миллий ғоямиз тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган мазкур услубий қўлланмада тарихий манбалар, турли тарихий даврларда яратилган асарлар, рисоалар, илмий-оммабоп мақолалар умумлаштирилган ҳолда, башариятнинг боқий байрами ва анъаналаримизни абадиятга айлантирган айём – Наврўзнинг тарихи, унинг асл мазмун-моҳияти, унинг бугунги – сиёсий истибдодга чек қўйиб, порлоқ, ёрқин истиқболга етакловчи миллий истиқлол давридаги маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва роли масаласини баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилинди.

ҚАДИМИЙ АЖДОДЛАРИМИЗ – ЗАРДУШТИЙЛАРНИНГ АЗИЗ АЙЁМЛАРИ

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ, яъни бундан камида деярли уч ярим минг йил муқаддам улкан

Евроосиё материгининг чинакамига юраги бўлмиш Туронзаминда истиқомат, умргузаронлик қилган энг қадимий аждодларимизнинг диний эътиқоди зардуштийликка асосланган эди.

Курраи заминда мавжуд ҳаёт талабларига жавоб берувчи янги илғор, энг замонавий дунёқарашларни бани башарга етказиб бериб, инсоният ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк сиймолар ниҳоятда кўп бўлганлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Улардан бири бўлса, шак-шубҳасиз, ҳанузга қадар унга бағишлаб жуда кўплаб асарлар ёзилаётган Зардушт ҳисобланади.

Зардушт Ахура Маздани ягона Илоҳ сифатида эълон қилиб, инсоният тарихида илк бора ваҳдоният (яккалик, ягоналик) ғоясига таянган – зардуштийлик динига асос солган эди.

Зардуштийлик атамаси бўлса ушбу динга нисбатан шартли равишда қўлланганди. Бу истилоҳ янги эътиқод-динни айнан унинг пайғамбари номи билан бевосита боғлаш натижасида пайдо бўлган эди. Аслида бўлса, Зардушт дини ўша замонларда Мазда Ясна деб аталган, яъни Маздага, «Мутлақ оқил» зотга чин дилдан сиғиниш, топиниш, ва ундан нажот тилаш деган маънони англатган.

Зардуштийлик таълимотига биноан, ушбу дунёнинг ибтидоси бўлгани сингари интиҳоси ҳам муқаррар, яъни борлик вақт, замон ўлчамида мутлақо чексиз эмас. Зардуштийлар бутун дунё асосини икки бутунлай бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳодиса – эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, ёруғлик ва қоронғилик, нур ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, поклик ва ифлослик, эркинлик ва тобелик ўртасидаги азалий ва абадий кураш ташкил қилади, деб ҳисоблаганлар.

Шунинг учун ҳам улар бу дунёдаги барча ижобий ҳодисалар – фазилатларни эзгуликнинг тангриси – Ахурамазда (Хурмуз) ҳамда ҳамма салбий нарсалар – иллатларни эса ёвузлик худоси – Анхара-Майнью (Ахриман)нинг иродасига, унинг хоҳиш-истагига бевосита боғлиқ деб тушунганлар.

Ахриман қўшинлари таркибига девлар, олдинги замонларнинг худолари, иғво, ёлғончилик, ялқовлик, лоқайдлик, тайёрхўрлик, танбаллик, ҳасад, тухмат, бўҳтон сингари жонлантирилган ёмон тушунчалар, ёвуз кучлар ҳамда жодугарлар ҳам кирган бўлиб, улар

башарият ҳаётининг асоси бўлмиш оловга, ерга, сувга ва чорвага тинимсиз зарар етказишга уринганлар. Ахриман ўлим, қиш, совук, жазирама иссиқни, зарарли ҳайвонларни ва ҳашаротларни яратган, деб ўйланган эди. Ахриман табиат ҳамда одамзод аҳлига тинимсиз равишда ҳужум қилиб инсониятни Ахурамазда измига юрмасликка бетиним даъват этавериб, бутун дунёни вайронага ва харобазорга айлантиришга интилаверади. У инсонга ҳужум қилган пайтларида, кишининг юраги ҳам сиқилиб, кўзига кенг дунё торайиб кўринади, дилиям хуфтон бўлади, «ичига чироқ ёкса, сираям ёришмайди», деб тасаввур қилинган. Ахриман ҳасад ва нафс воситасида одамлар ўртасига нифоқ солишга уриниб, улар орасига ёлғон-яшиқ, тухмат, бўхтонлар, миш-мишлар уруғини сепаиб, эзгу йўлдан адаштиришга уринаверади. У ўзининг бузғунчи кирдикорларини ёрдамчилари – иблислар, ёвуз руҳлар ва шайтонлар орқали бажаради. Унинг энг яқин кўмакчилари эса «Дайва» (ёвуз қизлар) деб номланган. Ака Мана (ёвуз ўй-ният), Таурви (сўлиш, қовжираш), Бужи (кўркитув, ваҳима), Зарик (ўлим), Айшма (кутириш ва адоват) Ахриманнинг бевосита ҳамкорлигида эзгу ниятли инсонларга доимий равишда хуруж, ҳужум қилиб турадилар. Масалан, Айшма адоват, хусумат, зўрлик ва қаҳр-ғазабнинг ҳомийси сифатида уруш-жанжал, нифоқ, мастлик, турли тўс-тўполонларни ҳамиша илҳомлантириб туради. Бугунги кунлардаям айш-ишратдан сира боши чиқмаётганлар, Она табиатга зуғум қилиб, уни беҳад булғаётганлар айнан Айшманинг ёвуз йўл-йўриқлари бўйича иш кўрсатиб қўяётган кимсалардир.

Муқаддас «Авесто»нинг «Яшт» китобида бўлса шундай фикр ёзилган: «Мастлик кетидан келар, Қонхўр Дайва – Айшма» (Аши алқови, 2-бўлим). Ахриман томонидан яратилган иблислар орасида унутилиш ва хотирасизлик билан чамбарчас боғлиғи «Маршаван» деб аталган. Унутилиш эса буюк аجدодларимиз томонидан турли авлодлар ўртасидаги маънавий узилиш деб билинган ҳамда улар ўзларини ушбу ярамас хотирасизлик иллатидан асраб-авайлашга тинимсиз тарзда интилганлар, болаларини ҳам огоҳлантирганлар.

«Сувни йўқотгувчи» деган маъно-мазмунни берувчи «Апаша» қурғоқчиликнинг, ёмғирсизликнинг деви ҳисобланган. «Бушйаста» қўллари ниҳоятда узун дев сифатида тасвирланган. У эзгу ниятдаги

инсонларнинг куч-ғайрати, шижоатини, маррани доим баланд олиб тинимсиз равишда олға интилишини ўз қўллари, яъни «илки узун танбаллик» билан тўхтатиб, дангасалик, ишёқмасликка тортади деб ҳисобланган. Шу сабабдан ҳам «Бушйаста»ни енгил ўша замонда ниҳоятда савоб ишларнинг қаторига киритилган эди.

«Авесто»нинг матнларида ёвуз кучларга нисбатан ўзига хос «девлар луғати» қўлланган эди. Масалан, девлар сира «юрмайди», «тентирайди», уларда ҳеч қачон «юз» эмас, «башара», «бош» эмас, аслида «калла» бўлади. Ахриман томонидан яратилган барча жуда ҳам заҳарли, зараркунанда жониворлар ва ҳашаротлар «Храфстра» деб аталарди. Бутун ҳаётий фаолияти ёмонликдан иборат бўлган ушбу храфстралар Ахуравий кучларга қарши яратилган. Улардан бири скайатя ҳашароти эса ғалла ва ўсимликлар ичига яшириниб олади ва ўз заҳарли нишларини сигирларга санчади. «Авесто»нинг «Вандидод» қисми 17- фрагард, 1- бўлим, 3- бандида эса бундай ярамас ҳолатнинг сабаби қуйидагича изоҳланган: «Аждодларнинг кўхна маросимларига эътиборсизликлар оқибатида... экинзорларда буғдойларни егувчи ҳашаротлар, уйларда либосларни кемирувчи махлуқлар ер юзини босиб кетади».

Зардуштийлар эътиқодига кўра, ахриманий кучларга қарши курашиш, храфстраларни ўлдириш ва уларни буткул йўқ қилиш ўта хайрли, энг савобли ишлардан бири ҳисобланган. Бу хусусда бобокалон китобда шундай ёзилган: «Эзгу фикр, эзгу калом ҳамда эзгу амал саодатини олқишлаймиз. Қабих андиша, қабих сўз ҳамда қабих амаллар билан курашмоқни шарафлаймиз» (Виспирад, 24- бўлим, 1- банд).

Муқаддас «Авесто»нинг саҳифаларини жуда синчиклаб ўқиш чоғида аждодларимиз ҳатто бугунги даврни ҳам олдиндан таҳлил қилиб кўрган бўлсалар керак, деган мулоҳаза туғилади. Фравардин қасидасининг, 22- бўлим, 66- бандида эса қуйидаги савол бежиз қўйилмаган бўлса керак, деган фикрга келдик: «Ҳар битта хонадон, қишлоқ, ўлка ва сарзамин сувга сероб бўлмоқнинг умидида чиқади қа дейди: – Наҳотки бизнинг заминимиз қакраб, вайрон бўлади?». Шундан сўнг 66 – 67- бандларда ушбу саволга қуйидагича жавоб қайтарилган: «Фравашилар муҳораба майдонида ўз хонадонлари ва

сарзаминлари учун курашадилар. Зеро, уларнинг туккан хоналари ва кошоналари бор. Улар гўё белига уруш куроллари осиб олган жасур эр каби мулкани хушёрлик билан қўриқлайди.

Хонадон, қишлоқ, ўлкалар ва сарзаминларга сув элтиб берган фравашилар шундай дейишади: – Бизнинг тупроғимиз хуррам, ям-яшил ҳамда бахтли бўлмоғи керак!»...

Шунингдек, ўша Ахриман томонидан дайвалардан нисбатан камроқ кучга эга бўлган Дэва (иблис қиз)лар ҳам яратилган эди. Араска (хасад), Пуш (хасислик), Змака (қаттиқ совуқ билан боғлиқ турли-туман азоб-уқубатлар) шулар жумласига киради. Дэваларга Друж (фирибгарлик, ёлғон, каззоблик, алдов)лар, аёл тимсолидаги баджаҳл махлуқлар ва Наса (юқумли касалликларни тарқатувчи микроб)лар доимий равишда кўмаклашиб юради.

Ахурамазда бўлса инсонларга яхшилик, соғлиқ, бахт, омадни, тинчлик, қут-барака, фаровонликни келтирувчи илоҳ ҳисобланган. Шу сабабга кўра, зардуштийлар эзгуликнинг илоҳидан фақатгина яхшиликларни тинимсиз равишда тилаб, ёвузликнинг худосидан бўлса инсонларга ёмонлик қилмаслигини жуда ҳам ўтиниб, қаттиқ нидо, илтижо қилиб, ёлвориб сўраганлар.

Ахурамазда Ахриманга қарши кураш учун қуйидаги муқаддас ва эзгу руҳлар – Амеша Спенталарни яратган: Воҳу Мана (Бахман) – Яхши ният (Эзгу Онг); Аша Ваҳишта (Ардибиҳишт, Ашаҳ ҳақиқат) – Бениҳоя адолатлилик (Олий Ҳақиқат); Хшатра Ваирйа (Шахривор) – Орзу этилган жудаям буюк қудрат (Матлуб Қудрат); Спента Армайти (Сипандормаз) – Диёнатли авлиёлик (Матлуб тавозе); Хаурватат (Хурдод) – Яхлитлик (Соғ-саломатлик ҳамда мукаммаллик); Амарэтат (Мурдод) – Мангулик (яъни, Абдий барҳаётлик).

Кейинчалик эса Ахурамазданинг ўзиниям худди шу таркибга қўшиб, муқаддас илоҳларнинг сони еттитага етказилган ва улар «барҳаёт азизлар» деб атала бошлаган эди. Ана шу еттита илоҳий хилқатлар сонига мутаносиб тарзда етти хил нарса ҳам яратилган. Ушбу муқаддас руҳларнинг ҳар бири мавжуд моддий дунёнинг ўзига хос ҳомийлари деб ҳисобланганди.

Аждодларимиз Баҳманни – ҳайвонларнинг, Ардибиҳишти – оловнинг, Шаҳриворни – металлларнинг, Сипондармазни – замин, Мурдодни – ўсимликларнинг раҳнамози сифатида англаганлар.

Сипондармаз, Хурдод ва Мурдод илоҳалар деб ҳисобланган. Сипондармаз руҳий оламда сабрлилик, чидамлилик каби хислатлар ҳомийси бўлса, моддий оламда эса заминни қўриқлагувчи, уни ўта пок тутгувчи ва барчага қут-барака ато этувчи илоҳадир. Қадимги аждодларимиз Она заминимизнинг раҳнамози ўша Сипондармазни Ахурмазданинг қизи деб ҳам билганлар.

«Комиллик» ва «тўғрилиқ» маъноларини ифодаловчи Хурдод эса заминий ҳаётда сувларга пушт-паноҳ ҳисобланган. «Авесто»да пок, мусаффо ҳавонинг илоҳи Андарвай деб номланган. У аксарият ҳолларда «забардаст» сифати билан бирга қўлланган. Фрадот Фшу бўлса «майда чорваларни парвариш этувчи» маъносини англатган илоҳа бўлган. Туманларни ва ҳудудларни ўзининг паноҳига олган илоҳ Зантум деб аталган. Апам Напат эса сув илоҳи сифатида тасаввур қилинган эди. Бу сўзнинг ҳақиқий, асл маъноси «сувлар набираси»дир. У эса «Авесто»да «улуғ шаҳриёр», «учқур» сингари ижобий сифатлар ила қўлланган. Нмаянх – уй-жойларни асрагувчи, Пориндий эса бойлик, қут-барака, файз-фаровонлик маъноларини ифодаловчи, турли-туман ноз-неъматларни авайлаб-асровчи илоҳа сифатида билинганди. Барча ҳайвонларга ҳомийлик қилгувчи илоҳ бўлса Сванҳи, уруғ-насллар ҳамда қишлоқлар илоҳи Вися, фойдали жониворларни кўпайтиргувчи илоҳ бўлса Гуш-Урвон, ғоятда кенг, покиза ва бўлиқ яйловлар, эл-юрт тинчлик-осойишталиги маъбуди эса Роман деб аталган эди.

Зардуштийлик анъаналарининг изчил ривожини мобайнида эса ўша етти «барҳаёт азизлар»нинг мифологик табиатини ҳам ўзида тимсоллаштирган етти нарсаси – ҳаво, тупроқ, сув ўсимлик, сигир, одам, олов шарафига етти байрамни ўтказиш удуми ҳам келиб чиққан эди. Ана шундай байрамлардан иккитаси бўлса бахт-саодат, эзгуликлар, самовий тартибот ва асл ҳақиқатнинг рамзи сифатида улуғланган илоҳа Аша номи билан бевосита боғлиқ ҳолда келиб чиққан бўлиб, бу қадимий удумларнинг неча-неча асрлар давомида муайян ўзгаришларга учраган кўринишлари бўлса халқимизнинг

йилбоши – Наврӯз билан алоқадор анъанавий маросимларининг тизимида сақланиб қолган.

Авестошунос олима Мэри Бойс бу байрамнинг келиб чиқиши кўркам, ниҳоятда гўзал илоҳа Аша тимсолида мужассамлаштириб олинган эзгуликни улуғлаш ғояси билан ҳам бевосита боғлиқлиги ҳақида шундай ёзган эди: «Кўкламнинг келиши Аша-Ваҳишта ва оловга бағишланган байрам сифатида энг қадимдан тантана қилиб келинганлигига ҳам асосланган Зардушт ушбу шодиёнани баҳорий тенгкунликда нишонлашни урф қилган эди. Етти байрамнинг энг сўнгги тантанаси сифатида ушбу байрам дунёнинг охирги кунини, яъни Аша батамом ғалаба қиладиган кунни англатган. Бу ўтаётган йилнинг охирги куни, айти вақтда эса боқий ҳаётнинг янги куни ҳам ҳисобланарди. Ушбу Айём йилнинг Аҳурамаздага тааллуқли мавсуми – ёзнинг бошланиши ҳамда ёвуз Рухнинг ҳар йили эрта кўкламдаги мағлубиятидан далолат берарди».

Демак, ёруғлик ва эзгуликнинг рамзи Аҳурамазда яратган эзгу илоҳа Аша ҳамда оловга бағишлаб ўтказилган энг қадимий баҳор айёмининг аجدодларимиз томонидан анъанавий равишда ўтказиб келиниши асосида башариятнинг боқий байрами – Наврӯз келиб чиққан. Зеро, ўзбек халқининг афсоналарида ҳам наврӯзнинг пайдо бўлишини қуёшнинг чиқиши, оловнинг кашф этилиши ва кўклам бошланиши билан боғлаб тасвирланиши ҳам бежизмас. Чунки, бу байрам олов ва қуёш ҳомийси, эзгуликнинг рамзи Аша номи билан боғланган бўлиб, қиш, совуқ, зулмат билан алоқадор ёвузликнинг рамзий мағлубияти, баҳор ва иссиқлик ҳамда рўйи заминда нурли кунлар ғалабаси ифодасидир.

Ибтидоий диний тасаввурлардан бири – анимизм ақидаларига биноан ўлган кишилар у дунёдаям яшашда давом этади, уларнинг руҳи эса ўз авлодлари ва қавмларига ёрдам бериб туради, борлиқ муҳит бу ёруғ дунёдан ўтган имонлиларнинг руҳи билан тўла деб тушунилган. Айнан ўша руҳлар «Авесто»да «фраваша» сифатида тилга олинган. Фраваша – инсон таваллудига қадар ва ўлимидан кейин ҳам яшайверувчи Қалб ва мададкор фаришталар ҳисобланган. Фраваша атамаси эса ҳимоя қилмоқ, паноҳ бермоқ, кийинтирмоқ, бағрига, оғушига олмоқ каби маъноларига бемалол тўғри келади.

Масаланинг тагин бир қизик жихатиям шундаки, ўша фравашилар инсоният атрофидаги оламни ўраб турган барча табиат ҳодисалари, жумладан, тоғлар, дарёлар, кўллар, чўллар, дарахтлар, бошқаларга ҳам тегишли бўлади, деб чиндан кўнгилдан ишонилган.

«Авесто»нинг «Виспирад» қисми 21- бўлим, 1- бандида эса шундай ёзилган: «Эзгу сувлар, серҳосил гиёҳлар ва ашаванларнинг фравашиларига олқишлар ҳамда ҳамдларни қабул қиламиз. Барча яхшиликларни: сувлар, гиёҳлар, ашаванларнинг фравашиларини олқишламоқ ва ҳамд қилмоқни истагаймиз».

Фравашилар инсонни, уйни, жамият, табиат, қишлоқ, эл-юрт, мамлакатни бало-қазо, инс-жинслар таҳдидидан асровчи ниҳоятда нажоткор куч сифатида анланган.

«Авесто»нинг Ясна қисми (Боғон Яшт, 23- хот, 1- банд)да ушбу масала хусусида шундай мисралар ҳам мавжуд: Фравашилар «осмонни асрадилар ва кўриқладилар, сувни асраб-авайладилар; барча жониворларни асраб-авайладилар...».

Халқимиз тафаккурида ҳам ҳанузга қадар сақланиб келаётган ўтган аждодлар руҳи (арвоҳи)га нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром, умидворлик билан қараш анъанасиям айнан шундай ҳолат билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан ҳам ҳозирга қадар мадҳ этиш, алқов маъносидаги «Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлсин!» деган бир дуо кишиларга руҳий кўтаринкиликни бағишлайди. Фравашилар ўтганларга, яшаётганларга ва туғилажакларга бир хилда тегишли.

Чунки, «Авесто»га кўра фравашилар Ахурамазда томонидан дунё яралмасдан анчагина олдин яратилган. Сув ҳам аввал осмон сингари кўзгалмас бўлган, фравашилар дуосидан кейингина улар бемалол шилдираб оқадиган бўлган, деган ўзига хос тасаввурлар мавжуд эди.

«Авесто» бўйича Хварно – илоҳий бахт, омад рамзи. Сўзнинг фонетик ўзгарган шакли, кўриниши эса – фарр. Хварно жуда ёвуз ниятли кишилардан қочади. У тутқич бермас бир нур кўринишида бўлади. Баъзи ҳолатларда эса қуш (Хумо), оқ рангли кўй ва бошқа қиёфаларга ҳам кира олади. Фар – нур, гўзаллик, шоҳларга хос салобат, шавкат, ҳайбат... Ҳозирги замонда **фарр** ўзаги ўзбек ва тожик тилларида баъзи бир сўзларни – исмларни яшашда иштирок

этишига ўзингиз диққат-эътиборингизни қаратган бўлсангиз керак. Фарзанд, фарахбахш, фаровонлик, фармон, Фарҳод, Фаррух...

Зардуштийлик фалсафасига биноан, эзгулик ҳамда ёвузлик ҳамиша инсоннинг ўзида, унинг ички дунёсида яшайди. Инсон эса Ахурамазданинг руҳидан яратилганлиги туфайли доимо, тинимсиз тарзда яхшилик учун курашмоғи зарур. Лекин, ушбу ёруғ дунёнинг асослари яралишига Ахриман ҳам аралашганлиги сабабидан инсон қалби ва онги ҳам бутун дунё каби яхшилик ва ёмонлик, нафс ва сабр, ҳасад ва саховат сингари фазилат ва иллатларнинг азалий ва абадий кураш, жанг-жадал, ҳарб, муҳораба майдони ҳисобланади.

Зардуштийликнинг энг асосий ахлоқ-одоб, ҳаёт фалсафаси уч сўзда – «Гуманту» – эзгу ўй-фикр, «Гутка» – эзгу сўз, «Гваришта» – эзгу амал тушунчаларида ўзининг ифодасини топган эди. Демак, зардуштийлик дини ақидаси бўйича имон – фикрларнинг софлиги, сўзларнинг собитлиги ҳамда амалларнинг инсонийлигидан иборат.

Шунингдек, зардуштийлар эзгулик худоси Ахурамазда билан биргаликда, Митра (йигит қиёфасидаги қуёш, ёруғлик тангриси), Анахита (ўта чиройли қиз сиймосидаги унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонликнинг илоҳаси), Хумо (жудаям гўзал қуш қиёфасидаги бахт-иқбол, тақдир, бойлик ҳамда қут-бараканинг илоҳаси), Хубби (росаям мард, жасур йигит қиёфасидаги сув тангриси), Миррих (ёш жангчи қиёфасидаги уруш ва ғалаба тангриси) сингариларга ҳам чин дилдан эътиқод қилганлар.

Аждодларимиз учун заминни нурга чулғайдиган қуёш, ризқ-рўзимиз манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва боқий ҳаёт тимсоли ҳисобланган сув ҳамда олов ўта мўътабар ҳисобланган. Шунинг учун ҳам улар ўз уйлари эшигини қуёшга қаратиб очганлар. Эрта тонгданоқ чиқаётган қуёшга қарата, тунда бўлса тўлин ойга қарата уч марта эгилиб, ўзларининг эҳтиромларини ифода этганлар.

Марказий Осиёнинг айрим жойларида эса айнан Наврўз куни доирасимон шаклларни чизиб қўйиш одати XX асрнинг бошларига қадар ҳам сақланиб келган эди. Шубҳасиз, бу доиралар қуёшнинг тимсоли, ёруғлик, эзгуликнинг рамзи ҳисобланган ва айнан Наврўз байрамида кун билан туннинг тенглашишига ўзига хос бир ишора, белги вазифасини ўтаган эди.

Дастлаб Қуёшга, унинг садоқатли йўлдоши, муқаддас оловга алоҳида-алоҳида топинганлар. Бироқ, бора-бора бу тангрилар бири бири билан бутунлай чатишиб кетган. Митра тимсоли ҳам қуёшни, ҳам оловни ўзида жамулжам этган. Айнан шу сабабдан ҳам Митра шаънига бағишлаб уюштириладиган маросимлар, томошалар ҳам шунга яраша анчагина эътиборлироқ, миқёси кенгроқ ва ниҳоятда таъсирчанроқ шаклди ўтказилган эди.

Хоразмийларнинг Курраи Заминга ниҳоятда машҳур «Лазги» рақси келиб чиқишига шу нуқтаи назар билан ёндашсак, сира ҳам хато қилмаган бўламиз. «Лазги»нинг келиб чиқиши зардуштийлик, унинг энг муҳим белгиси бўлмиш қуёш, олов ва Митра тимсоллари билан бевосита боғлиқдир. «Тарих отаси» Геродотнинг қуйидаги фикри ҳам шундан далолат беради: «Аракс (Амударё) бўйларида яшовчи массагетлар кечалари гулхан ёқиб, ўсимлик хидидан роса маст бўлволиб, унинг атрофида бўлса олов ўчгунига қадар қўшиқ айтиб, рақсга тушар эдилар».

Ўзингизам жуда кўп марта унинг шўх садолари остида ўйинга тушган «Лазги» рақсининг бизларга қадар етиб келган нусхаларида зардуштийларнинг қуёшга, оловга, Митрага сиғинишининг излари аниқ сезилиб туради. Аввало, ушбу рақс эркагу аёл, ёшу қари, бою камбағал, шоҳу гадо – ҳамманики. Ҳамма, ҳаттоки, подшоҳлар ҳам ўйнайди, рақсга тушади. Ҳар ким ўзининг ёши, жинсига ва ҳолига яраша рақс ҳаракатлари тўқиб, ўз ҳис-туйғуларини баралла ифода қилиб жўш уриб ўйнайди ҳамда ўзига хос тимсол яратади. Аммо, рақснинг бошланиши бир хил: қўлларини осмонга кўтариб, уларни майин силкитиб, уларга маҳлиё бўлиб бир дам тикилиб турадилар, сўнгра эса кўзларини ерга қадайдилар. Ушбу ҳаракатлар бир неча бор такрорланади. Бунда бевосита Бобо қуёшга сиғинишни, қуёш шуълалари, унинг сиғинувчиларга таъсири ифодасини кўришимиз мумкин. Кейинги ҳаракатлар ҳам аксарят ҳолда атрофида ўйинга тушаётган кишиларнинг ҳолатларини эслатиб юборади: гўё оловга бир яқинлашиб, бир узоқлашадилар, оловнинг тафтидан юзларини беркитадилар, олов атрофида айланадилар, баъзида бўлса оловга сал-пал, жиндаккина тегажоқлик ҳам қиладилар.

Бироқ, шу билан бирга ўша «Лазги»нинг таркибида жанговар ҳаракатларни (жумладан, ўқ-ёй ҳаракатини)ям, табиат ҳодисалари (майин сабо, шиддатли довул каби), ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёси (олма узиш отиш, чағалай парвози сингари) тасвирларини ҳам, ҳиссий-руҳий кечинмалар (муҳаббат нашъаси, қувонч, баъзан бўлса изтироб) ифодасини ҳам учратишимиз мумкин.

Айнан шу жиҳат Н. Раҳимованинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида 1966 йил 3 августида босилган «Хоразм ракси ҳақида ўйлар» сарлавҳали мақоласида Онаш халфа (1885 – 1952) ижросидаги талқини шундай равишда тасвирланганди: «У ўзининг қўлларини юқорига кўтариш билан, боқишларини ерга қадади. Бир неча дақиқа бир жойда қотиб турди. Сўнгра бармоқлари учига жон киргандек бўлиб, аста-секин ҳаракат мавжи баданига ёйилди. Яна у бармоқлари биланам нозик ҳаракатларни қилади. Соллана-соллана қадамини ташлайди, оёғи учига кўтарилиб, йўрғалай бошлайди. Муסיқа усули ҳам тезлашаверди. Унинг сийнаси гўё учишга тайёр кушдай олдинга интилади. Билакларига боғланган қўнғироқчалар жаранглайди. Шунда у жудаям тез, гоҳ юқорига, гоҳ ерга боқиб ҳаракат қилади. Аммо, бошини ўта мағрур тутиб, ўйинга салобат кўшади... Раққоса эса ўзининг ниҳоятда нозик ижроси билан гўёки лашкарларнинг жанг қилаётган ҳолати, шўхгина чўл шамолларини ва ўзининг маҳбубига эриша олмасдан ҳижронда азоб чекаётган гўзал қиз аламини, эркин кушларнинг парвозини ҳикоя қиларди».

Тарихий манбалар шундан ҳам янада яққол далолат берадики, аجدодларимиз қадимий дунёкараши ва ҳаёт тарзи билан бевосита боғлиқ «Лазги»га ўхшаган рақслари V – VII асрларда фақатгина Турон дунёсида эмас, шу билан бирга Хитой ҳамда Ҳиндистонда ҳам ниҳоятда шуҳрат қозонган эди. Чунончи, Хитойда Марказий Осиё орқали ушбу ўлкага келиб қолган «Хусюанью» ракси ғоятда машҳур бўлган. Бу рақсни қойилмақом қилиб ижро этиб берган Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона раққослари қадимги Чин шоирлари томонидан ҳам ниҳоятда юксак даражада мадҳ этилган. Хитой шоири Юань Чжань (776 – 831) бу рақсни шундай таъриф-тавсиф этганди:

Бу дунёда хуск рақсининг
 Маъносини чақолмас ҳеч ким!
 Мен хуск рақсин, ўйинчисин ҳам
 Сизлар учун таърифлаб берай:
 Соч қирқилган, тишларичи,
 Қировдай оппоқ!
 Чарх урганда, олов ҳалқа жиололангандай.
 Йўқ! Осилиб турган каби лоларанг қуёш,
 Учган каби самовотда қуйруқли юлдуз.
 Ялтирайди аждар шакл марварид сирға.
 Бошидаги нозик рўмол камалак рангда...
 Ҳаракати ўн мингтами? Ажратмоқ қийин –
 Қайда унинг бошланиши, қайда охири?
 Раққоса чир айланганда пайқаш маҳолдир
 Юзи қайда, кўкси қайда,
 Қайда кураги, қайда юраги...

Бизни «чарх урганда олов ҳалқа жиололангандай» ва «осилиб турган» сингари иборалар кўпроқ даражада қизиқтиради. Демакки, ўша раққоса тана ҳаракатлари билан оловни, қуёшни ифода қилган, уларга топинган. Бошқа бир шеърда бўлса ҳарир либос кийволган раққосанинг иккала қўли билан кўкка интилиши, сўнгра қуюндай, гўёки арава ғилдирагидай чир айланиши ажиб бир эҳтиром билан қуйланади. Шоирлар раққосалар ижросидаги чархлар тасвирига алоҳида диққат-эътибор қилишганки, бу бежизга эмас. Ўзингизга маълум: «Чарх» – бу борлиқ, коинот, фалак; қуёшнинг ҳаракати.

V – VII асрлардаги Туронзаминдан чиққан раққосалар қуёшга тақлид қилар эканлар, унинг ҳаракатларини ўзларининг чапдан ўнгга томон росаям гир айланишлари билан ўзига хос тарзда ифода қилолганлар. Чархларнинг ўзбек халқ рақсларида ҳамон катта ўрин эгаллаб келишим худди буюк аجدодларимизнинг санъати, айёми билан бевосита боғлиқликдан...

Хоразм заминидаги «Авесто» музейининг раҳбари Комилжон Нуржонов фикрича: «Авесто айнан Хоразмда яратилганлигини жуда кўплаб манбалар исботлайди. Чунки, халқимизда 18 хил урф-

одатлар борки, буларнинг ҳаммасиям Авестодан қолган. Масалан, Хоразмда янги келин келганида уни оловнинг устидан хатлатиш, кеч тушганида қўшнига қатик бермоқчи бўлса, қатик устига гугурт ёкиб ташлаш, агарда боласи йиғлаб қолгудей бўлса, бешикнинг атрофини гугуртни ёқволиб айлантириш сингари одатлар ҳозирга қадар ҳам бор» («Оила даврасида», 2016 йилнинг 8 сентябри).

Марказий Осиё халқларининг энг асосий урф-одат, маросим ва байрамлари коинот, табиат, йил фасллари ва меҳнат фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлганди. Аждодларимиз борлиқдаги тўрт энг муҳим унсур (қуёш, ҳаво, ер, сув)ни аниқлаш билан бир қаторда, улар билан боғлиқ тўрт энг улуғ кунларни ҳам олдиндан белгилаб, уни ҳам тантанали нишонлашга одатланганлар. Масалан, Она табиатнинг уйғониши, баҳорги кун – туннинг тенглиги, дала ишларининг бошланиши палласида Наврўз; ёзда эса – қуёш тикка бўлиб, тунлар қисқа, кун узун давом этганида, ҳаво ҳарорати энг юқори даражага кўтарилиб, сувга бўлган эҳтиёж ҳаддан ташқари кучайган чоғда сувга бағишланган тадбир – Ангом (Вахшангом); кузда бўлса кун – тун тагин тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, деҳқонлар даладаги ҳосилини йиғиб-териб олган вақтларида Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда); қишда – энг узоқ тун ҳамда қисқа кун содир бўлиб, совуқ ўта авжига чиққанида («қишки чилла»), исинишга эҳтиёж кучайган пайтларда эса ўзига хос Сада – Олов байрами (гулханлар, оловда исиниш) сингари маросимларни уюштирганлар. Милоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси кишиларнинг табиий эҳтиёжлари асосида ҳамда уларнинг ҳаётий манфаатларига мос равишда қарор топган эди.

Дунёга жудаям машҳур, бутун умрини қадимги аждодларимиз турмуши, уларнинг урф-одат ва маросимларини илмий жиҳатдан ўрганишга бағишлаган авестошунос олима Мэри Бойснинг ёзишига қараганда, жуда қадим замонда зардуштийларнинг қуйидаги еттита байрамлари мавжуд бўлган:

1. Маидйой – зарэмаёй – баҳорнинг ўртаси.
2. Маидйой – шема – ёзнинг ўртаси.
3. Паяитшайха – ғаллани йиғиб олиш байрами.
4. Айатрима – чорванинг ёзги яйловдан қайтиши.

5. Маййайрйа – қишнинг ўртаси.

6. Хамаспатмаэда – фраваш (рухлар шарафига зиёфат бериш).

7. «Наврўз» (Авесто замонида қандай аталганлиги номаълум).

Ушбу байрамлар диний маросим шаклида нишонланиб, улар одатда Ахурамазда шарафига бағишланган тоат-ибодатлар билан бошланган. Ибодатдан сўнг эса хурсандчилик, ўйин-кулги асосий ўрин тутадиган зиёфат дастурхониям ёзилган. Байрамнинг кейинги қисмида бўлса ўйин, томоша ва турли-туман кўнгилочар тадбирлар уюштирилган.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишига кўра, сўғдийларда *Мавсард* ойининг энг биринчи куни – Наврўз ҳамда 28- куни Ромуш оғам (оташхоналарда тўпланиш байрами); Нийсанж ойининг 12- кунида – Моҳирж; Басоканж ойининг 7- куни – Никҳ оғам; 15- куни – Амсхвора (олов тегмаган нарсаларни ейиш, уларни тановул қилиш байрами); Ашн-х-нда ойининг 18- кунида бўлса Бобохвора ёхуд бомихвора (узумдан сиқиб олинган тоза ширани ичиш байрами); Ф-ғ-кон ойининг 1- куни – Ним-сарда (йил ярми); Ж-м-д-н-ж ойининг 24- куни – «Бод омком»; Х-ш-н-м ойининг охирида бўлса вафот этган барча азиз аждодларни ўз авлодлари томонидан хотирлаб, аза тутиш куни сингари байрамлар, турли маросимлар ўтказилган.

Беруний хоразмликларнинг тантаналаригаям алоҳида диққат-эътиборини қаратиб, хоразмликларни ушбу байрамларни ўтказишга одатланганликларини таъкидлаган эди: Навсаржи ойида Йил боши (Наврўз); х-р-в-дод ойининг 1- куни Арижо-сувон (иссиқ кийимдан чиқиш, очилиш ҳайити); чири ойининг 15- кунида – Ажор (куз охирида оловда исиниш ҳайити); А-х-ш-р-в-и-р- ойининг 1- куни – Ф-б-р-и-х ёхуд Ф-а-р-у-ба (қаттиқ совуқ келиши биланок Хоразм подшоларининг шаҳар четига чиқиб, эл-юртни ёвдан ҳимоя қилиш куни); Умри ойининг 1- куни – Аздокандхвор (совуқ тушиши билан олов ёқиладиган уйларда ўчоқлар атрофига йиғилиб, ёғлик нонлар ёпиш куни); 13- куни – Чири-руж (йил ярми); Рим-ж-д ойининг 15- куни «Мина кечаси» (эрта баҳорда, ярим тунда совуқда қолиб ўлган кекса аёлнинг хотираси муносабати билан ўтказиладиган ҳайит); Исфандарможи ойининг 4- кунидаги – Хеж, 10- куни – Вахшангом

(сувга эътиқод қилиш куни); 20- кунида – Инга (бир-бирига жуда яқин уйларни қуриш куни) байрами кабилар нишонланган.

Беруний хоразмликларнинг байрамини икки турга бўлган эди:

1. Табиатнинг турли ҳодисаларига бағишланган айёмлар: йил боши байрами (яъни, Наврӯз), очилиш байрами, гулханда исиниш байрами, ёғли нон ёпиш куни, Мина кечаси ва ҳоказолар.

2. Диний маросимлар (исломга қадар даврларда) арвоҳларнинг нариги дунёда оч қолмасликлари учун уларнинг қабрлари устига турли-туман озиқ-овқатларни қўйиладиган кун ва бошқалар.

Милоддан аввалги замонларда Эрон ва Туронда зардуштийлик тақвими (календари)дан ниҳоятда унумли равишда фойдаланилган.

Йил фаслларидаги ҳар бир ойнинг ўзига хос байрамлари ҳамда машҳур кунлари олдиндан белгилаб қўйилганди. Масалан, Беруний қайд этишича, «Фарвардин моҳ – ёз боши, тир моҳ – куз боши, меҳр моҳ – қиш боши, дий моҳ – баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (хайит) кунлари бор эди».

Умуман олганимизда, йилнинг мазкур даврида ўтказилувчи урф-одат ва маросимларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий кураш жараёни турли-туман шаклларда ўз аксини топганди.

Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё аҳолиси ҳам амал қилган қуёш тақвими баҳорги тенг кунлик (21 март)дан бошланган ва янги йилнинг байрами – *Йилбоши* (*хоразмликларда – Новсоржи, сўғдийларда – Навсасрд*), *Наврӯз* (*Нав – Янги, рӯз – кун*) номлари билан катта байрам қилинган.

Ҳозирдаям улкан, кўтаринки тантаналар билан нишонланувчи улуғ, азиз байрам – Наврӯз Шарқ халқлари орасида макон ва замон ҳақидаги дастлабки тасаввурлар пайдо бўлган даврдан шакллана бошлаган. Ўша замонлардаги қарашларга кўра, ҳар бир йил қиш ва ёздан иборат бўлиб, узоқ давом этган совуқ ҳамда очликдан сўнг илиқ кунларнинг бошланиши ўзгача руҳий кайфиятда, жуда катта тантаналар билан кутиб олинган ҳамда бениҳоя хурсандчилик ила байрам қилинган.

Ўрта асрларнинг ўта машҳур муаррихи Наршахий Наврӯзнинг байрам қилина бошлаганига «...уч минг йилдан ортиқроқ вақтлар ўтди», деб ёзган бўлса, замонамиз тарихчилари турли археологик

материаллар, ашёвий далиллар ва тарихий манбаларга асосланиб, Наврўзнинг асл ўқ ва айрим попук илдизлари неолит (Милоддан аввалги VI – III минг йилликлар. – Б. И., Н. И.) даврига ҳам бориб тақалади, деган илмий хулосани билдирадилар.

Аждодларимизнинг қадимги йил тақвимлари айнан Наврўздан бошланиб кетган. Наврўз байрамини нишонлаш одати энг қадимги одамларнинг ўзлари яшаётган, умргузаронлик қилаётган Она Ер сайёраси ҳақида, унинг коинотдаги ҳақиқий ўрни тўғрисида фикр-мулоҳазаларни юрита бошлаган даврларига тўғри келади. Бошқача қилиб ифодалаганимизда, Наврўз байрами Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган қадим замонларданок шакллана бошлаган. Бундан 4 – 5 минг йил илгари аждодларимиз Қуёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи, деб билганлар ва унга бағишлаб турли-туман махсус маросимларни ҳар хил рамзий удумларга асосан ўтказиб келганлар.

Айни шу йўсинда митраизм – қуёшпарастлик, унинг заминида эса қуёшнинг Курраи заминдаги ўзига хос таркибий қисми бўлмиш оловни муқаддаслаштириш одати шакллана бошлаган.

Зардуштий боболар эса оловни Бобо қуёшнинг ердаги зарраси – фарзанди деб ҳисоблаб, қишдаги ва эрта баҳордаги маросимларда катта-катта гулханларни ёқиб, қаҳратон қишнинг совуғини унинг кўмаги билан «ҳайдаганлар» ва кўкламни ниҳоятда интиқлик билан Она заминга «чақирганлар». Бундай маросимлар эса, ўз навбатида, турли-туман баҳорий байрамларнинг шаклланишига асос бўлган.

Меҳнаткаш халқнинг ҳаётида жуда муҳим ўрин тутган баҳор байрамлари энг янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак берган. Шуниям алоҳида таъкидлашимиз керакки, навбаҳорни кутиб олиш байрамлари барча халқларда қадим-қадимдан мавжуд бўлган эди. Турли этнослар бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетиши натижасида эса баҳор байрамлари ҳам турли-туман ҳудудлар бўйлаб ёйилган ва кейинчалик бу анъаналар барча халқларда турли меъёр, мезонлар ва шаклларда уюштирилган. Кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари энг йирик байрамларга айланиб кетган. Байрамлар эса, юқорида ҳам қайд этилганидек, башарият ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамиятни касб этган ишлаб чиқарувчи

хўжалик фаолияти – деҳқончилик (зироатчилик) билан айнан бир вақтнинг ўзида шаклланган.

Миллий байрамлар ҳар қандай этноснинг ғурури ва ифтихори, ўзига хос маданиятини ва моддий-маънавий ютуқларини намоёни қилиш шакли, қолаверса, шодиёна куни ҳисобланади. Байрамлар, моҳиятан, барча-барча кишиларни, аввало, эзгулик сари чорлайди. Айниқса, баҳорий байрамлар ўз шукуҳи, нафосати ҳамда кайфияти билан кишиларни неча асрлар давомида руҳлантириб келган ҳамда янги-янги марралар сари сафарбар этган. Шу боисданам дунёнинг барча халқларидаям қадимдан баҳор кириб келишини кутиб олиш байрамлари шаклланган. Улар инсоният вужудга келиши биланок пайдо бўлган, уруғ-қабилаларнинг тарқалиши натижасида мавжуд анъаналар ҳам бошқа узоқ-яқин жойларга ҳам эгалари билан бирга кўчиб бориб, турли янгича номлар билан атала бошлаган.

Масалан, баҳорий айём японларда – «Риссон», хитойларда эса «Чульцзе», славянларда эса «Масленница» деган номларни олган. Ҳиндистонликларнинг Наврўзга жудаям ўхшаб кетадиган ва баҳор ойида нишонланадиган қатор байрамлари бор. Улар – табиатнинг уйғониши билан чамбарчас боғлиқ, халқ орасида кенг тарқалган ва расмий равишда тантанали нишонланадиган – «Дивали», «Холи», «Дашера» байрамларидир. Дивали байрами куни бозорлар хилма-хил шаклдаги қандолат маҳсулотлари билан тўлиб-тошиб кетади. Шунинг учун ҳам, айниқса, ёш болалар ушбу байрамни ниҳоятда сабрсизлик, интиқлик билан кутадилар. Болалар учун хилма-хил популар, хўроз, фил шаклида турлича жонзодларнинг тасвирида ширинликлар тайёрланади ва уларга эзгу ниятларда улашилади.

Британия оролларида ҳам баҳор байрамлари мавжуд. Баҳорий байрамлар кўпгина аломатлари, сирли ҳаракатлари билан ҳаётнинг асл манбаи бўлмиш турли хилдаги бошоқли экинларнинг тезроқ ўсишига кўмаклашиш ниятида бир қатор ўзига хос расм-русумлар орқали ўтказилади.

Ўрта асрлар Европасида далани буғдой ёхуд арпа билан ҳамда ёқилган шам билан камида уч марта айланиб чиқилмағунига қадар ерни ҳайдаш жараёни бошланмасди. Уруғ фақатгина 30та тешикли (кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас) бўрининг терисида сепилар эди.

Наврӯз айёми Туркиянинг ҳар бир вилоятида ханузга қадар турлича нишонланади. Анатолия (Онадўли) ҳудудидаги Газиентеп вилоятида 22 март куни «Султон Наврӯз» деган ўзига хос бир ном билан аталади. Маҳаллий аҳолининг орасида кенг ёйилган фикрга биноан, 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси, роппа-роса ярим тунда осмону фалакда Ғарбдан Шарқ томонга ҳаддан ташқари чиройли тақинчоқларини роса жаранглатиб, Султон Наврӯз исмли ниҳоятда гўзал қиз ўтиб кетади. Ушбу ҳудуд аҳолиси бу қутлуғ тунда ухлаб қолмасдан, бедор бўлиб, яхши ниятлар қилган барча кишиларнинг ҳамма эзгу тилаклари ва орзу-ниятлари албатта рўёбга чиқади, деб чин кўнгиллариданам ишонадилар. Туркия Республикасининг Ўрта Анатолия вилоятида эса Наврӯз айёми «Март тўққизи» деган ўзига хос чиройли бир ном билан аталади.

Туркменистон Республикасида ҳам Наврӯз айёми халқнинг ниҳоятда севимли байрамлардан бири ҳисобланиб, умуммиллий хурсандчилик руҳида, жуда катта тантаналар билан нишонланади. Ҳар йили исфанд ойининг охирида, яъни Наврӯз арафасида ушбу давлат шаҳар-қишлоқларида ободонлаштириш, кўкаламлаштириш бўйича жудаям кенг қамровли ишлар амалга оширилади. Байрам тантаналари эса кўп сонли бадиий жамоалар, адабиёт ҳамда санъат намояндалари иштирокида ўтади. Улар ўзларининг чиқишларида миллий анъаналар ҳамда қадриятларни адабий-бадиий шаклда акс эттириб эл-юртга намоиш этадилар. Туркманларда қадим-қадим замондан қутлуғ Наврӯз айёми эл-юрт ризқ-рўзининг чинакамига яратувчиси – деҳқонларнинг байрами ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам Копетдоғнинг этаклари, Амударё (Жайхун)нинг соҳилларида истиқомат қилувчи деҳқонлар Наврӯз айёмини тантанали равишда байрам қиладилар.

Айнан туркман халқига хос бўлган айрим урф-одатлар ушбу байрамга миллий ўзига хослик бахш этган. Масалан, Наврӯзгўжа, Наврӯзбома таомларини пишириш, сумалак тайёрлаш ҳамда ёшлар томонидан эса манжуқ отди сингари ўтмишдан расм бўлган турли ўйинларнинг ижроси ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бошқа расм-русумлар ҳам аجدодлардан қолган маънавий мерос шаклда ханузгача давом этмоқда.

Туркманларда бутун йил мобайнида қадим-қадимдан ўтказиб келинган от пойгалари бўлса, айниқса, Наврўз пайтида ўзгачароқ юксак шукуҳ касб этади ҳамда наврўзий расм-русумларнинг ғоятда муҳим, ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади.

Туркманистонда Наврўз айёми маросимлари одатда катта-кичик шаҳар-қишлоқларнинг энг катта майдонларида ўтказилади. Ушбу байрам маросимларида эркаклар ва аёллар, хусусан туркман ёшлари ўта фаол қатнашиб, томошабинларни хушнуд этиш учун турли ўйинларни ташкил қиладилар. От чоптириш, олиш (кураш), юқорига осиб қўйилган рўмолни олволиш учун жон-жаҳди билан сакраш, хўроз уриштириш мусобақалари ҳамда ўзга кишиларни оммавий равишда табриклаш, қутлаш мақсадида меҳмонга бориш сингари одатлар айнан шулар жумласидандир.

Эронликлар эса янги йил кириб келишидан олдин ўз уйлари, ҳовлиларини супуриб-сидириб, кундалик рўзғорда ишлатиладиган барча буюмлари, асбоб-анжомларини эринмасдан, жиддий ҳафсала билан яхшилаб тозалайдилар. Улар дунёдаги барча этнослар учун ибратли ҳисобланган ушбу одатни «Хонэ такони» («Уй тозалаш»), деган ўзига хос гўзал бир ном билан атайдилар. Наврўз байрами арафасида эса ўзлари ва бола-чақалари учун янги сарпо (форсча), либос (арабча), кийим-кечак (туркийча) сотиб олиш жараёни ҳам айнан эронийларга хос чиройли, ғоятда сермазмун урф-одатлардан бири ҳисобланади.

Индонезия оролларида Соко таквими бўйича нишонланадиган Нъепи байрами, одатда улардаги ўта қуруқ мавсумга тўғри келади. Минг ороллар мамлакати – Ороллардаги Ҳиндистон – Индонезия баҳорий байрамида барча кишилар бир-бирларининг устларидан қувонч ила шовқин-сурон билан сув сепиб, барчага қут-барака ато этувчи денгиз худоси Барунани шарафлайдилар ҳамда бу илоҳга, инсониятга ато этилган барча неъматлар учун, чексиз ташаккурни, шукронани билдирадилар.

Непалда бўлса айнан Наврўз кунларига тўғри келадиган Холи айёмида катта гулханлар ёқилади. Барча қишлоқлардаги деҳқонлар ҳамда уларнинг оила аъзолари экин майдонлари ва ҳосилдорлик

худоси Бхумидевтдан ўзларига жуда мўл-кўл ҳосил инъом этишни ўтириб, илтижо қилиб сўрайдилар.

Доғистонда Наврўз «биринчи шудгорлаш куни», аварларда эса «оцбай», дарғинларда «киу бахруми», лакларда бўлса «карас ишву» деб аталган. Доғистонда биринчи шудгорга, одатда, бутун овулнинг аҳли йиғиларди. Ерни ҳайдаш учун қўшга қўшиладиган ҳўкизлар бўлса бамисоли қўғирчоқдек ва гўё чимилдиққа кириб келадиган келинчакдек безатилган. Биринчи шудгорга сепиладиган уруғлик буғдой бўлса энг эзгу орзу ва ниятларда, умумжамоанинг манфаатини кўзлаган ҳолда, атайлабдан ҳар бир хонадондан бир сиқимдан йиғиштириб олинган.

Қадимги Мисрда далаларга биринчи қўшни фиръавннинг ўзи, Хитойда император, Ҳиндистонда бўлса, маҳаллий ҳукмдорлар, рожалар солиб берганлар. Уларнинг вазирлари эса уруғлик донни сепишни бошлаганлар. Кейин ишни деҳқонлар давом эттирганлар.

Қадим Хитойда ўтмиш замонларда биринчи қўшга ҳўкизнинг ўрнига бир-биридан ҳеч қачон ажралмасин, ҳамиша қўш ҳўкизлар сингари ўзининг турмуши аравасини айнан ўзи тортиб юрсин, ўз ерини биргалашиб ҳайдасин, бола-чақаларини ўзаро ҳамкорликда тарбияласин, деган эзгу ният ҳамда мақсадда янги келин-куёвларни қўшилган. Шундан сўнг оммавий сайиллар бошланиб, унда жуда кўплаб келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари ўтказилган.

Она Заминнинг ҳосилдорлигини ошириш ниятидаги қадимий ирим-сиримларга биноан ёшгина келин-куёвлар энг биринчи никоҳ кечасини яқиндагина ҳайдалган заминнинг жудаям ўзига хос ҳиди келаётган даланинг олдидаги сайилгоҳда ўтказганлар.

Қадимги аجدодларимиз эътиқоди – Ахурамазда қонунларида кўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш ва буғдой экиш, ерни жамоа ўртасида адолатли тарзда тақсимлаш энг савобли ишлардан ҳисобланганди. Авесто Вандидод қисмида, учинчи фасли башоратида ёзилишича, «Ахура Мазда ерга яхши, соғлом уруғ сепишдан ҳам ортиқ савоб иш йўқ», дейди. Илоҳнинг бундай эзгу амрига тўла итоат этиш, ўн минг ясна диний матнларини ўқиб ибодат қилишдан ёхуд юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан ҳам афзалроқ ҳисобланган.

«Оламнинг гўзаллиги деҳқончиликдан. Кимки уруғ қадабди, у одамийликка чин имонни келтиради, ягона шу йўл ҳақиқат бўлиб, қолганлари эса саробдир».

«Авесто» китобида («Вандидод» 3- фаргард, 24- банд) «Узоқ замонлар экилмаган ва омоч тегмаган замин (ўта) бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин бўлса балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзандини кўриш ва яхши ёстикдошга интиқдир», дейилади. Шунингдек, дунёдаги энг бобокалон китоб, ўзбек давлатчилиги илк даврининг мафкураси вазифасини шараф билан адо этган «Авесто»да ёзилишича: «Қачонки эгатларда уруғ етилса девлар ўринларидан кўпадилар (турадилар). Қачон буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан (роса) титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун бўлса, девлар жудаям нола чекадилар. Қачонки ўрилган буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқаргудек бўлса, бундай хонадонга девлар (сира ҳам, зинҳор) яқинлаша олмайди».

Зардуштийларнинг ўта кўплаб маросимлари халқимиз турмуш тарзида ханузга қадар сақланиб қолганлигини ўзингиз ҳам жудаям яхши биласиз. Йилбоши билан боғлиқ сон-саноксиз маросимлар бунинг бевосита далили ҳисобланади. Деҳқонлар, боғбонлар ҳамда чорвадорлар қаҳратон қишнинг роса аёзли кунларидан эсон-омон чиқиб, баҳорнинг илиқ кунларини ниҳоятда интиқлик билан кутиб, янги йилга жуда жиддий тайёргарлик кўрганлар. Энг аввало, омоч-бўйинтуруқлар, кетмон, мола сингари турли асбоб-анжомлар янги деҳқончилик мавсумига тахт ҳолда келганлиги яна бир бора диққат билан кўздан кечирилган. Отлар совутилган, аравалар тузатилиб, улар ишга яроқли ҳолга келтириб қўйилган. Энг асосий ишчи кучи ҳисобланган хўкизлар эса яхшилаб парваришланган. Шу боисдан ҳам ўрта асрларда Бухорода бу байрам «Наврўзи кишаварзон» – «Деҳқонларнинг байрами» деб аталган.

Аждодларимиз баҳорги юмушлар бошланиши олдидан махсус маросим сифатида бирорта жонлиқни сўйиб, ис чиқарганлар. Ушбу хайри-худойилар масжидлар ёки мазорларнинг яқинида ўтказилиб, аждодларга ўзига хос бағишлов маросимга кекса деҳқонлар, пиру бадавлат оқсоқоллар бошчилик қилганлар.

Қадим замонлардан ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос маросим шаклини олган эди. Унда кекса зироаткорлардан бири Бобо Дехқоннинг қиёфасига кириб, энг дастлабки кўшни хайдашни бошлаб берган. Қадим-қадимдан халқона тасаввурларга кўра, Бобо Дехқон ўта ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, ўзгаларнинг ҳақидан доим ҳазар қилувчи, деҳқонларнинг меҳнатига бўлса ҳамиша унум ва кут-барака берувчи ниҳоятда улуг пир ҳисобланган.

Наманган вилояти Косонсой тумани қипчоқларида далага кўш чиқариш маросими уч босқичга бўлинган эди: **дастлов** – айнан бу кунида хўкизларга бўйинтуруқни илиниб, «шохмойлар», «худойи» сингари маросимларлар ўтказилган ҳамда оқсоқоллар иш бошлаб берганлар; иккинчи куни **қашлов** ҳамда учинчи кун – **бошловда** олдинги кунларга нисбатан кўпроқ ерни хайдалиб, хўкизлар ҳам аста-секинлик билан мураккаб ишларга мослаштириб борилган.

Шунингдек, «кўш оши» кунида аксарият ҳолларда қурбонлик сифатида кўчкор сўйилган. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Қайрағочовул қишлоғи қорақалпоқларида эса маросим учун хўроз сўйилган бўлиб, йил баракали ва унумли келсин деган ниятда бу юмушни бўйдоқ ўспиринга бажартирилган. «Кўш чиқариш» куни айни хўрозларни қурбонлик қилиш одати болгарларда ҳам мавжуд бўлиб, уларда хўрознинг суяклари янги хайдалган ерга кўмилган, Болгарларда бу жараён доимо инсонларни боқадиган Она заминга куч-қувватни беради, деган тасаввур ҳам бўлган.

Энг қадим замонлардан биринчи кун магияси (сехргарлиги)га кўра бирор-бир иш, фаолият ёхуд йилнинг ибтидоси қандай бўлса, ўша фаолият йил бўйи шундай тарзда давом этади, деган тасаввур ҳукмронлик қилган. Булардан ташқари, кекса ёшли, пиру бадавлат, ошиғи эса доимо олчи тадбиркор, жуда обрў-эътиборли кишининг энг биринчи кўшни бошлаб бериши масаласи фақат унинг хўжалик юритиш соҳасидаги ниҳоятда бой тажрибаси билангина боғлиқ бўлиб қолмаган. Айнан бу ўринда узоқ умр кўрган, ўта серфарзанд, бой-бадавлат кишиларнинг ўзига хос рамзий фазилатларининг Она заминга ҳамда янгидан етиштириладиган ҳосилга аста-секин кўчиб ўтишига қаратилган, ўта умид қилинган ўзига хос ирим-сиримлар билан боғлиқ қарашлар ушбу жараённинг асосини ташкил этган.

Шохларинг бор чамбарак,
Кўзларинг мисли чироқ,
Қўшга қўшсам меҳнатингдан,
Элу юртинг вақти чоғ.

Шохгинанг мулла довати,
Сенсан деҳқоннинг қуввати,
Сен бўлмасанг деҳқоннинг,
Қайрилади қаноти.

Қаро ерни қоқ ёргин,
Қовун экиб, лаб ёргин,
Меҳнатингнинг зўридан,
Тос тепангдан шох ёргин.

Қўш ҳайдадим саман сарик,
Хўкизлари жуда ориқ,
Хўкизлари кўтаролмас,
Ерда қолди бўйинтуруқ.

Ҳайда-ҳайда химич билан,
Донни сепма чўмич билан,
Деҳқон ўғли олишади,
Кучи етмай омоч билан.

Эниб келдинг экишдан,
Тўрт оёғинг кумушдан,
Очкўз бой қарамади,
Базўр чикдинг бу қишдан.

Тарлон таёғим, ҳайда,
Темир туёғим, ҳайда,
Ишни тамом қилмасанг,
Жонингга ором қайда.

Марказий Осиё халқларида қадимдан ҳўкиз серпуштликнинг рамзи ҳисобланган. Ҳўкизнинг ғайритабиий кучи ва хусусияти қўш ҳайдаш орқали аста-секин ерга ва етиштириладиган ҳосилга ўтади, деган тасаввурлар мавжуд бўлган эди. Шунинг учун ҳам деҳқонлар эрта баҳорда «Шохмойлар» маросимини жуда катта тантана билан ўтказганлар. Бу пайтда бўлса шохлари мойланадиган ҳўкизларга бировнинг кўзи сира ҳам тегмаслиги учун ирим қилиб, уларнинг бўйни ҳамда шохига турли-туман шаклдаги чиройли туморлар эзгу ниятда тақиб қўйилган...

Қўш ҳайдагин йўл билан,
Бел боғлагин қўл билан,
Катта тошлар ағдариб,
Чақил томон ташланиб...

Қўшчи йигитнинг баланд чорлови ила ёш йигит-қизлар далага келишади. Ўша замонларда эса севги-муҳаббат, ошиқ-маъшуклик маъносида кўпроқ мойил деган сўзни ишлатилган. Қизлардан бири роса терлаб-пишиб пешонасини белбоғ билан боғлаб олганича қўш ҳайдаётган йигитга шундай дейди:

Ул баҳодир қарармикин мен томон,
Мойил бўлиб юрармикин мен томон.
Дилидаги нима экан, сўраб қолдим,
Қалбим кетди у томонга эзилиб...

Юқорида келтирилган далиллар шунданам далолат берадики, қадимий даврларда аждодларимиз деҳқончилик билан шуғуллана бошлагач, далаларда янги мавсум бошланишидан аввалроқ ўзига хос баҳор байрамларини ўта тантанали равишда нишонлаганлар. Шундай қилиб, меҳнат – бу байрамнинг бош манбаи, асоси, энг асл замири ва илк сарчашмаси ҳисобланиб, байрам («байрам ҳолати») ибтидоий даврлардан бошлаб «яшаш учун курашнинг воситаси» – меҳнат натижаси шаклида вужудга кела бошлаган.

Баъзи этнолог, тарихчи олимлар, жумладан Н. П. Лобачева фикрича, қадимдан Марказий Осиёда йилнинг боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (милодий III аср) йил боши

ёз фаслига, қуёшнинг роппа-роса тик туриш кунига (ҳозирги 21– 22 июнга) кўчирилган эди. Бироқ, ой тақвимига ўтилганидан кейин, йилнинг биринчи оyi тағин қайтадан баҳорга, яъни тун ва кундуз барабар бўлган кунга (22 мартга) кўчирилган.

Бу масала хусусида бўлса Беруний шундай ёзганди: «Наврўз... ўтмиш замонларда... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра эса, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси ерга тушишидан токи гуллар очилгунча, дарахтларнинг гуллашидан токи мевалари етилгунча, ҳайвонларда уйғониш мавсуми бошланишидан токи насли вужудга келгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун ҳам «Наврўз» оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

«Наврўз»нинг қандай пайдо бўлгани ҳақида кўплаб афсона, ривоятлар ҳамда мифлар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгуликнинг илоҳи Ахурамазда (Хурмуз) баҳор ҳамда ёз фаслида, ёвузликнинг худоси Анхрамайню (Ахриман) эса – кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қарашлар мавжуд бўлган. Баҳорнинг энг биринчи куни эзгулик илоҳи ёвузлик худосининг устидан ғалаба қилган муқаддас сана сифатида байрам қилинган. Бу сана эса айнан «Наврўз» кунига тўғри келган.

Наврўзга оид афсона ва ривоятлардан кўпгина маълумотларни олишимиз мумкин. Уларнинг орасида зардуштийлар даврига доир Ахура Мазда ҳамда Ахриман билан боғлиқ ривоятлар, шунингдек Одам Ато ва Момо Ҳавонинг биринчи марта учрашган куни ҳақида афсоналар ва ривоятлар Наврўз тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Наврўз ҳақидаги улуғ аجدодларимиздан бизга мерос сифатида қолдирилган ривоятлар жудаям муҳим бир ҳақиқатдан, яъни унинг Шарқ кишиларининг ғоятда эзгу хоҳиш-истаклари, ўйлари ҳамда ҳаётий, амалий тажрибаларидан туғилганлигидан далолат беради.

Масалан, Абулқосим Фирдавсийнинг соҳир қалами туфайли дунёга келган «Шоҳнома»да афсонавий баҳодир, жасур ҳамда пок ниятли инсон (Кайковус ўғли, Афросиёбнинг қуёви) Сиёвушнинг

ўлими ва унинг ўлимига, янада аниқроғи эса, хотирасига халқнинг
ғоятда юксак эҳтироми Наврўзга сабаб бўлганлиги таъкидланган:

Қайгаким тўкилмиш Сиёвуш хуни,
Кўкка бўй чўзди бир дарахт шу куни.
Баргларида гўё унинг чехраси,
Мушку атр гўё унинг чехраси.
Дарахт кўм-кўк турар ҳатто қишда ҳам,
Тагида подшоҳга тутишар мотам.

Сиёвуш «Авесто» китобида Сиёваршан исми билан маълум. Бобокалон китобнинг Яшт бўлагининг Ҳуварно қасидаси (19- яшт, Замяд яшт) 12- бўлим, 77- бандида бўлса Қавай Ҳусров ўзининг падари бузургвори Сиёваршан учун асосли, қонуний тарзда қасос олганлиги мавзуси ўзининг аксини топган.

Қадимги ривоятларга биноан, Сиёвуш милоддан аввалги XII асрда Хоразм давлатига асос солган. Сиёвуш Туронда ажойиб бир шаҳарни бунёд этган, бу шаҳар ўша замонда Қанғдиз ёхуд Қанту Сиявахш деб аталган. Сиёвуш томонидан Сиёвушгирд шаҳри бино қилинганлиги масаласи эса «Шоҳнома»да ҳам батафсил ёритилган. Афсонавий сулола асосчиси Сиёвуш милоддан аввалги I асрдан то милодий VIII асргача қадимги Хоразмда зарб этилган тангалардаям худо – суворий тимсолида юксак маҳорат билан тасвирланган...

... 1914 йилда Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида яшовчи бир бечораҳол аёл пулга жудаям муҳтожликдан китобфуруш дўконига эски, варақлари эса титилай-титилай деб турган бир қўлёзма олиб келиб: «Менга раҳматли эрим «Агарда роса қийналиб қолсанг, шу китобни сотгин, лекин, шуни билиб қўйгин, бунинг нархи 30 лира олтиндан сира ҳам кам эмас», деган эдилар», – дебди. Китобфуруш эса эски варақларни бунчалик қимматга олгиси келмабди. Лекин, бева аёлга жудаям раҳми келиб: «Ҳа, майли, ташлаб кетаверинг-чи, харидор чиқиб қолса, олса, пулини олиб кетарсиз», – дебди.

Кунлар ўтаверибди. Бирорта ҳам харидор бу кўҳна битикни олмабди. Харидорлар ҳам унинг нарhini эштгач, фикридан қайтар экан. Ниҳоят, бир куни Али Амирий исмли киши бу кўримсизгина

қўлёмани варақлаб чиқиб, оладиган бўлибди. Бироқ, унинг ёнида 30 тилласи йўқ экан, қарз-ҳавола қилиб бу китобни сотиб олибди.

«Китобни олдим, уйимга ҳам келдим ва емак-ичмакни буткул унутдим. Бу китобга ҳақиқий қиймат берилмак лозим бўлса, унга жаҳон хазинаси ҳам кифоя қилмас», деган экан у кейинчалик. Хўш, «ўқиганда емак-ичмакни унуттирадиган» ва «жаҳон хазинаси»дан ҳам қимматлироқ, сарғайган варақлари ҳам титилиб кетган бу асар ўзи қандай китоб эди?

У бизларнинг буюк бобокалонимиз, атоқли тилшунос ҳамда адабиётшунос олим, халқимизнинг азиз ва улуғ фарзанди Маҳмуд Қошғарий қаламига мансуб «Девони луғатит-турк» асарининг 1266 йилда (ушбу китоб ёзилганидан икки аср кейин) хаттот томонидан кўчирилган бениҳоя ноёб нусхаси эди.

Ислом Каримов 2014 йил май ойида Самарқандда ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси ҳамда унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзуи биланам бевосита боғлиқ халқаро конференция очилиши маросимидаги нутқида асосли равишда таъкидлаганидек: «Дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар луғати бўлмиш «Девони луғатит-турк» китобининг муаллифи Маҳмуд Қошғарий бўлиб, у асарида юксак маҳорат билан тўплашга эришган сўз бойлигининг том маънодаги (ва чиндан) олтин зарраларини – туркий мақоллар ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Қошғарий туркий халқларнинг улуғ тили, маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади».

Маҳмуд Қошғарий ҳам худди ўша, биз юқорида тилга олган, Сиёвушнинг қайнотаси бўлмиш – афсонавий Афросиёб масаласига бир аниқлик киритиб, шундай ёзганди: «Тўнга шер ботир, баҳодир, филни ҳам ўлдирувчи энг кучли ҳайвондир. Туркларнинг (жуда) машҳур ботир хони Афросиёбни Тўнга алп эр деб аташлари ҳам унинг айнан шерга ўхшаш баҳодирлиги учундир... Қаз – Афросиёб қизининг исми. Эрондаги Қазвин шаҳрини ҳам у қурдирган. Бу сўз асли «Қаз ўйини» – «ғоз ўйнайдиган» жой демакдир. Чунки Қаз шу ерда турарди ва шу ерда ўйнар эди». Қошғарий «қаз» сўзига изох бериб қуйидаги жудаям муҳим бир маълумотни ҳам келтирган эди:

«Баъзилар бутун Мовароуннахрни туркийлар ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Янканддан бошланади. Унинг тағин бир оти Дизруйин. У (ўзининг) сариклигига кўра «мис шахри» демакдир. Бу Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи – Қазвиннинг эри Сиёвуш ўлдирилгандир. Маъжусий – оташпараствлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, Сиёвуш ўлган жой атрофида йиғлайдилар. Молларини сўйиб, қурбонликлар қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одатлари шундай».

Бундан ташқари, луғатшунос аллома Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк» китобида бизга ёзиб қолдирилган «Қиш ва ёз мунозараси» икки сўзамол, жуда истеъдодли ижрочи томонидан бир-бирига жудаям зид тимсолларда гавдаланувчи, Наврўз айёмига дахлдор асар ҳисобланади. Шундай қилиб, қадимги аждодларимиз наздидаги Қиш ҳамда Ёзнинг ўзаро мунозараси томошасига бутун диққат-эътиборимизни қаратамиз:

Қиш билан ёз тўқнашди,
 Қинғир (ёмон) кўз билан
 бир-бирига қарашди.
 (Бир-бирини) тутиб
 олишга интилишди,
 (Бир-биридан) ғолиб
 келишга тиришди.
 Ёз билан Қиш
 қарама-қарши бўлишди,
 (Уларнинг ҳар бири)
 мақтаниш ёйини қуришди.
 Қўшин тузиб, (бир-бирини)
 таъқиб қилишди,
 Ўқ отиш учун (бир-бирига)
 яқинлашишди.

Ушбу парчадан бири Ёруғликнинг тимсоли бўлиб, оқ ёки кўк пўстин кийиб, иккинчиси эса қоронғулик тимсоли бўлиб қора ёки олачипор пўстин кийиб олган икки ижрочиси икки томондан аста пайдо бўлиб, энг аввало, давра айлангани, бир-бирига яқинлашгани

ва ғанимларча қарашгани, сўнгра бир-бирига ҳамла қилгани ҳамда ҳар қайсиси ғолиб келишга интилганим аниқ кўриниб турибди.

Бу бир-бирига душман кучларнинг тўқнашувидир. Афтидан бу беллашувда кучлар тенг келган, қиш билан ёз бир-бирини сира енга олмаган. Аммо, орани очиқ қилиш керак-ку! Шу боисдан улар энди сўз жангига, яъни айтишувга киришадилар. Қиш Ёзга қарши росаям бақириб-чақириб, дўқ уриб ўз сўзини айта бошлайди:

Одамлар ва қорамоллар
Мендан қувват олади,
Касаллик камаяди.
Одамлар чиникади...
Сенда кўпаяр чаёнлар:
Пашшалару илонлар.
Минглаб, туманлаб,
Думларини гажак
қилиб изғишар.

Ёз эса Қишга шундай жавоб беради:

(Сенда) балчиқ ҳамма ёқни қоплайди,
Юпун кишилар заҳмат чекади.
Бармоқлари совуқ қотиб,
Оғиз ели билан
(Пуфлаб) иситадилар.
Саъва сендан қочади,
Менда тинар қалдирғоч,
Булбуллар сайрар менда
Нару мода жуфтлашур...

Қиш билан Ёз айнан шу тариқа бир-бирлари ила жуда жиддий тарзда мунозара қилиб, ўз фазилатларини айтиб роса мақтаниб ва ғанимининг ёмон хусусиятлари, иллатларини фош этиб, уни тезроқ енгишга ҳаракат қилади. Ушбу айтишувда эса Ёз баланд келади. Қиш бўлса енгилай-енгилай дейди. Аммо, Қиш ҳам осонлик билан таслим бўлмоқчи эмас.

Шунда элат оқсоқоллари уларга учинчи беллашувни, энди от минволиб, пойга чопишни таклиф этадилар. Пойгаям беллашувни

ҳал қилолмаганидан кейин, ёй (камон)дан ўқ отишга киришадилар. Шундагина Ёз узил-кесил равишдаги ғалабани қозонади. Натижада муҳораба-мунозара ҳам ўзининг ниҳоясига, поёнига етиб келади:

Турли чечаклар очилди,
(Ерга худди) чиройли гиламлар тўшалгандай.
Жаннат ери кўринди.
Совуқ қайтмас бўлиб кетади.
Ҳамма қуш ва қуртлар тирилди...
Энди улар қоронғу инларига кирмайди.

Икки ижрочи ёз ҳамда қиш қиёфасида гавдаланишган, аввал кураш тушганлар, сўнг айтишув қилишган, пойгада куч синашган ва пировардида камондан ўқ отишган, яъни эл-юртга тўрт пардали майдон томошасиям кўрсатилган. Хуллас, улуғ аجدодларимизнинг ана шундай ниҳоятда таъсирчан ҳаёлий, асотирий тасаввурларидан Ёз палласининг боши ҳисобланмиш Баҳорга меҳр-муҳаббат назари билан қараш ва унинг энг биринчи кунини беҳад завқ-шавқ, ғоятда шодонлик ҳамда хурсандчилик ила қарши олиш уларнинг доимий тарздаги одатига айланиб кетган...

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида ёзилишича, «Бухоро аҳолиси Сиёвушнинг ўлдирилиши тўғрисида ажойиб ашулаларни тўқиганлар... Бухоро оташпарастилари эса унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз кунда қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди».

766 – 801 йилларда битилган Ду Ю (735 – 812)нинг қаламига мансуб «Қонун-қоидалар ва урф-одатларнинг баёни» («Тунгдян») номли китобида бизгача етиб келмаган муаллифи Вэй Же бўлган «Шифанг жи» («Ғарбдаги мамлакатлар хотираси») номли ажойиб асарда қадимги самарқандликларнинг Наврўзи ҳақида бундай деб ёзганди: «Янги йил олтинчи ойнинг биринчи кунидан бошланади. Ўша куни подшо ҳам, халқ ҳам ўзларининг энг янги либосларини киядилар ва соч-соқолларини ҳам тартибга солиб юришади. Улар шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги бир катта дарахтзорнинг ёнидаги майдонда тўпланишиб байрам қиладилар.

Етти кун мобайнида моҳир тирандозлар от чоптириб туриб, ўз камонларидан белгиланган нишонни мўлжаллаб ўқ отиш баҳсида қатнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнига олтин танга қўйилади ва ушбу нишонни беҳато урган энг қарағай мерган бир кун шоҳлик қилиш ҳуқуқини ўз қўлига киритади. Улар Кўк тангрини жуда ҳам мўътабар тутадилар ва унга иззат-эҳтиромларини ифода этадилар. Айтишларича, илоҳий маъбуд еттинчи ойда ҳалок бўлган ва унинг суяклари йўқолгани туфайли, бу маъбуднинг культига топинувчи одамлар ҳар йили айнан ўша ойнинг бошида бурмали қора кийим киядилар, далаларда кўкракларига уриб ва яланг оёқ йиғлаб юриб, 300дан 500гача эркаклар ҳамда аёллар маъбуднинг ўзлари учун ниҳоятда муқаддас хоқини ахтарадилар. Еттинчи кунида йилбоши байрами тантаналари ўз ниҳоясига етади».

Панжикент шахрининг харобаларидан топилган VII асрга оид деворий суратларнинг бирида Сиёвушнинг ўлими билан боғлиқ аза маросими тасвирланган: Мархумнинг жасади қуббали аллақандай қурилма ичида, дарчаларидан унинг атрофида сочларини ёйволиб, ниҳоятда гиря, афғон қилаётган, изиллаб йиғлаётгана ёллар, танаси жуда жароҳатланган «аниқ туркий белгиларга эга бўлган эркаклар» қиёфалари ҳам кўриниб туради.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асаридаям каёнийлар сулоласи ҳақида ёзар экан, ўша Сиёвушнинг таржимаи ҳолини ҳам берганди. Маълумот охирида бўлса шундай деб ёзганди: «Сиёвуш учун... андоқ мотам тутдиларким, ҳаргиз ҳеч киши ёд бермас.

Тарих аҳли муттафиқдурларким (бирлашган, ҳамфикр, дўст), соч қирмоқ ва қаро киймак ул мотамдин қолди».

Сиёвуш хотирасига бағишланган байрам ҳар баҳор бошида ўтказилган. Маросимлар ва томошалар Сиёвушга аза очиш ҳамда мотам тутиш билан бошланиб кетган. У сахналаштирилган қайғули маросим тусида бўлган. Унда, айниқса, истеъдодли айтиб йиғловчи аёллар ҳам катта хизмат кўрсатган. Яъни, йиғичи аёл Сиёвушнинг фазилатларини жуда таърифлаб қуйлаган, бошқа аёллар ўзларини роса уриб, юзларини эса қаттиқ юлиб, уни қувватлаб йиғлаганлар.

Ушбу одат бўлса Ўзбекистоннинг айрим жойларида шу кунгача давом этиб келмоқда. Кўк ё қора кўйлак кийган аёллар мурданинг

атрофида сочларини буткул ёйволиб, ўз кўкракларига уриб, қарсақ чалиб, йиғлаб аза тутадилар. Даврадаги малакали йиғичи марсияни айтади (куйлайди), бошқалар эса унга жўр бўладилар. Мотам аста-секин садрга айланиб кетади: аёллар бўлса ўнг қўллари билан сўл кўкракларига уриб «ҳо-хув» деган қаттиқ нидолар билан ёнларига ўнгга қараб ҳаракат қиладилар, гоҳ мурданинг устига ғуж бўлиб, гоҳ ёйиладилар, қаттиқ жазавага тушиб ўзларини ҳам унутишлари мумкин. Садр мурда атрофидагина эмас, шу билан бирга марҳумни эслаган, ёдга олган кунларда ҳам ташкил қилинган. Шундай ҳолда эса садр ярим маросим, ярим томоша шаклида ўтган.

Сиёвуш байрамидаям кулгили ҳамда шўх намоёишлар етакчи мавқега эга бўлганди. Бундай намоёишлар жуда қадим замонларда ҳам, ўрта асрларда ҳам бўлиб турган. Бироқ, ислом ҳукмронлиги даврида бўлса улар бирмунча трансформацияга учраган, яъни аста ўзгариб борган. Баъзи бир маросим, ўйинлар, томошалар намоёиш таркибидан ажралиб кетган ҳамда алоҳида шаклда яшай бошлаган. Чоризм ҳукмронлиги даврида ҳам бундай намоёишлар бўлганлиги маълум. Лекин, булар – ҳаммаси чинакам, асл намоёишлардан бир зарра, учқун, холос. Шундай бўлса-да, унга таянган ҳолда қадимий намоёишларни кўзимиз олдида бемалол келтиришимиз ва тасаввур қилишимиз ҳам мумкин.

Қадимги аждодларимиз Сиёвушга кучли эътиқод қилганлар. Уни ўлувчи ва қайта тирилувчи табиат худоси ўрнида қабул қилиб, илоҳийлаштирворганлар. Сиёвушни сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахитанинг ажралмас йўлдоши, унинг беқарор ошиғи сифатида тасаввур этганлар. Қадимги Хоразмда уни подшоҳлик тузумининг асосчиси, ҳомийси деб билганлар. Тадқиқотчи Т. Қиличев «Қизил гул» байрамини Анахита ва Сиёвуш ўртасидаги илоҳий-афсонавий севги билан боғлаган ҳолда ўрганган эди. Сув ҳамда ҳосилдорлик маъбудаси Анахита (ислом даврида Анбар она)нинг энг асл рамзи атиргул билан пайваста келиб, сўнгра эса Митра (Сиёвуш) тимсоли билан чатишган ҳолда бунёдкорликнинг манбаи сифатида тасаввур этилган «Қизил гул» байрами асрлар оша бизларнинг замонимизга қадар етиб келганлигидан ўзингиз ҳам бохабарсиз.

Сиёвуш қадимги замонларда Сиёвахш ҳам деб аталган эди. Вахш – бу Амударёнинг боши. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Сиёвуш қоп-қора, жуда чиройли от устида ўтирган ва олтин қалпоқ кийиб олган навқирон чавандоз йигит сифатида тасвирланган. Бу дostonда тасвирланишига қараганда, Сиёвуш Кайковуснинг ўғли, Турон замин чегарасидаги ғоятда улкан бир ўрмондан шаҳаншоҳ аскарлари томонидан топиб олинган ниҳоятда сирли бир гўзалдан бунёд бўлган экан.

Онаси Сиёвушни туғибок оламдан ўтган, уни баҳодир Рустам тарбия қилган. Уни ўғай онаси Судоба яхши кўриб қолиб, хиёнатга ҳам тортмоқчи бўлади. Аммо, Сиёвуш хиёнатга ям рози бўлмайди, натижада эса Судобанинг палид сири ҳам очилиб қолади. Сиёвуш эса оловдан оралаб ўтиб, ўзининг ҳалоллигини исбот қилади ҳамда Туронзаминга кетиб, Афросиёбнинг росаям гўзал қизига уйланади. Туронда Сиёвушгирд шаҳрини бунёд этади. Бироқ, у бу ерда ҳам куруқ тухматга дуч келиб, бегуноҳ қатл қилинади. Наршахийнинг ёзишига қараганда, ўз отаси Сиёвушнинг хунини олиш ниятида келган ўғли Кайхусрав Бухородаги Ромитан яқинида Ромуш деган бир қишлоқни бино қилиб, унда ибодатхона қурдирган экан.

«Бухоро тарихи»да Наврўз байрами ёши тўрт минг йилдан ортиқ эканлигини исботлайдиган ғоятда муҳим бир далил мавжуд. Наршахий бухороликларнинг кўхна удумларидан бири хусусида ҳикоя қилар экан, шундай деб ёзган эди: «Сиёвуш ибн Кайковус ўзининг отасидан қочиб ҳамда Жайхун дарёсидан ўтиб, Афросиёб олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, ўзининг барча мулкларини ҳам унга топширганди. Бу вилоят ўзига вақтинча бериб қўйилган жой эканлиги туфайли ҳам, Сиёвуш бу ерда (яъни Бухорода) ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни ҳам истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилди ва кўпроқ вақт айнан ўша жойда турар эди. (Кимлардир) Сиёвуш билан Афросиёбнинг ўртасида гап юргизди ва (натижада) Афросиёб уни ўлдирди ҳамда ушбу ҳисорда шарқий дарвозадан кираверишингдаги «Дарвозаи ғуриён» деган ном билан аталувчи сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дафн этдилар.

Шу сабабли ҳам Бухоронинг оташпараствлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар йили наврўз кунда қуёш чиқишидан олдин худди ўша ерда битта хўроз сўядилар. Бухоро аҳолисининг Сиёвуш ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари ҳам бўлиб, у барча вилоятларда жуда машҳурдир.

Куйчилар эса унга мослаб бир куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни «оташпараствлар йиғиси», дейдилар. Бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқ вақт ўтди».

Демак, Наврўз байрами қадим-қадимдан эл-юрт жуда суйган қаҳрамонлар хотирасини эъзозлаш билан ҳам боғлиқ айём бўлиб келган. Бизлар ҳар йили Наврўз кунларида азиз марҳумларнинг руҳлариниям ёд этарканмиз, бевосита ривоятлар мағзига васиятдек сингдириб қолдирилган ўша кўҳна асл инсоний анъаналарни ҳам давом эттираётган бўламиз. Сиёвуш ҳазонларга ҳам рўй бермасдан, қайтадан уйғонган табиат ва ҳаёт рамзидир.

Қадим аجدодларимиз ўша афсонавий Сиёвушни мангуликка, мангуликни, турган гап-ки, боқий байрам Наврўзга қиёс қилганлар.

Беруний келтирган афсона бўйича Наврўзнинг келиб чиқиши инсоният учун улкан ишларни амалга оширган Жамшид шоҳ номи билан боғланган эди: «Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша кунни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшидга (аравада учишига) тақлид қилиб арғимчоқлар учдилар».

«Шоҳнома»да ҳам шундай ғоя илгари сурилган:

Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.

(Ўша замонларда шамсий йилнинг биринчи ойи «Фарвардин» деб аталган (21 март – 21 апрель). – Б. И., Н. И.)

Умар Ҳаём «Наврўзнома» рисоласида ёзишича: «Жамшид... байрам қилишни одатга айлантирди. Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар. Ажам подшоҳлари шу пайтда Офтобни улуғлаш учун, шунингдек, ҳар ким ҳам бу кунни топа олмаслигини ҳисобга олиб, уни олдиндан белгилаб қўйдилар. Байрамни жорий этдилар, ҳамма бу санага риоя қилсин деган мақсадда уни барчага маълум қилдилар».

Умар Хайём ўз китобида «Фарвардин» сўзининг чин маъноси «жаннатлар» эканлигини ёзганди. Аммо, кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, ушбу атама паҳлавий (ўрта форс) тилидаги «фравартина» – «халоскор фаришта» деган сўздан келиб чиққан. Бу ҳам қаҳратон қишдан халос бўлиб, ҳаётнинг қайтадан жонланишига бир ишора бўлса ҳам, ажабмас.

Кези келганида шуниям қайд этишимиз даркорки, Исломдаги ҳижрий-шамсий йил ҳисобида ҳам янги йилнинг боши айнан ушбу кунга тўғри келади. Шу кунда куёш ҳам Ҳамал буржига киради, яъни, самодаги ўзгариш ва коинотдаги муайян бир мунтазамлик – баҳорги эътидол (яъни, мўътадиллик) мана шу куннинг байрам қилинишига сабабчи бўлган.

Шарқ халқларидаги мучал йили ҳам айнан шу кундан бошлаб ўзгаради. Бунисини бўлса ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Маздопарастлик афсоналаридан бирида буюк Наврўз айёмига пайғамбар Зардушт асос солганлиги ҳикоя қилинади. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида келтирилган бир афсонага кўра бўлса, худди шу куни Худо, яъни Ахура Мазда энг қуйи оламни – Ерни яратиб бўлганидан сўнг, ярим одам, ярим ҳўкиз танли Каюмарсни Курраи заминга подшоҳ этиб тайинлаган. Шу сабабдан бу кун жуда улуғ байрам сифатида нишонланадиган бўлган.

Тағин бир афсонага кўра, ҳаракатсиз коинотни Тангри айнан шу куни, яъни куёш Ҳамал буржига кирадиган соатда ҳаракатга келтириб юборган экан. Натижада эса, Нур ва Зулмат бир-биридан

ўзаро ажралган, йиллар, ойлар, кунлар пайдо бўлган ҳамда вақт ҳисоби ҳам бошланиб кетган.

Баъзи бир манбаларда адабий-тарихий ёзилишига қараганда, Худо бутун мавжудотни олти кун мобайнида яратган ҳамда унинг энг биринчи куни эса айнан биз учун боқий Наврўз ҳисобланади.

«Авесто»нинг Ром қасидасида (4- бўлим, 15- банди) шундай дейилади: «Яхши сурув соҳиби Жамшид юксак, саросар порлоқ ва заррин Ҳукар тоғининг этагида олтин тахт, олтин ёстик ва олтин фарш ва ёйиб қўйилган барсамнинг ҳузурида қўлларини ёзиб уни олқишлади ...». «Авесто» бўйича (Ясна, 9- хот, 4- банд) «Жамшид ўз шахриёрлигида жониварлар ва одамларни ўлим билмас (қилди), сувлар ва гиёҳларни қуримайдиган ва емишларни мўл-кўл айлади».

«Яшт китоби»да Жамшид хусусида шундай дейилади:

Қўнди Йима Хшайатига
Подалари тўқ, семиз –
(Ернинг илк подшоҳига).
Узоқ муддат шоҳ бўлди,
Етти кишвар шод бўлди.

(Қисқача изоҳ: Йима Хшайатийа – «Авесто»да Ахура Мазда ўзи ҳақида хабар берган подшо сифатида тайинланган. «Шоҳнома» достонидаги номи бўлса – Жамшид. – Б. И., Н. И.).

Подшоҳ деган сўз «Авесто»да патихшайти – «нурафшон зот» сифатида тушуниларди. Қадим Зардуштийларнинг нуқтаи назарига кўра, айнан бундай ниҳоятда улуғ хислат, фазилят эзгулик ҳамда ёруғликнинг тангриси Ахура Маздадангина ато бўлади.

Қадимги афсоналардан бири мазмунига кўра, Наврўзнинг урф бўлишини оловнинг кашф этилиши билан боғлаб талқин этиш ҳам ўзига хос мантикқа эга. Айтишларича, Жамшид кунларнинг бирида Мозандароннинг ўрмонларида товушқон (қуён) овлаб юрган экан, иттифоқо сеҳрли илонни кўриб қолиб, ўша захотиёқ унга қарата камондан ўқ узибди. Илон эса бир қоятош остидаги ковакка кириб кетиб, кўздан ҳам ғойиб бўлибди. Жамшиднинг камонидан узилган ўқ эса тошга тегиб, ундан учкун чиқарибди. Учкунлардан бири тош ёнидаги қуруқ хас-чўпларнинг устига тушиб аста ёна бошлабди.

Одамлар шу даврларга қадар оловнинг нималигини билишмас экан, шу боис гулханни кўрган ҳамма бу мўъжизадан лол қолиб, дарҳол унга сажда қилибди. Шу-шу одамлар оловни ўта муқаддас билиб, уни сира ҳам ўчирмасликка ҳаракат қилишибди.

Жамшид муқаддас оловни кашф этган кунни эса «Янги кун» сифатида жудаям катта байрам қила бошлабдилар.

Фирдасийнинг «Шоҳнома»сида ёзилишича эса, адолатпаноҳ Ҳушанг бир гуруҳ кишилари билан тоққа бораётганида тўсатдан у жуда баҳайбат илонга дуч келиб қолади. Ҳушанг унга қарата катта тошни отади, бироқ тош илонга тегмай, қоятошга бориб урилади ва бирдан тошлар орасидан учкун ва олов чиқади. Шу ҳодисадан сўнг Ҳушанг оловни қандай ҳосил қилишни кашф этади:

«Бу оловмас, – деди, худо ҳадяси!»
Энди шунга бўлсин юрак саждаси!
Шундан бери оташ қибласи бўлди,
Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди.
Кеч киргач, ўт ёқиб қалади гулхан,
Гулхан атрофида аъёнлар билан
Ўлтириб бошланди базм ва байрам,
Сада деб ном берди, дилдан ариб ғам.

Алишер Навоийнинг машҳур «Тарихи мулуки Ажам» асарида ҳам ўша Жамшиднинг бир неча буюк ихтиролари ва кашфиётлари интиҳосида Наврўз аёми кашф этилгани баён қилинган.

Жамшид «Чиҳил минор» номли одамзод ҳали кўрмаган ва ақл бовар қилолмайдиган баланд бинони қуриб... «бу иморат туганди. Ул вақтким, куёш нуқта эътиқодли равийга таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахтнинг устида ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди».

Турк олими Абу Холиқ Жой томонидан оммалаштирилган бир афсонада айтилишича, бутун рўйи заминни катта сув босиб, тўфон бўлган пайтида, Нух пайғамбар ҳар турли жонзотдан бир жуфтдан олиб, ўзига хос сувости кемасида сузиб юрган экан. Бир куни чор-атрофда қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш ниятида қалдирғочни ҳам учуриб юборибди. Бир маҳал ҳалиги қалдирғоч

тумшуғида бир яшил гиёҳни кўтариб учиб келибди. Бу ҳолат ўз-ўзидан шу яқин орада ер борлиги, гиёҳ эса кўклам келганлигини англатади. Нух қалдирғоч кўрсатган томонга қараб астагина сузиб бориб, сувнинг ўртасидаги бир қуруқ заминни кўрибди. Кемадаги барча жонзотлар ерга тушиб, тўфоннинг азобидан қутилибдилар. Сувдан қуруқликка чиқиб олинган айнан ўша кунни бўлса «Янги кун» дея байрам қилишга одатланибдилар.

«Наврўз» айёмининг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида бу каби афсоналар турлича талқин қилиниши ҳам мумкин. Бироқ, «Наврўз» қачон ва қандай вужудга келганлиги вақтини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлса-да, қатъий ишонч билан айтишимиз ҳам мумкинки, ушбу байрам ўта доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки, «Наврўз» коинот ҳамда табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан тенг-баробар бўлиши, кундузнинг аста-секин узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳор келиши билан боғлиқ равишда илмий жиҳатдан асосланиб белгиланган. Бу бўлса, турган гапки, ҳар қандай макон ҳамда замон, жамиятда «йил боши» (қачон келишидан қатъи назар) «Наврўз»ни табиатнинг бениҳоя улуг байрами сифатида нишонлаш учун чин асос, асл пойдевор бўлган.

Аслида, «Наврўз»ни нишонлаш одати ибтидоий жамоа замони одамлари емиш учун Она табиатдаги мавжуд неъматларни қидириб топиш билан бир вақтнинг ўзида, нималарнидир ишлаб чиқариш, яратишни, деҳқончиликни ўрганганидан сўнг улар далада янги иш мавсумини бошлашларидан олдин ўтказадиган ўзига хос баҳорий байрам, тантана сифатида шаклланган.

Замонлар ўтиши билан ушбу байрам ҳам такомиллашиб, унга мос кунни ҳам аниқлаб олинган. У «йил боши» сифатида белгилаб қўйилган ва унга «Наврўз» (яъни «Янги кун») деган жуда чиройли номни берилган.

Милоддан аввалги даврда қўлланила бошлаган зардуштийлик тақвими бўйича ҳозирги февраль ойининг биринчи кунида «Кичик Наврўз» (ёки «Оммавий Наврўз») бошланиб, унинг олтинчи кунида «Катта Наврўз» (ёки «Махсус Наврўз») уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврига келиб эса ушбу икки «Наврўз» бирлаштирилиб,

кичик ҳамда катта «Наврўз»нинг ўртасидаги барча кунлар байрам, деб эълон қилинган.

Муайян даврларда «Наврўз» байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Бу хусусда Беруний қуйидагиларни баён этади: «Кейинги подшоҳлар ушбу ой, яъни фарвардин моҳнинг барча (кунлари)ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун; иккинчиси – улуғ кишилар учун; учинчи кун – подшоларнинг қуллари учун; тўртинчи кун – хизматкорлар учун; бешинчиси – халқ оммаси учун; олтинчиси – чўпонлар учун».

Подшоҳлар ўзлари учун белгилаб олинган биринчи беш кунни қуйидаги тартибда, яъни биринчи куннинг ўзидаёқ «подшоҳ наврўз куни ҳайитини ўзи бошлаб бериб, одамларга ўзининг халқни қабул қилиши»ни билдирар эди. Иккинчи куни эса мартабаси жуда ҳам юқори кишилар..., деҳқонлар (У даврда деҳқон – ҳозиргидек ҳосил етиштирувчи зироаткорларни эмас, қишлоқ ҳукмдори маъносини билдирган. – Б. И., Н. И.) ва (машҳур) хонадон аҳллари (қабул қилиш), учинчи кунида отлиқ сипоҳлар ва улуғ донишмандлар, тўртинчи куни ўз уйидагилар, яқин ва хос кишилар, бешинчи куни эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишилар (қабул этиш) учун ўтиради. Олтинчи куни... ўзи учун наврўз қилади».

Подшоҳлар турган гап-ки, бундай қабуллардан жудаям катта фойда орттирган. Чунки, у «келувчиларнинг мартабаларига қараб, уларнинг ҳадяларини ҳузурига келтиришга буюрган ва ҳадяларни ўта диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб берган, хоҳлаганларини эса ўзининг хазинасига қўйган».

Исломга қадар бўлган «Наврўз» байрамнинг оддий халққа тегишли одатлари ҳам алоҳида диққат-эътиборга сазовордир. Ўша замонларда «Наврўз» кунида одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликларни ҳадя қилиши (хаётингиз ҳар доим ширин бўлсин, деган маънода), анвойи гулларни тақдим этиши (жуда гўзал бўлинг, маъносида), бир-бирларига шўх-шодонлик билан сув сепиши (бу йил сув янада кўпайсин, ҳосил эса тағин ҳам мўл-кўл бўлсин, деган маънода) сингари одатлар ниҳоятда кенг тарқалганди.

Наврўз кунида ширинликларни ейиш энг муҳим удумлардан бири бўлганди. Берунийнинг муҳим тарихий маълумотларига кўра:

«Наврӯз куни тонг отганида биров гапиришидан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбӯй) мум тутса, бу жуда кўп касалларга шифо бўлади... «Наврӯз»нинг олтинчи куни, яъни «Катта Наврӯз» куни тонгида ... гапиришдан олдин шакар татиб, ўзига зайтун (ёғи) суртган кишидан шу йилнинг ҳаммасида турли бало-қазолар даф этилади».

Ривоятлардан биридаям одамларнинг бир-бирларига шакарни ҳадя этишлари ва уни байрам кунлари махсус татиб кўришлари сабабли айнан Наврӯз кунида шакар пайдо бўлган, дейилади.

Наврӯзга тайёргарлик кўришда бўлса буғдой ёки арпа донини бирорта ёғоч идишда росаям ўстириб, баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг ўртасига, яъни марказига қўйиш одати ҳам бўлган.

Умар Хайём «Наврӯзнома»да ёзишича: «Ажам подшоҳлари униб чиққан арпанинг ўта яхши аломати бор деб ҳисоблаганлар... Арпа дориликка ҳам, емакка ҳам ярайверади... Йилнинг яхши ёки ёмон келиши ҳам арпага қараб аниқланади. Агар арпа тик ва қалин ўсса, бу йил серҳосил, агар қийшиқ ва яккам-дуккам ўсса, демак бу йил анчагина камҳосил бўлади...

Мункайган чоллар арпа билан фол очадилар ... Фарвардин ойида айрим аёллар қизларига атаб арпани токнинг сувига ҳўллаб экадилар... Ажам подшоҳлари ҳар йили Наврӯз кунида фойдали ва қутлуғ бўлгани учун арпадан баҳраманд бўлишни истар эдилар».

Аждодларимиз байрам арафасида етти хил дон (буғдой, арпа, нўхот, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан наврӯзгўжасини тайёрлаб, уни жудаям яхши ниятлар билан қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тарқатганлар. Бундан ташқари бўлса, дастурхон «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хилдаги ўсимлик (сиб – олма, сабзи, сир – саримсоқпиёз, сирка, сатортошгул, сиёҳдон – қора данак, синжид – ёввойи зайтун кабилар) уруғидан ўстирилган турли-туман кўкатлар билан чиройли қилиб безатилган.

Хожи Али Ҳаким Термизийнинг «Наврӯзнома» асарида қайд этилишига қаралганида, «Агар Наврӯзи олам душанба куни дохил бўлса, қамар ойига таааллуқли бўлғай. Ул йилда тўқлиқ бўлғай,

неъматлар кўп бўлғай, ёмғир кўп ёқғай. Ғўза экини яхши бўлғай. Бугдой эса ширин бўлур».

Эрон халқларида ханузга қадар «сўфрейэ ҳафт син» («етти син дастурхони») деган зиёфатнинг тури ҳам сақланиб келмоқда. Дастурхонга номининг энг бош ҳарфи арабча «син» бўлган еттита нарсалар қўйилади. Булар бўлса саккэ (танга пул), сиб (олма), сир (саримсоқпиёз), санжед (жийда), саману (сумалак), сабзэ (кўкат), самоқ (тотим) ҳамда бошқалардан иборат. Шунингдек, Қуръони карим, сув тўлатиб қўйилган идиш, қизил балиқ, гул, кўзгу, шам ҳамда товук тухумиям ушбу дастурхонга албатта қўйилиши лозим бўлган нарсаларнинг жумласига киради.

Ота-боболаримиз Наврўз дастурхонига турли хил қурилган мевалардан тайёрланган шарбат, бўялган тухумлар ва бошқача ноз-неъматларни қўйганлар. Айнан байрам дастурхонига қўйиладиган тагин бир нарсаям кишининг диққат-эътиборини ўзига тортади. Бу каттагина бир идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат)ни солиб қўйиш одатидир. Бу одат янги йил сувга ва экинга мўл бўлсин, деган орзу-ниятнинг рамзий ифодаси бўлган.

Шарқ мамлакатлари халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган ва тадқиқотчилар томонидан турли тарихий даврларда ўрганилган ва турлича талқин қилинган Наврўз байрамида ўзбекларнинг асрлар давомида шаклланиб келган фалсафий, миллий-маънавий, тарихий қарашлари, қадриятлари, маънавияти ўзини яққол намоён этади.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида туб аҳолининг урф-одат, анъаналари, юксак маънавияти азалий бирлаштирувчи омиллардан бири бўлган. Миллати, тили ва динидан қатъи назар Наврўз байрамини баҳор ҳамда хурсандчилик айёми сифатида нишонлаш бугунги ҳаётимизнинг ёрқин тимсолига айланиб бораётганлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Бундан ташқари, айнан 21 март 1966 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус бир қарорига кўра «Халқаро ирқий камситишларни тугатиш учун кураш куни» сифатидаям нишонлаб келинмоқда. Айнан Наврўз айёми мазмунан шундай ёвуз, вайронкор ғоялар ҳисобланмиш ирқчилик, фашизм, шовинизм, коммунистик ҳамда диний ақидапарастликнинг барча

кўринишлари ва шаклларига мутлақо қарши бўлган башариятнинг боқий бағрикенглик байрами ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъбири билан айтилганда: «Наврўз – биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш, янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврўз – бизлар учун асрлар давомида халқимизнинг онги ва тафаккурига, руҳиятига ҳамда бутун ҳаётига бекиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз – бизлар учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир».

Наврўз ҳар қандай мафкура ва сиёсатдан холи бўлиб, эл-юрт руҳини кўтаришда ва мустаҳкамлашда, халқни истиқболдаги буюк мақсадлар томонга сафарбар этишда, мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга йўналтиришда ниҳоятда муҳим омиллардан бири сифатида барчага беминнат тарзда хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам байрамнинг ҳақиқий мазмун-моҳияти очиқ берилган: «Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва (Она) табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқоннинг меҳнатини ҳурмат қилиш, яхши кўшничилик, меҳр-мурувват, бошқаларнинг дардига (чиндан) малҳам бўлишга интилишлари тикланишининг ўта қудратли омили бўлмоқда. Наврўз халқ байрамининг инсоний ва байналмилал (мазмун)моҳияти ҳам ана шундадир».

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз – табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Она табиат аста-секинлик билан уйғонар экан, инсоннинг руҳияти ва кайфияти ҳам унга мутаносиб равишда янгиланиб бораверади. Шу билан бирга, инсоннинг билагига куч, қалби, юрагига эса янги интилиш, ҳаётига янги умид, орзу-мақсад кириши ҳам табиийдир...

Зардуштийларнинг тақвимида ойлар номлари, ўз навбатида кун номларида ҳам такрорланган. Ой билан бир хил номдаги кун бўлса у албатта байрам ҳам ҳисобланган.

«Авесто» Фарвардин қасидасида (3- бўлим, 28- банд) «Мазда ... осмон, замин, сув ҳамда гиёҳларни асрашга даъват қилди», дея эл-юрт амалда экологик жиҳатдан ҳам огоҳликка чорланган эди. Аини шу боисдан ҳам унинг «Етти буюк яшт» қисмида (44- банд) шундай дейилади:

Сувлар қуюлгувчи тоғларни олқишлаймиз.
Сувлар туккувчи дарёчаларни олқишлаймиз,
Судбахш буғдой далаларини олқишлаймиз...

«Ясна» ҳамда «Мансур яштлар» («Етти буюк яштлар»)да ҳам ушбу бунёдкор ғоя, шиор янада теранроқ равишда ўзининг аксини топган эди: Ва, «Ниҳоят сувларни олқишлаймиз. Қуйи оқгувчи, йиғилгувчи ва равон оқгувчи, ахуравий эзгу ниятли сувларни мадҳ этамиз.

– Эй, сувлар!

Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб, пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз.

Биз сизларни эъзозлаймиз».

Қадим замондан Ота Маконимиз халқларининг сувга бўлган эътиқоди жуда-жуда, ҳаддан ташқари баланд бўлган. Шу боисдан ҳам Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қадим «Наврўз» муҳим одатларининг бири хусусида: «Одамлар шу куни тонг пайтида ўз ўринларидан туриб каналлар ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча оқиб турган сувларга рўпара туриб, баркамол бўлиш ва офатларни даф этиш учун устиларидан сув қуядилар», деб ёзганди.

«Авесто»нинг Ясна қисмида (6- хот, 14- банд) қайд этилган: «Сувлар, заминлар ва гиёҳларни олқишлаймиз» шиори ўша даврда барча-барча кишиларга баб-баравар даражада дахлдор бўлган.

Зардуштийларда сув ниҳоятда муқаддас ҳисобланиб, аввало, унинг тозалигини сақлаш, булғамаслик ҳақида қаттиқ қайғурилган. Барча сув манбалари – дарёлар, ариқлар, кўллар ва қудуқлар ҳар қандай нопоклик, ифлосликлардан қаттиқ ҳимоя қилинган. Агар маросимий жиҳатдан нопок бўлган қандайдир бир нарсани ювиш лозим бўлиб қолса, сув, аввало, махсус жойга тўпланган. Лекин,

шунда ҳам нопок нарсани тўғридан-тўғри сув билан ювилмаган. Нопок нарса, аввало, сигир сийдиги билан ювилиб, қуёшда ёхуд қумда қуритилган ва сўнгра якуний поклаш мақсадида сув билан ювилган. Шунингдек, ёмғир ёғаётган пайтларда ташқарига чиқиш ҳам тақиқланганди, чунки, бу билан сувни ва ерни «ҳаром» қилиб қўйиш мумкин деб ҳисобланган. Сувни булғаш ва исроф қилиш жуда ҳам кечирилмас гуноҳ ва оғир жиноят сифатида баҳоланган.

Ҳозирги даврда ҳам сувни булғаш, сувга тупуриш ва ифлос нарсалар, чиқиндиларни сувга ташлаш гуноҳ ва ҳуқуқбузарликдан бошқа нарса эмас. Шу боисдан сув келадиган ариқлар, каналлар ва зовурлар ҳар йили эрта баҳорда ҳашар йўли билан тозаланишини ҳам иқтисодий зарурият, ҳам энг улуғ аجدодларимиздан бизларга маънавий мерос сифатида қолдирилган муқаддас одатлардан бири сифатида баҳоламоғимиз даркор.

Қадимги аجدодларимизда баҳорда ҳам сув мўл-кўл бўлишини тилаган ҳолда турли-туман хайри-худойи қилиш билан бирга, ўз экин майдонлари четига қурбақаларни ушлаб оёғидан осиб қўйиш одати ҳам бўлган эди. Улар қурбақа ёғингарчиликни чақиради, деб ниҳоятда ишонганлар. Масаланинг ўзига хос қизиқ жиҳати ҳам айнан шундаки, ҳанузгача Фарғона водийси аҳолиси орасида ҳам «қурбақани ўлдирган одамнинг тўйида албатта ёмғир ёғади», деган тушунча сақланиб қолган. Қадимги хитойликларнинг эътиқодича, қурбақа жудаям узоқ яшаб, қариса, қурғоқчиликка сабаб бўлувчи ёвуз руҳларни еб қўядиган даражада ғоят кучли бўлиб кетар экан. Хитойликлар ана шундай қурбақани бешинчи ойда сояга қўйиб қуритилгудек бўлса, дарҳол ёмғир ёғиб юборади деб ишонганлар.

Тибетликлар бўлса қурбақани чуқурчага кўмиб қўйиб, устига таёқни суқиб қўйилса, ёмғир тезроқ тинади деб ирим қиладилар. Доғистонда яшовчи Лак ҳамда Дарғин этносларида бўлса бемаврид ёғиб қолган ёмғирни тўхтатиш учун ўзини тукқан онаси, бувиси, катта бувиси, яъни «Учта онаси» тирик бўлган аёл яшил матодан қурбақага «иштон» тикиши керак, деб ўйлайдилар. Яшил либос кийдирилган қурбақани тарновнинг учи ёхуд айвоннинг пештоқига оёғидан илиб қўйиб «ёмғир тинсин, тезроқ қуёш чиқсин!» дейилса,

ёғингарчилик жудаям тез орада барҳам топади, деб чиндан ҳам ишонадилар.

Ёмғирни тўхтатиш ниятида водийнинг баъзи бир туманларида айрим ғайри оддий усуллар ҳам ўтмиш даврларда кўп қўлланган. Масалан, Марҳамат, Қува туманларида одамлар ёмғирни тўхтатиш учун айнан шу қишлоқда қачондир яшаб ўтган ёки яшаётган кал ёхуд кўса одамларнинг исмларини тоқ сонлар билан санаганлар (яъни 1, 3, 5, 7 ва ҳоказо). Улар ушбу санокни 41тага етказилса ёмғир тўхтайдиган, деб ишонганлар. Агарда санок 41тага етказилса, у ҳолатда ҳисобланаётган сочлари тўкилган – кал кишиларнинг сони 21тани ташкил этган.

Водийнинг Сўх туманида бемаврид ёмғирни тўхтатиш учун бир неча хил маросим ўтказилган, уларнинг аксарияти олов билан боғлиқ бўлган. Улардан бири қуйидаги шаклда амалга оширилган: оиланинг тўнғич фарзанди Аллоҳдан ўзини сақлаши, асрашини сўраб илтижо қилади ҳамда баланд ёқилган олов устидан кескин сакраб ўта бошлайди. Айнан шу пайтда қолган барча кишилар, катта-ю кичик тоғора, челақлар ва бошқа темир буюмларни баланд овоз чиқариши учун бир-бирига росаям данғиллатиб уриб, жудаям қаттиқ шовқин-сурон соладилар, бақир-чақир қиладилар.

Тўнғич ўғилнинг кўмагида даладаги ишларга ҳалал берувчи бундай бемаврид ёғингарчиликни бир амаллаб тўхтатиш ниятидаги шундай удум озарбайжонларда ҳам бўлган. Унга биноан, бирорта оиланинг тўнғич фарзанди ойболта муҳраси (тиғига қарама-қарши томони, орқаси)ни тинмай ёғаетган ёмғирга қўйган ва «Мен қора тумшукли тулкиман, мен бу ёмғирни, албатта, тўхтата оламан!», дея афсун ўқиган.

Шунга ўхшаш одатлар ота юртимизда ҳам ўтказилган, аммо ушбу жараёнда олов ёқилмаган. Қишлоқ, овуллар аҳолиси, асосан болалар томонидан кўчаларга тоғора, челақлар ва шунга ўхшаш буюмларни олиб чиқилган ҳамда уларни калтак билан жаранглатиб ва данғиллатиб уриб, роса шовқин-сурон солинган.

Қадимда Марказий Осиё халқларининг санъатида ҳам қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғирнинг ифодаси, бахт ва омаднинг

тимсоли ҳамда ўзига хос бир тумор сифатида жудаям кенг миқёсда фойдаланиб келинган.

Бемаврид ёмғирни тўхтатиш ёки керак пайтда бўлса ёмғирни чақириш маросимлари дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиб келинган. Масалан, Шарқий Европа, Кавказ ҳамда Болқон ярим ороли халқларида ушбу маросимда эркаклар билан бирга аёллар ҳам қатнашганлар. Улар ўз ниятларининг амалга ошиши учун бир-бирлари, қишлоқ руҳонийсини, бутун маросим давомида шовқин-суронларни солиб, бутун қишлоқ бўйлаб айлангириб юрилган ва шу маросим учун махсус ясалган «Қўғирчоқ»ни оқаётган ариқнинг сувига ташлаб юборганлар.

Бундан ташқари, серблар, болгар ва юнонлар (греклар)да ҳам Марказий Осиёдаги «Суст хотин» ёхуд «Сув хотин» маросимида ўхшаб кетадиган одатлари бўлган. Қурғоқчилик йилларида бирор-бир қиз (баъзан лўли қизлар) танлаб олиниб, унга яшил новда ва япроқлардан либосни кийдирилган ҳолда бутун қишлоқ кўчалари бўйлаб айлангирилган. Тезроқ ҳаётбахш ёмғир ёғишидан ниҳоятда умидвор бўлган одамлар бўлса айтиш мумкин ўша қизнинг устига қийқириб, тинимсиз равишда сув сепганлар, уни шалаббо қилиб ташлаганлар.

Рус ва украин халқларида эса, қурғоқчилик йилларида айрим ғайри оддий удумлар ҳам амалга оширилган. Унга биноан, бирор-бир, бу ҳаётнинг турли машаққатларига дош беролмай ўзини ўзи ўлдирган, майпарастликнинг оқибатида ёки шунга ўхшаган бевақт ёки бемаъни ўлим топган одамнинг мурдаси дафн этилган қабрдан қайтадан қовлаб олиниб, ёмғир ёғдириш умидида бирор-бир дарёга ёхуд ўпқонли ботқоқликка ташлаб юборилган.

Қурғоқчилик чоғида Марказий Осиёнинг айрим қишлоқлари эркаклари ярим яланғоч ҳолда кўчага чиқиб, бақир-чақир қилиб, бир-бирларининг устларига сув қуйганлар, ҳатто бирорта кишини, аксарият ҳолларда маҳалланинг имоми ёки мулласини сув секин ёки хайқириб оқаётган ариққа энг яхши ниятнинг бўлажак ижобати учун ташлаб ҳам юборганлар.

Шундай кунларда қишлоқларнинг аҳолиси ўзлари хоҳлаган хонадонига меҳмон сифатида сира ҳам тап тортмасдан, бемалол бостириб кириб бораверганлар. Бундай удум амалга оширилатган

кунида эса барча хонадонларда турли-туман маросимий таомлар, кўп ҳолларда чалпак тайёрланган. Водийнинг бошқа ҳудудларида эса деярли ҳар баҳорда қишлоқ аёллари катта йўлнинг ёқаларига қозон осишиб, чалпак пиширганлар, ушбу маросимий таомни эзгу орзу-ниятда барча йўловчилар, қишлоқ аҳлига улашиб берганлар.

Шуниям таъкидлашимиз керакки, «Наврўз»да одамларнинг бир-бирларига сув сепиш одати Ота Маконимизда яқин даврларга қадар ҳам сақланиб келган эди. Ўзбекистон ҳудудининг лалмикор ерларида ҳаттоки сув сепиш одати асосида қадим-қаадим замондан махсус уюштириладиган «Сув хотин» («Суст хотин») маросими ҳам шаклланган эди. Оқсоқолларнинг кўрсатмасига кўра қишлоқ аёллари катта кўғирчоқ ясашиб, унга қари кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сўнгра эса махсус кўшиқларни куйлаган ҳолатда, ўша кўғирчоқни далалардан ва кўчалардан кўтариб ўтиб, ҳар бир хонадон ҳовлисига олиб кирганлар. Уй эгалари уларни ниҳоятда шодон, хурсандлик билан қаршилаб, албатта кўғирчоқ устидан сув сепганлар. Ўз имкониятлари доирасида хайр-эҳсон ҳам қилганлар.

Кўрилатган ушбу масаланинг алоҳида диққат-эътиборни ҳам ўзига тартадиган қизиқ жиҳати шундаки, айнан 21 март куни 2002 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус қарорига биноан жаҳон миқёсида «Халқаро кўғирчоқбозлар куни» сифатида ҳам кенг нишонланмоқда.

Хитойдаги Шинжон уйғурлари бу янги йилни «Наврўз» эмас, «Зара хатми» деган ном билан атайдилар. Уйғурларда бу байрамни ўтказилиши кўпроқ қурғоқчилик мавсуми билан бевосита боғлиқ. Бинобарин, «Зара» уйғур тилида «ёмғир» дегани. Демак, «хатми» истилоҳини арабчадан тилаш, илтижо деб таржима қилсак, «ёмғир тилаш» дегани бўлади-да. Уйғурларнинг ушбу ўзига хос байрами фақатгина қурғоқчилик йилларидагина ўтказилади.

Қадим-қадимдан эчки ёки улоқ бизларда ёз(кўклам)нинг ўзига хос бир тимсоли бўлиб келган. Элимизнинг қадимий тасаввурлари силсиласида турувчи маросимлар, жумладан, фольклорида ҳам ҳар бир нарсанинг ўз тимсоли ва рамзи бор. Шу жумладан, кўкламнинг зооморфик тимсоли сифатида эчки олинган. Қишнинг зооморфик тимсоли бўлса айнан бўри ҳисобланади. Маросимлар, фольклорда

эса уларнинг иккаласи бир-бирига ўзаро қарама-қарши қўйилган. Маросим ва маросимий ўйинларда ҳар иккисининг ҳам ўз ўрни мавжуд. Масалан, айнаи ўша эчкини олиб қарайлик. Эчки қайси бир мавсумий маросимда муҳим детал сифатида келган? Эчки образи фақат биздагина эмас, дунёнинг ўзга халқларида ҳам бор. Эчкини қадимги римликлар, кўҳна герман халқлари ҳам кўклам келганида махсус қурбонлик қилиб, олма гулининг шохи билан бирга кўклам маросимининг энг асосий тимсоли сифатида алоҳида эъзозлашган. Бизнинг Юртимизда ҳам қадимда эчки кўклам, баҳорнинг тимсоли сифатида қаралиб, кўклам маросимидаям ёш улоқчани қурбонлик қилиш урф бўлган эди. Бундай тасаввур илдизларини ҳатто халқ кўшиқларидаям учратамиз. Болалар кўкка қора булут чиқиб, ёмғир ёғиши бўлса пайсалга солинган вақтлари айтадиган кўшиқ бўлган:

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ,
Бойнинг қизининг
Қорни юмалоқ...

Ёмғир ёғалоқ деганлари – ёмғир ёғмоқчи эди. Эчки чақалоқ дегани – ҳали жудаям эрта кўклам бўлгани билан ёмғир негадир кечикаяпти, бойнинг қизи – эндигина яхшилаб ҳайдалган ер бўлса бўлажак ҳосилга ҳомиладор. Болалар эса уруғ тушган ердан майса тезроқ униб чиқиши учун ёмғир жудаям керак, деб куйлашмоқда. Ушбу кўшиқ фақатгина кечикаётган ёмғирни чақириш ниятида, у тезроқ ёғиши учунгина айтилмоқда...

Сувга бағишланган энг қадимий одатлардан бири Марказий Осиёда жуда катта байрам даражасига кўтарилган. У ёзнинг махсус кунлари одамларнинг дарёлар ҳамда турли сув ҳавзаларига бориб чўмилиши вақтида вужудга келган. Берунийнинг маълумотларига қараганда, қадим хоразмликларда Испондорможи ойининг 1- куни «Вахшангом» деб аталувчи махсус ҳайит бўлиб, у Вахш ва Жайхун дарёлари сувига бағишланган эди.

Шу куни одамлар катта тантаналар билан (Амударё) Жайхун дарёсига бориб чўмилганлар. Шунингдек, Беруний эронликларнинг Хоразм одатларига ўхшаш ҳайити хусусида: «Омул аҳолиси шу

кунда Хазар (Каспий) денгизи (соҳили)га бориб, куни бўйи сувда ўйнашиб, шўнғишадилар», деб ёзган эди.

Берунийнинг ўта муҳим маълумотларига биноан, қайси бир қишлоқ аҳолисининг гуноҳлари кўп бўлса, улар ёмғир сўраб бу маросимни ўтказсалар ҳам мутлақо ёмғир ёғмас экан.

Баҳорий маросимлар таркибига кирувчи ўша ёмғир чақириш маросимлари қадимдан чорвачилик ва лалми деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ҳаётида жудаям катта аҳамиятга эга бўлган.

Бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий XI асрда Сиз ва Биз учун ёзиб қолдирган машҳур «Девону луғатит-турк» асарида Яда тоши ва бу тошнинг ёмғир чақириш маросимларида қўлланиши ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. «...Ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар Яда тоши билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида (жуда) кенг тарқалгандир. У ерда пайдо бўлган ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни ўчирди».

Афсоналарга қараганда, Нуҳ пайғамбар Аллоҳ таолодан Турк элига ҳукмдор этиб тайинлаган ўзининг ўғли Ёфасга далаларга қор, ёмғирни ёғдирадиган бир муқаддас сўзни (дуони) ўргатиб қўйишни ўтиниб сўрайди. Ёфас бўлса, Аллоҳ томонидан берилган айнан ўша дуони ёдидан чиқиб қолмаслиги учун бир тошга ўйиб ёзиб қўяди ва керакли пайтда ёмғирни ҳам чақира оладиган бўлади. XI асрда яшаган дунёга донғи кетган буюк тилшунос-элшунос олим Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида яғмоларнинг шаҳрида юз берган жудаям катта ёнғинни ўчириш учун яда тоши кўмагида махсус иш қилинганлиги туфайли ҳам ҳатто жазирама ёз фаслида қор ёғдирилганлиги ҳақида ёзганди.

Фольклоршунос олим Баҳодир Саримсоқовнинг фикрига кўра, яда тошининг об-ҳавога таъсири ҳақидаги энг қадимий тасаввурлар элнинг онгида XX асрнинг биринчи чоракларига қадар етиб келган экан. Ҳозир, афсуски, халқнинг хотирасидан унутиб юборилган.

Ёмғир чақириш билан боғлиқ муҳим иккинчи маросим – *Суст хотин* маросими ҳозирги кунларга қадар сақланиб қолганлигидан, эҳтимол ўзингиз ҳам, тузуккина бохабар бўлсангиз керак.

Марказий Осиё аҳолиси онги ва қалбида ҳаёт манбаи бўлмиш сув кадр-қиммати хусусида гап борганида сардобалар масаласига диққат-эътибор қаратмасликнинг сира иложи йўқ. Чунки, ўзингизга ҳам яхши маълумки, ўша машҳур сардобалар ҳаётнинг асл манбаи бўлмиш сувни сақлаш, уни эъзозлаб асраш мақсадида барпо этилади.

Қадимда аجدодларимиз қуйидаги жуда гўзал бир одатга қатъий равишда амал қилардилар. Карвон жуда узоқ кутилган сардобага етиб келганида, йўловчилар, энг аввало, ўша ерда ўсаётган дарахтларга сув қуярдилар. Сўнгра ўзлари миниб келган от, туяларни суғориб олиб, фақат ундан кейингина ўзлари мириқиб сув ичиб, ўзларини беҳад қийнаётган чанқоқни қондирганлар.

Сардобалар сувни кадрлашга кенг аҳоли оммасини ўргатувчи ўзига хос «ибрат мактаб»и вазифасини ҳам адо этиб келган. Сув билан боғлиқ энг кадрли ҳамда росаям гўзал анъаналар сардобалар билан боғлиқ равишда вужудга келган. Сардобалар фақатгина сувни эҳтиётлаб сақланадиган иншоот бўлибгина қолмасдан, атрофидаги ўсимликлар, ҳайвонлар, аҳоли, йўловчилар ва сайёҳлар учун ҳам чинакам ҳаётнинг чашмаси ҳисобланган. Шу билан бирга сардоба бирозгина ҳордиқ олволиш, чарчоқни чиқарвориш, мулоқот қилиш, яъни, фикр алмашиш маскани ҳам бўлган.

Ўзбек халқининг ўта катта маънавий бойликлари (махзани)дан бири унинг айнаи ҳаётнинг манбаи бўлмиш сувга бағишланган урф-одатлари, иримлари ва маросимлари ҳисобланади. Уларда жудаям чуқур ва улкан фалсафа мужассамлашган.

Улуғ халқимизнинг сув – об-ҳаёт билан бевосита боғлиқ урф-одатлари ҳақидаги айрим ирим-сиримларни, гарчи улар хусусида ўзингиз ҳам анча тузуккина маълумотга эга бўлсангиз-да, диққат-эътиборингизга тағин ҳавола этмоқчимиз. Масалан:

- Инсон бу ёруғ дунёга келганида ҳам, оламдан ўтиб кетганида ҳам айнан сув билан покланади;
- Одам ҳар бир янги кунини сув билан ювиниб бошлайди;
- Ўзбек уйқудан уйғониб ювиниб олмагунича бирорта кишига қараши ҳам, бирор-бир иш қилиши ҳам мумкин эмас;
- Туш сувга айтилади. Бу хусусдаги баъзи нуқтаи назарлардан бирига кўра, айнан сув турли-туман ёмонликлар, бало-қазоларни

ўзи билан бирга узоқ-узоқларга оқизиб кетар экан;

– Эрта тонгданоқ аёллар ва келинлар ўз кундалик юмушларини ҳовлига сув сепиш ва уни супуриш билан бошлайдилар;

– Янги оилани кураётган келин-куёвларга ширин сув берилади (Ҳаётингиз ширин бўлсин, деган маънода). Никоҳ маросимида ҳам уларнинг олдига, энг аввало, сув қўйилади. Бу «Сизнинг ҳаётингиз оқ ва тиниқ бўлсин!» деган маънони англатади.

– Сув ичишни одатда кичик ёшдагилар бошлаб беради;

– Рамазонда тутилган рўза ҳам сув билан очилади;

– Одамга ўта ҳаяжонланганида ҳам, қаттиқ хурсанд бўлганида ҳам, ниҳоятда қўрқиб кетганида ҳам сув берилади...

Хуллас, халқимизда айна сувга бағишланган урф-одат, иримлар, маросимлар, ўйинлар кўп. Сувсиз ҳаётни мутлақо тасаввур қилиб бўлмаганидек, аجدодларимиз турмушини ҳам сувга бағишланган одатларсиз сираям тасаввур қилиб бўлмайди. Сув билан чамбарчас боғлиқ одатлар ниҳоятда узоқ тарихий жараёнда ўзбек халқининг турмуш тарзигаям қаттиқ сингиб, унинг ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айлана борган.

Қадимги аجدодларимиз – қишлоқ аҳли, эркак-аёл ва бола-бақра далага чиқиб, осмондан заминга сувни ҳадя этадиган маъбуда – сушт хотинга ялиниб-ёлвориб, ундан ёмғирни ёғдиришни илтижо қилганлар:

Сушт хотин, султон хотин,

Кўланкаси майдон хотин,

Сушт хотинга не керак?

Шаррос, шаррос ёмғир керак...

«Сушт хотин» одати буюк Авесто, Зардушт замонларидан буён мавжуд маросимлардан, эътиқод меваларидан бири ҳисобланади.

Сушт хотин, сузма хотин,

Кўланкаси майдон хотин.

Ёмғир ёғдир ҳўл бўлсин,

Еру жаҳон кўл бўлсин,

Майсалар қулоқ ёзсин,

Суту қатик мўл бўлсин.

Ёмғир ёғдир, кўк бўлсин,

Қурғоқчилик йўқ бўлсин,
Арпа-буғдой бош тортсин,
Кайвонилар ош тортсин.

«Суст хотин» термалари бирор-бир кайвони шахс томонидан айтилиб, унинг нақарот қисмини эса ҳамма баб-баравар ўта баланд овоз билан қайта такрорлаб, ижро этилган. Бу маросимни ўтказиш пайтида ўт-ўланлар ҳамда дарахтлар майда шох-шаббаларидан аёл қиёфасидаги жуда улкан «Суст хотин» кўғирчоғи ясалган. Ҳар ким ёмғирни тилаган ҳолда челакда, кўзада, косада, ҳаттоки кўлида – ҳовучида ариқдан сув олволиб, ўша «суст хотин»га сепаверган.

Бу маросим фақат ҳафтанинг хосиятли кунлари ҳисобланган якшанба, пайшанба ва жума кунларидагина ўтказилган. Хосиятсиз деб билинган кунларда маросимни ўтказиш ижобатсиз саналган.

Ҳаволарни ёғдиргин, суст хотин,
Буғдойларни бўлдиригин, суст хотин.
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,
Элу юртни тўйдиргин, суст хотин...

Қурғоқчилик, ўз навбатида, қаҳатчилик келтириб чиқаришини жуда яхши билган аجدодларимиз турли-туман қурбонликлар қилиб, қон чиқариб ҳам худодан мадад сўраганлар. Бундай кулфатнинг юз беришига одамларнинг гуноҳлари ўта кўпайиб кетгани, ношукрлик, энг асосийси, Аллоҳ таолони унутиб қўйишни энг асосий сабаб деб билганлар. Ёмонларни бўлса, бор бисотларида бўлган барча қарғиш сўзларини ишга солган ҳолда роса титраб-қақшаб, қаттиқ лаънатлаб қарғаганлар:

Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,
Дехқоннинг уйи тўлсин, суст хотин,
Ёмғирларни ёғдиргин, суст хотин,
Ёмоннинг уйи куйсин, суст хотин...

«Суст хотин» қўшиғи бошловчи аёлнинг сўзга жуда чечанлиги билан боғлиқ ҳолда тинимсиз тарзда давом этаверади.

Ёмғир ёғдир, ҳўл бўлайлик,
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик.

Кўкламда ўйнаб-кулиб,
 Ҳам шўху, ҳам зўр бўлайлик,
 Ёмғир ёғди, дўл бўлди,
 Еру жаҳон кўл бўлди,
 Шафтолилар барг ёзди,
 Дунё тўла гул бўлди,
 Суст хотин, сузма хотин.

Бундай маросимнинг барча шакллари турли хонадонлардан йиғилган хайр-эҳсон эвазига бутун бир қишлоқ аҳлига ис чиқариб, худойи қилиб бериш билан ўзининг якунига етган.

Маросим жараёнида унга сиғиниладиган, топиниладиган Суст хотин шахсияти ўзининг тарихий илдизлари билан зардуштийлар муқаддас китоби – Авестода мадҳ этилган ва шарафланган осмону фалакдаги барча сувлар тангриси Тиштрийанинг халқ ўртасидаги бошқачароқ номланишидан иборат. Фольклоршуносликда «Суст хотин» атамаси этимологияси ва тарихий асослари масалаларида ҳам муайян илмий қарашлар мавжуддир. Жумладан, Б. Саримсоқов бобокалон китоб «Авесто»нинг 8- яштида келтирилган Тиштрия (Сириус) юлдузи ёмғир сувларининг тангриси сифатида тасаввур қилинганлигига ва ушбу астрал культ шарафига бағишлаб муайян маросимларни ўтказилганлигига асосланган ҳолда «Суст хотин» атамасидаги ўша «Суст» компоненти эса «Тиштрия»нинг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир, деган хулосага келган эди. Унинг ёзишича, «Тиштр» атамаси халқ ўртасида узоқ вақтлар қўлланиб Туштр шаклига келиб қолган. Бу сўз Туштр//Тустр//Сустр ҳолида бизларгача етиб келган. Кейинчалик «Сустр» сўзи охиридаги «р» товушининг тушиб қолиши натижасида атоқли от «Суст» шаклида бизгача етиб келган. «Авесто»нинг «Тиштр яшт» қисмида «барча сувлар уруғин сақлагувчи» ушбу юлдуз осмонда пайдо бўлганида «отдан-да кучли сувлар келар кўкдан оқароқ» дейилган...

1982 йил жавзосида лақай ўзбеклари фольклорини ўрганиш мақсадида Жанубий Тожикистонда бўлган, ҳозирги даврда машҳур олим, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев Ёвон тумани Султонобод қишлоғида қуйида диққатингизга ҳавола

этилаётган, илгарилари ёмғир ёғдириш мақсадида ўтказилган «Суст хотин» маросими ҳақидаги материалларни ёзиб олганди:

Кўклам қурғоқ келиб лалмига экилган буғдой ўсмай қолса, ўн – ўн беш чоғли йигит-яланглар йиғилишволиб, бир болани эшакка тескари миндирволиб, унинг қўлига сув тўлғазилган кади (қовоқ)ни тутқазиб қўйишади. Иккита тошбақани тутиб келиб, улар оёғига ипни боғлаб, эшакка осиб қўядилар. Жони оғриган жониворлар эса роса зорланиб овоз чиқаради. Эшак устидаги бола бўлса қўлидаги кадига солиб қўйилган найчани айлантириб, тошбақанинг овозига монанд ҳолда «ғурр-ғурр» деб бақиради. Шундай қилиб, йигитлар уйма-уй юришди, ҳар бир уйга борганда эшак минган бола «Вой, жоним! Куйдим-эй! Куйдим-эй!» – деб қичқиради. Хонадон соҳиби бўлса бир уйидан челақ сув чиқариб ҳалиги боланинг устига сепиб юборади. Йигитлар уй эгаси берган дон-дун ёхуд бошқа бирорта егуликни олиб қўшиқ айтганча, бошқа ҳовли томонга юрадилар:

Ҳаво ёғмас бўларми,
Томчи томмас бўларми,
Саксондаги кампирларни,
Сув оқизмас бўларми,
Суст хотин-о, суст хотин,
Кўйлаклари бўз хотин.

Дехқонларни ғам босди,
Омочларни чанг босди,
Ҳаво ёғсин зарчалаб,
Буғдой тўлсин шохчалаб,
Суст хотин-о, суст хотин,
Кўйлаклари бўз хотин.

Қашқадарё вилояти Қамаш тумани Қирғизсарой қишлоғи удуми бўйича, ёмғир ёғдириш учун йигитлар баҳор ниҳоятда қуруқ келганида бир қўғирчоқни ясаб, унга аёлларнинг турли эски-туски кийимларини кийдириб, «безатишган». Ушбу қўғирчоқнинг бош қисмига бўлса битта тошбақанинг оёғидан ип билан боғлаб осиб

қўйганлар. Кейин эса ана шу қўғирчоқни баланд кўтариб, уйма-уй юрганлар ва қуйидаги қўшиқни айтганлар. Уй эгалари эса қўғирчоқ бошига илинган тошбақанинг устидан роса сув қуйганлар:

Ҳаволарнинг эгаси, сус хотин,
Баҳор ойи бекаси, сус хотин,
Сен меҳрибон энасан, сус хотин,
Кўк тоқининг эгаси, сус хотин,
Булутларни қамчилат, сус хотин,
Экинларга томчилаб, сус хотин.

Ёмғир тилаш маросимида тошбақанинг Она табиатга сирли йўсинда таъсир ўтказа олиш қобилиятига ишониш анъанаси бўлса аجدодларимиз томонидан «Ерни тошбақа кўтариб туради», деган асотирий тасаввур билан бевосита боғлиқ. Нурота тумани Қоракиса қишлоғида яшаган Раҳматилла Юсуф ўғли ёмғир ўта камчил бўлса ёхуд ёғин-сочин бўлмай, йил қурғоқ келса бир тошбақани топиб, унинг оёғидан ипга боғлаб дарахтга илиб қўйиш удуми сабабини изоҳлайдиган қуйида ўқийдиганингиз бир афсонани ёзиб олган эди.

Афсонада айтилишича, инсон яшайдиган бутун рўйи заминни бепоён уммонда бемалол сузиб юрувчи бир улкан тошбақа кўтариб турар эмиш. Бирор сабаб билан Худо Ер юзига ёмғирини юбормай қўйса, одамлар тошбақани ё тўнтариб қўйишар, ёки бўлмаса, унинг оёғига ипни боғлаб дарахтга осиб қўйишар экан. Дарахтга осилган тошбақанинг уёқдан-буёққа ағдарилиб турганини кўрган Худо «Бу ерни кўтариб турган тошбақа бўлса керак» деб ўйларкан: «Мен-ку Ернинг юзига ёмғир ёғдирмайман деган эдим. Энди кўриб-билсам янглишган эканман, бу кўринмай турган томон ернинг усти эмас, ости экан. Майли, бу ёғи бўлса, ёмғирни ёғдирганим бўлсин!» – деб ёмғир ёғдириб юборар эмиш.

Тошбақани тўнтариб қўйиш удуми халқимизнинг ёғин-сочин руҳларидан ёмғир тилаш маросимлари, ёғингарчилик, қурғоқчилик билан бевосита боғлиқ мифологик тимсоллари тўғрисидаги асотири, эътиқодий қарашларига ҳам бориб қадалади. Дунё халқлари кўҳна асотириларида бирида айтилишига кўра, рўйи замин бепоён уммон

ичида сузиб юрган улкан тошбақанинг устига ўрнатилган эмиш. Қадимги мифологияда тошбақа оламдаги жамики сувнинг «эгаси», ёғин-сочинларнинг тартиботини назорат қилиб турувчи муқаддас бир маъбуд сифатидаям тасаввур қилинганди. Баъзан у Ер юзидаги жамики сувни ичиб қўяр, бунинг натижасида қаттиқ қурғоқчилик бўлармиш. Айнан шу боисданам, тошбақа (айрим бир афсоналарда эса қурбақа) серҳосиллик, қут-барақа ва мўл ҳосилни бахш этувчи эзгуликнинг рамзи сифатида тасаввур қилинганди. Ёғингарчилик ва қурғоқчиликка ҳам тошбақа сабабчи деб ўйлаган қадимги одамлар ёмғир ёғдириш, уни тўхтатиш билан боғлиқ мифологик ритуаллар орқали бу жониворларнинг магик қудратидан мадад, кўмак тилашга қаратилган ирим-сирим ва айтим-аломатларни яратганлар.

Масалан, Чуст тумани Дамобод қишлоғида ёмғирни чақириш билан маросим учун хонадонлардан ун, ёғ, гуруч, гўшт, сабзи, пиёз каби озиқ-овқат маҳсулотлари хайр-эҳсон сифатида йиғиб олинган. Маросим учун энг қулай бўлган ҳафтанинг чоршанба куни қишлоқ ёнидаги Сумсор сойида тўпланиб, ўша ерда ювиниб, покланадилар. Сўнгра «ис» чиқарилиб, чўзма, палов сингари маросимий таомлар пиширилган. Бу маросимда иложи борица ёш болаларнинг кўпроқ бўлишига ҳам астойдил ҳаракат қилинган. Чунки, болалар бегуноҳ ҳисобланиб, уларнинг дуолари, илтижолари чин маънода ижобат бўлишига чин дилдан ишонилган.

Маросимнинг интиҳосида сойда (қурғоқчилик йилларида сойда сув бўлмайди, шу боис нафл намози сойнинг ўзанида ўқилган) икки ракат нафл намози ўқилади. Агарда ёмғир ёғавермаса, маросим уч мартагача қайтадан ўтказилади. Яқин вақтларга қадар, яъни собиқ советлар замонида ҳам бу сингари маросимлар айрим бир жамоа хўжаликлари раҳбар (раис)ларининг бевосита етакчилигида ҳамда уларнинг фаол иштирокида ўтказиб келинган эди...

Кўрилаётган масаланинг ҳозирги даврларга бевосита боғлиқ жиҳати шундан ҳам иборатки, 1992 йилдан буён БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Конвенцияси иштирокчилари қарорига биноан, 22 март – «Халқаро оби ҳаёт куни» сифатида ҳам жаҳон миқёсида ниҳоятда кенг равишда нишонланмоқда.

Байрамлар, юқорида ҳам қайд этилганидек, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши баробарида эса, ҳар қанақа одам деб аталувчи оддийгина мавжудотни эмас, асосан бунёдкор инсоннинг эзгу, яратувчилик фаолиятини мадҳ этишга қаратилган.

Бу жиҳатдан исломгача бўлган кузги байрамларнинг иккитаси, айниқса, алоҳида диққат-эътиборга сазовордир.

Уларнинг бири – «Тиргон» (ё «рўзи тир») ҳисобланади. «Тир», «тирама» «тирамоҳ» сўзларининг ҳозирда ҳам «куз» деган маънони билдиришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу айём ҳақиқий куздаги ҳосил байрами эканлигидан ҳам бохабар бўламиз.

Абу Райҳон Беруний «тир» сўзи маъносини «дахуфазлик» ва «деҳқончилик» билан боғлайди. Буюк аллома ушбу масала ҳақида шундай деб ёзади: «Дахуфазлик» – дунёни сақлаш, уни қўриқлаш ва дунёда ҳукмдор бўлиш, шунингдек, «деҳқончилик» эса дунёни обод этиш, экин экиш ҳамда дунёни тақсим этиш – иккиси эгизак бўлиб, дунё шулар билан обод ва доим барқарор бўлади, унинг бузуқлиги тузалади».

Қадим замонларда Тиргон ўта катта байрам бўлиб, ўша куни барча косиблар ва деҳқонлар янги либосларни кийиб юришган. Бу байрамда буғдой ва мева-чевалардан махсус таомлар тайёрланиб, дастурхонларга тортилган. Баъзи жойларда бўлса айнан шу куни чўмилиш одати ҳам мавжуд эди. «Тиргон»нинг мазмун-моҳияти ва урф-одатлари унинг «куз боши»да минг машаққатлар ила тер тўкиб етиштирилган ҳосил йиғим-терими бошланишидан олдин бениҳоя эзгу тилаклар ҳамда орзу-ниятлар билан нишонланадиган ўзига хос бир байрам эканлигидан яққол далолат беради.

Куз мавсумида нишонланадиган катта байрамлардан яна бири – Меҳржон (ёки Меҳргоҳ, Хоразмда – Чири-руж, сўғдийларда – Ним-сарда) бўлган.

Меҳржон атамаси «жон севгиси», ва шунингдек, «қуёш» деган маъно-мазмунни ҳам билдиради. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишига қараганда, «Қуёш ва Ой фалакнинг худди икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир».

Чунки, Наврўз эрта баҳорда кун ва туннинг барабар келганида, Меҳржон бўлса кузда роса катта тантаналар билан нишонланадиган

байрам бўлган. Наврўзда табиатда жонланиш бошланса, Меҳржон кунига келиб, ўсимликларнинг ўсиши жараёни астагина ниҳоясига етган. Бу вақтларга келиб эса ҳатто ҳайвонлардаям жинсий фаоллик анчагина сусайган.

Абу Райҳон Беруний ушбу икки байрамни бир-бири билан ўзаро таққослаб, ярим ҳазил бир ибратли ривоятни келтирган эди: «Бир гуруҳ кузни баҳордан ортиқроқ билганидек, улар Меҳржонни ҳам Наврўздан ортиқроқ билганлар. Буни исботлашда эса Искандар Арастудан, у икки куннинг қайсиси афзал(роқдир) деб сўраганида унинг: «Эй подшоҳ, баҳорда ҳашаротлар ҳам пайдо бўла бошлайди, кузда бўлса улар бутунлай йўқолиб кетади. Демак, шу жиҳатдан (олганда) куз баҳордан афзал», – деган жавобига асосланадилар».

Баҳорда кичик ва катта «Наврўз» бўлгани сингари, ушбу Умри (Меҳрмоҳ) ойининг 16- кунда Кичик Меҳржон ҳамда 21- кунда Катта Меҳржон байрами ўтказилган.

Меҳржон байрамини подшоҳлар ва Эрон мамлакати шаҳар аҳолиси бутун бир ой давомида нишонлаган. Меҳржон байрамини ўтказишда ҳам худди Наврўздаги сингари турли-туман табақаларга мансуб кишилар учун беш кундан ажратилган.

Меҳржон – қадимги деҳқончилик култи (эътиқоди, сиғиниш объекти) билан чамбарчас боғлиқ байрам. Мусулмон руҳонийлари бу байрамнинг зардуштийликка дахлдор удумлари ўтказилишига доимо қаршилик кўрсатиб келганлар. Шу сабабдана бўлса керак, Меҳржон байрамини нишонлаш ҳам аста-секин сусайиб, сўнггра эса бутунлай тўхтаб қолган. Фақатгина Ота Маконимиз – Ўзбекистон миллий истиқлоли даврига келиб Меҳржон байрами яна аста-секин ўзининг аввалги фаол ҳаётига қайтаётганлигини ўзингиз биласиз.

Меҳржон байрами нишонлангандан сўнг қадим аجدодларимиз ўта совуқ, изғирин қишнинг кириб келишига астойдил тайёргарлик кўра бошлаганлар. Хуросон подшоҳликларида эса айнан Меҳржон кунда Ватан ҳимоясига сафарбар этилган отлик аскарларга кузлик ва қишлик кийимларини бериш одати ҳам расм бўлган эди.

Сўғдийлар ҳам ушбу байрамни бениҳоя кенг нишонлаганлар. Улар байрамнинг энг биринчи кунини «ним сарда» деб атаганлар. Бу ибора «йилнинг ярми» деган маънони англатган. Иккинчи куни

«М-н-и-д-хвора» деб номланган. Бу куни одамлар «оташхоналарга йиғилиб, кўноқ уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат ейишган».

Хоразмликлар эса Умри ойининг 12- кунида байрам қилишиб, уни Чири-руж деган ном билан атаганлар. Абу Райҳон Беруний эса хоразмликлар «Чири-руж ҳайитини худди эронликлар меҳргонни улуғлаганидек улуғлайдилар», деб таъкидлаганди.

Милоддан аввалги 329 – 327 йилларда Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисмидаги ҳудудларни эса Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн)нинг армияси босиб олган эди, ва натижада Ота юртимизда юнон-македон подшоҳлари ва улар ворисларининг ҳукмдорлиги 150 йил давом этганди.

Юнонлар тарихчиси Плутарх Искандарнинг маҳаллий халқлар урф-одатлари, маданиятига ўта чуқур ҳурмат билан қараганлигини алоҳида таъкидлаган: «Хатто, – деб ёзганди Плутарх, – Александр Македонский варварларнинг миллий кийимларини кийиб юришни ўзи маъкул кўрди, ... македон жангчиларигаям ерли халқнинг урф-одатларини ўрганишни таъкидлади». Юнон-македонлар маданияти Ўрта Осиё маданиятига ўша замонда маълум даражада ўз таъсирини ўтказганлигини археологик қазилмалар ҳам тасдиқламоқда.

Эрамиздан аввалги даврларда аجدодларимиз узум ва мевалар ғарқ пишган пайтларда қадимги юнонларнинг «Дионис» байрамига ўхшаш айёмни ҳам катта тантаналар билан нишонлаганлар. «Дионис» ёки «Вакх» байрамлари Марказий Осиёнинг ҳудудида айнан Александр Македонский (Искандар) ҳукмронлик қилган даврда пайдо бўлган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Лекин, академик С. П. Толстов ва бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлаши ҳамда Хоразм, Каттакўрғон ва Қадим Термиз атрофларидан топилган археологик ашёлар маъно-мазмунига қаралганида эса, ўлкамизда узум пишиқчилигига бағишланган байрам юнонларнинг Ота юртимизга келишидан аввал ҳам мавжуд бўлган ҳамда катта тантаналар билан нишонланган экан.

Эллин (юнон, грек)ларда йилда икки марта – кузги (23 сентябрь), баҳорги (21 март) кун – тун тенглиги кунларида мусаллас ва узумчилик илоҳи Дионисга сиғиниш билан боғлиқ бўлган оммавий сайиллар ҳам ўтказилганди. Мазкур маросимларнинг иштирокчилари Дионис ҳамда унга яқин қариндош ҳисобланган иккинчи даражали илоҳлар – Пан,

Селен, сатирлар – эчки кўринишида катта томоша майдонига чиқишган. Мазкур байрамларда намоёиш этиладиган томошаларда эчки образига алоҳида эътибор берилган эди. Чунки, юқоридаям қайд этганимиздек, эчки қуёш илоҳининг тотеми ҳисобланиб, у навбаҳорнинг хабарчиси, гоҳида бўлса Диониснинг айнан ўзи деб тушунилган эди. Кузги кун – тун тенглигидан кейин, ёруғ кунлар аста-секинлик билан қисқариб, тунларнинг эса узун бўла боришига бағишлаб, бирор эчкини қурбонлик қилинган. Бу бўлса айнан қуёш илоҳининг ўлимини англатган эди.

Вакх (маишатбозлик) қаҳрамонлари лойдан тасвирланган кичкина ҳайкалчалар Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти (Зартепа, Холчаён, Далварзинтепа) ва Хоразмдаги археологик ёдгорликлардан топилган.

Шарқ халқларининг зироаткор аҳолиси ўртасида хазон бўлиш ва яна қайтадан туғилиш билан боғлиқ илоҳларга сиғиниш урф-удумлари эллинизмдан аввалроқ вужудга келган эди. Юнон илоҳлари, жумладан Диониснинг ўз шарқона «эгизаклари» билан бирлашиб кетиши, турган гап-ки, бирор-бир асоссиз содир бўлмаган эди. Диониснинг Ўрта Осиё халқларининг турмуш тарзига ниҳоятда тез фурсат мобайнида кириб келишига унинг маҳаллий сиғиниш объектлари билан мазмунан беҳад яқинлиги ва қариндошлиги асос бўлган.

Берунийнинг ёзишича, сўғдийлар Аши-х-ида ойининг 18- кунида «Бобахвара» («Бомихвора») номли байрамни доимо росаям мириқиб ва айш-ишрат билан нишонлаганлар. «Бобахвара» атамаси бўлса пишиб етилган узумнинг сиқиб олинган тоза ширасини ичиш деган маънони билдирган. Шу ойнинг 26- кунида улар «Гарм-Хвара» – узум ейиш байрамини ҳам нишонлашган. Еттинчи ойнинг 15- куни яна узумга бағишланган кўп кунлик байрам бошланиб, у кейинги ойнинг 9- кунидагина якунланган. Ушбу мисол эса боғдорчиликда жудаям моҳир бўлган сўғдийларда узумга ва узум шарбатидан тайёрланган мусалласга бағишланган яхлит бир тизимни ташкил этувчи маросим ва байрамлар ҳам бўлганидан яққол далолат беради.

Зардуштийлик динининг асосий мазмун-моҳияти оловга ижобий муносабат билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган эди. Зардуштийлик дини ақидаларида олов кишиларни ҳар қандай гуноҳлардан, ифлосликлардан покловчи қудратли куч, деб қаралган. Шунинг учун ҳам ушбу динга эътиқод қилувчилар ўзга динлар вакиллари томонидан «оташпарастлар»

деб аталганди. Олов билан бевосита боғлиқ маросим ва байрамларнинг оммалашиши сабаблариям қадимий аجدодларимизнинг зардуштийлик динига бориб тақалади.

Аждодларимиз бобо қуёшдан аста таралаётган иссиқлик, нур, ёруғлик бўлмаса, бутун борлиқ буткул зимистонга айланиб, ҳаёт бутунлай тўхтаб қолишиниям теран англаб етганлар. Шу сабабли, улар қиличини қайраб келган қишнинг ўта аччиқ совуқлари тезроқ тугаши, илиқ баҳор тантанасини орзиқиб кутиб, ўз тушунчаларига биноан ёруғлик ва иссиқликнинг асл манбаи – Қуёшга атаб махсус маросимларни ҳам яратганлар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этишимиз лозимки, «Оташ», «Қуёш», «Нур» ва «Рўшнолик» зардуштийлик динининг тимсоллари бўлса-да, лекин, зардуштийлар ҳеч қачон бевосита қуёш, оловни сиғиниш объектига айлантормаганлар. Фақатгина қуёш ва ёруғликка қараб ибодат қилганлар, сайил ва тўйларда ўртада катта гулханни ёқиб, унинг атрофида ўта завқ-шавқ билан рақсга тушганлар, марҳумлар руҳини эса шам ёқиб, шод этганлар. Зардуштийлар, юқорида ҳам таъкидланганимиздек, оловни Қуёшнинг Заминдаги бир зарраси – фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимларда катта-катта гулханларни гуриллатиб ёқиб, қишнинг ўта қаттиқ совуғини унинг ёрдами билан «ҳайдашган» ва кўкламни жудаям интиқлик билан чорлашган, «чақиришган».

Агар баҳорнинг интиҳоси ва ёзда сувга эътиқод қилиш, уни улуғлаш одатлари анчагина кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда уюштириладиган барча байрам ва маросимларда олов ёки гулхан ёқиш энг асосий таомил, одатлардан бирига айланиб кетганди. Зардуштийлар ўзлари байрам ёки маросимларини ўтказиш учун доимо ўт (олов) ёниб турадиган «оташхона»ларга йиғилишган. Масалан, Бухорода Новсард ойининг 28- кунда ўтказиладиган «Ромуш оғом» номли байрамда ҳам оташхоналарга тўпланишган ҳамда қутлуғ айёмни ёниб турган гулхан атрофида нишонлаганлар.

Беруний Оғом байрами ҳақида шундай ёзганди: «Оғом ҳайитлари улар учун энг азиз байрамлардан бўлиб, ҳар бир қишлоқда ўтказилади, улар ҳар қайси қишлоқ раиси ҳузурига йиғиладилар, еб-ичадилар...».

Наршахий «Бухоро тарихи» асарида зардуштийларнинг ҳар йилда икки мартадан катта улгуржи савдо-сотик ўтказиладиган «Бозоримоҳ» деган жойида ибодатхона бўлгани ҳақидаги далилни маълум қилганди. «Бу жой, – деб ёзган эди у, – яна оташпарастларнинг ибодатхонаси бўлди; бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари ҳам ушбу ибодатхонага кириб, оловга топинар эдилар...».

Қадимий, навқирон Тошкентнинг Юнусобод мавзесидаги V асрда бунёд этилган Октепа кўрғони (баландлиги 22 метр)нинг ички майдони икки қисмга бўлинган. Унинг ғарбий қисмида ўчмас олов сақланадиган меҳробли катта ибодатхона бўлиб, бу ердаги... супаларда зардуштийлик руҳонийлари ўтирганлар ва турли диний маросимларни ўтказганлар.

Академик С. П. Толстовнинг таъкидлашига кўра, оташпарастлар, асосан ибодатхонанинг биринчи хонасида йиғилганлар. Улар бу ерда биргаликда май ичганлар, маросимлар ўтказганлар, атарбонлар (ўзига хос коҳинлар) орқали оловга сиғинган, мушкуллари осон бўлишини Яратгандан сўраб, илтижо қилганлар.

С. П. Толстов куёшдан олов, оловдан эса олов уйи, олов уйидан бўлса меҳмонхона, меҳмонхонадан кейин чойхона келиб чиққан, деб ёзганди.

С. П. Толстовнинг оловхона вазифалари тўғрисидаги фикрларига таяниб, профессор М. Қодиров шундай фикр ёзган эди: оловхоналар биринчидан, ибодатхона вазифасини ўтаган; иккинчидан, унда диний маросимлар ва ҳайитлар ўтказилганди; учинчидан, зардуштийлик дини удумлари ва унинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» мазмуни билан боғлиқ баъзи ўйинлар ва томошалар ҳам уюштирилган; тўртинчидан, йигитлар у ерда йиғилиб, кўнгил очишган ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишган. Бошқача ифодалаганда, оловхоналар ҳам ибодатхона, ҳам томошагоҳ, ҳам ўзига хос жамоатчилик уюшмасининг идораси вазифасини бажарган. Бундан шу нарсаям яққол аён бўладики, оташхоналар зардуштийлар учун бир вақтнинг ўзида маросимларни ва байрамларни ўтказиш маркази ҳам бўлган.

Зардуштийлик динининг жуда йирик байрамларидан бири *Сада* деб номланган эди.

XX аср бошларига қадар Фарғона водийси аҳолиси қишки юз кунлик муддат тугаганидан кейин «Сади пок» бўлди – қиш тугади

деб, март ойининг ўнинчиларида, бошқа маълумотларга биноан эса, Ҳамалнинг биринчи кунида «Сафар қочди» деган маросимни ўтказганлар. Тарихий манбаларда «Сада» – «Юз» байрами, яъни қишки юз кунлик муддатнинг тугаши зардуштийларнинг энг катта байрамларидан ҳисобланган.

Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома» китобида ёзилишига кўра, «Сада» эронликларнинг қуёш тақвими бўйича ўн биринчи ойи – баҳманнинг ўнинчи кунида байрам қилинган. Бунда одамлар жуда каттакон оловни ёқиб, қишнинг захрини даф этиш учун тутатқилар тутатадилар, ҳатто шу кечада гулханни янада алангалатиб, оловга ёввойи ҳайвонларни ташлаб, аланганинг ичига паррандаларни ҳам учириб ва (олов) атрофида ичимликларни ичиб, роса ўйин-кулги қилганлар. Сада олови қанчалик баланд бўлса, келгуси йилда ҳосил ҳам шунчалик юқори ва мўл бўлади, деган тасаввурлар бўлган. Бу қадимий маросим Эроннинг баъзи кент ва қишлоқларида ҳозирга қадар ҳам ўтказиб келинмоқда.

Берунийнинг ёзишича: *Сада* байрами бу баҳман ойининг ўйин, томоша ҳамда хурсандчилик авжига чиқадиган ўнинчи кунидир. Сада – форсча «сад» каломидан бўлиб, Наврўзга қадар эллик кун ва эллик тун қолганлигини ҳам англатар эди. Қадимги хоразмликларнинг кўҳна «Чири» маросимида ўхшаб кетадиган бу байрамнинг пайдо бўлишини Беруний шундай изоҳлайди: «Чирининг ўн бешинчи куни «ажғор»дир, маъноси бўлса шуъла, олов ёқишдир. Қадимги замонларда бу байрам биринчи марта олов ёқишга эҳтиёж сезилганида пайдо бўлган».

Зардуштийлар қуёшни барча-барча мавжудотлар, жумладан, ҳаётнинг бош манбаи сифатида англаганлар. Замин эса қуёшнинг ҳаётбахш заррин нурларини ўта интиқлик билан ўз оғушига олувчи бениҳоя гўзал бир аёл сифатида тасаввур қилинганди. Кейинчалик эса бундай тасаввурлар янада ҳам равшанлашиб, Она Замин – Ер ҳосилдорлик маъбудаси Она Худо – Анахита тимсолида тушунила бошлаган.

Аждодларидан мерос, бугунги кунлардаям Курраи заминнинг 50дан зиёд давлати олимлари томонидан ғоятда жиддий равишда ўрганилаётган ва тарғиб этилаётган бобокалон «Авесто»да Ахура

Мазда ўша Зардуштга қарата: – Эй, буюк Зардушт, агарда сен мени улуғламоқчи бўлсанг, Анахитани мадҳ этишинг лозим, чунки:

У падарлик нутфасини яратувчидир,
У яратгай бу оламда бор аёл жинсин,
Туғруқ учун волидалиқ бағр-оғушини.
Тўлғоқ дардин осон айлар аёл зотининг,
Ҳам муайян вақтда лим-лим сутга тўлдиран
Она кўксини...

Шу сабабдан ҳам:

Ардви Сура хизматига
Ахура тўрт от берди.
Бир тулпори Ёмғирдир,
Бири Ел, бири Булут,
Тулпорлари Ёмғир, Ел...

(Изоҳ: Анахита «покиза» деган маънога эга бир сифат бўлиб, Ардви Сура исми билан қўшиб қўлланган, бугунги кунларда ҳам Хоразмда роса ақлли-хушли, ўта чакқон, ғоятда шаддод қизларга нисбатан Онакути сифати қўлланади. – Б. И., Н. И.).

Буюк алломаларнинг асл ватани бўлган, бир қатор дунёвий фанларга асос солинган Хоразм қадимда, ҳатто эрамиздан аввалги мингинчи йилларда Хвайразм деб аталган эди. Кейинги йилларда олиб борилган археологик ҳамда этнографик изланишлар Наврўз байрами илк бора ушбу заминда нишонланганини тасдиқламоқда. Бунга Бургут қалъа, Жонбос қалъа ҳамда Нисо қўрғонларида бунёд қилинган ва шу кунларга қадар сақланиб қолган «олов уй»лари ҳам яққол мисол бўла олади.

С. П. Толстовнинг Хоразмдаги экспедициялари қазиган бир қатор қадимий қалъалардан аёл маъбуданинг кўплаб ҳайкалчалари топилган бўлиб, уларнинг умумий кўриниши қуйидагича: кенггина ва узун кўйлак, устидан тиззасигача тушадиган тагин битта либос, бели эса тасма билан боғланган, елкасига узун ёпқич ташлаб олган, бошида тепаси ясси кулоқчин, бўйнида эса шода тақинчоқ. Улар орасида бошида тож, қўлларида салтанат ҳассаси, ой ҳамда қуёш рамзларини тутганлари, шер ёки йўлбарсни тепкилаётган ҳолатда

тасвиранганлариям бор. Шунингдек, мазкур маъбуда отга минган ҳолда, баъзан бўлса яланғоч ҳолатида ҳам учрайди. Олимлар ушбу ҳайкалчалар, бошқа деворий ва ўйма ҳайкалчаларни зардуштийлар маъбудаси Ардвисура – Анахитага тегишлидир, деб ҳисоблайдилар ҳамда шу асосда Хоразм, Сўғдиёна, Бактрия, Фарғона Анахитага сиғинишнинг қадимий марказлари бўлган, деган илмий хулосага келганлар.

Зардуштийларнинг ўша Ардвисура – Анахитага бағишланган махсус байрамлари, маросимлари, томошалари кўп бўлган. Шунда коҳинлар – муғлар (кейинроқ эса ижрочилар ҳам) Анахитани шу тахлитда баланд бўйли, ўта пурвиқор, ниҳоятда келишган, чиройли кийинган, хилма-хил тақинчоқлар билан ўта безанган гўзал бир аёл қиёфасида гавдалантирганлар. Минг йиллар мобайнидаги махсус маросимларда Анахита тимсоли ҳам шундай гавдаланган. Кўпгина уруғлар, қабилалар, элатлар, халқлар унга топинганлар, айни чоғда унинг гўзаллигидан, ижрочиларнинг ҳис-туйғулари, маҳоратидан завқланиб келганлар. Турон мамлакати Мовароуннахрга айланиб, ислом дини ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин бўлса уламолар зардуштийлик, буддизм ва бошқа динларга қарши қаттиқ курашни олиб бориб, шу жумладан, Анахитанинг ҳам ҳар қандай тасвирини, маросимлари, айёмларини йўқотишга бетиним тарзда уринганлар. Аммо, унинг ҳайкаллари, деворий суратлари, бутлари чил-парчин қилинган бўлса-да, бироқ жонли тасвирини ва унга бўлган одамлар кўнглидаги ишонч, эътиқодни батамом йўқотиб юборишга кучлари мутлақо етмаган эди.

Одамлар ҳамда жамоалар, қочиб-писиб бўлса-да, Анахитага сиғиниш, унинг тимсолини гавдалантиришда давом этаверганлар. Бироқ, давр, замонлар ўтиши билан маросим ҳам, Анахита тимсоли ҳам ўзининг асл, ибтидосидаги моҳиятидан аста-секин узоқлашиб, тобора мавҳумроқ бир мазмунни ҳам кашф этиб, соф ўзига хос бир томоша шаклига эга бўлиб бораверган.

Эрон, Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм, Фарғона каби давлатларда Анахитанинг махсус ибодатхоналариям бўлган. Чунончи, Эқбатан (Ҳамадон)даги Анахита ибодатхонасида кўп жойлардан чиройли қизларни тўплаб олиб, маросим томошаларида рақсга туширилган.

Кўхна ривоятлардан бирига биноан қадимги Хоразм давлати пойтахти бўлмиш «Қўйқирилган қалъа»нинг марказидаги мовий гумбазли ибодатхона меҳробида ҳосилдорлик илоҳи Анахитанинг 6,5 метрча баландликдаги бир ҳайкали бўлган. У диаметри 12 см. келадиган биллур, Зумрад тошини ушлаган ўнг қўлини марказий оташкада (ибодатхона) туйнуғи устида шундай бир ҳолатда тутиб турганки, Зумрад тошга тушган қуёш нури фақат 21 мартдагина туйнукнинг ичкарасида қаланиб турган қуруқ ўтинни гуриллатиб ёндириб юборган. Бу олов жуда азиз ва муқаддас ҳисобланиб, йил давомида сираям ўчирилмаган. Кишилар айнан шу кунни эзгулик, поклик, бахт ва омадни олиб келувчи янги кун сифатида ниҳоятда орзиқиб, интиқиб кутганлар ҳамда ғоятда катта тантаналар билан нишонлаганлар.

Бутун йил мобайнида турмушда ишлатилган ўша оловдан эса охирги марта Наврўз айёмининг шоҳона таоми бўлмиш сумалак тайёрлашда фойдаланилган. Хоразм воҳасининг кўп жойларида эса сумалак тайёрланадиган қозон тагидаги муқаддас оловни атайлаб бирон-бир хонадоннинг ўчоғида ёниб турган оловдан тутатқични олиб келиб ёндириш одати ҳанузга қадар сақланиб қолган.

Ердаги ҳаётнинг бош манбаи бўлмиш Қуёш нуридан Анахита қўлидаги биллур орқали ерга олов олиб борилишида ҳам чуқур бир рамзий маъно бор. Ўша замонларда Қуёшга «худонинг жамоли» сифатида муносабатда бўлинган, лекин аجدодларимиз наздида ҳар қандай шаклдаги олов ҳам ўзича муқаддас ҳисобланавермаганди. Агар шаҳар, қишлоқ ёхуд ўрмонга йилдирим (яъни, чакмоқ) орқали ўт кетгудек бўлса, бу фалокат Қуёшдан эмас, балки Ахура Маздага қарама-қарши турган, зулмат ҳамда ёвузлик кучларига раҳнамолик қилувчи Ахриманнинг ўта қора нияти амалга ошганлигидан дарак берувчи бир белги сифатида қаралган.

Мавжуд манбалар ушбу байрам қиш мавсумида ўтказилганлигини билдиради. Бироқ, баъзи бир тарихий асарларда ушбу байрам қишнинг аввалида, бошқаларида – жуда қаттиқ совуқ кунларнинг бошланиши («чилла»)дан олдин, яъни энг қисқа кун ҳамда энг узоқ тун бўлганида (ҳозирги 22 декабрда), яна бирларида эса (жумладан, Беруний асарида) қишки совуқлар тугагандан сўнг ўтказилганлиги ҳақидаги турли-туман

маълумотлар берилган. Бундан келиб чиқадики, қиш вақтидаги барча байрамлар жараёнида олов, гулхан ёқиш одат бўлган экан. Уларнинг энг каттаси эса *Сада* бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Эҳтимол, *Сада* қишнинг охирида ҳам ўтказилгандир. Беруний бу хусусда қизиқарли маълумотларни келтиради. Алломанинг ёзишича, айти шу куни қиш жаҳаннамдан ёруғ дунёга чиқади. Шунинг учун одамлар олов ёқиб, қиличини қайраб келган қаҳратон қиш таҳдиди, хуружини даф этиш мақсадида тутатқиларни тутатадилар. Ҳатто, ўша кеча олов ёқиб, уни ўта алангалатиш, шу оловга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, аланга ичига паррандаларни учираш ҳамда (олов) атрофида (ичимликлар) ичиб, ўйин-кулги қилиш подшоҳлар маросимларига ҳам айланиб кетган. Хуллас, «сада» байрамида гулханлар ёқиш ва бу олов атрофида шўх-шодон равишда ўйин-кулги қилиш, еб-ичиш урф-одати бўлган.

Ота юртимизда жуда ноёб Она табиат масканлари талайгина. Уларда бири Навоий шаҳридан унча ҳам узоқ бўлмаган Қоратоғ тизмасининг шундоққина ён бағрида жойлашган, қўр тўкиб турган Сармишсой археологик мажмуа қўриқхонаси ҳисобланади.

Сармишсой – мамлакатимиздаги бекиёс қоятош расмларини сақлаб қолган ягона ўзига хос водий ҳисобланади. Ушбу суратлар бўлса энг камида 5 – 7 минг йиллик ўзига хос тарихга эга.

Қоя тошлардаги бу тасвирлар бир пайтлар ушбу дара бағрида одамлар яшаганлигидан ҳам гувоҳлик беради. Архар, тоғ эчкиси, ёввойи буқа, тўнғиз сингари ҳайвонлар, камон тутган овчилар ва ов жараёни тасвирларини томоша қилиб, бундан камида тўққиз минг йил олдинги оқсоч мозий бизнинг кўз олдимизда, ғира-шира бўлса-да, аста-секин гавдаланади. Ҳайвонлар галасининг дупур-дупурию, овчиларнинг қийқириғи узоқ-узоқлардан элас-элас қулоғимизга чалингандек бўлади. Буюк аجدодларимизнинг мангуга муҳрлаган, шу қадар нафислик билан ишлаган ушбу санъат асарлари жонсиз тошларга ҳам жон бағишлаб тургандек гўё.

Сармишсойдаги ҳанузгача сақланиб қолган бу петроглифлар оддийгина бир суратлар эмас. Масалан, «Нур» мавзусида ибтидоий одамларнинг олов чиқариши жараёни, машъалани қўлида кўтариб кетаётган ҳамда тандирда нон ёпаётган ҳолатлариям тасвирланган.

Энг юқорисида бўлса Қуёш ва унинг марказида ўнг қўлини белига қўйиб ўтирган шоҳ образи гавдаланади. Ҳукмдорни бўлса ғаройиб жонзот устида турган одамлар ўз бошлари узра тутиб турибдилар. Бундан аجدодларимиз қоп-қора зулматни ёритган қуёшни, нурни улуғлаши ва ўз йўлбошчисини бобо Қуёш янглиғ барча кишиларга, одамларни яхши ёмонга ажратиб ўтирмай, уларнинг барига бирдек ёруғлик улашувчи зот сифатида эъзозлаганлари, ардоқлаганларини ҳам анча яхши билиб оламиз.

Муқаддас олов тимсоли, рамзи билан бевосита боғлиқ турли-туман қарашларнинг айрим элемент (унсур)лари юқорида ҳам қайд этилганидек, жудаям қадимги замонларга бориб қадалади. Умуман олганимизда, қадимдан олов ҳам сувга ўхшаб, икки турли мазмун-моҳиятга эга бўлган. Олов – даҳшатли ва ўта хавфли унсур; бироқ жиловлаб олинган ва инсонга холис хизмат қиладиган ўчоқ олови – оилавий фаровонлик, тинчлик-омонликнинг рамзи ҳисобланган. У инсонни поклайди, ҳимоялайди ҳамда турли-туман ёмонликларни, инс-жинс, бало-қазоларни даф этади.

Жудаям қадимги тасаввурларга кўра, оловнинг келиб чиқиши эса ҳам самовий, ҳам ер остидаги вулқонларнинг ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлган. Масалан, қадимги юнон (грек, эллин)лар оловнинг келиб чиқишини Олимп тоғи ҳамда афсонавий Прометей номи ила бевосита боғлаган бўлсалар, Шарқий Африканинг айрим қабилалари оловни нариги дунёдан бу дунёдаги инсонларга хизмат учун келтирилган роса ноёб неъмат сифатида жуда қадрлаганлар. Оловнинг яратилиши хусусида қадимий туркийларда қуйидагича тасаввур бўлган: Туркийларнинг буюк тангриси Улген осмондан бири қора ва бири оқ тошни тушириб, ўзининг кафтларида эзилган хас-хашакни бир тошнинг устига қўяди, иккинчиси билан бўлса унинг устига қаттиқ уради, бунинг оқибатида чакнаган учкун ўша хас-хашакни гуриллатиб ёндириб юборади.

Шундай қилиб, одамлар олов ёқишни ўрганиб олган эканлар. Буни Олтойда яшовчи шомонларнинг ҳозиргачаям ўз фаолиятлари жараёнида, хасталарни даволашда айтиб келадиган «Иссиқ оловни ёқиб берган Отам Улген» деган сўзлари ҳам яққол тасдиқлайди.

Этнолог олим В. Васильев илмий нуқтаи назарича, ёкутлар оловдан чиққан аланганинг рангига қараб турли-туман хулосаларга келардилар. Улар олов агарда яшил ёнгудек бўлса – қурғоқчилик, қизил ёнса – уруш, сарик ёнса – нотинчликлар ва касалликлар бўлишига, ва ниҳоят, ўта қорайиб ёна бошласа – ҳоқоннинг яқинда ўлажагига чиндан ҳам ишонардилар.

Бутун умрини бобокалон китоб «Авесто»ни тадқиқ этишга бағишлаган инглиз этнологи Мэри Бойс фикрича, оташпарастрлар назарида ўлимни ёвуз руҳлар яратганлиги туфайли ҳам мурда тоза ҳисобланмайди, унга тегиниб кетганлар ифлосланади, кирланади. Шу сабабга кўра марҳумнинг хонадонида қиш пайтида тўққиз, ёзда бўлса ўттиз кунга қадар олов ҳам ёқилмайди. Оловни булғамаслик учун мурда ҳам, турли-туман ифлос нарсалар ҳам оловга мутлақо яқинлаштирилмайди. Ўчоқда гуриллаб ёнаётган оловни кир қилиб қўймаслик учун, ҳаттоки ифлос ўтинларни ёқиш ҳам тақиқлаб қўйилган. Бундай ўтин ёқилишида олдин одатда қуёш нури остида қуритилган ёки устидан сув қуйиб ювилган, тозаланган.

Бунга яқин ҳолатлар эса форсларда ханузгача учрайди. Эрон маздакийлари оловни ниҳоятда муқаддас деб биладилар. Улар ҳар оқшом ўчоқдаги чўғни кул билан кўмиб қўядилар, тонг саҳарда эса тағин сарв дархти шохчаси билан уни янгитдан ўт олдирадилар, тутаётган сарв шохини эса хоналар бўйлаб айлантириб чиқадиладар. Бизда бўлса исирик тутатилишини ўзингиз жудаям яхши биласиз. Шундай қилинган тақдирда ушбу хонадонга адашиб ва гангираб кириб қолган инс-жинс, бало-қазо, ёвуз руҳлар эса орқаларига ҳам қарамасдан, ўпкасини қўлтиқлаб, тирақайлаб қочиб кетар эканлар.

Олов билан боғлиқ турли-туман қарашлар «Авесто»да жудаям муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур китоб бўйича Худолар (ва диний культлар) тизимида энг етакчи ўринлардан бирини Атар «муқаддас олов» эгаллайди. Аждодларимиз оловни бир неча турларга: осмон олови (яшин, чақмоқ), ёғоч олови (ўчоқ), одам олови кабиларга бўлганлар. Буларнинг барчаси Ахура Мазданинг осмону фалакдаги Қуёш гардишидаги ўзига хос бир тимсоли ҳисобланган.

Энг қадимги бобо-момоларимиз олов билан биргаликда сув (ап), ер (зам), шамол (вата), осмон (асман), қуёш (хуршед), юлдуз

(астар) ва бошқаларни ҳам эъзозлаганлар. Бундай хусусиятларнинг айримларини бўлса ўзимиз ҳам маънавий мерос сифатида қабул қилиб олиб, ворисийлик анъаналарини давом эттирмоқдамиз.

Лекин, тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни айнан олов билан чамбарчас боғлиқ айрим удумлармизга маълум бир даражада зиён-заҳмат етказгани, баъзи одатларнинг эса унутиб юборилишига олиб келгани ҳам бор гаплигини ўзингизам биласиз.

Масалан, XX аср 20- йилларида Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти Илонли туманида оловдан ҳатлаш удуми мавжуд бўлган. У бир йилда икки мартадан ўтказилган: биринчиси сафар ойининг охирги чоршанбасида амалга оширилган ва «қора чоршанба» деб номланган, иккинчиси бўлса «охирги чоршанба» маросими бўлиб, йилнинг сўнгги чоршанбасида, яъни Наврўздан олдин ўтказилган. Кейинги маросим сариқ уруғига мансуб туркманларда «омон ўт» деб аталган эди. Йилнинг охирги чоршанбасида ўт, гулхан ёқиб, оловнинг устидан ҳатлаб ўтиш удуми ёвмуд, алили, эрсари сингари уруғларга мансуб туркманларга ҳам жуда яхши маълум бўлган.

Чоршанба куни катта кўчада катта гулхан ёқиб, унинг устидан ҳатлаш, ўша ерда эски сопол ва чинни идишларни намоёйишкорона синдириб ташлаб кетиш удуми наврўзолди маросимларидан бири сифатида ўтказилган. Олов культ билан бевосита боғлиқ бу удум кейинчалик айрим жойларда ҳижрий-қамарий тақвим бўйича сафар ойининг охирги чоршанбасида амалга ошириладиган бўлиб қолган.

Қирғизлар удумига биноан, оловдан сакраш амали «қуран» (ҳозирги ҳисобимиз бўйича март ойига тўғри келадиган) ойининг 11- кунида бажарилган. Улар йилбоши байрамидан аввал «наврўз гўжа» таомини тайёрлаганлар ва ўша куни кечқурун арча шохлари, ғўлаларидан катта гулхан ёққанлар ҳамда: «Алас, алас, белекеттен калас!» («Алас, алас, фалокатдан ва бало-қазолардан халос!»), деб оловдан ҳатлаганлар. Айрим овуллардан болалар оловнинг устан сакраб ўтгач, қиш бўйи жуда маза қилиб ўйнаб ётган ошиқларини кенг яйловларга сочиб юборганлар. Ўз қўлларга таёқ, ҳасса тутган, мункиллаган кекса чоллар бўлса «Ескы жылимиз кетты, жаны жыл келды – кутту болсун!» («Эски йил кетди, янги йилимиз эса келди,

қутлуғ бўлсин!»), деб бир-бирларини Наврўз айёми билан, бағирни бағирга, сийнани сийнага босган ҳолда қутлаганлар.

Бизнинг фикримизча, «охирги чоршанба» маросимида кишилар томонидан олов, гулхан устидан сакраб, ҳатлаб ўтиш удуми барча гуноҳлардан фориғ бўлиш, уларга бутун йил мобайнида илакишган турли бало-қазо, инс-жинслардан ва ёвуз кучлар таъсиридан халос бўлиш, покланиш мақсадида амалга оширилган. Бундан ташқари, олов устидан сакраб ўтиш апокретик (сирли, махфий) магиянинг ўзига хос бир кўриниши бўлиб, унда куч-қувватга росаям тўлиш ҳамда бутун йил мобайнида соғ-саломат бўлишга қаратилган жуда эзгу орзу-ниятлар ифодаланган.

Қадимги одамларнинг тасаввурида олов култи иссиқлик ҳамда ҳаётнинг манбаи қуёш билан боғлиқ тарзда талқин қилинган. Яъни, осмондаги самовий олов бўлса, яшин (чақмоқ) чақиши натижасида пайдо бўлган гулханга ердаги олов сифатида қаралган. Жаҳондаги халқларнинг кўпчилигида баҳорий маросимларда олов-гулханнинг устидан ҳатлаб ўтиш маросими ҳам мавжуд бўлган.

Масалан, лезгинларнинг 22 март куни кечаси ўтказиладиган «яран сувар» байрамида қадимий анъанага биноан катта гулханни ёқиб, байрам иштирокчиларининг барчаси бу олов устидан сакраб ўтганлар. Доғистоннинг кўп сонли халқларидан бўлмиш лезгинлар айнан ўша оқшомда иложи борица каттароқ гулхан ёқишга ҳаракат қилганлар. Чунки, «яран сувар»нинг олови қанчалик баландликка ўрлаб, гуриллаб ёнса, келаётган янги йилнинг ҳосили ҳам шунча мўл-кўл бўлар эмиш. Лезгинлар шу оловнинг поклаш хусусиятига эғалигига жуда қаттиқ ишонганлар ва шу боис, оловнинг устидан сакраб ўтилаётганда барча иллатлар, инс-жинс, бало-қазолар куйиб уларнинг кули ҳам кўкка совурилади, дейдилар.

Одамлар гулхан ёқиш орқали самовий ва заминий оловларни бирлаштиришга, яъни иссиқ мавсум тезроқ бошланиб кетишига магик (сехр) орқали ижобий таъсирни кўрсатишга уринганлар.

Наврўз байрами келиб чиқишининг энг қадимги қуёш култи билан боғлиқлигиям йилнинг энг охирги чоршанбасида ўтказилган анъанавий маросимда гулханнинг устидан ҳатлаш удумининг илк

тарихий асослари оловни муқаддас деб билиш инончларига бориб тақалиши яққол кўрсатиб беради.

Шу билан биргаликда, оловдан ҳатлаш «ўзга олам» – ўликлар мулкига бир сакраб ўтиш ва у ердан ҳар жиҳатдан покланган янги бир инсон сифатида «туғилиб», ушбу ҳаётга қайтадан қайтишни ҳам англатган. Айнан шу сабабдан ҳам Европа халқларининг янги йил байрамидаги «рамзий равишда покланиш» билан боғлиқ урф-одатларини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ ҳамда таҳлил қилган М. Элиадэ «янги йил байрамидаги покланиш, тозаланиш билан боғлиқ удумлар эса шунчаки бир «рамзий равишда покланиш» амалигина бўлиб қолмасдан, шу билан биргаликда тағин қайтадан туғилиш, яъни ибтидо пайтидаги сингари покиза ҳолатда қайтадан бу ёруғ оламга келишни ҳам англатади», деб ёзганди.

Йил тақвими билан боғлиқ «сафар қочди» деган маросим ҳижрий-камарий тақвимдаги сафар ойининг интиҳосида ўтказилган. Маҳаллий қарашларга биноан, сафар ойи энг оғир ой ҳисобланиб, одамларга жуда кўп бахтсизликлар келтиради, деб ўйланган. Шунингдек, «Аллоҳ бутун йил мобайнида инсониятнинг бошига ўн икки мингта офатни юборса, шулардан тўққиз мингтаси сафар ойида юз беради» деган тушунча ҳам мавжуддир. Шу боис одамлар бу ойда сафарларга чиқмаганлар, тўй ва шунга ўхшаш ниҳоятда завқ-шавқли, қувончли оилавий маросимларни ўтказмаганлар. Ойнинг энг охири чоршанбасида бўлса махсус «сафар қочди» маросими ўтказилган. Эски йилнинг охири чоршанбасида ҳам «сафар қочди» маросими ўтказилган. Бу нисбатан қадимийроқ маросим ҳисобланади.

Фарғона вилоятининг Сўх туманида ушбу маросим чоғида ёш йигитлар қишлоқ яқинидаги тепаликка чиқиб сомон, похол ва эски латталарни думалоқ шаклга келтириб, уни ёқиб юборганлар ва ўша тепаликдан пастликка қарата думалатиб юборганлар. Ушбу жараён эса «сафар қочди» деб номланган.

Рамзий жиҳатдан покланиб олиш мақсадида оловнинг устидан ҳатлаш маросимида тағин бир жудаям қизиқарли удум бажарилган. 1928 йилда Наманган вилояти Косонсой туманида бўлган этнограф М. С. Андреевнинг қайд этишига қараганда, «сафар ойининг энг охири чоршанбаси кунида одамлар «алас-алас!» деб бор овозлари

билан қичқирганларича оловнинг устидан роса баланд сакраганлар, олов ёқилган жойда бўлса турли-туман сопол ва чинни идишларни синдирганлар ҳамда шу ерда юрган бир итни урганлар». «Охирги чоршанба»да итларни қийнаш одатига амал қилинганини қуйидаги қайдномада ҳам кўришимиз мумкин: Одамлар «сафар ойи тезроқ кетишини жуда орзу қилиб, мана шу ойда бир итни тутиб, думига эски челак (пақир)ни ёки латтани боғлаб қўйиб, унга ўт тутатиб, итни росаям ҳуркитиб, чўчитиб қочирадилар. Ундан кейин бўлса ўша итнинг ортидан калтак кўтарволиб, ҳайқириб, шовқин-сурон солиб, унинг эсини чиқариб қувлайдилар. Ит ниҳоятда кўрқиб қоча бошлайди. Мана шу воқеага «сафар қочди» дейилган».

Бизнинг фикримизча, оловдан ҳатлаш жараёнида итларни уриш ва қийнаш одати, асли, йилнинг охирги чоршанбасида ўтказилган маросим таркибидаги қатор анъанавий удумлардан бири бўлиб, асосан рамзий аҳамият касб этганди. Чунки, Фарғона водийсининг энг тоғли ҳудудларларидан биридаги Соймойлитош деган жойидан топилган бир қоятош сурати (петроглиф)да итни қурбонлик қилиш ритуали (маросими) тасвирланганлиги шундай хулосага келишга ҳам имкон беради.

Амалга оширилган архелогик тадқиқотлар милoddан аввалги IV минг йилликда Марказий Осиё заминида яшаган, деҳқончилик билан машғул бўлган қабилалар орасида олов култи ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлаганди. Олов ўзининг ёрқин шуъласи билан инсоннинг танаси ҳамда руҳига таъсир этадиган баъзи бир зарарли кучларни қуйдириб юборувчи ва покловчи ёруғликнинг тимсоли сифатида зулматга қарши кучли қудрат ҳисобланганлиги туфайли қадимдан аجدодларимиз томонидан ниҳоятда эъзозлаб келинган.

Олов билан боғлиқ кўриниш «Ғули армуғон» сайлидаги «Зикри жаҳр» маросими бошланган чоғларида қабристон, мазордаги кекса, деярли қуриб қолаётган тут дарахтининг ковагига бирорта шамни ёқиб қўйиш жараёнида ҳам ўз ифодасини топган.

Олов билан боғлиқ тасаввурлар тизимида ўчоқ култи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг асосий сабаби, уйнинг ўртасидаги ўчоқ жойи уйнинг топографик маркази бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга, Марказий Осиёда яшовчи чорвадор аҳоли қадимий

қарашлари билан ҳам боғлиқдир. Шу боисдан ҳам қадим-қадимдан чорвадорлардаям ўчоқ ўрни билан чамбарчас боғлиқ турли-туман урф-одат ҳамда расм-русумлар мавжуд бўлган. Масалан, академик Карим Шониёзов илмий маълумотларигаям асосланадиган бўлсак, Фарғона қипчоқлари ўтовларидаги олов ҳеч қачон ўчирилмаган. Улар орасида «Оловсиз ўчоқ – эгасиз уй каби» деган нақл бўлган.

Аждодларимиз орасида энг қадим-қадимдан олов билан боғлиқ кулга нисбатан ҳам эътиқод ўта кучли бўлган. Сурхон воҳасидаги бронза (жез) даврига доир илк шаҳар Жарқўтон ибодатхонасида олов ва кул муқаддас ҳисобланган, кул махсус хонага ташланган. Бунинг архаик илдизларини эса тандир, ўчоқнинг кули дуч келган жойга ташланавермаганлиги, кул тўкиб қўйилган жойга ўтириш ва унинг устидан юриш ёки таҳорат ушатиш қатъий тақиқланганида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Қадимда чорвадорлар қўзилатиш мавсумида тандир ё ўчоқдаги чала ёнган ўтинни «қўзилар чала туғилиб қолмасин» деган ҳадикда ташқарига чиқармаганлар ва ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган тақдирда уни тўла-тўкис ёкиб юборганлар. Чақалоқ дунёга келганида, унинг киндиги тушиб бўлмагунича, бошқа хонадонларга олов-тутантирик ҳам берилмаган. Болалар сираям олов билан ўйнамаслиги, у билан ўйнашмаслиги шарт, акс ҳолда бундай ҳаракатлар муқаддас оловга нисбатан таҳқирлаш ҳамда ҳақоратлаш бўлади, деб тушунилган.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Очамойли қишлоғида тандир – ўчоқлардаги кулни агар пичоқ билан ковлангудек бўлса, душманларнинг тили ҳам ниҳоятда узун бўлади, натижада ўзингга ҳам каттагина зиён, зарар етади, деган бир ақидага ишониш мумкин.

Аждодларимиз, юқорида ҳам бир неча марта қайд этилганидек, тандир – ўчоқнинг кулини ўта муқаддас ҳисоблаб, уни дуч келган жойга тўкавермаганлар. Кул хонадондан анчагина узоқ бўлган ва одамлар оёқ босмайдиган жойларга авайлаб, ҳамма ёқни чангитмай тўкилган. Айрим бир ўзини тутолмай, қутириб кетган кимсаларга нисбатан эса «нима бало, бирор ерда кулни босиб келганмисан?» деган ибора ҳам қўлланган. Бунинг сабаби шундаки, барча девлар ва жинлар, одатда кулнинг атрофида суҳбатлашиб ўтиришармиш, агарда бирорта кимса кулни босиб ўтиб кетса, уларнинг суҳбати

бузилиб кетар эмиш. Натижада бўлса бундан ниҳоятда ғазабланиб кўзлари конга тўлган, башаралари роса бузилган девлар худди ўша одамни телбанамо ва жинни қилиб ташлар эмиш, деган тушунча воҳа аҳолисининг онгида ҳам анчагина мустаҳкам ўрнашиб қолган. «Фалончани жин чалиб кетибди» деган ибораларни жуда кўп бора эшитишимиз ҳам тандир – ўчоқлардаги оловнинг кулига бўлган алоҳида ҳурмат-эҳтиромга йўғрилган муносабатнинг ўзига хос бир маҳсули бўлса ҳам керак.

Айниқса, кексалар ва нуронийлар (75 ёшдан ўтганлар) ҳамда умрбоқийлар (90 ёш билан тўқнашган)нинг ёшларга қарата «кулни сираям босма, кечқурун кулнинг ёнига зинҳор борма, кул устидан ҳечам сакрамагин, тунда тандирнинг яқинига йўлама!» деб насиҳат қилишларидаям олам-олам маъно бор. Масалан, бирорта нарса ёки ҳолатдан ваҳимага тушиб қолган кишиларга «кўрқувни чиқариб юборади», деб уларга кулни ялатиш ҳамда кечалари ёш эмизикли гўдак билан бирорта жойга боришга тўғри келиб қолса, учинмасин деган мақсадда унинг пешонасига тандир ёхуд ўчоқнинг куясидан суриб қўйиш каби одатлар сақланиб келаётгани бежиз эмаслигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Наманган вилояти Поп тумани Найман қишлоғида бўлса янги қурилган тандирга дастлабки оловни хонадоннинг хўжайини ёқиб берган. Тандирдаги олов бўлса бир кеча-кундуз мобайнида тутатиб қўйилган. Олов ёқиладиган пайтида унга исирик (ҳазориспанд)ни ташланса янги тандир сираям ёрилиб кетмайди, деб ишонишган. Энг асосийси, янги тандир ёрилиб кетмаслиги учун, унга дастлабки олов ёқадиган киши оғзини мутлақо очмаслиги даркор бўлган. Нон ва патир яхши ҳамда чиройлироқ чиқиши учун тандирга икки эмас, фақатгина бир кишининг ўзи ўтин қалаши шарт бўлган...

Исломгача бўлган даврларда булардан бошқа диққатга сазовор ва қизиқарли байрамлар кўп бўлганди. Улардан бири муқаддас оиланинг чиройи ва чароғбони, оила ва жамиятнинг асосий таянчи ҳисобланган аёлларнинг муқаддас байрамидир. Бу байрам исфандармўз ойининг 5-кунида нишонланган ва «рўзи исфандармўз» деб аталган. Ушбу масала ҳақида Беруний: «Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар», – деб ёзган эди.

Исфандармўз сўзининг асл ҳақиқий маъноси «ақл» ва «мулоҳаза» демакдир («Исфандармўз» солиҳа, номусли, ифбатли, жуда ҳам яхши ишларни қилувчи, Заминга ҳамда ўзининг эрига вафодор ва садоқатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номи ҳамдир. – Б. И., Н. И.). Демак, тарихий факт ва далиллар, ҳозирги замонда ҳам навбаҳор ибтидосида тантана билан жуда кенг равишда нишонланаётган 8-март Халқаро Хотин-қизлар айёми илдизлари, баъзи давлатларда асоссиз равишда кенг тарғиб-ташвиқ этилаётганидек европаликлар ихтироси эмас, аксинча, Сиз билан Бизнинг буюк аждодларимиз замонида бориб тақалишидан яққол гувоҳлик беради.

Ҳозирги давримиз учун ҳам қизиқарли байрамлардан бири – бу Мурод ойи 7- кунда ўтказиладиган – «Мурдоданган» ҳайити бўлиб, у эл-юрт учун ўзига хос равишда тинчлик, осойишталик, омонлик айёми ҳисобланган. Берунийнинг фикрига кўра, «Мурдоданган» атамасининг луғавий маъноси «ўлимсиз мангу ҳаёт» демакдир.

Аждодларимиз эътиқоди асосида вужудга келган зардуштийлик дини тарихда қолди. Бироқ, бу динга хос кўпгина одатлар, байрамлар, расм-русумлар сақланиб қолган. Шу билан бирга, касалликнинг олдини олиш ё ундан сақланиш учун исирик тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда эса гулхан атрофида айланиш, ўт-олов атрофида кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг гулхан алангаси устидан сакраш уйинлари, баъзи беморлар шифо топиш мақсадида гулханнинг устидан хатлаб, сакраб ўтишлари, чақалоқларни олов устидан ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шохига турли матолардан «алам» боғлаш сингари бир қатор удумларни ҳозир ҳам учратишимиз мумкин.

Бобо Қуёшни озодалик билан кутиб олиш, эрта тонгдан ҳовлини ҳафсала билан обдон тозалаш, уйларниям супуриб-сидириш, ювиниш, ўчоққа ўт ёқиш, олов ёрдамида турли озиқ-овқатларни микроблардан зарарсизлантириш, исирик, турли-туман гиёҳларни тутатиш удумлари ҳам зардуштийлардан бизга мерос қолган жуда фойдали одатлардир.

Ислом Каримов 2014 йил май ойида Самарқандда ўтказилган конференция очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек: «Ўз тарихига, тўпланган тажрибага ва дунёда энг катта, буюк бойлик ҳисобланган интеллектуал салоҳиятга жудаям чуқур ҳурмат билан

ёндашиш ҳар қандай давлат моддий ва маънавий тараққиётининг асосини ташкил этади...

Шу муносабат билан улуғ испан адиби Сервантеснинг, тарих – фаолиятимизнинг хазинаси, ўтмишнинг гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўгит, келажак учун огоҳлантиришдир, деган сўзларини такрорлаш жудаям ўринли бўлади, деб ўйлайман. Менга айникса, «келажак учун огоҳлантириш» деган фикр жуда ҳам маъқул бўлди. Нима учун? Нега деганда, ҳақиқатан ҳам, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тасаввур қилолмайди...

Бугунги кунда инсониятнинг олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Улар қаторида мен иқлим ўзгаришлари, экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш, асраб-авайлаш, табиий захиралар тугаб бориши ва бошқа шу сингари жуда ўткир муаммоларни қайд этишни ҳам истардим. Уларнинг оқилона тарздаги ечимлари бўлса давримизнинг энг кескин муаммосига айланмоқда... ».

Зардуштийларнинг турли одатлари эса буюк аجدодларимизнинг бебаҳо тарихий-маънавий мероси ҳисобланади. Албатта, ҳозирги даврда, ХХІ асрда зардуштийларнинг барча урф-одатларини қайтадан тиклаш, турмушимизга жорий этишга катта эҳтиёж унча мавжуд эмас. Бироқ, аждодларимизнинг барча урф-одат ва анъаналарини ўрганиб, билиб қўймоғимиз даркор. Замонамизга ям мос келадиган, тараққиётга кўмаклашадиган, миллий қадриятга айланиб кетган анъаналардан албатта, самарали тарзда биздан кўра кучли, доно, ақлли, албатта, бахтли бўлиши шарт бўлган баркамол авлодларимизнинг таълим-тарбияси жараёнида унумли тарзда фойдаланмоғимиз зарур.

ЎРТА АСРЛАРДАГИ АНЪАНАВИЙ БАЙРАМЛАР

Ўрта асрлардан инсоният тарихий тараққиётининг ўзига хос янги босқичиям бошланиб кетган. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий-диний ҳаётда, жумладан, байрамларни ўтказишда ҳам жиддий

Ўзгаришлар юз берган эди. Бу даврга келиб, халқнинг табиий-хаётий эҳтиёжи асосида пайдо бўлган жуда қадимий байрамлари ҳам жиддий қаршиликларга учраб, ҳаётда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун бетиним курашишга ҳам мажбур бўлганди. Чунки, айни пайтда Марказий Осиё халқларининг ҳаётига ислом дини билан бирга, айнан унга хос бўлган турли янги байрамлар ҳам кириб келган эди. Шунингдек, давлатчилик ривожини натижасида мамлакат ва унинг раҳбарларининг ҳаёти билан бевосита боғлиқ маросим-байрамлар ўтказиш анъанасиям кучайган.

Ўрта асрлардаги байрамлар тарихида эса Марказий Осиёга ислом дини билан кириб келган байрамлар алоҳида ўрин тутади. Чунки, бу байрамлар ушбу даврдан бошлаб, аجدодларимиз ҳаётига жудаям кучли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жиҳатдан ўзининг турли-туман таъсирини кўрсата бошлаган эди.

Ўзингизгаям жуда яхши маълумки, исломда асосан иккита расмий диний байрам мавжуд бўлиб, улар катта байрам – Қурбон ҳайити (арабча номи – «ийд ал кабир», «ийд ал-адҳо») етти кун, ҳозирда эса уч кун – ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10 – 13 кунларида ва кичик байрам – Рўза ҳайити (арабчадаги номи «ийд ас-сағир», «ийд ал-фитр») ҳам уч кун – шаввол ойининг 1 – 3- кунларида нишонланган.

Рўза – ҳар йил рамазон ойида бутун кун мобайнида ҳеч қандай таомлар истеъмол қилмай юриш одати бўлиб, мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбур бўлган амаллардан бири ҳисобланади. Савобталаб бўлган кишилар ўзларининг қишлоғи ёхуд маҳалласидаги рўзадорларга ифторлик қилиб бериб, савоб олишга ҳаракат қилиб келишларини эса ўзингиз ҳам ғоятда яхши биласиз. Турли-туман табу (тақиқ)ларни ўзида мужассам этган мазкур ой давомида эса рўзадорлар барча гуноҳлардан фориғ бўлиб, жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан покланишгаям ҳаракат қиладилар. Шунингдек, рамазон ва сафар ойларида тўй-тантаналар ҳам ўтказилмайди. Фақат рамазон ойига тааллуқли бўлган «сахарлик» (рўза ойи кунларида тун ярмидан ошгач, тонг отмасдан ейиладиган овқат) ва «ифторлик» (хайр-худойи ниятида ифтор вақтида бериладиган зиёфат, меҳмондорчилик маросими)нинг аниқ чегаралари ҳам мавжуд. Ҳозирги замонда уларнинг аниқ вақтлари соатлар ёрдамида олдиндан белгилаб қўйилган бўлса-да, улар ҳам азалдан амал қилиб келинаётган тун ва кун ўртасидаги чегара асосида вужудга келган. Жумладан, оқ ва қора иплар

рангини ажратиш қийин бўлган, отилган тош ёхуд кесак кўринмасдан қоладиган вақтлар ва чумчук сингари қушларнинг кечга яқин тинимсиз равишда чирқиллашлари мазкур чегара вазифасини ўтаган ва ханузга қадар ўтаб келмоқда... Рамазоннинг 26- кунидан 27- кунига ўтар кечаси Лайлат ут Қадрда тонгга қадар ухламасдан ибодат билан машғул бўлган мусулмонлар гуноҳлардан фориғ бўлади ҳамда нимаики орзу-умидлари бўлса, улар албатта ижобат бўлади, деб ҳисобланишини билмайдиган кишиларнинг ўзи бўлмасаям керак.

Ҳар икки ҳайитларда ҳам намозхон эркаклар масжидларда бомдод намозини ўқиб бўлганларидан сўнг имом-хатибнинг эзгулик, яхшиликка йўғрилган маърузасини тинглайдилар ва куёш чиқиб, терак баробарга кўтарилганида эса ҳайит намози ўқилади. Намоздан кейин ҳамма бири-бирини Ҳайит байрами билан қутлайди. Шундан кейин бўлса фотиҳали хонадонларга ташриф буюриб, ёруғ оламдан ўтиб кетган мархумларни Қуръони карим оятларидан ўқиш билан хотирлайдилар. Бир қишлоқда қанча шундай хонадон бўлса, уларнинг барчасига навбати билан кириб чиқилади. Агар зарурият туғилгудек бўлса, қўни-қўни қишлоқларга ҳам бориб, мархумлар хотирланади. Улар оила аъзоларига тасалли берилади, ҳайит билан табрикланади.

Қадим-қадим замондан Қурбон ҳайити куни барча одамлар бири-бирларига самимий муносабатда бўладилар ва ниҳоятда баланд овозда гаплашмайдилар. Бундай ғоятда улуғ айём кунларида ҳамма кишилар байрамона ва кўтаринки кайфиятда бўлади. Қишлоқ эркаклари ўз ота-оналари ва оила аъзоларига турли-туман совғаларни тақдим этадилар.

Ота-оналар томонидан унаштириб қўйилган, жуда яқин орада тўйи бўладиган йигит-қизларга ҳайитлик юборилишини ўзингиз ҳам биласиз.

«Катта ҳайит»да иқтисодий жиҳатдан қурби етган мусулмон Аллоҳ йўлида қурбонлик қилади ҳамда мусулмонларни ўзининг хонадониди бўлажак «худойи»га таклиф қилади. Ушбу маросим учун асосан соғлом кўчқор, агарда иложи бўлса оқ ёхуд кўк кўчқор қурбонлик қилинади.

Қадимдан байрамда махсус маросимий ширинликлар тайёрланади ва таомлар пиширилади. Айниқса, Фарғона водийси аҳолиси томонидан мазкур ҳайитлардан икки кун муқаддам оламдан ўтиб кетганлар эсланиб, «ис» чиқарилади. Бир кун аввал бўлса, яъни «арафа» (Арабистондаги Арофат тоғининг номидан олинган бўлиб, зулҳижжа ойининг 9- куниди

хожилар бу тоғда намоз ўқийдилар) куни кечки пайт барча хонадонларда маросимий таом сифатида палов тайёрлаш жуда яхши анъанага айланиб кетган. Шу куни хонадонларда палов дамланиб тайёрланиши биланок у кўни-кўшнилар ҳамда яқин қариндошлар орасида ўзаро алмашилади. Бу пайтларда кўлида палов солинган тугунни кўтариб олган юзлаб ёш-яланг, келин-куёвларга, албатта, кўзингизам тушади. Ўзбек бўлганингизга минг шукрона айтасиз, юрагингиз ҳаприқиб кетганидан кўзингизга севинч ёши келганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Қадимдан мавжуд удумга кўра, арафа куни фақатгина жуда яқин кунларда оиласи аъзоларидан кимдир вафот этиб қолган хонадонлардагина палов дамланмайди ва ушбу куни оламдан ўтган аждодларнинг руҳига бағишлаб ўйма, чавати ва ҳолвайтар сингари маросимий таомлар меҳр-муҳаббат билан тайёрланади...

Ислон динига дахлдор байрамлар бўлса Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) томонидан қуйидагича равишда таърифланганди: «Ҳар бир миллатнинг ўз байрами бор. Мусулмонлар байрами рўза ва қурбон байрамидир». Бу байрамларда эрталаб масжидларда намоз ўқилади, марҳумларни ёд этиб, дуои фотиҳалар қилинади. Қурбон ҳайитида ҳаж амалларини адо этиш ва қурбонлик қилиш, рўза ҳайитида эса рамазон ойининг ниҳоясида бўлса «оғиз очиш» маросими, етим-есирлар, бева-бечоралар, муҳтожларга фитр-садақа бериш каби амаллар бажарилган, ҳозирда ҳам бажарилётганлигини ўзингиз яхши биласиз. Рамазон айтиш бўлса Шўроларнинг ҳукмронлиги даврида эскилик сарқити ҳисобланарди. Рўза тутиш сингари Рамазон кўшиқларини айтиш ҳам қаттиқ қораланарди. Аслида эса бу айтимларнинг мавжларида барча одамларнинг бир-бирларига бўлган энг асл меҳр-оқибатлари, бир-бирларининг ҳол-аҳволидан доим хабардор бўлиш, кўли калта кишиларга эса кўмаклашишдек эзгу ҳамда савоб амаллар ётади.

Миллий Мустақиллигимиз туфайли кўплаб урф-одатларимиз қатори Рамазон айтимлари ҳам ўзлигимизга қайтарилди. Рамазон кўшиқлари аслида халқ оғзаки ижодининг турли маросимлар билан боғлиқ жудаям бой маънавий меросини ўзида ифода этади.

Рўзани уч кун тутиб келдик Сизга,
 Рўзанинг закотини беринг бизга...
 Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
 Худойим ўғил берсин бешигингизга,

дея бошланадиган Рамазон кўшиқлари эса халқ орасида «Ё, Рамазон», «равгон» сингари турли номлар билан аталган. Ушбу кўшиқнинг ҳам бошқа маросим айтимлари сингари ижро доираси чегараланган, яъни ҳар бир йилда фақат бир мартагина Рамазон ойида, унинг ҳам учинчи кунидан бошлаб айтилган. Махсус тайёргарлик, маълум гуруҳни талаб этадиган равгонлар, одатда ифторга яқин куйланган.

Гуруҳ иштирокчиларининг орасидаям бир киши асосий айтувчи, қолганлари бўлса жўровоз ҳисобланади. Уйма-уй, кўчама-кўча юриб айтилган кўшиқ матни катта ва хилма-хил бўлган. Уларнинг замирида эса турли ривоятлар, халқона қарашлар, эзгу ният, шунингдек, турмуш тарзи манзаралари тасвирини ҳам кўришимиз мумкин.

Бу ҳовлининг юзида кўйнинг изи, молнинг изи,

Керилиб кашта тикар бойнинг қизи... дейилади бир айтимда.

Яъни, ушбу таърифда айтилаётган хонадоннинг турмушиям фаровон, ҳовлидаги туёқ излари бўлса айнан шундан далолат беради. Керилиб кашта тикаётган уй соҳибининг қизи ўзининг келажагидан кўнгли роса тўқ, ҳозирги турмушидан ҳам жуда рози, шунинг учун ҳам каштани керилиброқ, яъни бемалоллик, хотиржамлик билан тикади у.

Равгоннинг кекса кишиларнинг тилидан ёзиб олинган айрим бир турларидан халқона эртақлар ҳамда ривоятларнинг шеърӣ ифодасини кўришимиз мумкин. Қадимда (ҳозирдаям) «Равгон» куйлайдиганларни бўлса «равгончи»лар деб атаганлар. Манбаларнинг далолат беришича, қишлоғу маҳаллаларда, шаҳар кўчаларида Рамазон ойи оқшомларида ўша равгончилар кирмаган бирорта ҳам хонадон бўлмаган. Ашуланинг ўзига хос оҳангдаги хиргойиси остида уйма-уй, ҳовлима-ҳовли юрган гуруҳни бир кўз олдингизга келтиринг-а. Улар чин дилидан куйлаётган кўшиқ хонадонингизга тинчлик-омонлик, қувончли дамларни тилайди, Сизга эзгулик, ёруғлик, яхшилик, рўшноликни сўрайди:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,

Кўчқордайин ўғил берсин бешигингизга...

Умуман олинганда, Рамазон кўшиқлари халқ оғзаки ижодининг беҳад бой ва маҳсулдор намунаси саналади. Илгари уни катта ёшдаги одамлар ижро этган бўлсалар, кейинчалик бу юмуш ўсмир болалар, ёш йигитларнинг «зиммасига тушган». Аммо, ҳамиша бирдай эзгуликни, яхшиликни, рўшноликни тараннум этиб келган...

Исломда кейинроқ тагин бир байрам – Мавлуд (мавлуд ан-набий) – Мухаммад пайғамбарнинг туғилган куни ҳам (Раби ал-аввал ойининг 12- куни) нишонлана бошланган. Мавлуд кунида ҳам дуолар ўқилиб, пайғамбар шаънига турли-туман мадҳиялар айтилади, диний шеърлар ўқилади, диндорлар йиғинлариям уюштирилади, садақалар берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ислом дини байрамларига маҳаллий халқларнинг одатлари ҳам қўшилиб, уларни янада бойитган. Масалан, арафа куни қўни-қўшниларига эзгу ниятда палов улашиш, «хайитлик» бериш, янги, тоза либосларни кийиш, қариндошлар, қариялар, касал (хаста, бемор), етим-есир, бева-бечора, ночорларнинг ҳолидана хабар олиш, ўша кунларда дам олиш, сайил қилиш сингари урф-одатлар ва анъаналар ислом байрамларининг жудаям муҳим таркибий қисмларига айланиб кетган.

Шу билан бирга, эл-юрт орасида қадимий анъаналарни абадиятга айлантира олган айём, асрлар бағридан келган шодиёна ва башарият боқий байрами бўлмиш – Наврўзни нишонлаш анъанаси ҳам буткул йўқотиб юборилмаган, янада аниқроқ ифодаладиган бўлсак, палаги тоза, илдизи эса жуда бақувват бўлганлиги туфайли йўқолиб кетмаган.

Наврўз айёми билан боғлиқ турли воқеа-ҳодиса ва уларнинг талқинлари жуда кўп бўлиб, барчаси инсонларнинг ўзаро дўстона, тинч-тотув, осойишта яшаши, эл-юрт ободончилиги, мўл-кўлчилик йўлида ҳалол меҳнат қилиши, табиат ва жамият янгилаанишларидан ҳайратланиб ҳамда қувониб, шўх-шодон турмуш кечиришларига, бир-бирларига яхшилик, эзгулик истаб яшашларига чорлайверади.

Помир тоғи атрофидаги халқларнинг тасаввурларига биноан, янги йилни ўта хушчақчақ, шўх-шодон кайфиятда, тўқ ҳолда кутиб олмоқ лозим. Фақат шундагина бутун бир йил мобайнида сикхат-саломат юриш мумкин ҳамда ҳосилимиз ҳам мўл-кўл бўлади, деб ҳисобланган. Уларнинг удумича, хонадон бекаси Наврўз байрами куни эрта тонгда бир кўзани палос ёки кўрпачанинг тагига бекитиб қўйган. Уйнинг эгаси бўлса ҳовлига чиқиб, қўш ҳайдаш учун зарур бўладиган омоч – бўйунтуруқ сингари асбоб-анжомларини кўздан кечиргач, ичкарига кириб ўзининг 12 – 14 яшар ўғлини чақирган. Бирор пўстиннинг жунли тарафини тескарисига ағдариб боласига кийдирган ҳамда уни елкасига миндириб олиб: «Кампирни кутиб

олинглар!», деб қичқирган. Кўза яшириб қўйилган жойга келганда, ўз боласини унинг устига ўйлаб-негиб ўтирмасдан ташлаб юборган. Бола пақир бўлса кўзанинг устига тушиб, уни чил-чил синдирган. Халқона қарашларга кўра, кўза – Ожиз момонинг яхши кўрган жойи бўлиб, бу идишнинг синдирилиши – эски йилнинг тугаши ва ниҳоясига етаётган йилдаги барча ёмонликлар, бало-қазолар, касалликларнинг буткул йўқ бўлишини англатган. (Доно халқимизнинг «Сув келтирган – хор-зор, кўза синдирган азиз» деган мақоли ёдингизга тушдими?). Фақат шундан кейин оиланинг барча аъзолари айнан ўша кўзани синдирган болани шўх-шодонлик ила Наврўз айёми билан қутлаган ва онаси ўз боласининг устидан ловияни сочиб юборган.

Айнан шундай эзгу ғоя Умар Хайёмнинг «Наврўзнома»сида ҳам ўз аксини топган: «Подшоҳларнинг бир одати бор: йил бошида яхшиликка фатво бериш, саналарни белгилаш маишат учун маълум маросимлар ўтказишлари зарур. Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган».

Ҳаётда ушбу байрам билан бевосита боғлиқ ҳолда ҳанузгача сақланиб келаётган аждодларимизнинг анъаналаридан бири янги туғилган чақалоқларга Наврўз исмини қўйиш одати ҳисобланади. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухорода Наврўз кунида туғилган бўлса, асосан ўғил болаларнинг исми Наврўз, Наврўзбек ва Фарғона водийсида эса, кўпроқ қизлар исми Наврўза қўйилади.

Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонидаги Фаррух шоҳнинг ўғли айём куни туғилгани учун унинг исми Наврўз қўйилганлиги баён этилади. Ушбу дostonда эса шундай ажойиб байтлар бор:

Чу Наврўз ўлди Наврўз ичра фируз,
Ота ўғлининг отин қўйди Наврўз.
Улуста мустаҳиқларни қилиб шод,
Ҳамул дам бандиларни қилди озод.

Яъни, Фаррухшоҳ эл-юрт орасидаги ўта муносиб кишиларни муносиб даражада тақдирлаб, бандилар – маҳбус, маҳкумларнинг эса гуноҳидан кечади. Шоҳнинг бундай илтифоти фақатгина ўғил кўриб қувонганидангина эмас, балки қадимдан Шарқ давлатларида Наврўз байрами муносабати билан маҳбуслар ҳамда маҳкумларни

авф этиш (амнистия) анъанасиям бўлганлигидир. Асрлар бағридан келаётган бу ўта қутлуғ анъана «Аждодлар мардона руҳи» бизга ёр, «Эркин ёш авлодлар» чиндан ҳам «зўр қанот!» бўлган, «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон», «Оламни маҳлиё айлаган диёр»имизда ҳамон давом шараф билан эттирилаётганидан ўзингиз ҳам ғоятда яхши бохабарсиз. 1991 йилги Наврўз айёми арафасида, истиқлолга эришилмаган чоғдаёқ Биринчи Президент фармойиши билан 1000 киши унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳукумат комиссиянинг қарори билан авф этилганимиз ҳамон ёдимиздан кўтарилмаган...

Наврўз хусусида (Ал-аҳодис ан-найрўзия деб аталувчи 10та) ҳадислар бизнинг давримизга қадар қадимий қўлёзмалардаям етиб келган. Наврўз ҳадисларининг 70та муҳим ҳосияти машҳур олим Абул Лайс Самарқандийнинг «Бўстони фикҳ» китобида батафсил баён этилганди. Аждодларимиз одоб-ахлоққа оид бу сингари соҳир ҳадисларни роса ўрганиб, ўзларининг руҳий оламини бойитганлар.

Аллома Ал-Маъмун Али ибн Тусо ал-Ризоб шундай фикрни ёзиб қолдирган эди: «Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар айнан шу куни яратилганлар. Уни пайғамбаримиз ҳам жуда улуғ тутганлар, чунки куёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаган, чунки у замоннинг биринчи кунидир».

Ҳаким ат-Термизий қўлёзмаларида сақланган «Наврўзнома» номли рисола «Мажмуат ур-рисолайи туркий» китобида (Тошкент, 1912.) нашр этилган. Ушбу рисолада Наврўз айёмининг асл тарихи эмас, балки ушбу байрам урф-одатлари ҳамда маросимининг турли хислатлари хусусидаги маърифий ахборот, маълумотлар берилган.

Маъсудийнинг «Муруж ал-заҳаб», Ибн Балхийнинг қаламига мансуб «Форснома», Табарийнинг «Тарихи Табарий» ва Муҳаммад Ҳусайн Бурхоннинг «Бурхони қотиъ» каби асарларида ҳам Наврўз хусусида анча маълумотлар келтирилганди. Улар асосан Жамшид ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақидаги турли-туман ривоятлардан иборат. Эл орасида «Наврўз ҳикматлари» ҳам жудаям кенг тарқалганди...

Марказий Осиёдаги халқларнинг турмуш тарзига ўрта асрларда кириб келган Ийд ас-сағир арафасида кишилар бир-бирларига жудаям мулойимлик, меҳрибонлик билан муносабатда бўлишлари шарт қилиб қўйилган. Эрта тонгданоқ кишилар сидқидилдан шундай айём кунига

етказгани учун Аллоҳ таолога сидқидилдан шукроналар айтадилар. Ўзларининг яқинларини, қариндош-уруғлари, беморлар ва қарияларни чин дилдан, уларнинг дуоларини олиш ниятида зиёрат қиладилар.

«Рамазон» ёз ойларига тўғри келган пайтида рўзадорлар куннинг иссиғи ва очликдан анча қийналишган. Чунки, рўза тутганларга қуёш чиқишидан (тахминан эрталаб соат 5 – 6дан) токи кун ботгунига қадар (тахминан кечки соат 9 – 10ларда), яъни 14 – 15 соат мобайнида бирор-бир таом истеъмол қилиш мутлақо ман қилинган. Рўза тутиш тартиблари бузилмаслиги, яъни оч юриладиган вақт тезроқ ўтиши ва очлик кишини жудаям қаттиқ қийнамаслиги учун рўзадорлар кундузи бирозгина ухлаб олганлар. Бозор, дўкон, чойхоналар кундузи берк бўлиб, кечга яқин эса ишга туширилган ҳамда ўзининг фаолиятини деярли саҳарликка қадар кўрсата бошлаган.

Ислом эътиқодига биноан, рўза кишидаги сабр-тоқатни ва меҳроқибатни, тақвони синовчи ўзига хос бир имтиҳондир. Бунда эса ҳар бир имонли одам ўзини ўзи турли-туман иллатлардан: ёлғон гапириш, бировнинг кўнглини ранжитишдан, жабр-зулм қилишдан, ва умуман, ёмон ишлардан тийиб туради.

Садриддин Айний эсдаликларида баён қилганидек, Рамазон ойида дўконлар, саройлар, шунингдек, чойхона, ошхона ва сартарошхоналар то ярим тунгача очиқ бўлган. Расталар ҳамда бозорларда, чойхоналарда созандалар куй чалар, ҳофизлар ашулаҳонлик қилар ва баъзи жойларда эса қиссаҳонликлар бўларди. Мана шундай ишларнинг жамини бўлса тунги бозор (яъни, бозори шаб) деб аташар эди. «...Баъзи кишилар, айниқса, тунги бозор ёпилганидан сўнг дўстлардан бирининг уйида тўпланишиб, базм ҳамда ашулаҳонлик қилишар ёки бошқа ўйин-кулги билан кечани ўтказиб, тонготар қилишар эди... Маҳалла масжидлари аксарият кўпчилигида «Қуръон хатми» бошланарди...».

«Рамазон» ойининг бошланганини одамлар осмонда янги ойнинг пайдо бўлганидан билишган. Бироқ, мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам янги ойни кўришолмаган. Шу сабабли, икки нафар ёки ундан кўпроқ одам (бир умр ёлғон тўқимаган энг холис диндор мусулмонлар) қози олдига келиб, янги ойни ҳақиқатан ҳам кўрганлари ҳақида гувоҳликни беришлари керак. Агарда қози уларнинг холис гувоҳлигини шариатга

мувофиқ деб топгудек бўлса, «Эртага рамазон!» ёки «Эртага ҳайит!» деб расман эълон қилинади.

Садриддин Айний «Рамазон» айёмининг мазмун-моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзганди: «Рамазон» диний анъаналар билан «муборак ой», тоат-ибодат қилиш оyi саналади. Анъаналарга кўра, мусулмонлар рўза тутар, беш вақтлик муқаррар намознинг устига, ҳар кеча таробеҳ намозини ўқишар, аксарият масжидларда таробеҳ намозидан ташқари, «Қуръони карим»ни бошидан охиригача овоз чиқариб ўқиб чиқиш билан тонг оттиришар, хонақоҳларда шайхлар ўз муридлари билан ойнинг охирги ўн кунда «даҳанишинлик» ўтказишарди ва ҳоказо».

Турон халқларида қадимдан мавжуд Наврўз айёми билан боғлиқ аجدодлар руҳига сиғиниш, уларни эслаш удуми рамазон ойида ислом ақидалари билан бевосита уйғунлашиб кетган. Жумладан, ёш болалар рўза оқшомларида кўчама-кўча, уйма-уй юриб, қуйидаги сўзлар билан бошланадиган рамазон кўшиғини ҳам айтиб юрадилар:

*Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Кўчқордек ўзил берсин бешигингизга...*

Хонадон соҳиби эзгу орзу-ниятда болаларга пул, ширинликларни улашади. Умуман олганда, рўза ойида одатдагиданам кўпроқ даражада ўзга кишиларга нисбатан меҳр-мурувватлар кўрсатилиши ҳамда хайр-эҳсон қилинишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Ўрта асрларда араблар байрамларнинг диний мазмунига алоҳида диққат-эътибор берганлар, айнан байрамлар ўтказиладиган жойларга эса махсус масжидлар қурилган. Кейинчалик айнан ушбу масжидлар Ўрта Осиё шаҳарларининг муҳим таркибий қисмига айланиб қолганди. Улар Қурбон ҳайити, Рамазон (ийд-ал-фитр) байрамлари ва мусулмон удумлари ўтказиладиган марказ вазифасини бажарган. Бу масжидлар моҳияти асли бир хил бўлса-да, улар турли жойда турли номлар билан аталган: «Намозгоҳ» (намоз ўқиш жойи), «Мусалла ал-ийд» (байрам куни намоз ўқиш жойи), «Ийдгоҳ» (байрам ўтказиш жойи) ва ҳоказо.

Байрамларни ўта катта тантаналар билан нишонлашдан кўзланган энг муҳим ва энг асосий мақсад – халқни ислом ақидалари асосида бирлаштириш бўлган. Байрам ўтказиладиган жойларда мажлис, намоз ва қурбонлик каби диний анжуманлар уюштирилганди. Баъзан шоҳлар ва ҳукмдорлар ўз олижаноблигини кўрсатиш мақсадида бу жойларда

халқ учун катта зиёфатлар ҳам берганлар. XI аср тарихчиси Байхакий маълумот беришича, Ғазна шаҳрининг атрофидаги мусаллода намоз ва қурбонликлардан кейин Амир Масъуд жуда катта зиёфат уюштирган. Зиёфатда қатнашганлар шарбат ва ўша давр ғазналиклар саройидаги удумга биноан май ичганлар, мусиқа чалганлар, кўшиқ айтишган ва шеърлар ўқишган. Амир Масъуд бўлса, ўз навбатида, барча одамларга тухфа, ҳадяларни улашиб берган.

Шаҳар чеккасида барпо этилган масжидларда асосан дин, давлат арбоблари, амалдор ва тақводор кишилар тўпланиб, байрам қилишган.

Барча ҳукмдорлар ҳамма замонларда ўз давлатининг пойтахтига машҳур олим ва санъаткорларни тўплашга, маросимлар, байрамларни тартибли, кўнгилли ўтказиш мақсадида махсус сайилгоҳ, томошагоҳ, кўшқлар, боғлар қуришга ҳам ҳаракат қилганлар. Ўша даврда Термиз шаҳрида ҳам кўплаб ажойиб санъаткорлар тўпланардилар. Байхакий Амир Масъуднинг бир неча қайиқларга тушиб, карнай-сурнай садоси остида ва ўйин-кулги билан Термиз кўрғонига келгани ҳақида бундай ёзади: «Овқатлана бошладилар, даврада қадахлар айланди, кемаларда мутриблар (чолғучи, созанда, ашулачи)нинг ашулалари ҳам янгради, қирғоқда бўлса термизлик мутриблар, раққослар ва ногорачилар – 300дан ортиқ киши ишга киришиб кетди: чолғулар чалинди, рақсга тушилди. Мен Термизда кўрганларимни бошқа жойда кўрмаганман. Созу наво, ўйин-кулгилар шу даражага етгандики, бунақасини илгари ҳеч ким билмас эди».

Ўрта асрларнинг машҳур муаррихи Абул Фазл Байхакийнинг ёзишича, Наврўз байрами Сабуктегин, Маҳмуд ва Масъуд Ғазнавийлар ҳукмронлиги даврида Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразм ҳамда Фарғона водийсида давлат байрами сифатида ҳам кенг нишонланган. Айниқса, Ғазна, Гурганж ҳамда Бухоро шаҳарларида Наврўз байрами ниҳоятда катта тантаналар билан ўтказилган. Ғазнавийлар салтанати бошкенти – Ғазна шаҳрида ўтказиладиган улкан айём тантаналарига бўлса Ироқ, Жанубий Туркистон ва Мовароуннаҳрдан машҳур шоирлар, хонанда ва созандалар, рақс ва кулги усталари ташриф буюришган. Томоша ва халқ сайиллари Кўшки Маҳмуд, Кўшки Сафед, Кўшки Давлатда ва Шабехар яйловида ўтказилган. Ситти Зарин деган хонанда ва раққоса, Андалиб деган машҳур созанда, Буғси деган бир масхарабоз Наврўз

байрамида томошабинларнинг катта олқишларига сазовор бўлишган (Абу-л-Фазл Бейхаки. История Масуда (1030 – 1041). Т.: 1962., с. 235).

Шарафиддин Али Яздий эса сарбаланд Соҳибқирон Амир Темур давридаги байрамлардан бирини шундай тасвирлаган: «Хамма томонда созандалар куй чалишар, хонандалар эса кўшиқ куйлашар, ой юзли, адл қоматли, гўзал, ноз-карашмали раққосалар нафис муқомлари, чапдаст раққослар шиддатли хатти-ҳаракатлари билан барчани ўзига мафтун... Туркча, мўғулча, хитойча, арабча кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Қизикчилар гоҳ ажойиб ҳикоялари, гоҳида кулгули томошалари билан томошабинларга чексиз қувончни улашдилар. Турли-туман куй ва кўшиқлар, гўзал хонанда ва раққосаларнинг хумор боқишлари, ақиқ лабларидан учаётган ром этувчи овозлар ва ҳар бир чолғу асбобининг сирли садоси байрам қатнашчиларига лаззат ато этди. Жумлаи жаҳон ҳам шодликка тўлуғ эди гўё. Бу ерда ҳайвонларнинг терисини ёпинган мукаллидлар ҳам бўлиб, ўша ҳайвоннинг ётиши, сакраши ҳамда бошқа қилиқларини ажойиб тарзда кўрсатиб беришарди».

Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, бошқалар маълумотлари бўйича 1404 йилда Самарқандда Амир Темур фармойиши билан ғоятда улкан намоиш ҳам ўтказилган. Шаҳардан ташқаридаги сайилгоҳда эса чодирларнинг чамани, савдо расталари ҳамда ҳунармандлар қасабалари томонидан 104 кўшк, созанда ва хонандалар учун эса супа-сахналар қурилган. Ҳар бир ҳунар аҳли ўз касб-корини намоиш қилиш билан бирга томоша санъатида эришган ютуқларини ҳам тараннум этган.

Кўшклар, супа-сахналарда томошалар кўрсатилган. Бир томонда дор ўйинлари, бошқа тарафда паҳлавонлар кураши. Бундан ташқари, ҳукмдор, давлат ва ҳарам аҳлининг олдидан ўзининг санъатини кўз-кўз қилиб намоишчилар ҳам ўтганлар. Намойишда иштирок этаётган фил, кўй, туя, шер, йўлбарс, сиртлон, қоплон, тулки, бўри қиёфасига кирган кишиларнинг ҳар бири ўзи танлаган тимсоллар хатти-ҳаракатларини жудаям катта маҳорат билан кўрсатиб берганлар.

Чунончи, қассоблар эчки ва қўйлар тақлидини, чармгарлар тулки, сиртлонлар, қоплонлар ва арслонлар тақлидини моҳирона бажарганлар. Айниқса, қаторлашиб сўз айтиб, куйлаб ва ўйнаб ўтган «тилло шохли эчкилар» томошабинларни беҳад даражада хушнуд этган.

Албатта, бу ўринда асл гап давлат байрами ҳақида бормокда. Лекин, махсус ташкил этилган мазкур байрамда халқ томошалари ва халқнинг бу соҳадаги азалий тажрибалари ҳам моҳирона тарзда ишга солинган. Янада аниқроғи, давлатнинг байрамларидан Наврўз билан ва Сиёвуш маросимлари билан бевосита боғлиқ томошалар ҳиди ҳам келади. Юқорида қаламга олинган намоишида ҳам саф-саф бўлиб ўтган ўша «тилло шохли эчкилар» аслида, Сиёвушнинг содиқ йўлдошлари ҳисобланади.

Бу хилдаги турли муқаллидлар тасвири ўрта асрларда чизилган миниатюраларда ҳам кўплаб учрайди. Ҳайвон терисини ёпиниб олган муқаллидларнинг жуда юксак маҳорати ҳақида «авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони» ҳамда назм-навонинг назаркарда нажоткори, замонасининг забардаст, захматкаш забондони Мир Алишер Навоий ҳам ўзининг соҳир қалами воситасида ёзганди.

Ўзбекнинг ўктам ўғлони – Бобур Мирзо қизи Гулбаданбегим «Хумоюннома» китобида ҳам Наврўз байрами масаласига дахлдор ўта қизиқарли маълумотлар мавжуд. Қобул шаҳрида «Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳнинг хатна тўйини қилдилар. Ва суннат тўйи анжомларини тайёрлашга киришилди.

Наврўздан сўнг ўн етти кун шодиёналар бўлиб ўтди ва кўк либослар кийишди. Ўттиз-қирққа яқин қизларга кўк кийимларни кийиб тоғнинг тепасига чиқишга ҳукм бўлди. Бир Наврўзда Ҳафт Додарон тоғига чиқишди. Аксар халқ ҳузур-ҳаловатда, фароғатда яшарди» («Жаҳон адабиёти», 2015 йил, 4 (215)- сон, 70- бет).

Боғи Бобур майдони эса бир неча гектар бўлиб, унинг атрофи кунгирадор девор билан қуршаб олинган эди. Унинг ичида хиёбон, йўлаклар, гулзорлар, мевазорлар, янги қурилган мактабхона ҳамда чойхона бор. Зилол сувли шаршаранинг ёнидаги икки улкан чинор Бобур замонидан гувоҳлик бериб, теварак атрофига шох тебратиб турибди. Уларнинг бири шу даражада йўғонки, унинг ўртасидаги ковагига мингтагача ғишт тахлаб қўйилган. Ҳозирги кунларда ҳам афғон – пуштун халқи ҳар йилги Наврўз оммавий тантаналарини мана шу гўзал гўшада ўтказадилар. Шаҳар аҳлининг турли-туман курашлар, қизиқчилик ҳамда миллий рақсларини ижро этиладиган

фестивалларини айнан Қобулдаги Боғи Бобурда ўтказиш ўзига хос миллий анъанага айланиб қолган.

«Наврўз» айёми Афғонистон шимолида яшовчи халқларнинг ҳам қадимий ҳамда анъанавий байрамларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош Афғонистон давлати шимолида жойлашган Балх вилоятидаям мазкур байрам қадимдан нишонлаб келинмоқда. Мактабларда ҳаммага сабоқ бериладиган тарих дарсликларида Сизга ҳам яхши маълумки, Балх шаҳрига милoddан аввалги VII асрда асос солинган бўлиб, бу кўҳна шаҳар қадимда жуда улкан ғурур билан «Умм ул-Билод», яъни «шаҳарлар онаси», деган ном билан аталганди. Афғонистон халқлари ўртасида ривоятларда «Наврўз» Балх шаҳрида аҳмонийлар сулоласи вакили, деҳқончилик ва косибчиликни ривожлантирган подшоҳ Ямо тахтга ўтирган куни байрам сифатида эълон қилинган, деб айтилади.

Худди ўша Ямо, Фирдавсий (941 – 1025 йиллар) «Шоҳнома» асарида Жамшид деб аталган, ўзбек халқининг ўртасида тарқалган «базми Жамшид» деган роса машҳур ибора ҳам мазкур шоҳнинг ниҳоятда ҳашаматли зиёфатларига ўзига хос бир ишорадир.

Ҳозирда ҳудудида бир миллиондан кўп аҳоли яшайдиган Балх вилоятида Наврўз байрами шу вилоятнинг маркази Мозори Шариф шаҳридаги «Ровзаи Шариф» зиёратгоҳида ўтказилади ва у «Гули сурх» (қизил гул, лолақизғалдоқ) деб юритилади.

Нақлларга биноан, «Ровзаи Шариф»да машҳур шахс ҳазрат Али ибн Абу Толиб (пайғамбар Муҳаммаднинг амакиваччаси ва куёви – Фотиманинг эри, 661 йилда Куфа шаҳрида ўлдирилган) дафн этилган бўлиб, шиа мазҳабидан ташқари, Афғонистон бошқа мусулмонлари ўртасида ҳам ўта эъзозланади. Байрамнинг биринчи кунида, 21 мартдаги расмий маросимда ушбу зиёратгоҳига қўшни давлатлардан – Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистондан ҳам меҳмонлар келади. Афғонистон ҳукуматининг вакиллари табрик сўзлари билан чиқишади, «Қуръон»дан оятлар тиловат этилади ва масжиднинг олдида эса баланд туғ (жанда) кўтарилиб, тўплардан роса гумбурлатиб осмонга ўқ отилади. Мазкур туғ 40 кун давомида баланд кўтарилиб туради ва охирида «жанда поён» одати бўйича жудаям катта тантаналар билан яна пастга туширилади.

Расмий делегациялар ва Қобулдан келган юқори мартабали меҳмонлар учун вилоят губернаторининг номидан ўта қуюқ зиёфат берилади, зиёфат чоғида эса ғоятда соҳир афғон созандалари завқ-шавқ билан мусиқа чалиб, ҳофизлар қўшиқлар айтишади, қадимий афғонларининг миллий рақси бўлмиш – «отан» ҳам ижро этилади.

Байрам маросимлари роппа-роса 40 кун давом этади. Мана шу 40 кун мобайнида Афғонистоннинг деярли барча вилоятларидан зиёратчилар Мозори Шарифга келиб кетадилар.

Гир атрофи баланд темир панжаралар билан ўралган «Ровзаи Шариф» зиёратгоҳи эшиклари ҳафтанинг чоршанба кунлари фақат аёллар учунгина очилади, турли-туман ранглардаги чодраларга ўралган хотин-қизларга зиёратгоҳнинг ҳудудида чодрасини очиб юришларига рухсат берилади. Афғонистон давлатининг ҳудудида ҳозирги даврда ягона ҳолатда, яъни фақат Наврўз байрамидагина барча аёллар ўзларининг чодра (паранжи)ларини бемалол очиб юра оладилар. Мозори Шариф четидаги катта майдондаям чавандозлик ва улоқ ўйинлари бошланиб кетади, афғон болалари роса қий-чув қилиб, шўх-шодонлик билан осмонга ўз варракларини учирадилар. Қариндош-уруғлар ва дўст-биродарлар Наврўз байрами билан чин дилдан табриклаш учун ясаниб (кўпинча оппоқ либосларни кийган ҳолда), бир-бирлариникига улуғ ниятлар ила меҳмонга борадилар.

Афғонистон шимолий вилоятларида бир неча кун мобайнида меҳмон бўлиб шуниям кузатиш мумкинки, бу ерда ҳам худди Ота маконимиз – Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарлари аҳолисига ўхшаб байрам кунларида хонадонларда дастурхонлар беаб, кўк сомса ва палов (сабзи чалов) ва қийма (кўфта) қовурма гўшт тайёрланади, меҳмонларга эса косада наврўзий шарбат «ҳафт мева» (етти мева) тортилади. «Ҳафт мева»ни тайёрлаш учун афғонлар бир кун олдин ёнғоқ, бодом, pista мағизлари билан бирга ўрик туршаги, жийда, қора ва сариқ кишмиш майизини сирланган идишга солиб, устига қайнатилган сувни қуйиб, ёпиб қўйишади. Идишдаги маҳсулот эса эрталаб тайёр бўлади, баъзилар шарбатнинг янада мазали бўлиши учун унга озгина «бўра» (шакар ёки қанд) ҳам қўйишади.

Балхликлар фикрича, ушбу шарбат витаминларга бой бўлиб, эрта баҳорда қишдан ғоятда толиқиб чиққан инсоннинг танасига росаям катта куч-қувватни беради. Афғонистон шимолида яшовчи аҳоли оғзаки ижодида ҳамда ҳозирги адабиётида «Наврўз» ҳамда «Гули сурх» тўғрисида кўплаб шеърлар ғазал ва нақллар мавжудлиги бу баҳорий байрам қадимийлигидан яна бир бор далолат беради.

Юқорида эътиборингизга ҳавола этилган фикр-мулоҳазаларни ҳам умумлаштириб ифодаладиган бўлсак, ислом динидаги байрамлар ҳам хурсандчилик ва тинч-тотувлик, меҳр-оқибатни кўрсатиш ва шукрона қилиш кунларидир. Бу улуғ кунларда қариндошлар, ёр-биродарлар бир-бирларини жуда ҳурмат-эҳтиром билан зиёрат қилишиб, табриклашиб, ҳол-аҳвол сўраши хайрли ишлардан бири саналади.

Шу билан бирга шуни ҳам қайд этишимиз лозимки, ўрта асрлар мобайнида ҳам асрлар бағридан келган шодиёна, эзгуликка эш бўлган айём – Наврўз маълум бир даражада исломга мослаштирилган ҳолда нишонланаверган.

Наврўз деганимизда, аввало, кўз олдимизда унинг лаззатли таоми – сумалак аста жонланади. «Сумалак сайли» (ёки «Сумалак базми») Наврўзнинг энг «шоҳона таоми» – сумалакни тайёрлаш, сумалакхўрликка бағишланган ниҳоятда тантанали маросимдир.

Бу таомнинг номи «саману» (форсий), «сумалак», «сумелек», «сумалаяк» (туркий) сингари қатор шаклларда учрайди. «Сумалак» калимаси нимагадир қиш пайтларида томлар шифтида қаторлашиб осилиб турган музларга нисбатан ҳам қўлланади.

Муҳаммад Ҳусайн Бурхоннинг «Бурхони Қотъи» асарида (1650 й.) «саману» истилоҳи учрайди ва у «ҳолвайтарга ўхшаш нарсаси, у кўклаган буғдойнинг ширасидан тайёрланади, ундирилган буғдойдан тайёрланган таом», сифатида изоҳ берилган экан. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам «ундириб янчилган буғдой ва ундан тайёрланадиган ҳолвайтарсимон овқат» сифатида изоҳланган.

Улуғ аждодимиз, буюк аллома Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида келтирилган жуда қизик афсона сумалак пишириш анъанаси тарихини анча ойдинлаштириб бера олади: «Наврўз тонгида Бушанж (Хуросондаги бир шаҳарнинг номи) тоғида бир бойлам гиёҳни кўтарган индамас киши кўринади.

У бир соатча пайдо бўлиб, келгуси йилнинг ушбу вақтигача ғойиб бўлади, дейдилар. Задавайх ўз китобида айтишича, ушбу ҳодисага асосий сабаб қуёшнинг жанубий томон, яъни афохтардан чиқиши бўлган. Чунки, лаънати Иблис баракотни кеткизаверганидан кейин, одамлар ейиш-ичишдан бош кўтармаганлар, аммо тўймаганлар. У шамолни ҳам эсишдан тўхтатган, натижада дарахтлар қуриб, дунё ҳалок бўлишига яқинлашган.

Шунда Худо амри ҳамда кўрсатиши билан Жамшид Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойни мўлжаллаганича, жануб томонга борган ва токи баракотсизликни кеткизмагунича бир қанча вақт айнан ўша ерда қолган. Яна одамлар мўътадил ҳолатга, баракот ва фаровонлик сари қайтиб, балодан қутилганлар. Шу вақт Жамшид дунёга қайтиб, шу куни қуёшдек чарақлаган, ундан нур таралиб турган, чунки у худди қуёш сингари нурли экан. Одамлар икки қуёш чарақлаб турганидан ажабланганлар, ҳамма қуриган чўплар тагин кўкарган ва одамлар «рўзи нав» яъни «янги кун» деганлар».

Маълум бўлишича, дастлабки вақтларда сумалакни буғдойдан эмас, балки арпа майсасидан пиширишган экан. Маҳмуд Қошғарий шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам «сума» атамаси қўлланганлигини алоҳида таъкидлаган бўлса, Беруний томонидан ҳикоя қилинган афсонада одамлар «баракотга эришиш учун тос ё бошқа идишларга арпа экканлиги» бежизга таъкидламаганлигини ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак.

«Сумалак» атамаси таркибидаги «малак» биз ўқиган, қуйида ривоятларда келтирилган араб тилидаги «малак» (фаришта) ва «су» форсий «се» (уч) ёки «си» (ўттиз) сўзлари билан бевосита алоқадор эмас. «Сумалак» соф туркийча ўзимизнинг ғоятда гўзал, кўнгилни юксакка кўтарувчи табаррук сўзимиз ҳисобланади. Буюк аллома Маҳмуд Қошғарийнинг оламга ўта машҳур «Девону луғатит-турк» асарининг III жилди (253- бет)да «сума» сўзи, атамаси, истилоҳига: «Ивитилган буғдойнинг номи. У қуририлиб, туйилади... ундан угра ош ва нон тайёрланади. Шарбат олиш мақсадида ундирилган арпа учун ҳам шу сўз қўлланади», деб барчамизга жудаям тушунарли равишда изоҳ берилган.

«Сума» мустақил маъно англатувчи «сув» ва «ман» (дон) сўзи бирикувидан ташкил топган. («Тегирмон» сўзига бир солиштириб кўринг-чи: «тугар» + «ман», донни туғиб, яъни туйиб ун қилувчи.) «Сума» маросимий таом сумалакнинг илк шакли бўлган.

Қишда қор суви эриб томларнинг шифтида пайдо бўладиган муз «сумалак» атамаси «сув» ва «буламак», «буламоқ», «булатмақ» сўзлари қўшилуvidан пайдо бўлган. «Булатмақ» сўзининг ўзи эса бир неча хил маънони англатади:

1. Сувнинг буғида кўзининг гўштини «буғлатиб», «бувлатиб» пиширмақ. X – XI асрларда туркий «булатти» деган сўз арабий «шўрва» сўзи ўрнида ишлатилган. Бу тўғрида Махмуд Қошғарий: «Қозон буғида пиширилган ҳар нарсага бу сўз қўлланади», дейди. (Демакки, ердан сизиб чиқадиган сувнинг «булоқ» деб номланиши ҳам унинг айнан қайнаб чиқишига ўзига хос бир ишорадир).

«Буғлама» овқати ҳозирги даврларда ҳам айнан шу ном билан юритилади ва машҳур миллий таомларимиздан бири ҳисобланади. Ундан ташқари бўлса, туркийлар ўша пайтлари шўрвани «мун» деб ҳам атаганлар.

2. «Буламак» – нонни қатикқа булади, кўлини эса нишолдага булади, оёғи бўлса лойга росаям буланди.

3. «Булғамак» – сўз «буламак»қа ўхшаш, аммо лойқалатмоқ, аралаштирмақ, ифлос қилмоқ каби маъноларни англатган. Қадимда томдан эриб тушаётган қорнинг суви сувоқ лойи билан аралашиб, тупроқ ёки томнинг устига ёпилган ўша нарсанинг рангига мос тусга кирган ва буланган. Тиниқ сувга бошқа нарсанинг аралашуви хусусияти икки сумалакка ҳам тааллуқли. Бундай мазмунни дарахт танасидан аста оқиб чиқаётган қуюқ суюқлик – «симола» сўзида ҳам кўришимиз мумкин.

Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилган қадимги аҳолининг лаҳжаси – санскрит тилида ҳам буғдой маъносини билдирувчи «сумана» сўзи бўлган. Тилимизда дони олинган буғдойнинг пояси «сомон» деб аталишиям бежиз эмас. Манбаларда қайд этилишича, қадимги аجدодларимиз эрта кўкламда келаётган йилнинг баракали бўлишини орзу-ният қилиб, муқаддас ўсимликдан бирини туйиб, ширасини олиб ҳамда маросим амалларини бажариш чоғида уни

тановул қилганлар. Ана шундай шарбатни тайёрлаш учун махсус идишларда туйиладиган ўсимлик энг қадимги ҳинд тилида «сома», буюк «Авесто» битикларида бўлса «хаома» деб аталган.

Бу ҳар иккала сўзнинг ўзаги аслида битта бўлиб «суви сиқиб олинадиган нарса» деган маънони билдиради.

«Сумалак» пишириш анъанасининг тарихий асослари бўлса кўкатларнинг кузда рамзий маънода ўлиши ва кўкламда эса тагин қайтадан «тирилиши» ҳақидаги мифологик эътиқодларга ишониш удуми билан боғлиқ...

Халқ орасида юрган кўплаб ривоятларнинг баъзилари тарихан асосланганлиги ва ҳақиқатга жуда яқинлиги билан киши диққат-эътиборини ҳам тортади. Ривоятлардан бирини Сиз – азизларнинг эътиборингизга ҳам ҳавола этмоқчимиз: Қадим-қадимги замонларда бир Деҳқон уруғлик учун олиб қўйган донини эрта баҳорда тезроқ экиш ниятида ҳамма зироаткорлардан анча олдинроқ сувга ивитиб қўяди. Лекин, беқарор об-ҳаво бирданига бузилиб, тўсатдан қор ёға бошлайди. Буғдой эса, табиатнинг қонунларига мувофиқ равишда, ивитилган идишда ниш урган ва тинимсиз тарзда ўсишдаям давом этаверади. Деҳқоннинг Оила аъзолари томонидан «илик узилди» даврига зўрғагина етиб келинган пайтда буғдойни бутунлай нобуд бўлишига йўл қўймаслиқнинг чоралари қидирилади. Деҳқон бўлса таваккал қилиб, ниш урган ва анчагина бўй кўтариб қолган буғдой майсаларини қиймалайди ҳамда оиласининг чироғи ва чароғбони – уй бекасидан бундан бирор таом пиширишни илтимос қилади. (Шу ўринда айнан «илтимос қилди» ибораси киши диққат-эътиборини ўзига ярқ этиб тортади. Одатда, ўзбекнинг оиласида эри хотинидан бирорта нарсани «илтимос» қилмайди, кўпроқ буюради. Милоддан аввалги 40 – 3 минг йилликларни ўзининг ичига қамраб олган матриархат (она уруғи ҳукмронлиги даври) неолит – янги тош асрида (мил. авв. VI – IV минг йилликлар) ўзининг роса гуллаган даврини бошидан кечирган. Деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги эса айнан неолит даврида аёллар томонидан кашф этилганди. Ўша замонлар жамоасида аёллар ҳукмрон бўлганлар, бўлажак турмуш ўртоғи ҳам улар томонидан танлаб олинарди, агар эр номақбулроқ чиққудек бўлса, унинг паттаси хотини томонидан қўлига бемалол

ушлатиб қўйилиши мумкин эди. Агар юқоридаги воқеа кейинроқ, яъни, мил. авв. III минг йилликдан бошланиб кетган патриархат (ота уруғининг ҳукмронлиги даври) содир бўлганида эди, айнан ўша деҳқон хонадон бекасига «таом тайёрлашни буюрди» деган сўзлар қўлланган бўларди. – Б. И., Н. И.).

Бека ўз эри тайёрлаб берган майса қиймасини қозонга солиб, узоқ вақт қайнатади. Қарангки, оқ кўнгил деҳқоннинг нияти холис чиқади. Ҳиди ўта ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узоқ вақт эсида қоладиган даражадаги янги ажойиб бир таом дунёга келади. Натижада эса, уларда келгуси йил кўкламида ҳам тағин шундай таомдан баҳраманд бўлиш иштиёқиям туғилади. Ушбу таом эса эл-юртнинг орасида кенг тарқалиб, навбаҳорнинг энг лаззатли таомига айланиб кетади.

Кейинчалик бўлса деҳқонлар донни фақат уруғлик учунгина эмас, балки сумалак пишириш учун ҳам асраб ва сақлаб қўядиган бўлганлар. Уруғликка олиб қўйилган дондан мўл ҳосил кўтарилса, сумалак учун асралганидан бўлса ўзлари ва айниқса, фарзандлари соғлиги, жисмоний ва маънавий тетиклиги, бардамлигини сақлаш ниятида ниҳоятда ҳаётбахш муқаддас таом тайёрланган.

Сумалак тайёрлаш жараёнининг ўзиёқ ғаройиб мўъжизадир. Бежиз момоларимиз, сумалакни ўта яхши ният билан бошланглар, дейишмайди. Бунда улкан ҳикмат бор, албатта. Сумалак ҳақидаги буваларимиз ва бувиларимизнинг ибратли урф-одатларидан бизлар ҳам бохабар бўлиб қўйсак, фойдадан сираям холи бўлмайди:

Сумалак учун буғдой ўстиришнинг ўзи ҳам бир катта санъат ҳисобланади. У учун алоҳида бир хона белгиланиб, ушбу хонага ҳар кимнинг ҳам киришига йўл қўйилмаган. Буғдой агарда тезроқ кўкарса, демак йил давомида деҳқончилик жудаям яхши бўлиши ва кўпгина даромаддан ўзига хос дарак. Бетакрор ва шоҳона таомни, одатда, кўпчилик қандайдир сабаб ёки яхши нияти амалга ошиши учун пиширади. Бунинг учун ўчоққа мевали дарахтнинг ўтинини ёқиш керак. Бу жараён бўлса холис ният сари дадил ташланган яна бир залворли олға қадамни англатади.

Сумалакка эзгу ният қилиб санамасдан тош теринг. Агар улар жуфт бўлса, анчадан буён кутиб юрган янгиликни эшитасиз. Тоқ

бўлса, яна биров кутишингизга тўғри келади. Бир хил ўлчамдаги тошлардан кўпроқ терган бўлсангиз, ўзингиз унчалик кутмаган катта даромадга эга бўлиб қолишингиз эҳтимоли ҳам мавжуд.

Сумалакни илк бора кавлаётганингизда учта тилакни тиланг. Унинг таъмини биринчи марта кўришда ҳам кичкина бармоғингиз билан худди шундай тилак айтиб яланг. Албатта, эзгу ниятингизга етасиз. Яхши ният – ярим давлат эканлигини зинҳор унутмайлик!

«Назм-навонинг назаркарда нажоткори» Навоий болалигидаёқ «илоҳий сирлар кашфиётчиси» бўлмиш Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қуш тили мантиқи») китобини ёдлаб олган эди. Ушбу буюк китобда биз «Огоҳ бўлмаган одам дўзахийдир» деган ҳайратли даражадаги жиддий огоҳлантиришга дуч келамиз.

«Авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири ва шоирларнинг султони» ҳазрат Навоий «Агар огоҳсен – сен, шоҳсен – сен», дея бежиз ёзмаганлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Шу боисдан ҳам қадимий тибиблар ва замонавий докторларнинг маслаҳати билан тағин бир бор танишиб қўйсак ва кулоқларимизга кўрғошиндек қуйиб, сирғадек тақиб олсак ҳеч ҳам зарар қилмасди. «Ўзини асрагани Аллоҳ асрайди!» деган доно боболаримизнинг нақли ҳам асло ёдимиздан кўтарилмаслиги даркор.

Эрта баҳорда ўта эзгу ниятлар билан тайёрланадиган сумалак, кўксомса, кўкчучвара, кўкманти сингари турли таомлар қиш фасли мобайнида танамиз йўқотган витамин, ҳар хил микроэлементлар, ферментлар ва организм яшаши учун зарур бўлган биологик фаол моддалар ўрнини тўлдиришда ғоятда муҳим омил сифатида холис хизмат қилади. Бундай таомлар овқат хазм қилиш ва қон айланиш тизимини яхшилайдди, қон орқали озиқ моддаларнинг тўқималарга сўрилишини яна фаоллаштиради. Айниқса, қон босими юқорироқ бўлган беморларнинг қон босимини анча туширади, асаб тизимини ҳам яхшилайдди.

Бу каби маҳсулотларни тайёрлашда ўзига хос талабларга риоя этилмаса чиндан ҳам бахтли бўлиш учун ушбу ёруғ оламга келган инсонларнинг соғлиғи учун хавф-хатар туғдирадиган касалликлар келиб чиқиши мумкин. Аввало, кўкатларни тераётганда истеъмол қилиш мумкин бўлганларини ажратиб олиш зарур. Отқулоқ, ялпиз,

жағ-жағ, беда каби ўсимликлар ҳайвонларнинг гўнглари солинган, маиший чиқиндилар ташланган ёхуд кимёвий ўғитлар сақланган жойлардан териш тавсия этилмайди. Чунки, улар таркибига ердан турли хил касалликларни тарқатадиган паразитлар тухумлари ва личинкалари қўшилиб қолиши ҳам эҳтимоли бор. Кўкатлар ариқ сувида ювилиши натижасида эса микроблар билан ифлосланиши ҳам мумкин. Бу жараёнда водопровод сувидан ё бўлмаса, албатта қайнатиб совутилган сувдан фойдаланишимиз даркор.

Кўкатли маҳсулотларни тайёрлашда эса имконият даражасида кўпроқ термик ишлов бериш тавсия этилади. Тайёрланган таомлар эса бир – икки соат мобайнидагина истеъмол қилиниши мақсадга ҳам мувофиқ, чунки улар узоқ вақт сақланганида ўзининг фойдали хусусиятини йўқотиб, турли касалликларни қўзғовчи бактериялар ҳосил қилишиям мумкин.

Сумалакни тайёрлашда ҳам аввал буғдойни турли хил ёввойи ўтларнинг уруғларидан тозалаб олиш жудаям зарур. Зах ва ҳаво айланмайдиган жойларда узоқ сақланган буғдойдан сира сумалак тайёрлаб бўлмайди. Чунки, бундай буғдойларда эса моғор ҳамда замбуруғлар пайдо бўлиб, улар ўзидан заҳарли микотоксинларни ажратиб чиқаради. Натижада бўлса организм ўткир ва сурункали заҳарланишлар, токсик гепатит ҳамда жигар циррози сингари жуда оғир хасталикларга чалиниши мумкин...

Гарчи, бувиларимиз, оналаримиз қадимдан сумалак тайёрлаш илми ҳамда жараёнини жудаям яхши билсалар-да, ҳар эҳтимолга қарши, Наврўзнинг сервитамин, ғоятда хушхўр ва тансиқ «шоҳона таоми»ни тайёрлаш усулини тағин бир бор эслаб қўйсак ҳеч кимга зарар қилмасаям керак.

Дастлаб жайдари қизил, қайроқи буғдой тозаланиб, совуқ сув билан ювилади. Уни зангламайдиган бирорта идишга солиниб, уч кун ивитиб қўйилади. Буғдой ниш ургач, тоза тахта (тешикчалар очилган фанер) устига 1 – 1,5 см қалинликда ёруғроқ, лекин қуёш нури тушмайдиган жойга тахтанинг устига ёйиб қўйилади ва ҳар куни эрталаб сув сепиб турилади.

Буғдой майсаси (кўк) игна бўйи бўлганида (3 – 4 кундан сўнг) уни бўлакларга бўлиб, тахтадан оҳистагина ажратиб олинади.

Кўк қиймаланади ёхуд ўғирда туйилади ва устидан сув қуйиб аралаштирилади, шарбати бўлса докада сузилади. Шу тарика уч мартагача шарбати олиниб, алоҳида идишларда сақланади, 0,5 кг ундирилган буғдой учун 2 кг буғдой уни, 1 кг пахта ёғи керак бўлади. Қозонда пахта ёғи доғланиб бўлгач, совитилади. Ёкқа ун ва биринчи сузилган шарбат аралаштирилади ва баланд оловда роса қайнатилади. Сўнгра иккинчи сузилган шарбат қуйилади, бу ҳам қайнаб бўлганидан кейин, учинчи марта сузилган шарбат қозонга қуйилиб, баландроқ оловда қайнатиш эса давом эттирилади. Тагига олмаслиги учун қозонга ёнғоқдек келадиган 15 – 20та силлик тошчалар ва 10 – 12 дона ёнғоқ ювиб солинади ва ёғоч куракча, чўмич билан бетўхтов ковлаб турилади. Сумалак одатда 10 – 12 соат мобайнида қайнатилади. Тайёр сумалак ранги оч жигарранг, қуюқ аталадек, мазаси ширин бўлади. Сумалак етилгач, қозоннинг олови олиниб, 5 – 6 соат мобайнида димлаб қўйилади...

Сумалакжон, сумалак,
Мен сенга жоним ҳалак,
Сумалак қадим овқат,
Уни пишириб бериш,
Анъанавий бир одат.

Буғдойни аввал олиб,
Тахтага яйратамиз,
Ҳафталаб сувни сепиб,
Баҳорда яшнатамиз.

Тайёр бўлгач буғдойжон,
Янчиб-янчиб эзилар.
Суви сиқиб олиниб,
Дошқозонга солинар.

Яйраб-яйраб момолар,
Қозонни ковлаб турар,
Ўсма тортган қиз-жувон,
Шўх қўшиқ куйлаб турар.

Қора қошли қизалоқ,
Йўлларингга мен мушток,
Сумалак бир баҳона,
Мендан кетмагин йироқ.

Сумалаклар қўйибсиз,
Қиз-жувонни йиғибсиз,
Тўй ўчоқда ўт ёқиб,
Дош қозонлар осибсиз.

Сумалакжон, сумалак,
Мен сенга жоним ҳалак,
Сен пишиб чиққанингда,
Тўйиб-тўйиб бир ялай.

Баҳорнинг элчисисан,
Таомнинг бонгчисисан,
Мўл-кўллик даракчиси,
Сумалакжон, сумалак.

Сумалак тановул қилган кишиларда ниҳоятда соғлом руҳий кайфият пайдо бўлишини аجدодларимиз жуда қадим замонлардаёқ жуда яхши англаб олган эдилар. Шу боисдан ҳам қадим-қадимдан сумалакнинг асосий маҳсулоти бўлмиш буғдой илоҳий ва табаррук ўсимлик ҳисобланган. Зардуштийликда буғдой ҳамда буғдойдан яратилган барча неъматлар илоҳий саналиб, уларнинг бари эзгулик рамзи сифатида жудаям улуғланган.

Шу сабабдан ҳам ханузгача Наманган вилоятидаги оилаларда, айниқса, Наманган шаҳрининг ўзида сумалак ҳар доим ҳам сизлаб тилга олинади, яъни «Сумалагимиз роса пишдилар!», «Сумалакка етказганига минг бора шукур!», «Сумалакдан ўргилай!», – деб ўта мамнунлик билдирилади. Тақводор оилаларда бўлса «Сумалакка пайғамбаримизнинг муборак назарлариям тушган», сумалак «Биби

Фотима онамнинг таомлари», – деб айнан сумалак ҳақида тўқилган турли-туман ривоятлар айтилади.

Бир куни Биби Фотиманинг хўжайини жудаям узоқ сафарга кетган пайтида аёли Ҳасан ва Ҳусан исмли ўғиллари билан ёлғиз қолибди. Уларнинг отаси қолдирган озиқ-овқат ҳамда ўзларининг топган-тутганлари қишлоғга зўрғагина етиб, бир амаллаб кўкламга чиқволишибди. Ўзи майлику-я, аммо икки норасиданинг нон сўраб жуда зорланишини кўрган, юрак-бағри эзилган онаизор ўчоқнинг бошига борибди-да, «Болаларим, бир озгина ўйнаб туринглар, мен сизларга овқат пишириб бераман», қозонга сув қуйиб, тагига эса ўт қалабди. Сўнгра далага чиқиб, ўтган йилги буғдойпоядан эндигина кўкариб чиққан майсалар, ниш урган турли хилдаги ўт-ўланларни териб келиб қозонга солибди. Ун халтаси билан супрасини росаям қоқиштирган экан, бир-икки кап ун-урвоқ чиқибди униям қозонга солиб, қайнатишни давом эттирибди. Очликдан хархаша қилаётган болаларини бир оз чалғитиш учун қозонга 5 – 6та тош ҳам ташлаб қўйибди. Қорни жудаям оч ўғиллари эса Биби Фотима ҳар қозонни ковлаган пайтида «онам бизларга овқат пиширяптилар» деб роса суюнишар экан. Тун ярмидан оққанида, болалар кута-кута, чарчаб ухлаб қолишибди. Биби Фотима эса қозонни ковлашдан тўхтамай гўдаклари оч-наҳор қолганига ачиниб, кўз ёшиям шашқатор бўлиб, тангрига илтижолар қилиб: «Эй, худо! Шу пишираётган овқатимга муборак назарингни ташлагин! Икки норасидадан марҳаматингни дариг тутма, эй парвардигор!» – дебди. Тонгга яқин Биби Фотима ҳам росаям чарчаб, қозон қопқоғини яхшилаб ёпибди-да, димлаб уйқуга кетибди. Эрталабда уйғониб қараса, ўттизта малоика қозон атрофида ўтириб уни ковлаётган эмиш. Яқинроқ бориб кўрса, ўчоқ бошидаги оппоқ либосли малоикалар ғойиб бўлганмиш, қозонда эса қип-қизил қиём пайдо бўлган эмиш. Мўъжиза рўй берганидан кўзларига ишонмаган Биби Фотима жимжилоғи билан қозондаги қиёмдан ялаб кўрса, у жудаям мазали экан. Шунда у болаларини уйқусидан уйғотиб, тайёрланган таомдан солиб берибди.

– Она, бу овқатингизнинг номи нима? – деб сўрашибди улар Биби Фотимадан. Онаизор коса тўла қизғиш ширинликни росаям маза қилиб бармоқлари билан ялаётган Ҳасан билан Ҳусанга қараб:

«Бу ўттиз малоиканинг каромати билан пишди, шунинг учун унинг номи сумалак», – деб жавоб берибди».

Шунинг учун ҳам турли-туман жойларда сумалакни «Биби Фотиманинг оши» деб аташади, сумалак пиширилаётганида бўлса ҳамisha Биби Фотимани ёдга олиб, ундан кўмак мадад тилайдилар. Хоразмда сумалак пиширишдан аввал ёғни доғлаб, тухум пишириб оладилар. Кейин ёғли қозонга буғдой шираси солинади. Қозонга капгир солиб қовлаётганда бўлса «Менинг қўлим эмас, Анбар она, Биби Фотима онамизнинг қўллари», – дейишади.

Сумалак пиширишдан олдин қозонда тухум пишириб олиш эса серхосиллик ғоясини ташувчи удумлардан бири бўлиб, келгуси меҳнат баракали бўлсин, деган маънони англатади. Халқимизнинг қадимий анъанасига биноан, кўпчилик бўлиб тайёрланадиган ушбу ажойиб таомни дастлаб пиру бадавлат, нуруний, кекса отахонлар ва мўътабар онахонлар жимжилоғида татиб кўришган.

Бошқа бир афсонада эса сумалак етим гўдакларга ато этилган ризқ сифатида талқин қилинади. Ривоят қилинишича, бир аёлнинг эри ёғийларга қарши жангда ҳалок бўлиб, ўзи етти фарзанди билан ёлғиз қолиб кетибди. Эрта баҳорга келиб егулигам тамом бўлибди. Очлик ва йўқчилик кундан-кунга уларнинг тинка-мадорини қурита бошлабди. Уйдан бир парча қотган нон тугул, ҳаттоки, бир ҳовуч уннинг ўзини топиш ҳам ўта амри маҳол экан. Бир куни онаизор сандиғини очиб қараса, халтада бир капгина буғдой турганмиш.

Шунда онаизорнинг қувончи ичига сиғмай, аввал ўша уруғлик учун олиб қўйилган бир ҳовуч буғдойни туйиб, болаларига бирор егулик пишириб бермоқчи бўлибди. Бироқ, уруғликни еб қўйишса, кейинчалик очликдан ҳалок бўлишлариниям ўйлаб, уни бир парча ерга сепиб қўйибди. Болалар ҳар куни буғдой кўкариб чиқишини орзиқиб, интиқиб кута бошлашибди. Ва ниҳоят ернинг бетини ям-яшил майсалар қоплай бошлабди. Болаларнинг шодлиги еру кўкка сиғмабди. Аммо, бу майсалар ўсиб, бошоқлар донга тўлиб, буғдой пишиб етилгунча ҳали кўп вақт зарурлигини улар билишмас эди. Очликдан силласи бутунлай қуриган кенжа фарзанд бўлса қаттиқ касал бўлиб ётиб қолибди. Сира ҳам иложи қолмаган она ноилож ерда сабза уриб ўсиб ётган буғдой майсасини роса майдалаб, таом

тайёрлашга киришиб кетибди. Мадорсизланган болалар бўлса ҳар вақт – ҳар вақт бошларини кўтариб, «нон» деб қўйишганида она бир марта қозонни ковлаб қўяркан. Кейин эса очикқан, толиққан болаларини бирор-бир юмуш билан овунтириш мақсадида уларга тош териб келишларини буюрибди. Етти гўдак жуда мадорсизлик туфайли бор-йўғи биттадан тош олиб келибдилар, холос. Она эса, «Бу тошлар хосиятли, овқатниям ширин қилади» деб еттита тошни яхшилаб ювиб, майса қайнаётган қозонга ташлаб юборибди. Таом эса ҳадеганда пишавермагач, сабр-тоқати тоқ бўлган ўша болалар ҳам, уларнинг ҳориган онаси ҳам қаттиқ ухлаб қолишибди.

Эрталаб туриб қозонга қарашса, бениҳоя мазали ажойиб қиём турган эмиш. Болаларнинг очликдан роса қийналаётганини кўрган Аллоҳнинг еттита гўдакка раҳми келиб, уларга ризкни ато этган эмиш. Кўкламда сумалак пишириш ва сумалак қайнаётган қозонга етти дона тошни ташлаш удуми шундан пайдо бўлган дейилади.

Қадим ривоятларнинг бирига кўра, сумалак аслида «Сималак» – ўттизта пари, ўттизта фаришта дегани экан. Сумалак пишаётган пайтда, қозоннинг бошида ўттиз малак ўтиради. Сумалакни ошпаз эмас, айнан ўшалар, яъни пари ва фаришталар пиширадилар. Тонг маҳали, ҳамма росаям чарчаб, ухлаб қолганида бўлса фаришталар сумалакка туз солар эканлар. Айнан фаришталарнинг қўлидан туз еган сумалак эса энг лаззатли бўлади, деб ҳисобланади...

Сумалак қайнатиш жараёнида ҳеч кимга ухлашга ва сумалак ялашга рухсат берилмаган. Мабодо бирор қиз ёхуд келинчак ухлаб қолса, қозон бошидаги кайвони кампирлар ухлаб қолган кишининг оғзига сумалакдан суртиб қўйишган. Уйғонганидан кейин эса унга: «Сен сумалакни ўғирлаб ебсан. Қадимги таомилимизни бузибсан!» деб ёлғондакам дўқ-пўписаям қилиб қўйишган. Сумалак тайёрлаш маросими, энг аввало, аёллар, айниқса, уй бекаларининг ўзига хос маънавий ва руҳий эҳтиёжи бўлган. Улар ушбу жараёнда мириқиб суҳбатлашиб, ўзларини қийнаётган муаммоларига ечим топадилар, орзу-умидлари ижобат бўлишини тилайдилар.

Сумалакни тайёрлаш вақтида бефарзанд аёллар 3, 5, 7 дона ёнғоқни «Келаси йилги сумалакка қадар менам фарзанд кўрайин», деган яхши ниятда сумалак қайнаётган қозонга аста ташлаганлар.

Сумалак пишгандан кейин эса ўзлари қозонга ташлаган ёнғоқларни ажратиб олиб, чақиб мағзини эзгу ниятларда маза қилиб еганлар.

Сумалак пиширилаётганда бола кутаётган иккиқат жувонлар, шунингдек бефарзанд аёлларга буғдойнинг майсаси ҳам берилган. Бу билан келаётган йилда албатта фарзандли бўлишларига тилак билдирилган. Суннат қилинмаган болалар эса тезроқ улғайиб вояга етишларига умидни билдириб, улар чопонларининг этакларига ҳам буғдойнинг майсасини қистириб қўйилган. Сумалак тагигаям олиб кетмаслиги учун қозонга солинадиган тош ва ёнғоқларнинг сонини белгилаш жараёнида қадимий анъаналарга амал қилинган. Чунки, «етти» (7) рақами бутун дунё халқларининг севимли сонидир.

Айнан шу сабабга кўра момоларимиз бир хонадонда 7 марта сумалак пиширилса унинг савоби кўп бўлади, деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, сумалак пишаётган қозонга ташланган тошларни ҳам жуда ҳосиятли деб билганлар. Сумалак тошини келаси йилда янада кўпроқ ҳосилни берсин, деган эзгу ният билан мевали дарахтнинг остига кўмиб қўйганлар. Баъзилар эса ушбу хонадондан ҳеч қачон қут-барака сираям аримасин, деган ниятда сумалак тошларини ҳам ниҳоятда эҳтиётлаб келгуси сумалак тайёрлаш маросимига қадар сақлаб қўйганлар.

Кексаларнинг соҳир суҳбатларига қулоқ тутсангиз, «Ҳафтада бир, ойда бир, йилда бир» деган нақлни эшитасиз. Бунинг маъноси бўлса, «ҳафтада бир мартагина яхшилаб ҳордиқ чиқариб, ойда эса бир марта бўлса ҳам ҳаммомга тушиб, йилда бир марта сумалакка тўйиб олган одам сира ҳам касалликка чалинмайди», деганидир.

Халқимиз орасида сумалак пишириш билан алоқадор ғоятда қизиқарли анъаналар ва удумлар, эътиқодлар ва инончлар бўлган. Афсуски, шўролар замонидаги идеологик экстремизм, мафкуравий тутқинлик оқибатида бундай қадриятларнинг айримлари унутилиб кетган эди.

Мамлакатимизнинг миллий истиқлоли асл миллий тикланиш жараёнини бошлаб берди. Наврўзи оламнинг жуда кўп узвлари ҳам қайтадан тикланди...

Сумалак билан бевосита боғлиқ қадимий эътиқодий қарашлар ва инончлардан айрим бирларини Сиз ва Биз билиб қўйсак, сираям зарар қилмаса керак.

Оғирроқ қишдан бир амаллаб эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки косадан буғдойни йиғиб, кўпчилик бўлиб уни ундириб, битта дошқозонда пишириб ейишса, улар бир-бирларига энг яқин қон-қариндош инсонлардек бўлиб қолишар экан.

Аждодларимиз сумалак пишириш учун буғдой ундирилаётган уйга бегона кишиларни киритмаганлар. Таҳорат қилиб покланган кўнглиям ниҳоятда тоза инсонларгина (кўпинча, момолар) буғдой ундирилаётган ўша хонага «Бисмиллоҳир роҳманийр роҳийм!» деб киради ҳамда кўм-кўк майсага сув сепади. Кўкартирилган буғдой майсасини одамлар кўзларига суртишади, «янгилик, янгилик», дея тавоф қилишадиям. Бу ҳаракатлар билан наврўздан бошланадиган янги йилда ҳосилимиз ўта мўл-кўл, юртимиз тинч-омон, фаровон, қут-баракали бўлсин, деб эзгу ният қилинади.

Бефарзанд аёллар, боласи сира турмайдиган айрим хотинлар, оиласидагилардан бирон-бир киши олис сафарда бўлган оналар, бирорта яқинроқ қариндоши анча оғир хаста бўлиб ётган аёллар сумалак майсасини ўзининг чаккасига тақиб, мушкуллари ҳам осон бўлишига умид қиладилар. Сумалак пишириладиган қозоннинг қулоғига ҳам авваллари сумалакнинг майсасидан «соқол»лар осиб қўйилган.

Қадимда сумалакни пишириш чоғида ҳамма, энг аввало, уни тайёрловчилар янги сарпо-кийимларини кийиб олганлар. Энг янги либослар кийишнинг иқтисодий жиҳатдан мутлақо иложи бўлмай қолган ҳолларда эса, фаровон ҳаётдан умидворлик рамзи сифатида ўзларининг жимжилоқларига тозагина, янги матонинг бўлагини чиройли қилиб боғлаб олганлар. Бундай хатти-ҳаракат эса жудаям савоб бўлади, деган орзу-ниятда қилинган.

Сумалак тайёрлаётган момолар уни ундириш учун ўстирилган буғдой майсасининг ширасини айна қизил рўмолда сузиб олганлар ҳамда ўзлари ҳам қизил кўйлакларини кийиб, айнан шу рангдаги рўмолниям ўраб олганлар. Шундай удумга риоя қилинса, сумалак ҳам қиёмига етиб, жудаям қизариб пишади, деб ҳисобланган.

Сумалак майсасининг суви кўни-қўшнилар ва қариндошларга улашилади. Ушбу сувдан солинган, қуйилган қозонда пишган таом ниҳоятда баракали бўлади, деган тушунча ҳам мавжуд. Сумалакка солинадиган унни пиру бадавлат онахонларгина элайдилар. Икки кекса момо унни элаб бўлгач, супранинг устига докани ёпиб қўйиб, ташқарига чиқиб кетадилар. Хона эшиги бўлса қия очиб қўйилади. Афсоналаргаям биноан, сумалак Биби Фотиманинг оши сифатида тасаввур қилинганлиги туфайли ҳам у баҳорий таомга атаб ун эланган хона ичкарисига кириб, супрага назар ташласа ҳамманинг муроди ҳосил бўлади, деб нақл қилинади.

Сумалакнинг шарбатини солишдан аввалроқ дошқозонга ёғ қуйиб қизитилади ва тузсиз сувга қорилган хамирдан бўғирсоқни пишириб «ис» ҳам чиқарилади. Дошқозон тагига ўтин қалаётган аёлнинг кўнглида нимаики эзгу ниятлар бўлса, уни сумалак қозони олдида айтса, орзулариям амалга ошармиш. Нопок кишилар, маст-аласт, банги кимсалар эса сумалак қайнаётган қозоннинг атрофига сираям яқинлаштирилмайди. Мабодо таҳорат олмаган ёхуд нияти ниҳоятда бузуқ одамлар бу қозонга ўз назарини ташлагудек бўлса, сумалак қайнаб тошиб кетар эмиш.

Фарзандталаб аёллар сумалак пишаётган қозоннинг атрофини уч марта айланиб, ўз орзу-ниятларини айтсалар, уларни муродлари ҳам ҳосил бўлади, дейилади.

Эгизак фарзандларига таълим-тарбия бериш умидида қуйиб-пишаётган онахонлар ҳар йили ўзининг эл-юртига сумалак сайли қилиб берсалар, уларнинг болалари албатта, эсон-омон, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб улғаяди, деб ҳисобланган.

Тонгга яқин сумалак қовлаётган аёлларнинг кўзини астагина бостириб келган уйқу роса ҳам элитганида, осмону фалакдан учиб келган малойикалар, фаришталар қозонга туз ташлаб кетишаркан. Пинакка кетган момолар бўлса буни билмай, сезмай қолишармиш. Сумалакка асло туз солинмаслигининг энг асосий сабабиям айнан мана шунда деб ҳисобланади.

Сумалак пишираётганда ҳамма жудаям хурсандчилик қилиши ва ҳеч бўлмаганда эса ўзининг кўнглини турли-туман ғуборлардан

холи қилиши, ҳеч ким бир-бирининг дилини сираям оғритмаслиги керак, дейилади.

Сумалак росаям пишаётган қозонга каттароқ мунчоқ, ёнғоқ ёхуд тош солинишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Сумалак сузилаётганда эса кимнингдир идишига мунчоқ тушгудек бўлса, биринчи фарзанди қизча бўлар экан, деб ирим қилинади. Мабодо тош тушса, турмуши тош сингари мустаҳкам ва ёнғоқ тушгудек бўлса, у бамисоли ёнғоқдек сермағиз, яъни серфарзанд бўлади деб жудаям суюнадилар.

Сумалак пиширилаётган пайтда эса беҳосдан қаттиқ ёмғир ёғиб қолгудек бўлса, ушбу маросимда иштирок этаётган бирорта аёлнинг тўнғич фарзанди қозоннинг атрофини роппа-роса уч марта айланиб:

Онамнинг тўнғичиман,
Қозоннинг қирғичиман,
Ёмғирни тиндиргувчиман,
Тин, тин ёмғир, тин ёмғир!
Булутларни дўндираман (яъни, қайтараман),
Ёмғирни тиндираман,
Сумалакни сундираман,
Тин, тин ёмғир, тин ёмғир!

– деб айтадиган бўлса ёғингарчилик ҳам дарҳол тўхтаб қолади деб ўйланади.

Ёмғирни тиндириш маросимида оиладаги тўнғич фарзанднинг жуда фаол иштирок этиши аجدодларимизнинг қадимий мифологик эътиқодларига боғланади. Анъанага биноан, тўнғич бола омадли, яъни «давлатбоши» ҳисобланган. Ҳаттоки бош фарзанднинг нияти холис, унинг ҳар қандай илтижоси сўзсиз ижобат бўлади деган гап-сўзлар ҳам борлигидан ўзингиз ҳам бохабар бўлсангиз керак.

Энди эса ўша маросим қўшиғидаги «қозоннинг қирғичиман» мисрасига бир диққат-этиборимизни қаратсак. Халқимиз орасида «Қозоннинг қирғичини есанг, тўйингда ёмғир ёғади» деган нақл бор. Ҳаттоки шодиёна кунида беҳосдан ёмғир ёғиб қолса, тўйнинг эгасига: «Нима бало, сиз қозоннинг қирғичини еганмисиз?! Бундоқ

чеҳрангизни салгина очиб, кулиб ўтиринг, зора ёмғир ҳам тиниб, ҳаво очилиб кетса!» – деб ҳазил қиладилар.

Маматқул Жўраев фикрича, қадимги замонларда муқаддас қозонларда қурбонлик таомлари пишириш чоғида оиланинг тўнғич фарзандлари алоҳида магик хислатли ҳамда сеҳр-жоду қудратига эга кишилар сифатида фаол қатнашган бўлиши керак. Қурбонлик таоми тарқатиб бўлингач, қозоннинг қирғичи (қирмочи) муқаддас пишириқ сифатида ушбу маросимнинг муайян иштирокчиларига, масалан, тўнғич фарзанд сифатида туғилган болаларгаям берилган. Қозон қирғичини тўнғич бола егудек бўлса ўша йил мобайнида ҳосил роса мўл бўлиб, ҳаво серёғин келади деб тасаввур қилинган. Хуллас, «қозоннинг қирғичи» билан боғлиқ магик тасаввурлар гоётада қадимги аجدодларимизнинг олов култига доир мифологик қарашларига бориб тақалади...

Яна сумалагимиз масаласига қайтиб борсак. Сумалакни оила аъзолари баҳамжихат бўлиб тановул қилишади. Агарда у озроқ бўлса, ҳар ким жимжилоғи билан бир мартадан ялаб кўрган. Айнан шу сабабдан ҳам доно халқимиз орасида «Сумалак – бир яламак» деган нақл бир неча асрлардан буён ҳамон, чарчамай кезиб юради.

Сумалак элга тарқатиб бўлинганидан кейин яхши ният қилган аёллардан бири дошқозонни яхшилаб ювиб, қозон ичидан чиққан сувни бирорта мевали дарахтнинг тагига эҳтиёткорона тўкади.

Сумалак пишириш удуми табиатнинг ўлиб-тирилиши, яъни куз чоғида рамзий маънода «уйқуга» кетган ўсимликлар оламининг эрта кўкламда тагин қайтадан жонланиши ҳақидаги жуда қадимий асл халқона қарашлари асосида келиб чиққан чинакамига миллий анъаналаримиздан бир ҳисобланади.

Қайси бир хонадонда сумалак пишса, кечқурунлари ўша ерда ўйин – томошалар роса ҳам авжига чиқади. Сумалакни дам-бадам кўзгаб туриб баланд овоз билан, жўшиб-тошиб қўшиқ айтилади:

Сумалак бо пишади,
Қозонга ёпишади.
Сумалак ейдиганлар
Қумурсқадай чопишади.
Ёқинг гулхан авжга минсин,

Жин-ажина қочишади.
 Одам Ато, Момо Ҳаво,
 Қут-барака сочишади.
 Лола гул алвон-алвон,
 Сумалак берар дармон.
 Сумалак етмай қолган,
 Бир умр қилар армон...

Аждодларимиз неча асрлар мобайнида Наврӯз айёми арафаси оқшоми ўта катта дошқозонларда вақирлатиб сумалак қайнатишни янги йилнинг баракали, файзли ва серҳосил келишининг рамзи деб ҳисоблаганлар. Сизнинг ўзингизга ҳам яхши маълумки, сумалак тайёрланадиган дошқозон туну кун тинмай қайнайверса, унга анча-мунча ўтин чидаш бермайди. Шу боисдан ҳар бир хонадон бир боғ, ярим боғдан ўтин ёки бирорта каттароқ тўнка олиб келиб, сумалак пишаётган қозоннинг остидаги роса гуриллаб ёнаётган ўтинга ҳам ўзларининг маълум бир даражадаги улушларини қўшадилар.

Ташқаридан қараганда, бу гўё унчалик арзимасдек кўринган хатти-ҳаракат остида катта маъно: эл-юртнинг ҳамиша бирлашиб, тиришиб ҳаракат қилишга, топган-тутганини ҳамжиҳатлик билан биргаликда баҳам кўришга интилишидек бунёдкор ғоя ётибди.

Шоир Соҳиб Қаро қаламига мансуб бўлган «Сумалак» ғазали ҳам шу эзгу ҳамжиҳатлик ғоясидан илҳомланган ҳолда битилган:

Тонг отгунча қайнайсан бўлиб малҳам, сумалак,
 Ёшу қари барчани айлайсан жамъ, сумалак.
 Оҳанрабо сеҳрингга ҳар ким бўлур маҳлиё,
 Атрофингда парвона юзлаб одам, сумалак.
 Ўйин-кулги тонггача, шодликлар ҳам бир жаҳон,
 Кўзлар уйқу ғамидан бўлмайди нам, сумалак.
 Навбаҳорнинг элчиси, кўкламнинг хабарчиси,
 Аллоҳ сени инсонга этган карам, сумалак.
 Ўзоз, табаррук айлаб тарқатишар қўшнилар,
 Янгилик, деб ҳамма кўрар баҳам, сумалак.
 Катта тўй ва базмдек дошқозонлар осилган,
 Кампирлар ҳам шу куни бўлур санам, сумалак.

Етти малак тун бўйи ракс этармиш,
 Ўчоқ бошида порлар бир неча шам, сумалак.
 Гар тановул қилса ким, беқиёсдур лаззатинг,
 Етмиш таом ўрнида берурсан там, сумалак.
 Эмиш биби Фотима тошлар солиб қозонга,
 Таом қилиб пиширди, атаб «шолғом» сумалак.
 Ғазал ёзди таърифлаб Соҳиб Қаро хислатинг,
 Сенга томон етайлик ҳаммамиз ҳам, сумалак!

Ғарбий Европа олимлари сумалак тайёрлашга кетадиган сарф-харажат ва меҳнатни ҳисоблаб кўриб, уни тайёрлашдан кўра сотиб олиш ўн чандон арзонроқ бўлишини аниқлашибди. Бизлар учун ғалати тадқиқот – ғарблик мутахассислар дошқозоннинг атрофига йиғилган кишиларнинг қалбидаги бир-бирларига бўлган соғинчни, меҳр-муҳаббат, оқибат, ҳамжиҳатлик, мурувват каби асл инсоний туйғуларни ҳисобга олмаганликлари ҳам яққол кўриниб турибди! Агарда буюк халқимиз сумалакни фақатгина таом маъносидагина тушунганида эди бундай буюк анъаналар минг йиллар бўйи давом этиб келмаган ва бебаҳо кадриятларимиз, урф-одатларимизнинг мундарижасидан ҳозирга қадар сира ҳам ўрин олмаган бўларди.

Аждодларимизнинг бир-бирларига сумалак улашишдек қадим одатлари ҳанузгача давом этмоқда. Бу муқаддас одат Ота юртимиз – Ўзбекистонда яшаётган ўзга миллат вакиллариининг, Ўзбекистон фуқароларининг гўзал анъаналари қаторидан ҳам жой олмоқда. Шу ўринда «Оила даврасида» газетасининг 2014 йил 20 мартда эълон қилинган Қулман Очиловнинг «Ўзлик» деган рукнда босилган «Элла улашган сумалак» сарлавҳали мақоласидан кичик бир парча эътиборингизга ҳавола этилса, роса кўплаб мисол келтиришга ҳам унчалик ҳожат қолмаса керак:

«... Эшик қўнғироғи жиринглади. Очсам, косани кўтарволган дўмбоққина бир қизча турибди. Қўшнимиз Женя аканинг невараси – Элла. – Ассалому алайкум, амаки! – деди қийиқ кўзлари чакнаб. – Сумалак олиб чиққан эдим! Наврўзингиз муборак бўлсин!..

Тўғриси шошилиброқ қолдим. Қўшничилик – тўй-маъракаю байрамни бирга ўтказиш, ўзаро ош-овқатни илиниш «дом»имизда

одатдаги бир ҳол. Лекин, корейс қизининг ўзбек қўшнисиникига сумалак кўтариб чиқиши ҳеч қутилмаган воқеа эди-да...

– Сумалакни ким пиширди қизим? – деб сўрадим Элладан косани оларканман.

Дала ҳовлимиздаги қўшниларибиз билан бирга пиширдик, – деди у фаҳр билан. – Лапар ҳам айтдик! Рақсга ҳам тушдик!..

– Қойил! Лекин, шунисини сал ошириб юбординг-ов, болам. Мана, масалан, сен ўлану лапар айтишни қаердан биласан?

Биламан! Қўшнимиз Ўғилой опа ўргатганлар!

– Билсанг, айтчи!

Етти ёшли қизалоқ бироз қимтиниб турди. Сўнгра саҳнага чиққандек баланд овозда бийрон-бийрон қилиб айтди:

Қора қошли қизалоқ,
Йўлларида мен муштоқ,
Сумалак бир баҳона,
Мендан кетмагин йироқ.

Беихтиёр чапак ҳам чалиб юбордим: – Эй, умрингдан барака топей, Элла қизим, баракалла!..».

Халқимизда қадим-қадимдан нонни эъзозлаш, авайлаш азалий удумлардан, энг юксак маънавий қадриятлардан бири ҳисобланади. Нон шунчаки дастурхон беағиғина эмас, қолаверса, ҳаёт беағи, турмушнинг мазмуни, яшаш манбаи, ахлоқий, жисмоний ва меҳнат тарбиясининг бошланишиямдир. Шу боисдан аجدодларимиз нонни ўта муқаддас деб билганлар, унинг шаънига қўшиқ ва дostonлар тўқиганлар. Ерда ноннинг кичик бир увоғини кўрсак, эгилиб олиб, дарров кўзимизга суртишимиз, эҳтиётлаб покиза жойга қўйишимиз ва бошқаларни ҳам худди шундай қилишга даъват этишимизнинг боиси нонга бўлган юксак эътиқодимиз, уни маънавий-маърифий, ахлоқий тарбия жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири, деб билишимизнинг натижасидир.

Зардуштийларда дрвана – оқ нон маздопарастлар маросими чоғидаям илоҳ Сурушга ниёз келтирилган. Ўша замонларда сувли суюқ овқатлардан ташқари илоҳларга тортиқ қилинадиган барча таомлар – гўшт, мева, нон ва бошқалар бобокалон китоб «Авесто» луғатида биргина «мазда» деган сўз, атама билан ифодаланган.

Авестошунос олим Меҳрдод Баҳор ушбу масала хусусида шундай ёзганди: «Дрвана супра ва нон бўлиб, зардуштийлар диний маросимларидаги энг муҳим воситалардан бири ҳисобланган. Хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, буғдойнинг унидан тайёрланган бу нон – дрвана жаҳон устуворлигининг рамзидир. Бу дрвананинг ҳалқага монанд шакли Ер шарини ҳалқадек ўраб олган Альбурс тоғининг рамзидир. Ноннинг юзи, кенглиги, сатҳи қуёшнинг рамзи; мутлақ ҳалоллик ва поклик билан яратилганлиги ойга ишора; супра устига қўйилувчи уч дона хушбўй чўп бўлса – эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амалдир. Сув – яшиллик, меванинг тимсоли, дарё бўлса яйлов ҳамда ўрмонларнинг рамзи саналган».

Қадимдан «Боламга инс-жинслар зиён-заҳмат етказмасин», – деб Оналар ўз гўдакларининг ёстиғи остига нон қўйганлар. Оталар бўлса ўғлини ўзга юртларга сафарга отлантириб, унга оқ йўл тилаб фотиҳа берар эканлар, «инс-жинслар ва бало-қазолардан асрайди», деган маънода фарзандлари қўлларига бир сиқим Ота юртининг тупроғи билан нонни тутқазганлар. Чавандозлар бўлса энг камида 4 минг йиллик тарихнинг эгаси бўлмиш мусобақа – улоқ-кўпқари бошланиши олдидан белимга мададкор бўлсин, деб ўз белларига бутун нонни тугиб олганлар. Овчилар бўлса овга жўнаганларида ваҳший ҳайвонлар сираям ботиниб ҳужум қилолмасин, деган эзгу мақсадда ўз қўйинларида нонни сақлаганлар. Меҳмоннинг олдига, энг аввало, нон қўйилган, ҳозирга қадар шундай қилинади. Мироб ўз бошига нон қўйиб, узун тунда сув пойлаган. Ҳомиладор аёлнинг кўз ёриши жараёни ҳам мушкуллашиб, чақалоқнинг келиши анча қийинлашгудек бўлса, бўлажак онага, энг аввало, нон ҳидлатилган. Келин-куёвлар ҳам нон билан тантанали равишда кузатилган...

Буюк аждодларимиз одобномаси ва одатномасида нон билан қарғаниш, нонни ўртага қўйиб, қариндош-уруғчилик алоқаларини ўрнатиш алоҳида ўринни тутган: «Нон урсин!», «Нон деб кесакни тишлагин!», «Қорнинг асло нонга тўймасин!», «Бу аҳволда биров сенга бир бурда ҳам нон бермайди», «Нонкўр», «Нонтепки», «Нон кўр қилгур!» каби қарғишлар қанчалик даҳшат бўлса, «Нондек азиз бўлгин!», «Бирга нон тишлаб катта бўлганлар сира айрилмас» ва «Нон дўст» сингари олқишлар, иборалар ҳам борки, уларнинг ҳар

бирининг тағзаминида олам-олам маъно-махзан (хазина) яшириниб ётибди. Ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам ҳар қандай байрамлар, сайилларнинг чинакам кўрки ва асосий беағи нон ҳисобланади.

Қадимги аجدодларимиз бугдой ўрим-йиғими ҳам бошланиб кетган пайтларда эса ўроқчилардан турли-туман нопок ишлардан сақланишни, ҳаттоки, ўз аёлларига ҳам яқинлашмасликни қатъий равишда талаб қилганлар. Улар дунёқарашида ҳосил ўрим-йиғими пок ният ва ҳалол қўллар билан бажарилмаса, у ҳолатда ҳосилнинг баракаси учиб кетиб, ишлар ҳам юришмай қолади, деган тушунча устуворлик қилган. Ҳосил ўрими вақтида «Қуён қочди», «Шоғол кетди», «Тулки қочди», «Талошак» сингари турли маросимлар ҳам ўтказилган. Ушбу маросимларга биноан, ўрим мавсуми охирида ҳосилнинг жуда оз қолган қисмини ўроқчилар ҳар томондан роса жадаллик билан ўриб кела бошлайдилар. Бу пайтда эса атрофдаги кузатувчилар ҳамда ўроқчилар «Қуён қочди», деб баланд овозда кичкира бошлайдилар. Айни шу пайтдаёқ охириги тутам бугдойни жуда тезлик билан ўриб олиш учун ҳаракат қилинади. Ўримни бу усулда тезлатишдан энг асосий мақсад, аجدодларимизнинг онгида ер ҳосил тугаши билан аста ўла бошлайди, деган тушунча бўлган.

Буюк аجدодларимиз – бободехқонлар агар ўрим ғоятда тезлик билан ниҳоясига етказилгудек бўлса, Она замин ўз ўлими олдида унчалик ҳам қаттиқ қийналмайди, озор чекмайди деб ўйлаганлар.

Ушбу маросим Хоразм ва Қашқадарёда «Обло барака» деган бир файзли ҳамда чиройли атама билан ифодаланади. Бугдой ўриш жараёнида ҳашарчилар даланинг бирор-бир қисмида бирор парча ҳали ўрилмай қолган ерни ҳар томондан қуршаб келаверади. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охириги тутам бугдойни тезроқ ўриб олишга ҳаракат қилади. Охириги тутам бугдой эса «Она бугдой» деб аталади. Қайси бир ўроқчи шошилиб, бир амаллаб, бошқалардан аввалроқ худди ана шу тутамга етиб олгудек бўлса, «Еттим, еттим, еттим, обло барака берсин!», дея уни ниҳоятда тезлик билан ўриб олган. Шундан кейин бўлса у ютиб чиққан ғолиб сифатида қолган барча ўроқчи дўстларига фурсати билан зиёфат қилиб беради.

«Она бугдой» деб номланган, роса улуғланган охириги тутам бугдойни ўриб олинганидан сўнг, у ўроқчининг хонадонига элтиб,

уйининг тўрига эҳтиёткорлик билан осиб қўйилган. «Она буғдой» кўкламгача асраб-авайлаб, ниҳоятда эъзозлаб сақланган. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (ёки патир) ёпилиб, далага қўш ҳайдашга, дон сепишга чиққан деҳқонларнинг барчасига улашиб чиқилган. Унинг қолган қисмидан, турган гап-ки, кейинроқ етиштириладиган янги ҳосилга асосий замин, яъни уруғлик сифатида фойдаланилган.

Галлакорлар «Она буғдой»дан тайёрланган нонни еб кўриб: «Бу йил ҳам ҳосилимиз роса мўл-кўл бўлсин!», «Она буғдойнинг ўзи қўлласин!», «Бободехқон мададкор бўлсин!», деган дуо-фотиҳа қилишиб, қолган донни эса уруғлик сифатида янги ҳайдалган ерга сепворганлар. Нон қадри тушунчаси улуғ халқимиз наздида замин, Она ер, коинот, меҳнатга муносабат, инсон шаъни ва кадр-қиммати тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келади.

Келинг, ушбу ўринда Ўролбой Қобил қаламига мансуб «Оила даврасида» газетасининг 2016 йил 29 сентябрида босилган «Нон иси» сарлавҳали битикни бирга ўқиб чиқсак, кейин суҳбатимизни келган жойидан давом эттирсак: «Олтмишинчи йиллар ўрталарида ўта олис Куба деган мамлакатда ҳарбий хизматда бўлган Байман муаллимнинг бир суҳбати ёдимга тез-тез тушади.

– Соғинч дегани жуда ёмон бўларкан, бекорга Бобур, Фурқат сингари улуғларимиз Ватанни қўмсаб, ғоятда дардли мисраларни битмаган эканлар – деган эди муаллим.

Ўшанда «дембил» бўлишимга ҳам икки ой қолганди, тишим оғриб, ҳарбий госпиталга бордим. Вақтлироқ борибман чоғи, тиш дўхтирининг хонаси берк экан. Ҳовлига чиқдим.

Иккита буғдой рангли қизалоқ қувлашмачоқ ўйнар, уларнинг нимасидир қишлоқдаги сингилларимни эслатарди.

«Тавба, кубаликлар ўзимизга ўхшар экан-да», дедим ичимда.

Тўсатдан қизалоқлардан бири:

– Райҳон, мени тутолмайсан! – деб қолди.

Қулоқларимгаям ишонмадим, карахт бўлиб қолгандим. Ахир, бир ярим йилдан буён бирорта ўзбекча сўзни эшитмаган эдим-да!

Уларнинг ёнига бориб исмларни сўрадим. Қизалоқлар менга ҳайрон қарашди ва каттароғи айтди:

– Менинг исмим – Лола, укамники – Райҳон.

Кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

– Сиз ҳам ўзбекмисиз, амаки?

– Ҳа, – деб бош ирғадим. Қизалоқларни қучоғимга босдим!

– Энажонларим!

Туни билан азоблаб, оғриб чиққан тишим ҳам оғримай қўйди.

– Дадам дўхтирлар, биз яқинда Тошкандан келдик.

– Жуда яхши.

– Ойим ҳам дўхтирлар, – деди Райҳон ширин тил билан.

– Тилларингдан айланай!

Шу пайт «Қизлар, келинлар!», деган овоз эшитилди. Эшик ёнида оппоққ халат кийволган, қош-кўзлари Санам янгамга ўхшаб кетадиган аёл турарди. Аёл мени кўриб ҳол-аҳвол сўрашди. Унга гарнизонда Марказий Осиёлик ягона аскар эканимни айтдим.

Оғриган тишимни суғуртириб, ташқарига чиқсам, қизалоқлар мени кутиб туришган экан. Бир соат улар уйида меҳмон бўлдим. Қайтар чоғимда аёл қўлимга иккита ўзбек нон тутди.

Нонни бағримга босдим, ундан Она юртнинг ҳиди келарди. Бу ис бўлса ҳали-ҳануз димоғимда»...

Сумалак ҳам худди нондек юксак қадрланади. Уни тайёрлаш жараёнида алоҳида тартиб-қоидалар, маънавий меъёр, мезонларга амал қилинади. Ҳаттоки сумалак пиширилган қозоннинг ювиндиси ҳам дуч келган жойларга эмас, мевали дарахтнинг тагига тўкилади.

Бундай иримлар бўлса бугунги кунларда маънавий тарбиявий аҳамияти, ўзининг кучини йўқотмаганлигидан эса ўзингиз жудаям яхши хабардорсиз.

Аждодларимиз онги ва қалбидаги «Ёмон бўлади», «Гуноҳкор бўлиб қоласан» каби ички маънавий-маърифий, ахлоқий тўсиқлар ўз вақтида давлат томонидан белгилаб, ёзиб қўйилган қонунлардан ҳам юз чандон кучлироқ таъсир кучига эга бўлган. Шу боисдан ҳам бугун барча этносларнинг эллар ҳамда юртларни бунёдкорлик ва фаровонликка чорловчи ва яхшилиқнинг йўлида бирлаштиришга қаратилган байрамона урф-одат, борди-келдилари ва одоб-ахлоққа доир ирим-сиримлариям бебаҳо маънавий мерос сифатида миллий таълим-тарбия жараёнида омилкорона, оқилона қўлланиши зарур...

Улкан мис қозонлар Марказий Осиёнинг қадимий аҳолиси, узоқ мозийдаги аجدодларимиздан улуғ бири – жанговар, довюрак, Курраи Заминга ниҳоятда довруғ таратган саклар учун муқаддас саналганлиги, бундай қозонларда уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб турувчи улуғ тангриларнинг шарафига қурбонликларни тайёрлаб, улашилганлиги хусусидаги турли маълумотлар ўнлаб муаррихлар асарларида қайд этилган. Юнон муаррихи «Тарих отаси» – Геродот ўзининг дунёга ғоятда машҳур «Тарих» китобида сакларнинг катта наврўзий қозони бўлганлигини ёзиб қолдирганди: «Ушбу баҳайбат мис қозон скиф ҳоқони Ариантнинг фармониға биноан ясалган эмиш. У ўз фуқароларининг сонини билволиш мақсадида ҳар кимга биттадан камон ўқининг учини олиб келишини билдирибди. Ҳаш-паш дегунча сарой майдонида камон ўқларининг учлари тоғ бўлиб уюлибди. Ҳоқон ушбу ўқларнинг барини қайтадан эритиб, каттакон қозон ясашни амр этибди. Шу тариқа скиф-сакларнинг афсонавий мис қозони ҳам пайдо бўлган экан. Улар эса бу қозонни мўътабар билишган ҳамда муқаддас маросимлар чоғидагина унда махсус таомларни пиширишган экан» (2-китоб, 228- бет).

Милодий I – II асрларда яшаган машҳур юнон олими Плутарх ҳам энг қадимги саклар эрта кўклам чоғида буғдойдан махсус таом пиширгани ҳақидаги муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганди.

Халқимизнинг қадимий анъаналарига кўра, Наврўз байрами хут ойининг охириг кечаси, яъни 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси оиланинг даврасида ўтказиладиган «қозон тўлди» деган удум билан бошланган. 1897 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган бу байрамни жуда мароқ билан кузатган шарқшунос олим В. Вяткин «қозон тўлди» удуми тўғрисида қуйидаги фикрларини ёзган эди: «Бу маросим «оби раҳмат» кечаси ёки янги йил арафасидаги оқшомда ўтказилади. Бунда ҳар битта оилада бирор-бир тансиқроқ таом пиширилади ҳамда овқат тайёрлаётган пайтда қозоннинг тўла бўлишига алоҳида диққат-эътибор берилади».

«Қозон тўлди» соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир хонадон аҳли ўз имкониятига яраша тансиқ таомлар (кўпгина ҳолларда эса, палов), кўк сомса, бўғирсоқлар тайёрлаганлар. Шунингдек, ўтган аجدодлар ҳақиға «ис» чиқарганлар. Худди ана шу «ис» ёғи билан қўшга қўшиладиган

хўкизларнинг шохи мойланган. Наврўз байрамига хос «қозон тўлди» маросимида улкан қозон бу айёмга мос турли-туман пишириклар билан росаям тўлдирилган. Ўта тотли таомлар мусофирлар, бева-бечоралар, қариялар, дарвешлар ва бутун уруғ-қабила аҳлига жуда катта ихлос билан улашиб бериларди. Шу оқшомда кечаси билан кўпчилик бўлиб сумалак, ҳалим ҳам пиширилган. Бу таомларнинг қозони эса эртасига эрта тонгда очилган.

Сиз сумалак ва ҳалим номли таомлар нима сабабдан айнан буғдойдан тайёрланиши ҳақидаям ўйлаб кўрганмисиз? Ваҳоланки, айримлар шунчаки бир таом ҳисоблайдиган бу неъматларда буюк халқимизнинг минглаб йиллик маънавий қиёфаси, инсон ҳаётига оид чуқур билимлари, фикрлари ва тасаввури зоҳир. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, ҳалимни тайёрлашда буғдой ва гўшти янчилади, сумалакда бўлса ўша уруғ кўкартирилади. Ҳалим – кузда қартайган кўкламнинг енгилиши, сумалак бўлса қишда ернинг остига кириб кетиб ухлаётган баҳорнинг аста уйғонишининг рамзи ҳисобланади.

Илгарилари одамлар яшайдиган уйларнинг тахтадан поли ҳам бўлмаган, одамлар лойсувоқ қилиб қўйилган полда эса сандал учун махсус чуқурча қолдиришган. Қиш бўйи ана шу чуқурчани чўққа тўлдириб, сандалнинг атрофида ўтирганлар. Айнан «Қозон тўлди» куни ана шу сандаллар олиниб, чўғ солинадиган чуқурчани кўмишдан аввал бўлса унга озгина ўрик шарбатидан қуйганлар. Олов культи ва серҳосилликнинг ғояси билан боғланиб кетадиган ушбу одат замирида ҳам ниҳоятда эзу орзу-ният ва тилаклар мужассамлашган.

Боболаримиз наврўзни йил алмашадиган, қаҳратон қишнинг роса совуқ кунлари ортда қолиб, фусункор кўклам шиддат билан бошланиб кетадиган саодатли кундир деб билишган. Шунинг учун ҳам одамлар томонидан «қишдан қутилиб, кўкламга ҳам етишволдик, илоҳим тўрт мучамиз (ушбу ўринда гап инсоннинг тўрт мучаси, яъни ичи, таши, эс-ҳуши ва имони хусусида бормоқда. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кўра, тўрт муча – оёқ, қўл, кўз ва қулоқдан иборат – Б. И., Н. И.) бутун бўлсин, бу йил ҳам боғларимиз мева-чевага ниҳоятда мўл-кўл бўлсин, экинимизга Бободехқоннинг ўзи бир назар қилсин!», деб ўрик шарбати навбатма-навбат ичилган. «Қозон тўлди» куни барча идиш-товоқлар унга, буғдойга, сувга росаям тўлдириб қўйилган ва етти хил

турдаги овқат, таом пиширилган. Бобо-бувиларимизнинг айтишларига караганда, беҳиштнинг еттита эшиги бўлиб, кимки «Қозон тўлди» куни ўша етти хилдаги таомни пиширса, охиратда айнан ўша одамга жаннатнинг барча етти эшиги ланг очилиб кетар эмиш.

«Қозон тўлди» куни уй бекаларининг кўли-кўлига сира тегмайди. Улар ўзининг оиласига кут-барака росаям ёғиладиган ушбу мунаввар байрамга жиддий тайёргарлик кўрадилар, ҳар йилги одатларига кўра, «уй кўтарадилар». Яъни уйдаги гилам-палосларни, кўрпа-тўшакларини ташқарига олиб чиқариб, қуёш нурида тобланиши, микроблари ўлиши учун ёядилар. Ҳамма ёқни росаям супуриб-сидирадилар, турли-туман эски-туски, кераксиз рўзғор анжомларини бўлса чиқариб ташлайдилар.

«Қозон тўлди» удумининг тарихий илдизлари аجدодлар культига топиниш анъанаси ҳамда эзгуликларнинг улуғланиши билан боғлиқ қадимий тасаввурларнинг асосидан келиб чиққан Наврўз арафасидаги ўн кунликни ифодаловчи Хамаспазмада маросимига бориб тақалади. Аждодларимиз айнан ушбу кунларда фравашилар тириклардан хабар олгани келадилар деб ҳисоблаганлар. Ахурамазда ва инсон шарафига бағишлаб ўтказилган ушбу маросимда ҳақиқат ва саодатнинг тимсоли бўлмиш Ашани улуғлаган ҳақгўй кишилар арвоҳи, руҳи – фравашилар эсланган, ёдга олинган.

«Авесто»нинг «Фравардин яшт» деб аталган ўн учинчи яшти ҳам аждодлар культига бағишланганди. Бу алқовнинг 49- бандида оламдан ўтиб кетган солиҳ кишиларнинг руҳлариям ўз уйларига келадиган кун ҳақидаги мифологик қарашлар шундай тарзда ифодаланган:

Кучли, ғолиб фраваш
Имонлилар руҳига
Намозимиз йўллайлик.
Улар ўз уйларига
Хамаспазмада
Кунида келиб сўрар
Тирикларнинг холини.
Ўзларига намозу
Эътиқод борлигини.
Ва шунда ўн кун қолиб
Тириклардан хабардор

Бўлиб, кўнгил тинарлар.

«Авесто» бўйича фравашилар ўсимликларниям ҳимоя қиладилар.

Мевали дарахту, кўк
Ўсимликларга қувват
Бериб ўстиргувчилар.
Аввал ўсмайин қотиб
Бу ерда тургувчилар
Фравашилар сабаб
Ўсгувчи бўлгандирлар (55- банд).

«Фравардин яшт»нинг 66- бандига кўра:

Фравашининг ҳар бири
Уруғ-аймоғи учун
Самода сув излайди.
Ўз қишлоғи, туман
Ота Макон қайғуси
Билан дуо айлайди:
«Юртим абад, илоҳо,
Қақроқ, қашшоқ бўлмасин».

«Авесто» «Фравардин яшт» қисмининг 68- бандида аждодлар руҳининг кўмаги, табиат ҳамда инсоннинг ўзаро уйғунлиги, энг юксак элпарварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик ғоялари илгари сурилган:

Ғолиб бўлган жангларда
Ўз юртига сув бошлар.
Уруғ аймағи учун
Ҳаёт элтар, сув элтар.
Қишлоғи, вилояти,
Юртни сувга маъмур
Этар, сўнгра дуода:
«Ўз юртим, ўлан юртим
Ўссин, унсин, яшнасин»,
Дея ниятлар қилар.

Қадимда, юқорида ҳам алоҳида қайд этганимиздек, ҳар бир жамоанинг каттакон тўй-ҳашамларда, оммавий сайил-томошаларда фойдаланадиган улкан – дошқозонлари ҳам бўлганди. Айнан мана

шундай қозонларда сумалак, ҳалим ва Наврӯзнинг бошқа анвойи таомлари меҳр билан пиширилган. Катта қозонлар ҳамма вақтлар эмас, фақатгина алоҳида тантанали маросимларда ҳамда умумхалқ байрамларида ишлатилгани учун ҳам азиз саналган. Халқ мўътабар қозонларда муқаддас таом пишадиган, яъни «қозонлар тўладиган» тантаналарни улкан қувонч билан кутиб олган. Чунки, эл назарида қозонлар тўлиши – мўл ҳосилнинг тимсоли, ўта тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик, қут-бараканинг ўзига хос бир белгиси ҳисобланган.

Шу боисдан жон қўшнимиз Қозоғистон Республикасида 2015 йилда ниҳоятда улуғ ватандошимиз Аҳмад Яссавий мақбарасида сақланаётган оғирлигиям 2 тонналик улкан дошқозоннинг тасвири туширилган қиймати 500 тангалик 5 минг дона монета (танга) ҳам иқтисодий, ҳам маънавий муомалага киритилган эди.

Улус куни, яъни Наврӯз байрамига бағишланган энг қадимий халқ қўшиқларидан бирида:

Улус куни қозон тўлса,
Йил бўйи сут мўл бўлар.

Улуғлардан олқиш олсанг,

У йил ўлжанг мўл бўлар... – дейилишида ҳам ўзига хос бир ҳикмат бор. Хуллас, жуда яхши ният билан ўз ерига дон сочган деҳқонлар хирмонимга барака берсин деб, бепоён яйловга қўйини ёйган чўпонлар эса чорвам кўпайсин деб, олис сафарга отланган тижоратчилар бўлса йўлим ойдин, сафарим эса беҳатар бўлсин деб, умид билан Наврӯз оқшомида каттакон дошқозонларнинг тагига ўт қалаганлар. Асрлар бўйи бу удум эзгулик, офтоб, баҳорнинг улкан бир шодиёнаси сифатида нишонланган бўлса, йилбошининг махсус муқаддас таомлари пишадиган муқаддас қозонлар қут-бараканинг манбаи сифатида ниҳоятда эъзозланган.

Сурхондарёликлар удумига биноан эрта баҳорда Наврӯзнинг маросимий таоми бўлмиш – ҳалим тайёрланади. Байрам минглаб кишиларга мўлжалланган майдонларда, масхарабоз ва қизиқчилар томонидан ижро этиладиган миллий ўйинлар ва катта томошалар билан нишонланади. Бундай томошалар Фарғона водийсида «Катта масхарабозлик», Бухорода – «Чавқи», Хоразмда – «Қаторли ўйин» деб аталади.

Қозоқ, қирғиз, туркман йўлдошларимиз наврўз гўжаси, тожик кадрдонларимиз наврўз кўмочи, бизлар – ўзбеклар бўлса сумалак, ҳалим, кўш оши сингари муқаддас Наврўзий таомлар билан бир-бирларимизни сийлаб, байрамни ҳам қадим-қадимдан биргаликда, ҳамжиҳатликда ўтказганмиз. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва озарбайжон халқлари буюк Наврўз баҳонасида бир-бирларининг миллий ўзларга хос урф-одатлари, миллий маданиятларини ўзаро тўлдириб, бойитиб борганлар. Бундан қардош халқлар ўртасидаги дўстлик – байналмилаллик ҳам қарор топган, байрамни нишонлаш баҳонасида эса қардошлик янада мустаҳкамланган.

Наврўз гўжаси окжўхоридан тайёрланган таом бўлиб, у айрим жойларда «кўча ош» деб ҳам аталади. Бунинг асосий сабабини эса кексаларимиз кўчада, яъни, кенг далада истеъмол қилинганлигига ҳам боғлаб изоҳлайдилар. Байрам куни болалар далада ўрнатилган дошқозонларда пиширилган гўжадан косаларга сузишиб, ариқлар бўйларида, тол ва тутлар сояларида кўча ошини росаям ошайдилар. Кўча ошини истеъмол қилиш жараёнида битта косадан икки ёки уч бола фақатгина бир дона қошиқ билан тановул қиладилар. Ёшиям улуғ кексалар, нуронийлар ушбу қошиқ устида талашиб қолган бу болаларни «ташашиб ошаш»га ўргатадилар. Момолар болаларни ўтқазиб олиб, шундай кўшиқни айтганлар:

Талашмасин, ташашсин,
 Кўзим ошин ошашсин.
 Кўча берган худойим
 Улуғ бўл, дер илойим.
 Момонг кўча сузади,
 Уканг ўйин бузади.
 Икковора бир қошиқ,
 Кўчага бўлдим ошиқ.
 Ўйнамай беш тошини.
 Ол ташаш,
 Ол ташаш!

деб кўшиқни куйлаганча, сопол косага ёғоч (чўп) қошиқни кўйиб, болаларни гўжахўрликка ундаб турганлар. «Ол ташаш» кўшиғи эса фақат кўча оши ичиш айтими бўлибгина қолмасдан, болаларнинг

кадимий ўйинлари ҳақида ҳам ҳозирги замон кишиларига, айниқса ёшларига ниҳоятда керакли тарихий маълумотларни беради.

Одатда, одамларда кўпинча қиш охирига бориб ҳолсизлик, дармонсизлик яққол сезилади. Ҳозирги давр атамашунослигидаги сўзларни қўллайдиган бўлсак, витаминларга жудаям кучли эҳтиёж пайдо бўлиб, кўкатлар ҳамда ҳўл меваларга ҳам зарурат сезилади. Бундай ҳолат халқ орасида «илик узилди» пайти деб ҳам аталади. Дармонсизликка чинакам, ҳақиқий даво сифатида эрта баҳордаёқ янгидан униб чиққан баъзи бир кўкатлардан (қоқиўт, шовул, ялпиз, жағ-жағ ...) истеъмол қилиш аجدодларимизга одат ҳисобланган.

Садриддин Айний Наврўз сайли пайтида турли-туман овқат, майиз, ёнғоқ, шўрданақ сингари ноз-неъматлар жуда кўп бўлгани, ўрик қоқи (туршак)ни ивитиб ичиш жудаям яхши одат эканлиги ҳақида бизларга маънавий мерос сифатида ёзиб қолдирганди.

Қадимда туркийларда ойларнинг ўзига хос номлариям бўлиб, улар бевосита кишиларнинг меҳнат фаолияти ҳамда жудаям кўп йиллик тажрибалари асосида юзага келганди. Масалан, оз (март) – икки хил маънода келган: 1) оз, кам маъносида бўлиб мазкур ойда озуканинг жуда камлигини билдирган; 2) «оз» – «ёз»нинг бузилган шакли бўлиб, ёзнинг биринчи ойи демакдир: ўт ёқмас (апрель) – ҳаво ҳам исиб, уйда ўт ёқилмайди; кўм-кўк (май) – кўк-кўк (какку) сайрай бошлайди; чилда (июнь) – баҳор охири ва ёзнинг боши; сорчи (июль) – роса иссиқдан ўсимликлар сарғая бошлайди; қирқ куяк (август) – тоғ-қирлардаям ўтлаб юрган кўчқорларга «куяк» (кўчқорларнинг қорнига боғлаб қўйиладиган этаксимон бир мато) боғланган; мизом (сентябрь) – осмонда ўргимчакни уясисимон оқ иплар учиб юради; қорача (октябрь) – айнан бу ойда қорача-ғозлар иссиқ ўлкаларгаям аста-секин учиб кета бошлайди; қозон (ноябрь) – чорвадорлар ёз ойларида сут маҳсулотлари (сутнинг ўзи, қаймоқ, катик, қурут, пишлоқ, қимиз...) билан тирикчилик қилиб, бутун ёз давомида қозон осмаганлар ҳамда ушбу ойдан бошлаб бўлса катта қозонлардаям таом пишира бошлаганлар; оқпон (январь) – ҳаммаёқ оппоқ қор билан тўла қопланганлиги туфайлиям шундай дейилган; наврўз – форсларда 21 мартдан киради. Бундай тақвим қирғиз ва қозоқларда ҳам бўлган.

Ўзбек деҳқонлари янги йилни 22 мартдан, чорвадорлар бўлса айни 16 мартдан бошлаб ҳисоб-китоб қилишга киришиб кетганлар. Чўпон йилининг 16 мартдан бошланиши эса ерга амал кириши ўт-ўланларнинг астагина кўкариб чиқа бошлаши вақти билан бевосита боғлиқ. Айнан шу кундан бошлаб чорвадорлар қишловлардан ёзги яйловларга кўчиш юмушлариниям бошлаб юборганлар. Ўзингизга жудаям яхши маълумки, далв ҳижрий-қамарий йил тақвимида ўн биринчи ой ҳисобланиб, 19 январдан 18 февралгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу пайтда кўп миқдорда қор ёғиб, одамларнинг этини жунжиктирадиган изғиринли шамолларам тинмасдан эсади. Кексалар бу ҳолатни саратон ҳавосига боғлайдилар. Гап шундаки, ёзнинг мазкур ойидаям иссиқ об-ҳаво ҳукм сурган бўлса, қишнинг чилласи жуда қаттиқ совуқ билан кечади. У қантар оғгунча, яъни 7 февралга қадар давом этишиям мумкин. Шундан кейин эса кунлар иссиқлик сари астагина юзини ҳам тутаверади: қор ёғса-да, совуқ забтига ололмайди. Халқ мақолидаям айтилганидек, «Қантар оғса, қор турмас». Тажрибали чорвадорлар «қантардан сўнг қиш чиқди», деб ҳисоблайверадилар. Нега дейилганда, нисбатан илиқроқ келган йилларда айнан худди шу паллада дарахтлар сабзранг тусга кириб, чорванинг оғзи бўлса кўкка, яъни барра майсаларга ҳам тегади.

Қорлар эриб, ерданам буғ кўтарилаётганини кўрган деҳқонлар бўлса кўклам яқинлашиб қолганлиги, демакки, уруғликни саралаб, омоч ҳамда бўйунтуруқларни тайёрлаб қўйиш кераклигини англаб шошилиб ҳам қоладилар. Қўшга қўшиладиган ҳўкизлар парвариши ҳам кучайтирилади. Қиш бўйи йиғилиб қолган гўнгни араваларга юклаб экин экиладиган далаларга ташийдилар. Шу боисдан, зукко боболаримиз «Қантар оғса қалт этар, деҳқоннинг кўзиям ялт этар» деган бир ибратли мақолни ҳам яратганлар. Халқимиз орасида эса ушбу мақолнинг «Қантар оғди қалт этди, бойнинг кўзи ялт этди» варианты ҳам бор. Чунки, қадимда ер-суви кўп бўлган бойлар ҳам қантар оғиши билан кўкламнинг тараддудини бошлаб юборганлар: хизматкорлар ва чоракорларни роса ишлатиб, ерларига маҳаллий ўғитни ташитиб чиқарганлар, янги мардикорларниям ёллаганлар.

Қиш бўйи туриб қолган қорнинг тинимсиз эрий бошлаши эса қантар оғишининг асосий белгиси сифатида қаралган. Қантардан

кейин ёққан қор бўлса ерга «чўкмасдан», дарҳол эриб кетган. Шу боисдан деҳқонлар қантар оққандан кейин қор ёғиб қолса ҳам сира чўчимаганлар, ер бағрига иссиқлик югургани сабабли ҳам бу қор тез орада эриб кетишини жуда яхши билганлар. Шунинг учун ҳам «Қантар оғса, қозик бошида қор турмас» ҳамда «Қантарда қарға одимидай кун узаяр» дейдилар. Бу атама «куннинг қантарилиши», яъни «кун қисқаришининг тўхташи» деган маънони билдиради.

Деҳқонларнинг ҳисоби бўйича, қантар оғиши 22 – 25 февраль кунларида рўй беради, сўнгра янги мавсум бошланиб кетади. Яъни шу пайтдан эътиборан, ернинг остидаги ҳарорат ҳам асталик билан юзага чиқиб келади. Офтоб тафтининг таъсирида замин бағридан бамисоли тутун сингари куюқ буғ кўтарилади. Шу тариқа табиат ҳам ўзининг ширин уйқусидан аста-секин уйғона бошлайди. Шуни ҳам таъкидлашимиз даркорки, тажрибали аجدодларимиз далвнинг қуёшли кунларига унчалик ҳам ишонавермаганлар. Зеро, бугун ҳам тўқсоннинг росаям турланиши ҳеч кимга сираям сир эмас. Унинг «Мен тўқсон, бир кунимча йўқсан», деганича борлигини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз.

Чорвадор боболаримиз шу сабабга кўра доимий равишда об-ҳавонинг кузатувини амалга ошириб келганлар. Шимолий Фарғона чўпонлари эрта баҳорда «Наврўз чумчук» деб аталувчи қушнинг учиб келиши вақтига ва унинг рангига эътибор берганлар: агар у оқ рангли бўлса, ёғингарчилик камроқ бўлади, сариқ тусли бўлса, ёмғир салгина кўпроқ ёғади, деб таъбир қилганлар.

Шунингдек, бу қушнинг бошида оқ қашқаси бўлса, келаётган йилда сут маҳсулотлари сероб, ёғингарчилик кўп бўлади, дейилган ва агарда қора бўлса, бунинг акси кутилган. Оёқлари кўк бўлса, у ҳолда деҳқончиликда жуда мўл ҳосил олиш мумкин, деб ўйланган.

«Наврўз чумчук» чўпонларнинг бутун ёз давомидаги доимий ҳамроҳлари ҳисобланади. Кузда ўша қуш ҳадеб ўзини сурув ичига ураверса, демакки, яқин орада каттиқ бўрон туриши кузатилган. Буни жуда яхши билган чўпон эса чорвани тезроқ пастликка олиб тушишга бор кучи, имконияти билан ҳаракатинин қилган. Бундан ташқари эса, чўпонлар ёзги яйловга кўчишда ҳафтанинг кунларига ҳам алоҳида диққат-эътиборни берганлар. Чунончи, улар чорвани

кенг яйловларга олиб чиқишда ҳафтанинг жуда хосиятли кунлари сифатида ўта кенг эътироф этилган чоршанба ва шанба кунларини танлаганлар. Чорвадорларнинг назарида ҳафтанинг бошқа кунлари, ва айниқса, жума куни кўчиш анча хосиятсиз ҳисобланган. Чунки, қадимий халқона қарашларга кўра, ушбу кун барча мусулмонлар сингари жониворлар учун ҳам дам олишнинг фурсати сифатида белгилаб қўйилган. Айнан шу боисдан ҳам агар ушбу куни йўлга чиқиладиган бўлинса, Аллоҳ таолонинг иродасига қарши борилган бўлади ҳамда бирор-бир фалокатга, ҳалокатга ҳам йўлиқиб қолиш мумкин, деб ҳисобланган.

Ҳар йили чорвани кенг яйловга олиб чиқиб кетишдан аввал барча чўпонларнинг пири бўлмиш Чўпон отага ҳамда чорванинг пири Зангиотага бағишлаб доим қурбонликлар қилиб турганлар...

Анъаналарга кўра, ўзбек халқ тақвимидаги «деҳқон ҳисоби» ҳамал ойдан бошланади. Ҳамал баҳор мавсумининг биринчи ойи бўлиб 21 мартдан 21 апрелгача давом этади. «Ҳамал» сўзи арабча истилоҳ бўлиб, таржима қилинса «қўзи» деган маънони англатади. Маълум бўлишича, жудаям қадимги мунажжимлар осмондаги ўн икки юлдуз буржидан энг биринчисига кирувчи ёритқичларнинг тўпини айнан кўзига ўхшатган эканлар.

Қадим замонларданоқ кўкламнинг илк ойи жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга деб қаралган. Буюк тилшунос ва этнограф Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишига қараганда, туркий боболаримиз илк баҳор ойини «улуғ ой» ёхуд «умид оyi» деб атаганлар. Бу даврда улар Наврўзи оламни жуда катта тантаналар ва сайил-томошалар билан нишонлаганлар.

Қашқадарёликлар баҳорнинг энг дастлабки биринчи, иккинчи ойларини «аламжўй» дейдилар ва табиатдаги ҳамма ўсимликлар, дов-дарахтлар жадал ўсиш палласига кириб, гуллаётган бу даврда ёш болаларни боғ-роғлар, дов-дарахтлар орасида, ва айниқса, катта дарахтларнинг тагида ёлғиз қолдириш ва ўт-ўланлар ичида ёлғиз ўйнашига, бундай жойларда ухлаб қолишига йўл қўймайдилар...

Халқ орасида Ҳут буржининг пайдо бўлиши хусусида ғоятда қизиқарли афсоналар ҳамда асотирлар сақланиб қолган. Қадимги Юнонистон ровийларининг афсоналарига биноан, қуёш маъбуди

Гелиоснинг гўзал қизи бир куни денгиз бўйига сайр қилиш учун чиқиб кетибди. Шунда у гулнинг япроғига қўниб турган чиройли капалакни кўриб, унга мафтун бўлиб қолибди ҳамда тутиб олмоқчи бўлиб қувлабди. Капалакни кува-кува жуда чарчаган соҳибжамол денгиз яқинидаги тоғ пойига бориб қолганиниям сезмай қолибди. Капалак учиб бориб чиройли бир қизил гулга қўнибди. Қиз қараса, ҳалиги гул ниҳоятда келишган бир йигитнинг қўлида турган эмиш. Ёшлар бир-бирларини телбаларча севиб қолибдилар. Улар сираям ажралишмас, доимо қўл ушлашволиб, хушманзара жойлар бўйлаб сайр қилиб юришаркан. Бироқ, иккала ёшнинг бахтиёрлик онлари унчалик узоққа чўзилмабди. Ушбу тоғда Полифем деган бир ёвуз дев ҳам яшар экан. У йигитни ўлдириб, куёш маъбудининг жудаям гўзал қизини қўлга тушириш учун ёшларни таъқиб қила бошлабди. Девдан қочиб қутилишга кўзлари етмаган ошиқ-маъшуклар баланд қоянинг устига чиқиб, бир-бирларининг қўлларидан маҳкам ушлаб олганча ўзларини денгизнинг бағрига отибдилар. Худо эса уларни балиққа айлантирибди-да, Ҳут буржига жойлаштириб қўйибди.

Ўша балиқларни бир-бири билан чамбарчас боғлаган ип бўлса икки дилни ўзаро пайванд қилиб қўйган ишқ-муҳаббатнинг бир риштаси эмиш. Айтишларича, куёш Ҳут буржига кирганида қаттиқ ёмғир ёғар ва само денгизида иккита улкан балиқ пайдо бўларкан.

Куёш ўз ҳаракати доирасида иккинчи буржга кирган кунидан эътиборан шамсий ҳисоб-китоб бўйича ҳут ойиям бошланади. Ҳут эски йилни якунлайдиган ва янгисини бошлаб берадиган ой бўлиб, «қакрайла», «сариксумалак», «очамсумалак», «аямажуз», «аҳман-дахман», «ҳезим хирмон», «лайлак қор», «терак кучала», «ўрик гулининг қори», «носи наврўз», «оби раҳмат», «куни бекор» сингари тақвимий муддатларни ўз ичига олади. Ижодкор халқимиз бўлса анъанавий тақвимнинг худди ана шу муддатлари тўғрисида ўзининг жудаям қизиқарли эътиқодий қарашларини яратган.

Кўклам кунларида об-ҳаво ўзгаришлари ва дала ишларининг бориши хусусида гурунглаша бошлаган отахонларнинг даврасида бўлиб, оқсоқоллар суҳбатига қулоқни тутгудек бўлсангиз, баъзан «Аҳман-дахман – етти қишнинг бириман дермиш», деган гапниям эшитиб қоласиз ва «Ҳутда томмасин, ҳамалда тинмасин», «Ҳутда

ёғ бўлса ҳам томмасин, ҳамалда эса қон бўлсаям тинмасин» деган мақолларга ҳам дуч келасиз.

Анъанавий халқона тақвимига кўра, ҳутнинг энг сўнгги анча совуқ давларидан бири бўлмиш «аҳман-дахман» аямажудан кейин дохил бўлади ва мартнинг 4 – 10- кунларига тўғри келади. Халқона тақвимга биноан, баъзи жойларда эса бу кунларнинг дохил бўлиш муддати турлича талқин қилинади. Масалан, Наманганнинг Нанай қишлоғида узоқ вақтлар ўз оиласи билан яшаган ўлкашунос В. П. Наливкиннинг ёзиб олган маълумотларига кўра, «қиш тўқсони» кирганидан кейин 20 кун ўтгач «чилла» бошланади. Қирқ кунлик чилладан кейин эса ўн кун «аҳман» ҳамда ўн кун «дахман» келади. Даҳман тамом бўлгач, орадан тагин ўн кун ўтиб «тўқсон» чиқади. Бу даврда ҳаво анча исиб қолади ҳамда кир-адирларда, чўллардаги майсазорлар ичида биринчи «гулбарра» ва «бойчечак»лар очилади.

Ҳамалдан аввалги ой – ҳутда ёмғир жуда кўп ёғса, далаларда одатдагидан анчагина кўпроқ нам ҳам тўпланиб қолади, ер бўлса лой-балчикқа айланиб, деҳқонларга ғоятда кўп ташвиш келтиради. Ҳадеганда нами кўтарилавермаган далаларини ўз вақтида ҳайдаб экинларини экишга тайёрлай олмаган бободеҳқонларнинг юриш-туришида ҳаловат бўлади дейсизми! Ахир, буюк, доно халқимизда «Бир кун бурун эксанг, бир ҳафта бурун ўрасан», деган нақл ҳам бор. Экиш мавсумини қўлдан бой беришнинг ҳосилга таъсирини жуда яхши билган боболаримиз кўкламда қулай об-ҳаво бўлишини орзу ҳам қилганлар. Ҳамалда ҳамма ўсимликлар жонланиб ўсишга киришади, яъни «амалга киради». Шунинг учун ҳам халқимизнинг мақолида «Ҳамал кирди – амал кирди» дейилади. Ҳамалда ерга суқиб қўйилган оддий таёқча ҳам кўкариб дарахтга айланади. Бу ойда «Қочиб кетгунча сочиб кет» мақолига амал қилган деҳқонлар баҳорги экинларни экиш учун жуда шошилиб қоладилар. Айниқса, донли экинлар уруғини сепишда ниҳоятда эҳтиёткор бўладилар. Шу боисдан ҳам тажрибалироқ деҳқонлар «Қалин шош келтирар, сийрак бош келтирар» деган гапни кўп такрорлайдилар.

Ҳамалн ёмғири, айниқса, кузги буғдойнинг чинакам «қони». Ҳаво жудаям жўнашиб кетган баҳор кунларида тез-тез ёмғир ёғиб турса, лалмига экилган донли экинларнинг ривожини ҳам тезлашади.

Ҳароратли офтоб остида оби ҳаётдан росаям баҳра олиб кўкка бўй чўзган буғдойларнинг бошоқлари бўлик, дони анча йирик бўлади. Кўклам курғоқчил келса, буғдойзорлар барвақт ўсишдан тўхтаб қолади, ҳосили ҳам бебарака бўлади. Шунинг учун боболаримиз «Хут билан ҳамал орасида ёмғир ёғса, сомонлар ҳам олтин бўлади» дейдилар. Ҳатто ҳамалда серёгин кунлар кўплиги учун баъзан уни «ҳамал йиғлоқи» деб ҳам атайдилар.

Ушбу ойнинг поёнида бўлса аксарият қир-далаларда, тоғларда лола ҳам роса қийғос очилиб, гўзал гиламга ўхшаб қолади. Ана шу даврда эса деҳқонлар баҳорикор ерларни шудгор қиладилар. Лола росаям очилган пайтда шудгор қилинган ерлардан ёзи билан нам кетмайди. Агарда баҳорикор деҳқон ҳайдаган ерига яхшилаб мола бостириб қўйса, бундай ерлар «лола оби қилиб нам бостириш» деб аталади. Одатда, «лола оби» қилинган ерга лалми қовун, тарвуз, кунгабоқар, тарик, маккажўхори экилса, у бутун ёзи бўйи қоп-қора бўлиб роса авж қилиб кетаверади. Чунки ҳамалда ҳайдалган ердан кесак кўчмайди, тупроқ майин бўлади, нам сираям кетмайди...

Ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг турли-туман жойларида Наврўз ўзига хос шаклларда нишонланган. Байрамнинг вақти эса 3 кундан тортиб, то далаларда экин-тикин бошлангунига қадар чўзилган. Наврўз одатда бозорлар атрофидаги махсус майдонлар, кўпинча шаҳар ва қишлоқ четларидаги махсус сайилгоҳларда катта тантана қилинган. Байрамнинг биринчи куни карнайчи-сурнайчи, дорбоз ва полвонлар чиқишлари, кун ўртасида мусиқачилар, ҳофизлар ва бошқа санъаткорлар ижролари, кечга бориб эса сайиллар, халқ ўйинлари ва базмлар уюштирилган. Кун сайин томошалар, мусобақалар аста-секин авжига чиқа бошлаган. Масхарабозлар бўлса байрамнинг энг диққат марказида турганлар. Турли мусобақалар: улоқ (кўпқари), бугунги дунё ва даврда жаҳон миқёсидаги спорт турига ҳам айланган – кураш, пойга байрамнинг чинакам, ҳақиқий кўрки саналган...

«Катта зот айтаман. Эшитмадим деманглар, сира ғирромлик қилманглар! Ип солмайсан, бир-бирингга эса қамчингни урмайсан! Яккалатиб, кўрсатиб, ҳалоллаб зотни оласан!». Безатилган отнинг устида ўтирган баковулнинг барчани ҳалолликка чорловчи гаплари

чавандозлару томошабинларни янада сергак торттиради, майдонга бир зум сукут чўкади. Ундан кейин эса отларнинг ўз сувлукларини тишлаб ўта қаттиқ кишнаши, узангиларнинг бир-бирига шақирлаб урилиши, камчиларнинг бўлса ҳавода визиллаши, чавандозларнинг «такимга ол, эгарга бос!», деб қичқиришлариям дала-даштни тутиб кетади. Бундай улкан издиҳомни эндигина кўраётган болалар бўлса ҳайрат аралаш қўрқув билан гижинглаб-ўйноқлаб улоқнинг устида уймалашаётган отларнинг уюриниям кузатади, кўпкарига биринчи бор аралашаётган тойлар роса ҳуркиб ўзини четга олишга уринади. Кимдир жойида ўтириб-туриб, бақириб, яна кимдир эса пойу пиёда бўлса-да, отлар орасига аралашиб чошиб ишқибозлик қилади.

Бундан ниҳоятда руҳланиб кетган чавандозлар эса янада жон-жаҳди билан ўзини гўёки гувиллаб ёнаётган баҳайбат гулхандек ўша тўдага уради, жонининг ширинлиги, тани сиҳатлигини буткул унутиб, нима қилиб бўлса ҳам ўртадаги улоқни отига ўнгариб олиб чиқишга, ёрқин зафар қозонишга тинимсиз ҳаракат қилади...

Ушбу манзарани хаёлан жонлантирар экансиз, халқимизнинг ғоятда тантанавор руҳи, мардлиги ва шижоати қалбингизни улкан ғурургаям тўлдиради. Кўпкари (улоқ) оддийгина бир кўнгилочар томоша эмас. Унда ор-номус, агарда керак бўлса, ҳаёт-мамотнинг баҳси, ўта қаттиқ кураши кетади. Йигитнинг марди ва отнинг зўри айнан бунда ўзлигини ва ўзини намоён этади.

Неча минг йиллик тарихга эга ушбу ўйиннинг пайдо бўлиши ва номланиши билан боғлиқ жуда қизиқ ривоят бор. Айтишларига қараганда, қадим замонларда ёвқур қабилалардан бири кўрасига каттакон кўк бўри оралаб, овулнинг мол-ҳолига жудаям кўп зиён етказибди. Уни йўқ қилишга уринишларнинг барчаси бўлса пучга чиқавергач, қабиланинг оқсоқоли агарда кимда-ким шу бўрини бир амаллаб тутиб ёки ўлдириб келтиргудек бўлса, овулнинг энг гўзал қизини унга келин қилиб беришини эълон қилибди.

Қаттиқ севган, юрагидан урган қизига эриша олмасдан юрган бир йигит отини миниб, ўша бўрининг изидан тушибди. Бир неча кунлик уринишдан сўнггина у мақсадига эришибди, ўша жондорни ўлдириб, сахарда эса оқсоқолнинг оёғи тагига келтириб ташлабди. Овулнинг сара йигитлари эса йиртқични тилка-пора қилиб ташлаш

учун «кўк бўри, кўк бўри» деб отларида у ёқдан бу ёққа росаям судрашибди ҳамда бу ўз-ўзидан ўта кизиқарли ўйингаям айланиб кетибди. Шундан кейин йигитлар ўйинни давом эттиришга қарор қилибдилар, у энди доимий тарзда ўтказила бошлабди. Вактлар ўтиши билан ушбу ўйиннинг номи ҳам ўзгариб, энди эса кўк бўри эмас, балки кўпқари деб аталиб кетган экан.

Албатта, бу бир қадимий ривоят, лекин унинг замирида бўлса кўпқарининг келиб чиқиш сабаблари маълум бир маънода ўзининг ифодасини ҳам топган.

... Юзлаб чопоғон отлар уймалашаётган катта тўда бирданига кескин ҳаракатга келади. Минглаб туёқларнинг қаттиқ зарбидан кенг дашт-дала дупур-дупурларга, қичқириқларга, ҳайқириқларга тўлиб-тошиб ҳам кетади. Баковулнинг «Улоқ ердан кўтарилди, бир жойда тўпланиб армонда қолма, ўзингни бир кўрсатиб, зотингнияма ҳалоллаб ол!» деган ўктам овози бир четда фурсатини пойлаётган четгир чавандозларгаям куч-ғайрат бағишлайди. Улар маълум бир масофада ва аниқ-тиниқ мўлжални олган ҳолда ўз отларига қамчи босишади. Ҳамма қаттиқ ҳаяжоннинг оғушида, барча ҳаракатда.

Анчагина кув-кув, урҳо-урдан сўнг росаям терлаб, пишқириб кўмирдай коп-қора бир қорабайир тўдадан узилиб чиқади ва эгарга гавдасини қия ташлаб, ўз қамчисининг сопини тишлаганча улоқни тақимиға босган ўз чавандозини ҳалқадан нарироққа суриб кетади. Сал ўтмай баковулнинг жудаям баланд ҳамда ўктам овози майдон узра баралла янграйди: «Ҳа-л-о-о-л-л!».

Ҳамма соврин эгасини яқиндан кўришга ошиқади, уларнинг қайси чавандоз ва кимнинг оти эканлигини билишга роса қизиқади. Баковул уларни эълон қилгач, навбатдаги соврин номини айтади ва тағин отлар гижинглаб-ўйнаб каттагина янги бир тўда ҳосил қила бошлайди. Тағин ҳайрат ҳамда ҳадик аралаш кузатувлар ва қўллаб-қувватлашлар, бақир-чақирлар, ҳайқириқлар...

Асосан қиш пайтида ўйналган кўк бўри (кўпқари) ўйинида кўпқаритоз йигитлар (бўрилар, қиш) улоқни (баҳорни) талашади.

От – қуёшнинг зооморфик тимсоли ҳисобланади. Бу эса Она қуёшнияма ўзига бўйсундира олган қиш қутбининг ёзнинг устидан устун келганининг ўзига хос бир ифодаси ҳисобланади. Демакки,

улоқ ўйини ҳам рамзий маънодаги қаҳратон қишнинг ва зумрад баҳорнинг ўзаро азалий, абадий ҳаёт-мамот курашини ифодалайди

Кўпқари, яъни улоқ – Марказий Осиёнинг ўзбек ҳамда қозоқ, қирғиз ва туркман, тожик ҳамда қорақалпоқ халқларининг барчаси учун қадимдан бирдай қадрдон. Ота-боболаримиз Наврўз айёмида, энди гўдакликдан болалик фаслига кираётган фарзандлари кўлини ҳалоллаш, бўй етган қизларини узатиш, эр етган ўғилларини бўлса уйлантириш тўйларида халққа ош бериб, сўнггида кўпқари баҳси томошаларини кўрсатганлар. Кўпқари баҳсида сўйилган улоқ (эчки боласи), кўчқор ёки бузоқнинг танаси байрам – мусобақа ҳаками томонидан ўртага ташланиб, кураш шартлари улоқ билан бевосита боғлиқ ҳолда бажарилади. Мусобақанинг асосий шарти эса ўртага ташланган улоқнинг танасини ўз тақими (чавандознинг сони билан ўзи минволган арғумоқнинг сағриси ораси)га қисиб, майдонни бир айлантирганича, олдиндан белгилаб қўйилган бир манзилга – улоқ кайвони ҳакамлари ёнига биринчи бўлиб келтириб ташлаш. Бироқ, улоқ жараёнида чавандозлар ўртага қўйилган соврин – қимматбаҳо буюм (соат, гилам, қўй, мол, тўн, муайян миқдордаги пул...)ларни кейинчалик ўзаро бўлиб олиш мақсадида ҳам алоҳида жамоа бўлиб бемалол ҳаракат қилишларига рухсат, изн берилади.

Кўпқарида отнинг эгаси пойгага тушиши ҳам, тушмаслигиям мумкин. Чавандозлар кексайиб қолганларида, улоққа ўзлари турли жисмоний сабабларга кўра тушолмасликлари туфайли ҳам кўпқари шартларига тайёрланган «ақлли» ҳамда «тажрибали» отларини ёш, ёвқур, чапдаст чавандозларга «кира, ижара»га бериб турадилар. Бу ўриндаям ғолиб чиққан арғумоқнинг ғайратли чавандози билан шу отнинг эгаси қўлга киритилган мукофотни ўзаро бўлиб оладилар.

Шоир Абдурахмон Акбарнинг қаламига мансуб «Кўпқари» сарлавҳали шеърида ушбу ҳолат қуйидагича тасвирланган:

Кўкка ўрлар отлар дупури,
Юракларда қайнаб жўшар қон.
Қирни қоплар юрак дукури,
Қир бағрини қуршар ҳаяжон.

Тақимига улоқни олиб,

Марра сари келар чавандоз.
Ногаҳонда қуршовда қолиб,
Яна «жанг»га шайланар шоввоз.

Кўпкари шу, солгин қулоқни –
Остингда от, қўлингда қамчин.
Ўртадаги солим – улоқни
Қўлга кирит, йигит эсанг чин.

Бу ғолиблик дегани эмас,
Ғалабага, эҳ, ҳали узоқ.
Ана марра, етмоқ осонмас,
Ҳар қадамда «тўсиқ» ва «тузоқ»...

Отлар кишнар, яғрини тер-гард,
Сигмай қолган кучлари танга.
Омад кулар энг абжир, энг мард
Ва отини беҳад суйганга.

Қадим-қадимдан Наврўз айёмининг катта тантаналари чоғида бедана, хўроз, қўчқор уриштириш ўйинлариям ўтказилган. Наврўз байрами тантаналари қадим-қадимдан кўпкари, қўчқор уриштириш ва кураш сингари халқ ўйинларисиз сира ҳам ўтмайди. Йилбоши билан боғлиқ кураш анъанасининг тарихи жудаям олис замонларга бориб тақалади. Аслида, бундай томошалар оддий кўнгилхушлик эмас. Қадим замонда томошабинлар уриштираётган ҳайвонларнинг бирини қиш, иккинчисини ёз, деб уюштирилган жанг натижасида йилнинг қандай келишини ўзларича башорат қилиб кўрганлар.

Қадимги замонда нафақат эркаклар, туркий халқлар тарихида хотин-қизлар ҳам кенг майдонга белларига белбоғни боғлаб чиқиб кураш тушганлар. Йигит-қизлар балоғатга етиб, турмуш қуришда энг асосий шартлардан бири турмушга чиқадиган қизнинг, аввало, тенгдошларидан беш-олтитасини кўпчиликнинг олдидаги ниҳоятда ҳалол курашда енгиши, йиқитиши ҳам талаб қилинган. Бу жараён Ота юртга бостириб келган душман лашкарлари билан ҳаёт-мамот

жанглари кетаётган пайтларга тўғри келиб қолгудек бўлса, (бундай пайтлар тарихда бот-бот бўлиб турган) оилавий турмуш қурмоқчи бўлган қиздан ёғий навкарларидан беш – олтитасини жанг-жадалда ўлдириб, душманининг калласини онабошига келтириб кўрсатиши ҳам талаб қилинган.

Ана шу шартлар бажарилгандан кейингина оила қураётган қиз ўзи бир ёстикқа бош қўядиган йигити билан бел олишган. Бўлажак эр билан курашда деярли тенг бўлсагина, айти у билан оила қуриш ҳуқуқига эга бўлган. Бундай шартлар қадимий табиий танланиш қоидаларидан келиб чиққан бўлиб, соғлом турмуш ҳамда қудратли оила қуриш, унинг нурли, бахтли келажагининг бош омилларидан бири бўлган. Мана шундай оилалардан ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ўғил-қизлар туғилган. Улар эса Она Ватан – Ота Макон ҳимоясида ҳамиша мардона, собит турганлар.

Ўзингиз ҳам ўта кўп бора тўй-томошаларда, Наврўз айёмида, мусобақаларда, телевизор ва кинофильмларда иккита полвоннинг катта давранинг ўртасига тушволиб, халқининг олқишлари остида жон-жаҳдлари билан ҳалол ғолиблик учун курашаётганларининг гувохи бўлгансиз.

Одатда Халқ ривожланса, унга мутаносиб равишда тили ҳам ривожланади. Битта далил: ўзбекча кураш жаҳон миқёсига чиқди. Бизнинг Миллий спортимиз бўлмиш кураш 2018 йили Жакарта (Индонезия)да ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига ҳам киритилганлигидан ўзингиз ҳам ўта яхши бохабарсиз. Ҳозирги даврда дунёнинг 100дан зиёд давлатларида ўтказиладиган камида 5 минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек кураши бўйича турли-туман халқаро мусобақаларда немиснинг ҳаками инглиз курашчиларга, рус судьяси арман полвонларига, испаниялик ҳакам аргентиналик, нигериялик, хитойлик спортчиларга мурожаат қилиб, баланд овоз билан уларга ўзбек тилида кескин буйруқ бермоқда, паҳлавонлар хатти-ҳаракатига эса ўзбек тилида муносабат билдирмоқда.

Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йил 6 сентябрида тузилган Халқаро Кураш ассоциацияси аъзолари – АҚШ, Франция, Англия, Нидерландия, Германия, Жанубий Африка Республикаси, Ҳиндистон, Япония, Бразилия, Мавритания, Австралия, Греция,

Болгария, Польша, Эрон ва бошқа мамлакатлар спорт залларида жаранглаётган ўзбекча сўзлар, атама, ибораларни ўзимиз жуда ҳам яхши биламиз. Минглаб бора эшитганмиз ҳам. Уларни ўзимизнинг тил хазинамизда асраймиз. Лекин, ҳозирги пайтда 123 давлат аъзо бўлган Халқаро Кураш ассоциацияси томонидан кураш бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш қоидаларида белгилаб қўйилганларини тағин бир бора эсимизга олсак, сираям ортиқчалик қилмаса ҳам керак: **ТАНИШИНГ, ТАЪЗИМ, ЯКТАК, ЎРТАГА, КУРАШ, ТЎХТА, ЧАЛА, ЁНБОШ, ҲАЛОЛ, ТЕНГ, ҒИРРОМ, ТАНБЕХ, ДАККИ, БЕКОР, ВАҚТ...**

Шу ўринда қисқача тарихий чекиниш қилиб олсак, унчалик ҳам қаттиқ қарши бўлмасангиз керак. 1991 йил... Собиқ иттифок даврида таҳқирланган, тақиқланган урф-одатлар, қадриятларимиз тиклана бошлаганди. Уларнинг орасида кураш ҳам бор эди. Уни спорт турига айлантириш учун дастлабки қадамлар ҳам ташланган, бутун жаҳон майдонига олиб чиқиш ғояси ҳам илгари сурилганди. Курашчилар сулоласининг вакили, бир неча кураш турлари бўйича халқаро миқёсдаги спорт устаси Комил Юсупов ўзбек курашининг халқаро андозаларга мосланган қоидаларини ишлаб чиққанди.

1992 йилнинг 14 апрелида ўша Комил Юсупов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти – Ислом Каримовнинг ҳузурида бўлган пайтида давлатимиз раҳбарининг: «Нима учун ўзбек курашини бошқа халқларнинг миллий спорт турлари қаторида жаҳон майдонига олиб чиқиш мумкин эмас?» деган саволи кураш нуфузини ошириш иштиёқида ёниб юрган полвоннинг юрагидаги ўчиб қолай деб турган, илгарилари ёнган гулхан кулининг остида кўмилиб қолган чўғни росаям алангалатиб юборганди...

Шу ўринда курашчиларимизнинг кийимлари ва унинг рангига ҳам алоҳида тўхталиш ҳам ўринли, чамамда. Мустақилликка қадар тўйларда, сайилларда полвонлар устларига нима топсалар – кўйлак билан ҳам, яктак билан ҳам, желак ёки чопон билан ҳам майдонга тушиб олишаверган. Миллий истиқлолнинг дастлабки йилларида тартибли тарзда яратилган кураш кийими бўлса халқаро майдонга чиқиши керак бўлган спортнинг тури учун у қадар ҳам мос эмасди. Бугунги кунда гиламга чиққан полвонларнинг кийимига эътибор

қилсангиз, уларнинг яктаги кўк ва яшил, шалвари оқ, белбоғи эса қизил эканини кўрасиз. Гидамга биринчи чиқарилган иштирокчи кўк ятакни кияди, иккинчиси бўлса яшилини. Бу формани ташкил этган инсон жуда узоқни ўйлаганини кийимларини кийиб гидамга тушган полвонлар кураша бошлаганидагина билиб оласиз.

Бир полвоннинг устидаги кўк, иккинчисининг эғнидаги яшил, ҳар иккисининг белидаги қизил рангли белбоғлар ҳамда ҳакамнинг оппоқ кийимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рамзи ҳам келиб чиқади-да! 1996 йилда Комил Юсупов томонидан яратилган рамзий маънодаги бу форма ҳозирги даврда патентлаб қўйилган. Бугунги кунларда жаҳонда ташкил этилган, қилинаётган барча Федерацияларда гидамга ғолиблик қилиш ниятида тушган полвонларга айнан буюк ўзбекнинг дунёдаги энг чиройли байроғи тимсолидаги ушбу кураш кийими кийгизилади...

2009 йилда Ўзбекистон ўзбек жанг санъати федерацияси ҳам ташкил этилган эди. Жаҳон миллий жанг санъатларининг уюшмаси (WoMAU), Жаҳон якка кураш спорт турлари ташкилоти (WASKO) ва Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси (МАО) сингари нуфузли ташкилотларга аъзо бўлганидан кейин эса, миллий спортимизнинг бутун дунё сахнасида ҳар томонлама намоён этишга жудаям кенг йўл очилди. Вакилларимиз Франция, АҚШ, Италия, Россия, Литва, Жанубий Корея каби қатор давлатларда ўзбек жанг санъатининг жозибасиниям намоиш этдилар. Хусусан, 2015 йилнинг сентябрь ойида Жанубий Кореяда ўтказилган анъанавий Бутунжаҳон жанг санъатлари фестивалида эса вакилларимиз Корея, Япония ва Хитой сингари яккакураш спорт турлари тараққий этган давлатларни ҳам ортида қолдириб, бош совринни ўз қўлларига киритдилар.

Ўзбек жанг санъати бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақа чоғида бошқа миллатлар ҳакамлари ва спортчилари ҳам **САЛОМ, ЖАНГ, ТЎХТА, БЕКОР, ЖАЗО, БАҲО...** сингари соф ўзбекона сўзларни қўллайдилар. Ўзбек жанг санъатидаги 27 машқнинг ҳар бири миллий руҳдаги бизлар учун муқаддас номлар билан аталади: яъни, «Истиклол», «Амир Темури», «Қалқон», «Жалолиддин Мангуберди», «Ватан»... Айни пайтларда эса дунёнинг ўндан зиёд мамлакатида ўзбек жанг санъати федерациялари очилган ва улар

самарали равишда фаолият кўрсатмоқда. Демакки, хорижликларам худди бизлар каби САЛОМ, ВАТАН, ҚАЛҚОН... дейдилар-да!

Шўролар замонида қачондир жаҳон бўйлаб ўзбекча, бизнинг она тилимиздаги соҳир сўзлар жаранглашини хаёлимизнинг катта шохкўчаси у ёқда турсин, кичкина, торгина жинкўчасига ҳам сира келтира олмасдик. Бугун бўлса бутун дунёнинг ўнлаб давлатлари университетларида буюк ўзбекнинг тили ҳам ниҳоятда қунт билан ўрганилмоқда. Турган гапки, бу барчамизга бениҳоя катта ғурурни ва ифтихорни, завқ-шавқни бағишлайди...

Асл полвон аслида ўртага ташланган зот учун эмас, ор учун курашади. Алпомиш – Ҳакимбек сингари гўзал ёри Барчин учун, эл-улусининг истиқболи учунам беллашади. Асл полвон майдонга қадам қўйганида эса юрагида бутун бир халқнинг қалби, шаъни ва ғурури жўш ураётганини чин дил, қалбдан ҳис этиб, нафас олади. Боши таъзимга эгилганида эса улуғ боболар руҳини ёд этади ҳамда кўзининг қорачиғида суюкли ёрининг азиз тимсоли барқ уради, жонидан ҳам бўлган азиз дилбандларининг жудаям қувноқ, шодон кулгисини эшитгандек завқ-шавққа тўлиб-тошади.

2015 йилда Эрон заминида авжи дағдағаси роса баланд ўзбек кураши бўйича ўтган 10- жаҳон биринчилигида худди ана шундай ғурури жудаям юксак ва лафзи ҳалол полвонларнинг беллашувига айланди. Наинки мусобақага мезбонлик қилган аҳли Хуррамобод, шу билан бирга бутун Курраи заминдаги кураш ихлосмандлариям Ота Маконимиз полвонларининг аҳдига ва маҳоратию кучига тан берворди. Улар майдонда бўй кўрсатганида кўҳна Ажам тупроғи мозийнинг сираям ўчмас хотираларини ёд этиб, хўб титради.

Ўша Фирдавсий мадҳ этган Турон баҳодирларига бўйлагудек полвонларимиз битта эмас, ўн бир совринли ўринни – 5 олтину 4 кумуш ва 2 бронза медалини қўлга киритиб, юзлариям ёруғ бўлди. Темурхон Тўраев ва Эркин Дониёров, Муҳсин Ҳисомиддинов ва Давлат Абраев ҳамда Маъруф Ғайбуллаев отлиғ алплар ўз вазн тоифаларида жумлаи жаҳон ичра тенгсиз эканликларини исботлаб қўйдилар. Голибларнинг ичинда келбати анчагина бўлак, томири ҳам Сурхон тоғларига чирмашиб кетган Муҳсин полвон эса «Ҳей, элима армуғон шу зот жуфт бўлсин!», дея ўзбек курашининг энг

оғир мутлақ вазнидаям мардона бел олишиб, бронза медалини ҳам бўйнига такди. Ўзбекистон полвонлари умумжамоа ҳисобида ушбу жаҳоний биринчиликнинг юқори ўрдасидан жойни олдилар. Бутун дунёнинг 55 давлатидан ор талашиб келган полвонлар Соҳибқирон авлодлари, ўзбекнинг ўз баҳодирлари боболаридан мерос курашда ҳамиша ғолиб келишларига тағин бир бора амин бўлдилар.

Агар асл полвонлар майдонда зафар қучгудек бўлса, элининг ғурури ҳам юксалар, дейди боболар. Худди ана шу қадим нақлнинг бугун чин ҳақиқатга айланиши, миллий курашимиз, миллатимиз полвонларини жумлаи жаҳонга машҳур айлаган азалий ва абадий пурмаъно, доно ҳикмат эмасми.

Бизнинг элимиз доимо ўзининг полвонларини юрак-юрагидан суйган, ҳар қандай майдонда ғурури сўнмаган, доимо ғолиб келган эл! Ўзбек Курашининг асл маъно-мазмунини англай оладиган ва чинакамига қадрлайдиган ижодкор Азиз Имомовнинг 2015 йил 13 ноябрь «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилган битиклари ҳам шундан яққол далолат беради:

Ҳей, элима, элима, марди майдон, элима,
Полвонларини суйган асли полвон, элима,
Майдон сурган элима, ор бермаган, элима,
Алп илдиздан кўкарган лафзи ҳалол, элима.

Асрий қудрат яшайверар билагингда, элима,
Алп кўксингни совуқ тошга сира босма, элима,
Майдонингда юксалавер зўр замонда, элима,
Полвон каби курашиб, ғолиб келгин, элима.

Полвонлар кураши Ота юртимизда икки тоифага бўлинади. Булар Бухороча кураш, Фарғонача кураш шакллари дир. Бухороча курашда полвонлар калта тўнни кийволиб, белига аям белбоғ боғлаб, кураш майдонига тушадилар. Бу усул эркин курашнинг усуллари га жудаям яқин туради. Унда чалиш, қайириш, елкадан ошириб отиш каби усулларга ҳам руҳсат берилади. Бу усулда кураш тушилганда рақибнинг курагини бир зумга бўлса-да, гиламга теккизиб турган полвонгина чинакамига зафар қучган ғолиб, музаффар саналади...

Фарғонача курашда бўлса полвонлар тўнни кийволиб, белбоғ боғлаб, бир-бирларининг белларидан жуда маҳкам ушлаган ҳолда майдонда мусобақалашадилар. Бу курашнинг усули қадимий турга росаям яқин бўлиб, унда полвонлар бир-бирларига нисбатан куч ишлатиб, рақиб оёғини ердан узиб олиб, сўнг уни ўзлари хоҳлаган ёки имкони бўлган томонга йиқитишлари ҳам мумкин.

Бу усулда эса оёқдан чалиш, қайириш, ёнбошга олиш, елкадан ошириш, бошдан ошириш усуллари тақиқланади. Шу билан бирга, рақиблар бутун олишув давомида ўзларининг белидаги белбоғдан қўлларини қўйиб юборишлари сира ҳам мумкин эмас...

941 – 945 йилларда Лю Ху раҳбарлигидаги тарихчиларнинг гуруҳи «Шин Тангшу» («Танг сулоласининг янги тарихи»)ни ёзиб тугатган эдилар. Унинг «Ғарбий мамлакатлар тазкираси» («Шиюй лечжуан») деб номланган 221- боби 2- қисмида жумладан, шундай ниҳоятда муҳим маълумотлар мавжуд: «Нингюан аслида Фарғона (Баханна ёки Паркон (Пуохан / Поҳан)дир, Вей (сулоласи) даврида у Пуолуона деб номланган. Танг сулоласи пойтахт шаҳри (Чангъан (ҳозирги Шиан), рус адабиётларида бўлса Сиань)дан 8 минг ли (4608 км) нарироқда жойлашгандир. Фарғона ҳукмдори Чжэнчжухэ (Норин) дарёси шимолида жойлашган Шижян-шэнг (Хитойда Танг сулоласи ҳукмронлик қилган даврларда (618 – 907) Фарғона давлати маркази бўлган. У Ахсикентнинг хитойча номланишидир) шаҳрида туради. 6та йирик ҳамда 100та кичик шаҳарчалар мавжуд, одамлари эса узоқ умр кўрадилар. Фарғона ҳукмдорлари авлоддан авлодга ҳукмронлик қилиб келади.

Ҳар йили (яъни, янги йилда) биринчи ойнинг биринчи кунида ҳукмдор ўз сардорларини иккита гуруҳга ажратади. Сўнгра ҳар бир гуруҳдан биттадан одамни танлаб, уларнинг кийимларини ечтириб, кураштиради. Иккала томон ҳам қийқириклар ҳамда шовқин-сурон билан ўз баҳодирини роса ҳам қўллаб-қувватлаб туради. Одамлар курашаётганлардан бири ўлгунча уларга сопол (идиш бўлаклари) ва тошларни отишади. Ботирлардан бирининг қўли баланд келгач, жанг тўхтатилади ва шунга қараб келаётган йилнинг ҳосили жуда мўл ёки камҳосилроқ бўлиши башорат қилинади».

Сиртдан қаралганида, ушбу оддий бир тўқнашувдек кўринган ҳолат аслида буюк донишманд аждодларимизнинг кўклам билан қиш тимсолидаги ўзига хос маросимий кураши ҳисобланган:

Карнай садолари чорлар йиғинга,
 Совринга қўйилган матолар – тахчил.
 Ҳозирча ноаён – бахт кулар кимга,
 Ҳаяжон ичида сергак минглаб дил.
 Сизга омад кулсин, кулсин юксак шон,
 Саф-саф келаётган хушнуд полвонлар.
 Серзавқ олқишлардан гувиллар майдон,
 Руҳдан кўтарилиб кетар ёлғонлар.
 Тенгкур йигитларга тилашар омад
 Бир вақт полвон ўтган шуҳратли авлод.
 Бунда на ғаразу ва на хушомад,
 Бунда бор мардларга хос чўнг эътиқод.
 Бу ахир майдон деб аталар, унга
 Олис қавмингнинг ҳам кўзи тикилган.
 Одил халқ ғолибни шарафлаб, шунда.
 Чалиш солгувчини лаънатлаб келган.
 Сўзимдан мухтасар хулосамдир шул:
 Ҳаётда учрар гоҳ фирром полвонлар,
 Барин дўст атолмам тутганларни гул,
 Ҳали бор беномус, сўқир инсонлар.
 Аждодлар руҳини хокипой қилмай,
 Кел, кураш тушайлик ҳаққи ҳалол, жим.
 Майдонда енгилар бўлсам, ҳарқалай,
 Тан бериб чиқарман сенга, рақибим!..

Энг қадимги Ҳиндистонда ҳам ҳар йили эрта баҳорга келиб, кўклам қуёшининг чин ғалабасини шарафлаш мақсадида камондан ўқ отиш мусобақалари ўтказиб турилган.

Биздаги Наврўз байрамида қўчқор ва хўрозларни уриштириш баҳсининг ўтказилиши ҳам аслида, барчага қут-барака, омадни, ва мўл ҳосилни тилашдек эзгулик ғояси билан чамбарчас боғланади.

Қадимги инончларга кўра, қўй ёхуд қўчқор боқилаётган жойга ёвуз кучлар, бало-қазолар ҳамда инс-жинслар яқин келолмас, бу жониворлар хонадонни ёмон кўзлардан ҳам асрар эмиш. Яъни ёвуз ниятли одамнинг назари қўчқорга тушиши биланоқ унинг «кўзи» ҳам ўзининг кучини йўқотади деб ишонганлар. Қўчқор қут-барака ҳамда хайр-саховат тимсоли деб қаралганлиги туфайли ҳам илгари бирор-бир эзгу ишга қўл уришни ният қилган кишилар даставвал қўй бозорига бориб, қўчқорнинг бошини силаганлар. Агар шундай қилинса, бошланажак иш, албатта, ўзининг бароридан келар экан.

Чўпонлар ўзларининг тўрт – беш яшарлик қўчқорларини қиш бўйи емлаб боқишган ҳамда йилбоши сайилида уюштириладиган «қўчқор уриштириш» баҳсида қатнашиб, олқиш олишни ўзларига шон-шараф деб билганлар. Айнан Наврўзда «қўчқор уриштириш» ўйини рамзий моҳиятни касб этганлигини эса Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудларида Наврўз байрами кунларида уйларнинг деворига қўчқорлар шохи белгисини чизиб қўйиш удуми мавжуд бўлгани ҳам тасдиқлайди. Қадим замонда қўй – қўчқор култи бахт, омад, хайр барака билан боғлиқ бўлганлиги боис, янги йил байрамида, шунингдек, янги уй қурилиши бошланишидан аввал ушбу жонивор қурбонлик келтирилганди. Уйлардаги устунни қўчқор шохи билан безатишда ҳам худди ана шу рамзий маъно ўзининг аксини топган. Қадимги туркийлар ҳар йилда етти кун қўчқорларни уриштириш ўйинини ўтказиб, ушбу йилнинг ниҳоятда баракали ёки анчагина камҳосил бўлишини ўзларича аниқлаганлар, башорат қилганлар.

Ҳар қандай соҳада ҳам ўзининг ашаддий ишқибоз (фанат)лари бўлгани сингари, қадим-қадимдан уй ҳайвонлари ва паррандаларни уриштиришни жон-дилидан севадиган кишилар ҳам кекса-ю ёшлар орасида жуда кўпчиликни ташкил этган. Масалан, Наврўз, Ҳайит, катта байрамлар ва тўйларда кўпқари, кураш ҳамда дор ўйинлари билан бир қаторда бир ёқда роса ириллаган, вовуллаган итлар, бир томонда баланд сакраб қаттиқ тепадиган даканг хўрозлар, яна бир майдонда бўлса росаям боқиб маст қилинган «хўроз» беданалар эл-юртнинг олдида, тарафкашларининг қаттиқ бақир-чақирлари, ҳайқирилари остида катта жангларга солинган.

Бу томошалар бўлса халққа, томошабинларга катта завқ-шавк берган. Уларнинг байрам кайфиятларини ҳам кўтарган. Бу одатлар икки шахс ёки икки гуруҳ ўртасидаги ўзига хос мусобақа тарзида ўтказилган бўлиб, ниҳоятда ашаддий ишқибозлар бўлса ҳайвонлар ва паррандаларнинг нарларини танлаб олиб, жуда ёшлигиданоқ ўта уришқоқ қилиб тарбиялаш йўллари қидирганлар. Бунинг учун мусобақага тушадиган ҳайвон, парранданинг зоти, тана тузилиши ва вазниям ҳисобга олинган. Уларни кучли, жаҳлдор, олғир қилиш учун қуввати жудаям баланд емишлар бериб боққанлар. Қадимги суворийлар ўз тулпорларини кўк кишмиш бериб боққанларини ҳам яхши биламиз. Шу сингари кўчқорларга тоза беда – ем, итга янги сўйилган гўшт, хўрозга баҳори буғдой, беданага тариғ-у, кўкнори уруғи бериб, астойдил парвариш қилиб, меҳр билан боқилган.

Бирор-бир ҳайвон ёхуд паррандани мусобақада иштирок этиб, совриндор қилиб тарбиялашга қадар орадан бир неча йиллар ўтиб кетган. Демак, инсон жон-жониворга меҳрибонлик қилиб, уни роса парваришлаб, жуда катта меҳр-мурувватини намоён этган. Бунинг оқибатида эса, бу жараён гувоҳи бўлган уларнинг фарзандларида ҳам ҳайвонлару паррандаларга нисбатан меҳр-шафқат ҳиссиётлари аста-секин шаклланиб борган.

Бундай ишқибозларам, турган гап-ки, яккаю-ягона бўлмаган, боқиладиган ҳайвону парранда ҳам битта-иккитадангинамас, тўп-тўп қилиб, кўплаб кишилар томонидан боқиб, тарбияланган. Улар ғоятда яхши ният, эзгу умид билан Наврўз, Ҳайит, катта тўйларга тайёрлаб борилган. Демакки, бу билан қишлоқлару маҳаллаларда кўчқор, ит, хўроз, қуш ишқибозларининг алоҳида гуруҳ-тўдалари ҳам пайдо бўлган. Бу тўда иштирокчилари бир-бирлари тажрибаси, маҳорат йўлларида ибрат олиб, фойдаланганлар. Ҳар бир ўйин ва одатнинг ортида унинг маънавий рағбат ва лаззатларидан ташқари масаланинг моддий-иқтисодий жиҳати, нафи, фойдаси ҳам турган.

Айниқса, чин беданавозлар бедана уриштиришда, ўйиннинг белгиланган шартларига қатъий риоя қилиб, жангда ғолиб чиққан беданаси эвазига эса анча катта бойлик – пул ё қимматбаҳо буюм соҳиби ҳам бўлиб олган. Аксинча, мағлуб бўлган тараф ўзининг бор бисотидан жудо бўлиб, баъзи ҳолларда қарзга ботиб қолган. Ўз

беданасини кўкнорининг уруғи бериб, маст қилган беданавоз уни уришқоқ қилиш учун ойнага солиб, ўзини ўзи билан уриштирган. Кўзгуда ўзининг аксини кўрган бедана уни бегона фаҳмлаб, жангга жадал ҳамда астойдил киришиб, ўзини олдинда кутиб турган ҳаёт-мамот жангларига жиддий тарзда тайёрланган.

Кўчқор, ит, хўроз ҳамда бедана уриштириш одатида, албатта жонзотларнинг нар (эркак)лари олдиндан танлаб олинган. Каклик ва беданаларнинг модаларидан эса сайроқи қушлар етиштирилган. Ўйинчи кабутарлар ҳам айна уларнинг модаларидан келиб чиққан. Каклик, бедана ва каптар боқиш, уларни сайроқи, ўйинчи ҳамда ҳунарманд (баъзан каптарлар мактублар ташишга ҳам ўргатилган) қилиш жараёни гўзаллик ошуфтаси бўлган ёш қалбларни ўзига ром қилган. Бундай ўйинларнинг барчаси хотин-халажга, аёлларгамас, фақат эркакларгагина рухсат этилган.

Ўзбекистон ҳудудидаги ўта гўзал баҳор фаслига бағишланган турли маросим ва байрамлар орасида гулга бағишланган сайиллар алоҳида ўрин тутган. Турли тарихий манбалар гувоҳлик беришига қараганда, Хоразмда ҳамда Бухорода «Қизил гул сайли», Фарғона водийси, Қўқон ва Тошкент атрофларида «Лола сайли», баъзи бир тоғли туманларда, жумладан Чуст ва Денов туманларида «Сумбула сайли», тагин бошқа жойларда «Бойчечак» сингари турли-туман ажойиб байрамлар уюштирилган.

Байрамлар тадқиқотчиси Л. А. Тульцеванинг маълумотларига қаралганида, Нуротада «Қизил гул сайли», Фарғона водийсида – «Лола сайли», Самарқандда мевали дарахтлар, шу жумладан, беҳи қийғос гуллаганида – «Беҳи гули сайли», Зарафшон водийсида эса «Бойчечак гулгардони», Бухорода гуллар росаям очилиб, андалиб – булбуллар нола қилиб, баҳор мадҳини тоза куйлаб, сайраган вақтда – «Гулгардони булбулхон» каби байрам – сайиллар уюштирилган.

Шуни ҳам алоҳида тарзда қайд этишимиз керакки, анъанавий дунёқарашга биноан гул сайли шунчаки бир оддий кўнгилхушлик эмас, балки маросимий, магик ва ритуал аҳамиятга молик бўлган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида «Лола сайли» билан боғлиқ кўшиқлар жудаям кўп учрайди. Кўшиқларда лола «элнинг чиройи» эканлиги, гўзал гулнинг очилиши одамларнинг қалбига фарах бахш этиши,

чақмоқдан, тошқин селлардан сираям қўрқмасдан кўкарган ҳамда
роса гуллаган лола одамларни сайилга чорлаши тараннум этилади:

Лола, лола, лолажон,
Ўсар жойинг далада.
Лола, лола, лолажон,
Чидаш бердинг жалага.

Лола, лола, лолажон,
Чақмоқдан ҳам қўрқмагин,
Лола, лола, лолажон,
Жаладан ҳам қўрқмагин.

Лола, лола, лолажон,
Селлар олса қўрқмагин.
Лола, лола, лолажон,
Совуқ турса қўрқмагин.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги тоғли қишлоқларида
хар йилги кўкламда лола сайлига чиқиш анъанавий маросимлардан
бири ҳисобланган. Ана шу маросим чоғида ижро этилган халқимиз
ажойиб қўшиқларида табиатнинг кўкламдаги уйғониши, лоланинг
чинакам нафосати инсонларга бахш этган эзгу туйғулар тараннум
этилган:

Лолачада ишим бор, эй лола,
Киссамда кишмишим бор, ҳей лола,
Кишмиш бўлса майлига, ҳей лола,
Қиз болада ишим бор, ҳей лола...

Бу қўшиқдаги «лолача» образи рамзий маънода лоладек қизил
куйлакни кийиб олган қизнинг ўзига баробар. Йигитнинг сайилга
келишдан асл мақсадиям лола териш эмас, аслида ўша «Лолача»да
жуда ҳам муҳим «иши борлиги»ни билдириб қўйиш, яъни ўзининг
меҳр-муҳаббатини изҳор этишдан иборатдир. Халқона лирикадаям
турли-туман мевалар, мевали дарахтлар ва боғ у ёки бу жиҳатдан

севги-муҳаббат, оила, фарзанд ғоялари билан бевосита боғлиқдир. Эътиборингизга ҳавола этилган қўшиқдаям бу йигитнинг «киссаси (чўнтаги)даги кишмиш» – бўлажак, энди қурилажак оиланинг чин пойдевори, чинакам севги-муҳаббат тимсоли ҳисобланади.

«Лола сайли»да йигитлар ўз севгилисига ёш болалар орқали турли ширинлик ҳамда совғалар қаторида майиз юборишлариниям назарда тутадиган бўлсак, ушбу поэтик деталнинг севги магияси (сеҳргарлиги) билан бевосита боғлиқ жиҳатлари яна ойдинлашади. Қўшиқда бир-бирига кўнгил қўйган йигит билан қизнинг ўртасида «воситачилик» қилувчи бола образининг тимсолий талқини ҳам мавжуд:

Том устида пиёла, ҳей лола,
Ичи тўла гул лола, ҳей лола,
Нари туринг бўз бола, ҳей лола,
Уялади қиз бола, ҳей лола.

Том устида нелар бор, ҳей лола,
Ўрдак билан ғозлар бор, ҳей лола,
Ўрдак кетиб ғоз қолсин, ҳей лола,
Душман кетиб дўст қолсин, ҳей лола.

Ушбу тўртликларда тасвирланган «том» – оиланинг ўзига хос рамзи сифатида қаралгудек бўлса, «ўрдак» – севишганларга унчаям хайрихоҳ бўлмаган ғанимларнинг, «ғоз» бўлса бир-бирига кўнгил қўйганларнинг чинакам дўстларининг тимсоли ҳисобланади. «Ғоз» дейилганида ошиқ йигитларнинг меҳр-муҳаббат ила асраб юрган совғасини унинг маъшуқасига етказиб берувчи дастёр болакайлар ҳам назарда тутилган.

Қадимги Сўғднинг ҳунармандлари томонидан ясалган кумуш идишнинг девори (сирти)да тасвирланган аёллардан бири иккала қўлидаям лолани кўтариб турган бўлса, иккинчисининг бир қўлида лола, иккинчисида эса бола бор. Учинчи аёлнинг ўнг қўлида лола бўлса, чап қўлида узум тўлдирилган ваза мавжуд. Тўртинчи ҳамда бешинчи аёллар эса бир қўлида қушни, бошқасида қандайдир бир қутичани кўтариб олганлигиям тасвирланган. Россия Федерацияси

Пермь вилоятида ўтказилган археологик қазилмаларда топилган идишда ҳам қўлларида лола кўтариб турган аёллар тасвирланган... Академик, санъатшунос Галина Пугаченкованинг фикрича, ушбу ашёлардаги тасвирлар қадимги Сўғдда ўтказилган «Лола сайли» маросимини ўзида акс эттирган бўлиб, қўлида лола кўтариб турган аёллар бу маросимни ўтказишда ўта фаол иштирок этган қўшинлар образи ҳисобланади...

Ён қўшнимиз Тожикистон Республикасининг Ғончи туманида ҳар йили Наврўз маҳалида келинчакларнинг сайлини ўтказиш ҳам қадим-қадимдан одат тусига кириб қолган. Бундай сайилга оппоқ харир пардалар тутволган, куёвга тушганига бир йилдан ошмаган келинчакларгина қатнашадилар. Улар пастликларда, худди қордек оппоқ гулларнинг ўзига хос сокин бир тўлқинидек кетаверишади. Қўлларида уларнинг ўзлари росаям меҳр қўйиб тиккан матолари, сўзаналари ҳамда белбоғлари бўлади. Икки томондаги қияликларда турган томошабинлар қаршиларидан аста-секинлик билан, гўёки оппоқ елканли қайиқда сузиб ўтиб бораётгандек келинчакларнинг бирортасиниям мутлақо кўздан қочиришмайди. Келинчаклар орзу-армонлари, ўй-хаёллари битилган матоларнинг қайси бири кўпроқ олқишни олса, ўша ғолиб, жуда катта мақтовга сазовор бўлади. Бу бениҳоя чиройли, ғоятда гўзал сайил эканлигини ўзингиз тасаввур қилган, кўз олдингизга келтирган бўлсангиз ҳам керак.

Наврўз айёми Қашқадарё вилоятининг Арабхона қишлоғида ҳам ғоятда катта тантаналар билан ўзига хос бир тартибда нишонланади. Бу ердаги урф-одат, маросим, анъаналар ўзининг беҳад қизиқарлилиги билан кишиларнинг диққат-эътиборини жалб этади, ром қилади.

Наврўздан икки кун олдин кечкурун карнай-сурнайлар, ноғора-танбурлар чалиниб жарчилар каттакон тепаликнинг устида турволиб айём жойини эл-юртга эълон қиладилар. 20 март куни эса эрталаб соат 7⁰⁰ дан бошлаб бутун арабхоналиклар турли-туман таомларни пишириб гилам-кўрпачалар, дастурхон, ўзларининг чойнак-пиёлалари билан ўша баланд тепаликнинг устига чиқиб келадилар. Янги келин олган қайнона ҳамда қайноталар Наврўздан уч кун олдинроқ ўрик туршагидан шарбат тайёрлаб қўядилар. 20 мартда эса тепалик устига катта дастурхон ёйиб, битта қўй сўйиб, дастурхонни ҳам безаб, келин томоннинг қариндош-

уруғларини меҳмонга чақириб, уларнинг барчасига бир косадан ўрик шарбатидан қуйиб берадилар. Ундан кейин зиғир ёғи ва қўй гўштидан тайёрланган жудаям ширин, мазали паловни тановул қилишга таклиф этадилар. Бу одатни янги келинни туширган барча қайнона-қайноталар чин кўнгилдан, сидқидилдан ғурур ва ифтихор билан бажарадилар.

Ушбу тантананага чорланган кишиларга ўрик шарбати берилишининг рамзий маъноси – қишда бутун аъзойи баданларимизда қолиб кетган хасталиклар, бодларни бутунлай ҳайдаб чиқарсин, деган маънода барча меҳмонларга, энг аввало, шарбат улашилади. Иккинчидан эса, паловга таклиф этишдан асосий мақсад ичак-чавоғимиз янги йилда бўлажак меҳнат олдидан бир яхшилаб ёғланиб олсин, деган маънода энг тоза зиғир ёғи ва қўйнинг гўштидан тайёрлаган ошга чорланади.

Бу куни Арабхона қишлоғининг барча аҳолиси ўша тепаликнинг устида йиғилволиб, мириқиб овқатланиб, роса ўйин-кулги қилишади. Кимдир доирани чалса, кимдир танбурни чертади, рубоби ёхуд торни чалади, яна кимлардир қўшиқ, лапар айтади, тағин кимлардир «бити тўкилгудек бўлиб» шўх-шодон рақсга тушади.

Шундай қилиб, айнан ўша кунида санъаткорлар ҳам, раққосалар ҳам ўша халқнинг ўз орасидан чиқади. Четдан эса бирортаям отарчи ёки санъаткорларни чорланмайди, илтимос қилиб олиб келинмайди.

Ушбу базмнинг ўзига хос қонун-қоидалари ҳам мавжуд: одамлар тепаликка кўтарилмасларидан уч кун олдин ўз хонадонларидаги барча гилам, кўрпача, парда, қозон-товоқ каби анжомларини жуда ҳафсала билан ювиб, қуришиб, ҳамма жойларини ниҳоятда озода, ораста тутиб, кийимларини эса тозалаб ювиб, дазмоллаб қўядилар. Ҳамма одамлар тозаликка сўзсиз риоя қилади. Фақат шундан кейингина, яъни учинчи куни тантаналар ўтказиладиган тепаликка кўтарилинади.

Наврўз кунлари момолар томонидан чанқовузнинг ноласи ва қўзи маъраши қўшиқлари қуйланган:

Қўй келади қўзи билан,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!
Бир-бирининг изи билан,
Ёр-ёр, айланай!

Қўзиларнинг изини кўр,

Ҳай, ёр-ёр, айланай!
 Ҳамсоянинг қизини кўр,
 Ёр-ёр, айланай!

Хоразмдаги Наврўз айёми, маълум бир даражада, Анахита ва Сиёвуш тимсоллари, уларнинг ўртасидаги илоҳий-афсонавий севги билан боғлиқ. Сув ҳамда ҳосилдорлик маъбудаси Анахита (ислом даврида Анбар она), унинг рамзи атиргул билан пайваста майдонга келиб, сўнгра Митра (Сиёвуш)нинг ўзига хос бир тимсоли, рамзи билан ўзаро чатишиб, бунёдкорлик манбаи сифатида ҳам тасаввур этилган. Бизнинг ҳозирги кунларимизга қадар етиб келган «Қизил гул» байрами роппа-роса уч кун мобайнида давом этган.

Биринчи куни қизлар бир-бирларининг хонадонларига кириб, кекса бувилари, оналари ва ёш қизларни байрам билан муборакбод этганлар ва «Қўбиз» куйини ижро қилиш бўйича мусобақаларниям уюштирганлар. Худди шунингдек навқирон йигитлар ҳам ўз ошна-оғайнилари, дўст-биродарлари уйларига навбатма-навбат киришиб, уларнинг боболари оталариниям айём билан самимий қутлаганлар.

Байрамнинг иккинчи куни масжид ёхуд қабристон яқинидаги хушманзара жойларда жуда катта халқ сайиллари ташкил этилган. Сайилда йигитларнинг қизлар томонига қарата қизил гуллар, олма, анор, турли рангларга бўялган тухумларни астагина отиб юбориши ҳам ўзига хос ўйинлардан бири сифатида намоён бўлган.

Бу нарсалар эса қадимий тасаввурларга биноан серҳосиллик, севги-муҳаббат, оила ва фарзанд тушунчалари билан боғланади.

Наврўз байрами чоғида кўни-қўшнилари, яқинларига қайнатиб пиширилиб, қизил, сариқ, кўк рангга бўялган тухумни ҳадя этиш удуми, «тухум уриштириш» ўйинининг замиридаям олам тухумдан яратилганлиги тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ётади.

Шунингдек, ёш йигитлар айём кунларида ўзларининг ишқи тушиб қолган, юракларини роса жиз эттирган қизларга ёш болалар орқали турли-туман ширинликлар, ҳолва, майизни юборганлар. Ўз навбатида, қизлар (агар улар ҳам шу йигитни манзур кўрган бўлса) «жавоб» ширинликларини йўллаганлар, яъни қайтариқ қилганлар.

Ушбу сайил тамом бўлиши биланок ўша қизлар ёш келинлар бошчилигида саф-саф бўлволиб, энг яқин жойлардаги аждодлари – бобо-бувиларининг қабрларини зиёрат қилиш учун жўнаганлар.

Одатда, йилбоши байрамидан аввал ҳар ким ўз яқинларининг қабрларини хас-чўплардан чиннидек қилиб тозалаган, кексалардан бири бўлса марҳумларнинг ҳақиға тиловат қилгач, аёллар оламдан ўтган аждодларини ёдга олиб, йиғи-сиғилар аралаш мунгли йўқлов қўшиқларини айтишган:

Олмадан отлар қилай,
Баргига хатлар қилай,
Наврўз куни онажонимни,
Ўлтириб ёдлар қилай.

Ўйилсин ерлар, ўйилсин-а,
Ўртасидан бўлинсин-а,
Наврўз куни онажонгинам,
Бойчечак бўлиб кўринсин-а,

Ўсмалар экким келади-я,
Баргини тергим келади-я,
Наврўз куни меҳрибонимни,
Биргина кўргим келади-я...

Наврўз куни қабристонларнинг зиёрат қилиниши, бу ерларда олов ёқирилиши, ис чиқарилиш ва қурбонликлар қилиниши аждодлар руҳига бўлган ҳурматниям ифодалайди. Наврўз пайти ўйналадиган «Оқ суяк» ўйинида ҳам аждодлар руҳига бўлган чуқур эҳтиромни кузатамиз. Бу махсус ўйин ҳақида Алишер Навоий ҳам асарларида маълумот беради. Юртимизнинг жанубий вилоятларида ушбу ўйин бугунги кунларга қадар ҳам ўйналиб келинмоқда.

Ўйин, асосан, эртанги кўклам чоғида, кечқурунлари ўйналган. Болалар ўртасидан сайланган бошлиқ қўлидаги сўнғакни анчагина узоққа отворган. Бошқа болалар эса уни топишга ҳаракат қилган. Кимки суякни биринчи бўлиб топиб олса, ўша бола ўйинда ютган ҳисобланган. «Оқ суяк» ўйинининг айнан Наврўз пайтида ва тунда

ўйналишига сабаб, суяк – оламдан ўтиб кетган аجدодларнинг руҳи ёрдами, кўмагида қишни – тунни ҳайдаб юбориб, кун – баҳорга интилиш бўлган.

Наврўз куни ўйналадиган ўйинларнинг орасида «Оқ теракми, кўк терак», «Чиллак» ўйинлари бошқаларидан ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. «Оқ теракми, кўк терак» деган ўйиннинг келиб чиқишиям бошқаларига қараганда қадимийроқ. У мавсумий ўйинларнинг таркибига кириб, дастлабки даврларда фақат кўклам, баҳор фаслида ўйналган. Бу ўйин баҳор маросимининг жуда муҳим таркибий қисми бўлганлиги сабабидан ҳам фақатгина маросим пайтида ўйналган, кейинчалик у катталар, сўнгра эса болаларнинг ҳозиргача давом этаётган одатий ўйинига айланиб кетган.

Бу ўйин ўзида кун – тун, қиш ва баҳорнинг ўзаро тўқнашуви ҳақидаги қадимги тасаввурларни ҳам ўзида мужассам этади. Агар қиш енгилса, баҳор ғолиб келади, тун чекинса, кун узаяди. Зероки, ўйин фольклори матнидаги энг асосий диққат-эътибор айнан мана шу масалага қаратилган.

Ушбу ўйиннинг «Оқ теракми, кўк терак» деб аталишида, бир томондан қаралса, терак баргининг бир томони оқ(юмшоқ) бўлса, иккинчи тарафдан, у ўзида кун ва тун ҳақидаги тасаввурлар билан ҳам боғланади. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида, хусусан, Хоразмда ушбу ўйин бошқачароқ бир номда, яъни «Ой теракми, кун терак» деган номда ҳам учрайди...

Тағин ўша «Қизил гул» байрами ҳақидаги юқорида бошланган суҳбатимизга қайтсак ва уни келган жойидан давом эттирсак.

Байрамнинг учинчи кунида қизлар дугоналари ҳовлиларидан бирида «Чикон ўйини» – арғимчоқ ўйининиям уюштирганлар. Ёш, бўз йигитчалар ҳам маросимий ўйин ташкил қилинган жойга етиб келиб, арғимчоқда учаётган ўша қизлар билан олма отиш ўйинини ҳам бошлаб юборганлар. Айнан Наврўз байрамида қиз-жувонлар боғлардаги азим ўрик дарахтларининг баланд-баланд шохига арқон солволиб, арғимчоқ учганлар.

Халқона қарашларига кўра, айнан Наврўзда арғимчоқ учган кишининг билиб-билмасдан қилган гуноҳлариям бутунлай тўкилиб кетармиш. Ҳаттоки кекса, сочлари қордек оппоқ нуроний момолар

ҳам «Арғимчоқ учсак, савоб бўлади! Оғирлигимиз ерга тўкилади, қушдак енгил бўламиз!», деб ўша арғимчоққа ўтиришган, уларнинг неvara, эvara ва ҳаттоки чеваралари бўлса «Биз ҳам момомизнинг ёшига етайлик» деган бениҳоя эзгу орзу-ниятларда арғимчоқнинг ипидан эҳтиёткорона равишда тутиб, уни оҳиста, астагина у ёқдан бу ёққа ҳаракатлантириб турганлар.

Бундан ташқари, арғимчоқнинг ипидан тутиб аста-секинлик билан тебратаётган қизлар эса қуйидаги қўшиқни айтганлар:

Ҳалгимчак жўнасин,
Сарик отим сақлансин,
Кўк отим кўклансин,
Пушти отим пишлансин,
Оқ отим оқлансин...

Бу ўйиндаги ранг тимсоллари муайян бир рамзий маънониям касб этган ҳолда қўлланган. Қадимги мифологияда баҳор – кўк, ёз – қизил, куз – оқ, қиш – қора ранг билан тимсоллаштирилган.

«Кўк отим кўклансин» – кўклам тезроқ келиб, бутун олам ям-яшил либосга росаям буркансин; «сарик отим сақлансин» – мева-чевалар ғарқ пишган ёзнинг тимсоли; «пушти отим пишлансин» – япроқлар жуда сарғайиб, ҳазонрезги бошланадиган куз фасли; «оқ отим оқлансин» дегани бўлса оппоқ қор билан ўтадиган қишнинг ўзига хос поэтик ифодаси ҳисобланади.

Турмушга янги чиққан қизлар ва фарзанд кутаётган келинлар арғимчоқни баландлатиб, янада ҳам ҳаволатиб учишга уринганлар. Улар ҳар гал шўх кулгилар билан дарахтнинг энг баланд шохидан баргчани узиб олишга жон-жаҳдлари билан росаям интилганлар. Улар дарахтнинг жудаям баланд шохидаги оппоққина гулларнинг орасидан эндигина бўртиб чиққан яшил япроқчаниям бир амаллаб узиб олишга муваффақ бўлган кишининг жамики орзу-ниятлари амалга ошади, деб умид қилганлар.

Байрам бошланган кундан то охиригача бўлган даврда йигит ва қизларнинг дўпписига қизил гул ғунчасидан қадаб қўйиш одат бўлган.

Этнологик ҳамда тарихий адабиётларда бутун йил давомида очиқ-сочиқ юролмаган хотин-қизлар айнан гул сайиллари пайтида

бемалол, эмин-эркин қатнашганлари хусусидаги маълумотлар ҳам анчагина.

Чунончи, Паркентда ўтказилган лола сайлига, асосан, қизлар борганлар. Далаларда қизғалдоқ роса ҳам қийғос очилган вақтда, теварак-атрофдаги қишлоқлар қизлари аввал баландгина тепаликка йиғилишиб, сўнгра қип-қизил лолазорга сайилга чиққанлар.

Сайил давомида бўлса қизлар доира (чилдирма) шўх садолари жўрлигида турли кўшиқларни айтганча, мириқиб рақс тушганлар, ўйнаганлар, лолақизғалдоқ териб, чиройли гулчамбар ясаганлар.

Самарқандда «Сайли гули сурх» байрами маркази Чўпон ота мозори атрофларида бўлган...

Бухоролик деҳқонларнинг анъаналарига биноан, Зарафшон дарёсининг ҳамалнинг бошида, ҳозирги замондаги ҳисоб-китоблар бўйича айтилиши 20 – 22 мартларга тўғри келадиган биринчи тошуви – «нарзоб» «Гули сурх» сайлининг бошланишига ҳам ўзига хос бир белги сифатида қаралган.

Халқона қарашларга биноан эса, ушбу сув Аллоҳ томонидан Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратга таҳорат учун юборилгани сабабидан ҳам тошув номи «нарзоб» ё «Баҳоуддиннинг суви» деб юритилган.

Ушбу тошувнинг бошланиши эса Бухорода Наврўз байрами ва «Гули сурх» тантаналарининг бошланишидан дарак берган.

Баҳоуддин Нақшбанд мазор – зиёратгоҳининг шундоқ ёнида қадимдан ўтказиб келинган «Гули сурх» сайлининг нисбатан тўла таъриф-тавсифи бухоролик этнограф Г. Қаюмова томонидан ёзиб олинган. Унинг таърифлашича, «Гули сурх» сайли бир ҳафтадан бир ойга қадар давом этган. Унинг қатнашчилари эса бир жойдан иккинчи бир жойга аста-секин кўчиб юраверганлар.

Бир жойда ашула ва лапар айтишлар, рақсга тушувлар бўлган. Иккинчи жойда эса масхарабоз ва дорбозлар томоша кўрсатганлар. Учинчи жойда туя, кўчқор, хўроз уриштирилган. Тўртинчи жойда бўлса кураш мусобақаси ўтказилиб, паҳлавонлар беллашганлар.

Бешинчи жойда эса лаззатли таомлар, бухороча обаки дандон, нишолда ва бошқа шарқона ширинликларни пиширилган. Олтинчи жойда эса каттагина бозор уюштирилган...

«Қизил гул» сайлида йигитлар ва қизлар «Олма отиш», «Гул узатиш», «Анор отиш» ўйинларини ўйнаганлар. Ёш келинчаклар бўлса «келин салом»ни ижро этганлар. «Қизил гул» шодиёнасига бағишлаб турли-туман қўшиқлар куйланган.

Ҳозирга қадар услубий қўлланманинг матнида жуда кўп бора қизил, қора, сарик, оқ сингари ранглар ва сифатлари билан боғлиқ масалаларга ҳам тўғри келдик. Шу боисдан ҳам ранглар масаласига бир назаримизни ташлаб қўйсак. Ранглар инсоннинг ҳаётида шу қадар муҳим ўрин тутадики, қадимги мифлардан тортиб то бугунги кунларда яратилаётган бадиий асарларда ранглар билан бевосита боғлиқ турли тимсолий талқинларни, бошқачасига ифодаладиган бўлсак, ранглар фалсафасиниям кўрамиз. Ранглар билан чамбарчас боғлиқ тасаввурлар бўлса кеча ёхуд бугун ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Халқимизнинг рангларга муносабати жуда ҳам қадимий.

Қайсидир маънода ушбу муносабат Наврўз билан бевосита, чамбарчас боғлиқ, десак сираям муболаға бўлмайди. Зеро, Наврўз ҳақидаги қўшиқ, урф-одат, маросимлар ё халқ ўйинлари, томоша санъати – барча-барчасида ранг масаласига алоҳида урғу берилган. Албатта, ҳозирча Наврўз билан ҳам бевосита боғлиқ рангларнинг этник, психологик ва бадиий-поэтик талқинлари етарли даражада илмий жиҳатдан ўрганиб улгурилмаган. Бизлар гўёки арзимасдек туюлган ранглар тимсолида ажодларимизнинг Она табиатга, Ота юртга, ўзининг ўтмишига бўлган ниҳоятда ибратли муносабатини кўрамиз.

Она табиатга нисбатан бениҳоя улуг ғайрат ва меҳр-муҳаббат муносабатида бўлган ажодларимиз уни аяган ва алқаган. Бу меҳр ва тасаввур-тушунчалар бўлса қўшиқлари, дostonлари, ўйинлари, амалий ҳамда ҳунармандчилик санъатигаям кўчиб ўтган. Халқимиз турмуш тарзи, яъни оддийгина бир ўтовдан тортиб гиламчилик, каштачилик санъатида, ҳаттоки ёпган нонларида ҳам ана шундай тасаввурлар ёрқин намоён бўлади. Оддийгина бир каштачиликни ҳам олиб кўрайлик. Агар ўзингиз ҳам эътибор берган бўлсангиз, аксарият кашталарда қуёш рамзи билан боғлиқ тасвирлар учрайди. Кашта, сўзаналардаги асосий мавзу айнан қуёш билан боғлиқ.

Чунки, ҳаёт, табиат ҳамда инсоннинг ўзаро муносабатларида қуёш муҳим аҳамият касб этади. Турли сўзаналарда фаслларнинг алмашинуви, чиқаётган ва ботаётган қуёшнинг тасвири анъанавий рамз, тимсолларда муҳрлаб қўйилганлигига яққол гувоҳ бўламиз. Айнан шу сабабдан ҳам Наврўз байрами билан бевосита боғлиқ барча ҳолатларда қизил, сариқ, яшил, оқ каби рангларнинг талқини етакчилик қилиб келади.

Қизил ранг қуёшнинг, ва шунингдек, навбахорнинг элчиси – лолақизғалдоқнинг рамзидир. Сарик – бойчечак ҳамда қуёш, яшил – Она табиат, оқ ранг – баҳорги очиқ мусаффо осмоннинг, янги фаслнинг келишини, мавжуд ҳаётнинг ўзгаришини ҳам истаётган, хоҳлаётган барча инсонларнинг орзу-умидлари тимсолидир.

Қадимги гул сайилларини жиддий равишда илмий жиҳатдан ўрганиш шунданам далолат берадики, аجدодларининг қабрларини зиёрат қилиш бу байрамнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган.

Биринчидан, одатда гул сайиллари гуллар ўта кўп очиладиган жойлардагина ўтказилган. Қабристонлар атрофи эса худди шундай жойларнинг бири бўлган. Чунки, бундай жойларда ер ҳайдалмаган, Она заминнинг жигар-бағри ҳам тилинмаган.

Лолақизғалдоқлар эса айнан шундай ҳайдалмайдиган жойда яхши унган ва гул сайлига росаям мос жой бўлган.

Иккинчидан, вафот этган аجدодларни хотирлаш одатиям кўп Шарқ байрамларига хос урф бўлган. Ҳар баҳорда қизғалдоқлар ўта қийғос очиладиган қабристонлар атрофларида гул байрамларининг ўтказилиши ҳам табиатнинг гўзаллигидан росаям завқланиш, ҳам ушбу ёруғ дунёни аллақачон тарк этиб кетган аجدодлар – ота-бобо, момоларни ёдга олиш учун яхши имкониятни яратиб берган.

Учинчидан, баҳорий гуллардаги қизил ранг кўпинча инсон қони билан таққосланган. Қариялар сўзлаб берадиган афсоналарга кўра, вафот этганларнинг қонини ер ўзига буткул шимиб, симириб олади, гуллар эса ана шу қизил рангни ўзига олиб, уларга иккинчи ҳаётни бахш этади ва заминни ғоятда гўзал либос – баҳор гуллари билан безайди.

Қип-қизил гулларнинг келиб чиқиши ҳақида бундай тасаввур кишиларни ерни, Она табиатнинг ўзи вужудга келтирадиган барча

нарсаларни янада севиш ҳамда ардоқлашгаям даъват этади. Шуни алоҳида таъкидлаш ҳам керакки, гул сайилларининг халқ ижодиёти равнақиға ҳам ниҳоятда катта таъсири бўлган.

Чунки, гул сайилининг муҳим таркибий қисми сифатида йигит-қизлар шеърлар ўқишиб, бир-бирига гул тақдим этиб ўйналадиган «Гул базми» ўйини, гулнинг ҳамда ёрнинг гўзаллигини бир-бирига ўзаро қиёсловчи таққословчи «Гулёр» кўшиқларининг ажойиб бир туркуми, анвойи тоза гуллар гуркираб очилаётганини ифодаловчи «Гулракс», ЮНЕСКО томонидан 2014 йил адоғида Бутунжаҳон маданий меросининг рўйхатига ҳам киритилган ўзбек АСКИЯ санъатининг чинакам усталари – аскиячилар ўртасида «Гулмисиз, райҳонмисиз...» номли пайров сингарилар вужудга келган ҳамда кейинчалик эса улар бир-биридан алоҳида равишда ривож топган, тараққий этган.

Баъзи манбаларда «Наврўз» ва «Гул сайиллари» бир-бирига боғлиқ ҳолатда, айримларида бўлса бутунлай ажратиб ёритилган. «Йил боши», «Наврўз» ёз фаслига кўчирилган вақтларда, гул сайли баҳор фаслининг роса катта, улкан байрами, шодиёнасиға айланиб кетган.

Бироқ, «Наврўз» айёми тағин қайтадан баҳорга кўчирилганда, у табиатнинг қайтадан жонланиши, яъни баҳор, кўклам келишини қайд этадиган байрам бўлиб қолган. У «йил боши» бўлгани учун ҳам аниқ кунлар (ҳозирги 21 – 22 март)да нишонланадиган бўлиб кетган. Гул сайилларининг қачон ўтказилиши табиатга, об-ҳавога боғлиқ бўлиб, улар апрель ойининг бошидан токи май ўрталарига қадар ўтказилган. Наврўз айёми бир ойга қадар нишонланадиган жойларда эса бу иккала байрам бир-бирига уланиб, ўзаро кўшилиб кетган. Шундай жойларда эса баҳор тантаналари «Наврўз» билан бошланиб кетган ва «Гул сайиллари» билан якунланган, ўзининг поёниға, бу йилги интиҳосига етган.

Замонавий гул байрами, кенг маънода, табиат гўзалликларини тўла-тўқис тарзда муҳофазалаш, маҳаллаларни ободонлаштириш, уларни боғ-роғ, гулзор ва чаманзорға айлантиришға кўмаклашувчи жудаям гўзал байрам ҳисобланади. Тор маънода бўлса гул байрами

– бу табиатдаги энг чиройли ва гўзал мўъжизаларнинг бир-бирига, яъни, анвойи гулларга бағишланган катта шодиёнасидир.

Гул билан учрашув – бу бағоят хурсандчиликни келтирадиган чинакам гўзаллик билан бевосита учрашув демакдир. Шунинг учун ҳам, барча гулчиларнинг ўзлари етиштирган гулларининг кўрки ва тароватини намойиш қилгани уларни томоша қилиш орзуси ҳамда ниятида келган кишилар руҳиятида ҳақиқий гўзаллик байрамини вужудга келтирмоқда.

Аждодлардан бизларга мерос гул байрамлари узоқ йиллардан бугунгача Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти – Ислом Каримовнинг жуда ҳақли таъбири билан ифодаллаганимизда, «Гўзал Наманган» шаҳрининг қоқ юрагида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Маданият ва истироҳат боғида ўзига хос шаклда ғоятда катта тантаналар билан давом этиб келаётганидан ўзингиз росаям яхши бохабарсиз, ҳаттоки хорижликлар ҳам ҳайратда.

Ҳозирда ғоятда гўзал анъанага айланиб улгурган, 2016 йилга келиб 56- марта ўтказилган байрам кунлари (августнинг иккинчи ярмида – шанба-якшанба кунлари) истироҳат боғида гулчиларнинг фотоқўргазмалари ташкил этилади, ҳаваскор гулчиларга маслаҳат берувчи мутахассис гулчилар таклиф қилинади. Истироҳат боғида миллий мусиқа ҳам янграб туради, аттракцион ўйинлар ишлайди, машҳур шоирлар, хонандалар ҳамда созандаalar чиқиш қиладилар. Гулчиларнинг қўргазмалариям намойиш этилиб, мусобақа сўнгида бўлса ҳакамлар томонидан ҳолис баҳоланади. Байрам бозорлари ташкил этилади. Мазкур байрам аллақчон вилоятимиз, Фарғона водийси, ва ҳаттоки, бутун мамлакатимизнинг аҳолиси томонидан интиқиб кутиладиган байрамларнинг қаторига кириб улгурди.

Шу боисдан ҳам қўлингиздаги қўлланма муаллифларининг отаси ва бобоси Робиддин Исҳоқов томонидан бундан роппа-роса ярим аср муқаддам битилган гўзал Наманганга бағишланган «Гул шаҳри» сарлавҳали шеърни, кўзда меҳр, сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор, нақлигаям амал қилган ҳолда Сизнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

Гул тож кийиб

яшнаган шаҳар,

Кўзлари гул,
 япроқлари гул.
 Гул сайлида –
 яйраган шаҳар,
 Лаблари гул,
 дудоклари гул.
 Машраби гул,
 ғазаллари гул,
 Яширади ишқин
 ғунчага.
 Гулла шеърга
 битилган шаҳар,
 Ўхшар
 худди юзи кулчага.
 Сўзласа эл,
 бол томар тилдан,
 Забонидан
 тошади назм.
 Гул – ичида
 оқаради тонг,
 Тонг –
 гулларга этади таъзим...

Қадим-қадим замонлардан Фарғона вилоятидаги Дўсти Худо зиёратгоҳида эрта баҳорда аёллар иштирокида бошқа ҳудудларда ҳеч учрамайдиган арғувонгул ёки маҳаллий аҳолининг тилида гули армуғон деб аталувчи сайил ўтказилади. Баҳорнинг эртароқ ёхуд кечроқ келишига қараб март ёхуд апрель ойининг бошларида ушбу гулнинг пушти рангда очилиши маросимий равишда ҳам байрам қилинган. Қишлоқ аёллари томонидан айнан мазкур маросимга хос бўлган бир қатор таомлар тайёрланган. Дастлаб чалпак, ҳолвайтар, ундан кейин бўлса шўрва, палов пиширилган. Ушбу маросим учун тайёрланган таомлар асосан аёллар томонидан истеъмол қилинган. Ҳар бир таомни тановул қилиш чоғида эса отин аёллар томонидан Қуръон оятлари ҳам ўқилган. Шунингдек, айнан шу кунда барча

аёллар ўзаро давра бўлиб «зикри жаҳр» (суҳбат деб ҳам аталади) тушганлар. «Зикри жаҳр» ярим соат давомида айтилган. Шундан сўнг гули армуғон атрофида аёллар ўзларининг энг эзгу орзулари, ниятларини айтиб айланганлар. Маросимнинг сўнгида Дўсти Худо мозори зиёрат қилиниб, бу оламдан ўтиб кетган аجدодлар ҳамда Дўсти Худонинг руҳи, арвоҳига бағишлаб дуои фотиҳа ўқилган.

Улуғ аллома, буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ўрта асрлардаги халқона баҳорий байрамлар оддий халқнинг ҳаётида қандай даражада ўрин тутганлиги хусусида шундай ёзганди: «Ана шу ҳайитлар фақирлар ҳаётининг ниҳоятда танглигини кенгликка айлантирувчи, умидворларнинг барча орзуларини юзага чиқарувчи ҳамда ҳалокатга яқинлашганларни хатар ва балолардан қутқарувчи сабаблардан бири бўлганди»...

ИСТИБДОД – МУСТАМЛАКА ДАВРИДАГИ БАЙРАМЛАР

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия империяси Ўрта Осиёни замонавий, қудратли армиянинг кучи воситасида истило этиб, Ота юртимизни ўзининг чинакам мустамлакасига айлантирганлигини бугун мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Мустамлакачилар томонидан Туркистон ўлкасида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда мафкуравий сиёсат, турган гапки, ота-боболаримизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига таъсирини ўтказмай қолмаган.

Англия, Франция, Германия каби мустамлакачи давлатларнинг Осиё ва Африкадаги колонияларидаги бошқарув тажрибасини жиддий тарзда ўрганиб чиққан чор Россияси маъмурлари Туркистон ўлкасида ўзларига хос «Рустамлака» (Ибора бизники. – Б. И., Н. И.) тизимини ўрнатганлар. Натижада эса, Туркистон ўлкасига янгича бошқарув тизими билан бирга ўзга халқларнинг турли-туман байрамлари, маросимлари, урф-одатлари ҳам аста-секин кириб кела бошлаган.

Истибдод йилларида чор Россияси ҳокимияти – Туркистон генерал-губернаторидан тортиб то мингбоши ва қозиларгача – халқни миллий истиқлол йўлидаги озодлик ҳаракатларидан буткул чалғитиб юбориш, маҳаллий аҳолини итоатгўй, муте, лоқайд ҳолатда сақлаш, ва шу тарзда ўзининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олиш мақсадида анъанавий халқ байрамларининг ўтказилишига маълум бир даражада йўл, рухсат бериб туришга ҳам мажбур бўлган эдилар.

Қўқон хонлигининг ҳукмдори Худоёрхоннинг саройида бўлган рус элчисига тилмочлик қилган И. Иброҳимов 1872 йилда Қўқонда навбаҳорнинг бошида уюштирилган ғоят катта сайилнинг иккинчи кунини, ундаги намойишлар ҳақидаги ўта қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган эди: *«Узоқдан майдонга қараб бир неча гуруҳларга бўлинган санъаткорлар ҳам кириб келар эдилар. Олдинги қаторда бўлса бир саф бўлиб мусиқачи ва ашулачилар, сўнгра фонусчалар билан росаям безатилган қайиқларда саф-саф бўлишиб баччалар ўтадилар!.. Майдонда бўлса қизларнинг кийимидаги баччаларнинг гуруҳи ҳам пайдо бўлади. Улар ўз қўлларида каттакон машъалани кўтариб олишган... Сўнгра қизиқчилар гуруҳи кириб келади, бир тўда кишилар эса гуллар билан безатилган арча дарахтини анча баланд кўтариб борадилар. Уларнинг кетидан бир гуруҳ актёрлар хор айтишиб, афсонавий қаҳрамон Рустам ҳамда унинг хотини ҳайкали ўрнатилган каттакон ясама филни етаклаб келадилар. Рустам шоҳона ясанган, бошига бўлса узунгина қалпоқни кийиб олган. Қўлида таёқ, унга бўлса айланиб турувчи ер куррасининг тасвири ўрнатилган эди. Рустамнинг хотини бўлса тақинчоқлар билан росаям безаниб олган. Худди турк аёлларига ўхшаб кетади. Ҳар иккала қиёфа аста майдонга ўрнатилади ва улар гулхан ва машъала билан ёритилади»* (Ибрагимов И. Русское посольство в Коканде // Туркестанские ведомости. 1872. 24 апреля. № 16. Иқтибос манбаи: Муҳсин Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т.: «Фан» 1993., 85- бет).

Ушбу маълумотни муаррих Мулла Ниёз Муҳаммад ҳам тасдиқ этган. У Рустамнинг жонли одамдек атрофга қарашидан, пурвиқор қиёфасидан, ясама филнинг ҳар томонга юришидан лол қолганлиги хусусидаги маълумотни ҳам ёзиб қолдирган эди. Дарҳақиқат, ўша

намойишларда муайян тартиб ва маъно-мазмун барқарор бўлганди. Уларнинг таркибидаги баъзи кўринишлар бўлса зардуштийликдан ҳам анча илгари пайдо бўлган эътиқодлар ҳамда маросимларга ям хос. Чунончи, ҳайвонларга тақлид қилиш тотемистик қарашлардан, сарбозларнинг юриши, от ўйин эса жанговар қабилаларнинг ҳаёти тарзидан, дарахтни ясатиш ибтидоий ўсимликларга сажда қилиш одатидан қолган, бироқ замонлар ўтиши билан улар зардуштийлик билан боғлиқ маросимлар, томошаларнинг асосий таркибига аста-секинлик билан бўлса-да, кириб кетган эди.

Намойишларнинг таркибидаги кема ўйин бўлса асли Анахита байрамларида кўрсатилган. Эшони раис қиёфасида ўтувчи қизиқчи кўриниши бўлса XIX аср бошида Фарғона водийсида пайдо бўлиб, намойишларнинг таркибига ҳам киритилганди. Умуман, намойиш таркибидаги барча кўринишлар ўз ўрнига эга бўлиб, бир-бирини тўлдириб келган. Фақир бир кимса хоннинг қиёфасига кириб олиб тахтиравонда ўтирган. Бу қизиқчи одамларни ўзи истаган жойида жазолаш ҳуқуқига эга раис бўлиб олган, ўнлаб баччалар кемаларда қизларнинг либосини кийволиб, қўлларида машъалалар билан чарх уриб ўйнаб боргандилар. Қанчадан-қанча малакали ҳамда ҳаваскор масҳарабоз, қизиқчилар ва ҳунар аҳли ёғоч отларини гижинглатиб, ғилоф кийиб, юзларига турли ниқоб тортиб, қушлар ва ҳайвонлар, афсонавий тимсоллар қиёфасида қизил чакмонлар, совутни кийиб, олтин суви юритилган шамширларини ҳам ўйнатган ҳолда саф-саф бўлиб томошабинларнинг олдидан ўтганлар.

Ҳунарманд, косиб, деҳқон, хизматкорлар, санъат аҳли айна шу куни ўзини озод, эркин, барча билан тенг ҳис қилган. Байрамдаги кишилар эса реал ҳаётдаги воқеалар ва ижтимоий муносабатларни атайлабдан телба-тескари қилиб кўрсатиб ва масҳарали тасвирлаб қувнаган, яйраган, баҳонада дардлари чигилини ҳам ёйиб олган.

Чоризм давридаги намойишлар марказий тимсолиям ўзгарган – Сиёвуш Рустамга айланиб қолган, яъни ўрта асрларда адолатпеша, тинчлик ҳамда осойишталик тарафдори, адолат ва ҳақиқат учун ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик тура оладиган паҳлавон сифатида Рустамнинг обрў-эътибори ҳам аста-секин ошиб борган.

Намойишларда Рустам суратининг 5 – 6 газ қилиб ишланиши, унинг боши ва қўлларининг ҳаракатга келиши, суратни 4 – 5 киши кўтариб бориши ўша замонлардаги халқнинг мазкур қаҳрамонига нисбатан меҳр-муҳаббатининг ўзига хос далолатиямдир. Сиёвушга оид қўшиқлар, унинг эчки, буқалар, отлар суратидаги йўлдошлари тимсоллари ҳам тушиб қолган эди.

Аммо, Сиёвушнинг намойишдаги ўрни ва вазифалари бутунлай унутиб юборилган, деб бўлмайди. Турли намойишлардаги аждаҳо, бошқа махлуқлар, баҳайбат алплар, саф-саф бўлиб ўтган сарбозлар, ёғоч отни миниб олган чавандозлар аслида Сиёвушнинг жанглари манзараларидан кўчиб ўтган турли-туман элементлар – унсурлар ҳисобланади. Рустамнинг хотини деб белгиланган сурат ҳам аслида Анахита (ёки Нана)нинг тимсоли бўлиши керак.

Чунки, халқ афсоналарида ҳам, «Шоҳнома»да ҳам Рустамнинг хотини масаласи алоҳида ажратилган ҳолатда қайд этилмаган.

Шундай қилиб, бизлар билган Сиёвуш хотирасига бағишланган байрамларнинг иккинчи, ўта кулгили намойиш бўлагиям анчагина мазмунли ва мароқли ўтган. Унда юзлаб созанда, хонанда, масхара, найранбоз, муқаллид, раққос, дорбоз ҳамда бошқа томошасозлар; хунар аҳли; ниқоб, ғилоф, суратлар, (хайкал), курол-аслаҳа, қайиқ, ёғоч от, тахтиравонни ясовчи усталар, антиқа либослар, пойабзал, бош кийимлари, бошқа тарихий-афсонавий буюмларни ҳозирловчи усталар фаол равишда қатнашганлар. Намойишлар умумхалқнинг асосий тантанаси, аҳолининг улкан шодиёнасига айланиб кетган.

Қадимий Наврўз байрами Ўрта Осиё бўйлаб ўша замонлардаям саёҳат қилган тарихчилар, элшунослар ҳамда бошқа олимларда ҳам катта таассурот қолдирган. Зангиотада 1871 йил баҳорида жудаям кенг нишонланган Наврўз айёми хусусида 1870 – 1883 йилларда Тошкент шаҳрида яшаб, фаолият кўрсатган чех этнографи Август Эйхгорн ниҳоятда чуқур хаяжон, хайрат билан қуйидаги биз учун ҳам ғоятда муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганди: *«Осиёликлар нишонлаётган ушбу байрамдан олган таассуротим ҳам бир умрга ёдимда қолади. Бог сартлар билан тўлиб-тошиб кетган – ҳамма жойда одамлар ниҳоятда гавжум. Руслар байрамлари ҳеч бунчалик бўлмас! Ҳар томонда қозонлар ўрнатилган. Қозонлар росаям қайнаб,*

бузланиб ётибди: Боздаги ошпазлар худди машиналар ишлаётгандек бир пайтнинг ўзида турли-туман пишириқларни пиширмоқда!

Байрам боғининг ташқариси ва ичкарисидан гиламлар билан безатилган ҳамда чодирлар ўрнатилган. Уларга минглаб турфа хил чироқлар гўзал безак сингари илиб қўйилган. Кеч тушиши биланоқ чироқлар ёқиб қўйилди, шунда мен ўзимни хаёлий бир эртакнамо дунёга кириб қолгандек сездим! Маҳаллий рақслар, осиеча мусиқа ва қўшиқлар ижро этиши учун квадрат шаклидаги катта бир жойга гиламлар ҳам тўшаб қўйилган. Ажойиб кийимлар кийган уч раққос тайёрланиб турарди. Мусиқачилар бўлса икки қатор бўлволишиб, чордона қуриб ўтиришарди. Мингдан ортиқ хор иштирокчилари ҳам давра қуриб ўтиришарди; улар қарсак чалар ва мусиқага жўр бўлишарди. Мусиқа ҳамда қўшиқ ҳеч қандай ортиқча ҳаракатларсиз бир-биригаям мувофиқ равишда ижро этиларди. Оҳанг такрорлари бўлса шундай даражада мураккаб эдики, уларни сира ҳеч қандай қолипларга солиб бўлмас эди. Замонавий европача мусиқада бундай тактни топиш жудаям қийин. Такт ўзгариши билан рақс ҳам ўз йўналишини ўзгартирарди, яъни у бирданига авжланиб кетарди, бирдан хорга мос равишда осойиштагина бир оқим билан давом этарди... Қизлар кийимини кийиб олган ёш сарт аввалгилардан ҳам ўзгачароқ рақсни ижро этарди. У қўшиқ айтиб, бир ярим соат мобайнида рақс тушди. У ҳар сафар ҳам куйлаётган қўшигининг маълум бир қисмини тугатгач, чордона қуриб ўтирган хор қарсакни чалиб, қўшиқни давом эттираверарди. Барча жараёнга мусиқа жўр бўларди, раққос янада тезроқ айланар, лунжларини янада кучлироқ иштириб, росаям қизарганича рақсини тагин шиддат билан давом эттирарди.

Бирданига беҳад узун карнайлар чўзиб-чўзиб қаттиқ аюҳаннос сола бошлади. Бу даҳшатли суд (христиан оламида қиёмат қойим бўладиган кун шундай ном билан аталади – Б. И., Н. И.) пайтидаги «архангел» (фаришта) карнайларининг овозига ўхшаб кетди... Икки эркак тантанали равишда карнайларни ўта юқорига кўтарди, нозик ҳаракатлар билан гоҳ чапга, гоҳ ўннга қаратиб, жуда пуфлаб чала бошлади... Шу пайтда эса менинг қалбимда ҳам қувонч, ҳам қўрқув

ҳислари жуда уйқашиб кетди. Менинг бу пайтдаги ҳисларимни сўз билан сираям ифодалаб бўлмас эди...».

Л. С. Никитин Бухоро шахрида 1885 йилда бўлиб ўтган Наврўз айёми чоғидаги тунги намоёишни ниҳоятда ҳайрат билан кузатиб, қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган эди: *«Бутун бошли катта карнаваль намоёишини бир кўзингизнинг олдига келтириб кўрингчи. Узоқдан фақат чироқлар ҳамда машъалаларнинг тизими кўринади, холос. Мана, ниҳоят, қоронғуликдан аста-секин бутун атрофи қип-қизил матолар билан ўраб қўйилган, соябонли, ялтироқ ойначали фонуслар илланган чиройли бир кема чиқиб келади. Кемада бачча гўё ўтиргандай туюлади, лекин, аслида эса кема унинг белига маҳкам боғлаб қўйилган. Шунга ўхшаши кемалардан тўрттаси пайдо бўлиб, бизнинг шундоққина қошимизда оҳистагина бир-бирларининг ёнидан ўтиб кетиб, кўпинча бир жойда турган ҳолда, ўта тез айланишдан иборат аллақандай бир мўъжизавий ва афсонавий рақсни намоёиши қила бошлади.*

Ушбу байрамда Кема ўйин бўлиб турган экан, бу орада «фил», баҳайбат афсонавий «балиқ» ва бўйи нақ 3 сажень (1 сажень – 2 метр, 13 сантиметрга тенг ўлчов бирлигидир) келувчи, каллалари қозоғдан, ганч ва елим ёрдамида ясалган алплар, турли ниқобларни кийволган ва юзларини қоракуя билан росаям бўяб олган оломон ҳам аста-секин яқинлашиб кела бошлади... Сим гилдиракларга юпқа матоларни қоплаш орқали ҳосил қилинган иккита катта аждаҳо пайдо бўлади, ҳар иккала гилдиракда ҳам шам бўлиб, аждаҳо гўёки фонусдек ёнар, ҳар бир гилдиракка чўп ўрнатилган, уни эса миришаб тутиб борарди. Аждаҳолар бўлса ҳавода гўёки сузиб кетаётгандек туюлади. Жуда улкан ва тантанали бу намоёиши масхарабозларнинг белларига боғлаб қўйилган ёғоч отлар пойгаси билан якун топади. Ушбу «Чавандозлар» қўлларида найзалар ва орқаларида қалқонлар...» (Письма из Бухары // Туркестанские ведомости. 1885, 14 мая).

Россия империясидан Бухоро амирлигига элчи сифатида борган В. В. Крестовский баччалар билан боғлиқ махсус базмлар ҳақида қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган. Элчи иштирок этган ўша базмда бир нечта доирачи ва ноғорачилар, бешта бачча қатнашган. «Баччалар қўшиқ айтаётганида, масхарабозлар жудаям таъсирли ва

жўшқин ўринларда, томошабинларнинг асосий диққатини у ёки бу қўшиқчининг жамолига қаратиш учун ўз қўлларидаги чироқлари билан унинг юзини ёритардилар, худдики хитой ва япон театрлари сахналарида бўлганидек, ёки бўлмаса ниҳоятда жиддийлик билан қўшиқларнинг сўзларидан олган таассуротларини ўзларича ифода қилиш учун афт-башараларини кулгили тусга киритар эдилар...» (Крестовский В. В. У эмира Бухарского. Спб., 1887. с. 175).

Бу ўринда байтчининг энг асосий вазифасини масхарабознинг бажарганини, баччанинг ўзи бўлса фақатгина қўшиқ айтганиниям кўрамиз. Қўшиқлар ҳам севги-муҳаббат мавзусида бўлган, албатта. Шуни ҳам алоҳида қайд этишимиз даркорки, баччалар қўллари ва оёқларига кўнғироқчаларнинг (занг) шодасини ҳам тақиб олганлар, баъзида бўлса қайроқлар билан ўзларига мусиқавий усулни бериб турганлар.

Хўш, ўзи нимадан далолат беради бу ҳолатлар? Шу пайтларга қадарам таърифланиб келингани сингари, раққосларнинг шунчаки бир аёл қиёфасида чиқиб, аёллар рақсини тараннум қилиб, нуқул эркаклардан ташкил топган даврани қувонтиришими ёки бунинг тагида бошқа гап борми? Наҳотки, буларнинг ҳаммаси ўтмишдаги бузуклик, ғайритабиийлик нишонаси бўлса?

Бу базмдаги олов, машъала, раққосларнинг юзларини ёритувчи чироқ нимани билдиради? Раққос киму, байтчи ким? Бу раққосга бу қадар ҳурмат-эҳтиром, бу қадар хушомад қаердан пайдо бўлди? Наҳот бунга ўйинчи боланинг нозиклиги ва чиройли қизга ўхшаб кетиши, бунинг устига қиз қиёфасида ўйнаши сабаб бўлса?

Раққос нега бу қадар мағрур ва бу қадар ўта жиддий? Байтчи нега уни бунчалик ҳаддан ташқари, ошириб-тошириб мақтайди?

Аслида, баччаларнинг гулхан атрофида ўйнаши, бу байтчининг хатти-ҳаракатларида жуда катта маъно бўлиб, бу ўйин, бу образлар неча асрларнинг қаъридан бизга қадар етиб келган. Унда қадимги дунёқарашлар изларини ҳам кўрамиз. Меҳр, эътиқод билан ёқилган олов, машъала ва чироқлар – бу зардуштийликнинг жудаям муҳим унсурларидан бири бўлмиш қуёшга сиғиниш аломатларидан бошқа бирорта нарсаям эмас. Оловнинг атрофидаги одамларнинг умумий

хурсандчилиги, шодиёнаси, кексаларнинг оловни тавоф қилишлари ҳам шундан яққол гувоҳлик беради.

Жувонлар (ёки баччалар)нинг аёл қиёфасида чиқволиб, ўйнаб яратган образи Ардвисура – Анахитанинг XX асрнинг ўрталарига қадар етиб келган шаклидир. Раққосни таърифловчи байтчи ёхуд масхарабоз – бу бир пайтлар маросим ва байрамларни уюштирувчи муғ бўлишим мумкин. Бир замонлар ярим маросим, ярим томоша тусида бўлган бу воқелик бўлса хаёлан шундай шаклда тасаввур қилиниши ҳам мумкин:

Олов уйидаги хоналарнинг бирида нукул эркаклар ҳамда энди раста бўлган йигитлар тўпланганлар. Коҳин бўлса ўспиринлардан бирини Анахитанинг қиёфасида кийинтира бошлайди. Шу пайтда у Анахитанинг бир қатор фазилатларини роса мактаб таърифлайди. Олов уйида йиғилиб ўтирган бошқа кишилар ҳам унга ўзларининг муносабатларини билдириб турадилар.

Гоятда гўзал Анахита қиёфасига кирган жўрани алоҳида жойга ўтиргизадилар. Унинг бир қўлида жом, иккинчи қўлида эса анор бўлади. Кейин коҳин (муғ) жомларга шифобахш ўсимлик ва сутдан тайёрланган хаомадан қуйиб бера бошлайди. Ҳар ким навбат билан Анахитанинг шаънига алқов айтади. Кейин Анахита тимсолидаги йигит жўралар ташқарига, яъни олов гуриллаб ёниб турган жойга, чиқади. Ҳаммалари қўшиқлар айтиб, ўша оловнинг атрофида айланиб ўйнайдилар. Ўйинда ҳам коҳин етакчилик қилади, дамбадам қўлидаги машъла билан Анахитани ёритиб, уни росаям мадҳ этиб туради. Анахитанинг тимсоли, ижрочига муносабат, мадҳия, қўшиқ, ўйинлар, шароб ичиш – ҳаммаси жудаям жиддий равишда боради.

Замонлар ўтиши билан ушбу маросим ҳам унутилиб, фақатгина томоша қолган. Натижада, жўралар, базм аҳли Анахитани эмас, аёл қиёфасига атайлаб киритилган чиройли болани кўра бошлаганлар, иштирокчи-байтчининг ҳамду саноларини бўлса шунчаки ўйинчи, раққос ҳақидаги хушомадлардай қабул қилганлар. Аммо, шундаям барибир, зардуштийликнинг баъзи бир аломатлари, қуёшга, сувга ҳамда ҳосилдорлик маъбудаси Анахитага бўлган эътиқодларнинг излари ҳам сақланиб қолган.

Масаланинг ўта қизик жихати ҳам шундаки, Анахита тимсоли асрлар давомида фақатгина эркак жинсли ижрочилар томонидан гавдалантириб келинган. Бу тимсолнинг ривожига бир неча босқич кўзгаям ташланиб туради: дастлаб у соф диний маросим шаклида, сўнгра ярим маросим-ярим томоша шаклида, ва ниҳоят, томошалар шаклида кўрсатилган. Яъни илоҳий мавжудот сифатида тасаввур қилинган Анахита бора-бора жуда гўзал бир қизга, коҳин аввалида Сиёвушга, ундан кейин бўлса оддийгина байтчига ва масхарабозга айланиб кетган эди.

Қадим хоразмликлар ўша Анахитани Амударёни Араллар деб аталувчи ёвуз кучлардан асровчи илоҳий мавжудот сифатида жудаям қадрлаганлар ва эъзозлаганлар. Юқорида ҳам тилга олинган «Кема ўйин» худди шу тасаввурлар негизига майдонга келган томошалар таркибига киради. Юртимизнинг истилочиларидан бири бўлмиш бир рус офицерининг хотини – А. Копцева 1875 йилда мазкур ўйин хусусида жудаям қизик бир маълумотни ёзиб қолдирган: «Ғоятда гавжум сайил бўлди. Иккита хитойча қайиқларни ясашди, у қамиш соябонли бўлиб, атрофига бўлса қоғоз ёпиштиришди, қайиқ ичига фонуслар осишди, бир соябон тагига хитой аёли либосидаги эркак ўтирди, ниҳоят қайиқлар кенг майдон бўйлаб «суза» кетди. Воқеа кечаси ўтаётган эди. Шу боисдан жудаям чиройли манзара ҳосил бўлди... Кейин рақслар бошланиб кетди, ҳамма ўйинга тушди. Ким сакраган, ким кўшиқ айтган, ким афтини буриштирган, қайиқлар гўё сузгандай... Сўнгра девларнинг ниқобини кийиб олган бир неча кишилар пайдо бўлишди. Токи ярим тунгача шовқин-сурон, ўйин-кулги ҳамма ёқни қоплади».

Қайиқнинг, унда ўтирган «аёл»нинг Хитойга мутлақо алоқаси йўқ, албатта. Қайиқнинг ғайритабиийлиги, қайиқ ичидаги «хоним» ўша йилларда Хоразмда жуда расм бўлган либосда эмас, қандайдир нотаниш кийимда чиққанлиги рус аёлига хитойча туюлган бўлиши ҳам мумкин. Бундан қатъи назар, А. Копцева маълумоти бизлар учун ўта қимматли, негаки унга таянган ҳолда Хоразмда XIX аср интиҳосида Амударё билан боғлиқ томошалар кўрсатилганлигидан хабардор бўламиз. Қайиқларнинг сузиши, ғалати либосли «аёл» ва девларнинг ниқобидаги одамлар, мусиқа, ашула ҳамда ўйин-кулги

– буларнинг ҳаммаси муайян воқеа тасвирланганига ишора қилади. Томошанинг ярим тунгача давом этиши шундан гувоҳлик беради. Бинобарин, кемадаям соябон тагида ўтирган ўша аёл Анахитанинг тимсоли, девлар бўлса ниҳоятда ёвуз кучларнинг тасвиридир.

«Кема ўйин»и Фарғона водийсида ҳам ўта кенг тарқалганлиги хусусида етарли даражадаги тарихий ва этнографик маълумотлар мавжуд. Қўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг саройида бу ўйинни роса мириқиб томоша қилган М. Алибековнинг таърифи ҳам ниҳоятда қизиқарлидир: «Ракқос ва раққосалар «ўтирган» кемалар этаклари ерга тегиб турувчи рангдор газмоллар билан шу даражадаям ўраб олинганки, ўйинчиларнинг оёқлариям кўринмайди. Кемаларга эса байроқчаларни ва фонусчаларни осиб қўйилганди. Кема тумшуғига аждаҳонинг расми, унинг энг қуйи қисмида эса оёқларнинг андоми сурати ҳам чизилган бўлиб, гўё кемани худди шу оёқлар ҳаракатга келтираётгандай»...

Қадимги фарғоналик зардуштийларнинг назди ва тасаввурида Анахита Амударё эмас, балки Сирдарё маъбудаси ҳисобланган.

Этнограф Н. С. Ликошин бўлса 1902 йилда Хўжанд шаҳрида қози Сайид Аҳмадхон Бузрукхўжаев ўғлининг айнан Наврўз айёми пайтига жуда тўғри келиб қолган суннат тўйидаги ниҳоятда антика томошани ўз кўзлари билан кўриб, қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди: *«Кенг кўчада каттагина тўп келмоқда. Олдинда ниқоб кийган ўйинчилар. Уларнинг ортидан айиқнинг ниқобидаги бир киши ўйнаб келади. Унинг орқасидан ёғоч отни миниб олган кишилар от юриши қилиб, йўргалаб келаётир. Шундан сўнг кокил тақволган баччалар, ёғоч қиличлар билан қуролланган жангчилар аста ўтади. Уларнинг ҳаммаси қизил тўнлар кийишган, қизил саллани ўраволишган, улар орқасидан эса араб ҳикоясидаги Шаҳризоданинг кийимини кийган кишилар турли хил матолар билан безатилган нарсаларни кўтариб ўтадилар (Н. С. Ликошиннинг таърифидан яққол англашилиб ҳам турибдики, бу ерда гап «Кема ўйин» ҳақида бормоқда). Сўнгга бўлса бир қанча кишилар ўз елкаларида Рустамнинг забардаст суратини кўтариб ўтадилар. Бу сурат жуда ҳам яхши ишланган: қизил юз ва, қора соқол, кўринишидан сартга роса ўхшайди. Рустам олтинсимон рангли саллани ўраган, зангор бахмал тўнни кийган, заррин попуклик*

қилични тақиб олган...» (Кўчирма манбаи: Мухсин Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т.: «Фан». 1993, 86 – 88- бетлар).

1875 йили «Туркестанские ведомости» газетасида рус ваколати таркибида Бухоро амирлигига саёҳат қилган бир амалдор шундай деб ёзганди: «Кунларнинг бирида бизга марионеткалар (кўғирчоқ) театриниям намойиш қилишди. Айвон бурчагига одамлар, филлар, отлар, шерлар ва шу кабиларнинг тасвирлари туширилган парда осилган. Бизга айнан мана шу тасвирлардаги кўғирчоқлар сахнада кўрсатилади, деб тушунтиришди. Томошани хон саройида хизмат қилган 75 яшар бир чол намойиш қилди... Томоша бизга буткул ёт тилда бўлгани учун унинг мазмунини унча яхши тушунолмадик. Сахнага қандайдир сарбозлар ҳамда юзбоши чиқиб келди. Сўнгра филни минволган шоҳ пайдо бўлди. Уларнинг қаршисида аёллар ниҳоятда чиройли рақсга тушдилар. Раққосалардан бирини севиб қолган иккита эркак ўзаро муштлашиб бир-бирини ўлдириб қўйди.

Бир сарбоз чиқиб келиб, ўликлар атрофидан чопиб айланди-да, сўнгра ўлганлардан бирининг ҳар доим кийим билан бекитиб юриладиган жойидан роса маҳкам ушлаб олиб, парданинг орқаси томонга қараб судради. Шундай бир вазиятда томошабинларнинг завқ-шавқи бениҳоя чексиз, кўтаринки бўлганлигини айтмайсизми. Томоша сўнггида сахнага кичикроқ бир тўп олиб чиқишди, ундан отилган ўқ сахнани ёритиб турган барча шамларни ўчириб қўйди ва шундай қилиб, томоша ҳам тугади»...

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Тошкент яқинида Зангиота, Тўйтепа сайилгоҳларида уюштирилган Наврўз байрамларида генерал-губернатор фон Кауфманнинг шахсан ўзиям қатнашганди. У гиламлар тўшалган тўртбурчакли майдоннинг сахнасида кўзни камаштирувчи зарҳал миллий кийимларни кийиб, ўз юксак санъатини намоён этган уч нафар раққосга шахсан ўз қўли билан совғалар улашган.

Мустамлакачилар бу каби ҳаракатлари орқалиям маҳаллий халқ орасида ўз обрўсини оширишга интилан. Бироқ, бундай анжуманларда миллий мустақиллик, хуррият, эркинлик тўғрисида ҳам турли-туман гап-сўзлар бўлиб турганлиги сабабли кейинчалик истилочилар халқона байрамлар – сайиллар ўтказилишини ҳам тақиқлаб қўйганлар. Ҳатто, дорбозлар ҳам дор тикиб, ўзининг эл-юртига томоша, ўйин кўрсатиш

учун миршаблардан махсус рухсатни оладиган бўлиб қолган эди. Бунга бўлса Россия империяси истилоси арафасидаги тарихий воқеалар тасвирланган «Ўтган кунлар», мустамлакачилик даври ҳамда Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетган давр ҳақида ҳикоя қилувчи «Шум бола» бадиий фильмлари томошаси чоғида ўзингиз ҳам яққол амин бўлгансиз.

XX асрда ўзбек байрамлари ўта мураккаб бир даврни ўз бошидан кечирган. Бу аср бошида янги ғоялар тантанаси учун кураш ниҳоятда кучайганди. XIX аср охирларидан бошланган ғоявий-сиёсий кураш XX аср бошидаям янада авжига чиққан. Бу жараёнда турли сиёсий оқимлар ҳам вужудга келганди. Миллий маданият, чунончи, урф-одатлар ҳамда ва байрамларнинг мазмун-моҳиятини «қайтадан англаш» ва уларни янги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиш ғояси маҳаллий аҳолининг ўта илғор фикрли зиёлилари, жафокаш жадид боболаримиз томонидан ҳам тўла-тўқис қўллаб-қувватланганди.

Дин арбоблари ислом динининг анъаналари ва қадриятларини ўзга маданиятларнинг салбий таъсирларидан сақлаб қолиш мақсадида Европа маданиятига, ҳозирги даврда эса ўзини яққол намоён этиб, дунё миқёсида башарият онги ва қалби устидан ҳукмронлик қилишга аста интила бошлаган «оммавий маданият», «бемаза маданият», «оломон маданияти», «бозор маданияти»нинг айрим намуналарига қарши бош кўтарганлар. Уларнинг тарафдорлари ҳам соф исломий урф-одатларни сақлаб қолиш, янги анъаналарни бўлса ижобийми, салбийми, бундан қатъи назар, маҳаллий халқ ҳаётига сира ҳам яқинлаштирмасликка бетиним равишда ҳаракат қилган эдилар.

Нигилистик (инкор этувчи) кайфиятдаги большевик истилочилар XX асрнинг 20- йилларида ўзига хос «пролеткульт» оқимига бирлашиб, миллий маданиятларни таг-томири билан кўпориб ташлаб, мутлақо янги коммунистик маданиятни барпо этиш ғоясини илгари сургандилар.

Социал-демократик йўналишдаги сиёсий партиялар ўзларини халқ анъаналарининг ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш тарафдори қилиб кўрсатсалар-да, аслида янги пролетар маданиятни ҳаётга жорий этиш учун жон-жаҳдлари билан тинимсиз тарзда курашганлар.

Бундай маданиятларнинг аёвсиз курашлари оқибатида, Россияда – метрополиянинг ҳудудида ўтказилаётган турли-туман сиёсий чора-

тадбирларнинг айрим шакллари Ўрта Осиёнинг шаҳарларига ҳам аста-секинлик билан кириб кела бошлаган эди.

Социал-демократик партия томонидан 1904 йил Тошкентда илж бора «Маёвка» (баҳорги дала сайили) уюштирилган эди.

Маҳаллий зиёлилар ичидан етишиб чиққан маърифатпарварлар – жадидлар, яъни янгиликларнинг тарафдорлари бўлса эски, қотиб қолган ўқитиш усуллариниям ислоҳ қилиш, маҳаллий халқ турмуш тарзига замонанинг илғор янгиликларини олиб киришга ҳаракат қилганлар. *Жадидлар* деб ном олган миллий маърифатпарвар зиёлилар мавжуд одатларни қайтадан идрок қилиш, ундаги энг яхши анъаналарни, кадриятларни ривожлантириш, замон талабига жавоб бермайдиган, эскириб қолган расм-русумларни тўла-тўқис бекор қилиш ҳамда даврнинг ниҳоятда илғор янгиликларини ўзбек халқининг ҳаётига жорий этишга тинимсиз тарзда интилганлар.

Бу сиёсий оқимларнинг ҳар бири келажакда халқнинг ҳаёти, сиёсати, иқтисоди, маданияти, шу жумладан, урф-одатлари ҳамда байрамлари қандай бўлишини олдиндан белгилашга уринганлар. Бироқ, минглаб йиллик тарихга эга бўлган буюк халқнинг ҳаёти, маданияти ва байрамларининг тақдирини бирор-бир ғоявий-сиёсий оқим вакиллариининг хоҳиш-истагига кўра асло ҳал қилиб бўлмас эди. Чунки, миллий байрамлар ва маросимлар, энг аввало, жамият тараққиётига, халқнинг эҳтиёжи, манфаатларига боғлиқ энг юксак маънавий-маърифий ҳодиса ҳисобланади.

Миллий маданият равнақини белгилашда жадидлар ўта муҳим ўрин тутган эдилар. Фурқат, Бехбудий, Мунаввар қори, Сўфизода, Ибрат, Тавалло, Ҳамза, Авлоний, Чўлпон, Фитрат сингари бениҳоя илғор маърифатпарвар зиёлилар ўз халқимизнинг мавжуд турмуш тарзиниям бироз бўлса-да ўзгартириш, унга замона янгиликларини ҳам олиб кириш ва мактаб, маориф, матбаа, театрлар ташкил этиш масаласига халқнинг диққат-эътиборини ошириш мақсадида фаол равишда курашганлар.

Жумладан, улар миллий газеталарда ўзларининг миллий одат, анъана, маросимлар ва байрамлар ҳақидаги қарашларини бетўхтов тарзда тарғиб-ташвиқ қила бошлаганлар. Масалан, Исҳоқхон Ибрат: «...Ҳали ҳам бизлар ўз динимизга ҳаракат қилмай, ақча топсак, хою-

ҳавас, овлоқ тўйларга ўн минг сўм беҳуда исроф қиламиз», – деб маҳаллий аҳоли дунёқарашидаги иллатларни кескин қоралаганди. Исрофгарчилик ниҳоятда катта кулфатларга сабаб бўлаётганини таъкидлаган Исҳоқхон Ибрат кишиларни ўзининг ортиқча пулини беҳуда ҳою-ҳавасларга сарфламай, ўғил-қизларини замона зайлига мувофиқ тарзда ўқитиш учун харжлашга, фойда, наф келтирадиган қилиб ишлатишга чақирган эди.

Чўлпон эса «Садои Фарғона» газетасида: «... илгари вақтларда бундоқ беҳуда исрофлик тўйлар ҳам бўлмас...»лигини таъкидлаган ҳолда йиғилган бойлик, бисотларни миллат равнақи йўлида сарфлаш мақсадга жудаям мувофиқлиги хусусидаги фикрини баён этганди.

«Нажот» газетасида эса Туркистон мусулмонлари съездининг қарори асосида «Шўрои Исломия» ташкилотининг ўта катта маблағ сарфлаб, исрофгарчилик билан ўтказилаётган тўй ва маъракаларни тартибга солиш тўғрисидаги қарори эълон қилинган.

Унда бугунги давр учун ҳам ғоятда муҳим аҳамиятга молик бунёдкор ғоялар илгари сурилган эди:

Биринчи: жаноза куни имом ва уламоларга йиртиш, чопонлар улашмоқ, қариндош-уруғларга бўлса қора кийимлардек нимарсалар бермоқ, ювғувчи ва отунларга ижро хизматларидан зиёда ҳар хил кийимлар бермоқ, отунлар келуб (баланд) товуш чиқаруб ўқумоқ, садр қилмоқ, хотунларга улашуладурғон етти гул, қовоқ оши, қор ёвди, лайлак келди, қовун-узум, йигирма, қирк, ҳайит, фотиҳа ва йил ошидек халққа ош бериладурғон исрофлар, қозоқлар орасидаги йил оши, пойкорлар (солиқ йиғувчи, ходим, хизматкорлар) ва аҳли касабалар тарафидин арвоҳ пири бирлан бериладурғон ош ҳамда зиёфатлар йўқ қилинди ва булар жаноза куни давлатлик кишилар (бойлар) уламо ва имомларга пул билан ҳайрат (ҳайрон қолдириш) қилмоқлари ҳам. Мазкур маърака кунларида маҳаллалардин уч-тўрт кишини чақируб, хатми Қуръон қилдурмоқлари мумкиндур.

Иккинчи: қиз тўйларидаги совчигарчилик, фатир, кичик тўй, қозон қайтариш, катта тўй, базм исрофлари ва юз кўрар ҳайитларда молни ёйиб келинни кўрмоқ, қиз оши бермоқ ва никоҳ кунларида турли илончилар ўйнатмоқ, ёр-ёр айтмоқ, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмоқ, тўққиз-тўққиз, сандуқларда чируб

кетадургон гулли кўрфа (кўрпа) ва фок (пок) кўрпалардек фойдасиз моллар, кўчалардин сиёча кўтариб ёки ароба ва тўйларга ғалла ва бошқа хил нарсалар ортуб, тўй юбормоқ, қиз олардаги қалин олмоқ ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъатлар билкуллия мамнуъ (маън этилган)дир. Булар ўрнига келин ва куёв тарафлари кийим ва зарур уй асбоблари тўғрисида пул ила битишсунлар, ҳамда никоҳ кунида куёв ўзининг ошнолари ва маҳалла кишилари бирлан бекарнай, фақат сурнай бирлан боруб, никоҳ қилурлар ҳамда келин тараф ўз қариндошлари бирлан келинни олиб борурлар.

Фақат куёв билан бирга борадургон кишиларнинг йигирма – қирқ кишидан ошмаслиги ва келин билан борадургон хотунлар ўн-йигирмадан ошмаслиги лозимдур. Чорлари ҳам бир мартаба бўлиб, куёв ила бирга борадургон кишилардин келин билан борадургон хотунлар ҳам ўн кишидан ортиқ бўлмасун. Чорларида таом фақат емоқ учунгина бўлиб, тугуб олуб кетмоқлари ва яна бешик тўйи, чиллагаразонлар бутунлай йўқолуб битсунлар.

Учинчи: ўғил тўйида атроф маҳаллалардан одамлар чақириб, ош бермоқ, улоқ бермоқ, хотун ошини бермоқ, хатна қилинадургон болаларга... кўчаба кўча саргардон қилуб оқчалар йиғмоқ, шуларга ўхшаган исрофлар билкуллия мамнуъ (маън этилган)дир. Фақат давлатлик кишилар уламолар ва имомларни чақируб, кичикроқ бир мавлуд (туғилиш) мажлиси ясаб ва фақир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишинигина чақириб, ўғилларини хатна қилдирурлар.

Мавлуд мажлисини ҳам кўп катта қилиб юбормасдан, мумкин қадар иқтисодни риоя қилсалар (тежаб-тергаб сарф қилсалар), ҳам тўйга атаган пул ва ғаллаларини маҳаллаларидаги оч ва яланғоч, беуй ҳамда бечораларга, мактаб, мадраса ва жамияти хайрияларга берсалар.

XX аср бошидаги турли байрамлар ҳақида сўз борганда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг бевосита шахсий ва оилавий ҳаётига доир маълумотларни ёдга олиб ўтирмай, унинг байрамларни ташкиллаш борадаги фаолиятига алоҳида диққат-эътибор қаратмоғимиз лозим. Байрамлар масаласига Ҳамзанинг турлича жанрлардаги асарларида анча кенг ўрин ажратилган эди. Унинг «Рамазон» шеъри, «Қурбон байрами куни» мақоласи, «Бугун – 8 март» пьесасида бевосита тўй-

томошалар ва маросимларга муносабат билдирилган. Шунингдек, унинг амалий фаолиятида ҳам байрамларни уюштириш масаласи ғоятда муҳим ўринни эгаллаган эди. Ҳамзанинг байрамларга доир фаолиятида тўрт йўналиш мавжудлиги кўзга яққол ташланади.

Ҳамза, аввало, фаол жамоатчи арбоб сифатида жамиятнинг тараққиётига ғов бўлаётган эскиликнинг турли сарқитларига қарши аёвсиз кураш олиб борган. Унинг 1914 йил ёзилган шеърларида ва «Қурбон байрами куни» мақоласида диний байрамлар бойлар ва дин пешволари учун бойлик орттириш, камбағаллар учун эса янада қашшоқлашиш куни бўлаётгани аччиқ ташвиш ҳамда алам билан таъкидланган.

Ҳамза кишиларнинг дунёқарашида қолоқлик ва жаҳолат янада кучайиб кетганидан қаттиқ афсусланиб қуйидагиларни ёзган эди: «... боғларга чиқволиб қарта ўйнамоқ, гўдак (болалар)имиз тухум, пилдироқ ўйнамоқ, уламо ва ағниё ва косибларимиз бари (фақатгина) қорин тўйдирмоқ, бировларни надомат ва ғийбат қилмоқ, хуллас, сар фиску (бузуқлик, ахлоқсизлик) номашруъ ишларга саргардон (эс-хушини йўқотганлик, паришонлик) ҳамда оғушталиклар (аралашган, буланганлик)дан иборатдир».

Иккинчидан, Ҳамза халқимизнинг яхши, ижобий анъаналарни янада ривожлантириш, байрам кунларини эса қуйидаги шаклларда ўтказишга чақирган эди: «... байрам қилув, бир-бириникига меҳмон бўлиб бормоқ, меҳмонхоналарда, дарсхоналарда беш-ўн кишилашиб мажлислар қилмоқ, ... уламолар авомга, ағниё фуқароларга ёрдам қилмоқ... мактаблар очмоқ, кўҳна мадрасаларни (тезроқ) тузатмоқ, кўр, шол ёхуд кар ва заифлик мажбурияти ила жуда ожиз қолган тул хотин, бева, бечора, етимларни тарбия қилмоқнинг тўғри йўлларини изламоқ, хусусан, ўқув усулларини бўлса замонга мувофиқ таҳсил қилмоқ... мамлакатимиздаги (турли-туман) камчиликларни ўзаро фикрлашмоқ, сўнг ўн минглаб халқимизни ўз бағрига тўплаб турган жомеларимиздаги ваъзларимиз (тарғибот ҳамда ташвиқот) орқали юқоридаги заруриятдан халқимизни доим огоҳ қилмоқ... энг муҳим (инсоний) бурчимиздир».

Ҳамза миллий халқ байрамларини жудаям эъзозлаган. Уларни ташкил қилишда (жумладан, Хоразмда «Қовун сайли», Наманганда

«Гул байрами», кўпгина жойларда эса «Наврўз байрами») ниҳоятда фаол равишда иштирок этганди.

Учинчидан, Ҳамза бутун Ўзбекистон ҳудудидаги байрамларни уюштирувчи – ташаббускорлардан бири бўлганди. Театр труппаси бўлса ўзининг фаолиятини айнан Наврўз байрам кунида бошлаган.

Ҳамзанинг ижтимоий-сиёсий фаолиятидаям хотин-қизларнинг озодлиги, ҳурлиги, эркинлиги масаласи алоҳида ўрин эгаллаганди. У айнан хотин-қизлар кунида «Оилавий кечалар»ни ташкил қилган, суҳбатлар ўтказган, аёллар иштирокида турли-туман концертларни қўйганди. Айнан шундай тадбирлар учун «Масъул ходим», «Бугун – 8 Март» каби пьесаларни ҳам ёзган эди.

Тўртинчидан, Ҳамза ижодкор сифатида ўша даврларда муҳим ўрин тутиши лозим бўлган янги байрамларни уюштиришга ҳаракат қилган.

1911 йилда Тошкент зиёлилари биринчи бор «Шарқ кечалари» тадбирини ўтказгандилар. Ушбу тадбир Шарқ мамлакатларида ҳам жудаям катта шуҳрат қозонганди. Ҳамза «Шарқ кечалари»ни халқ сайиллари, оммавий инсценировкалар, концерт ва агитспектакллар билан бойитилиши ва унинг оммавий театрлаштирилган байрамга айлантириб юборилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган эди.

Ҳамза «Шарқ кечалари»ни 1919 йилнинг апрелида Тошкентда ўлка сайёр драма труппасининг гастроли вақтида «Турон» театрида ташкил қилган. Кеча дастури 5 қисмдан иборат бўлиб, ундан турли шарқ миллий куйлари, қўшиқлари, «Ишчи», «Қармоқ» ва «Кайф учди» сингари кичик инсценировкалар жой олганди. Уларда Ҳамза турмушда учрайдиган турли-туман салбий ҳодисаларни юмор ва сатира орқали ўта кулгили тарзда гавдалантирган. Қиморбоз, банги каби салбий «тип»ларнинг хатти-ҳаракатини реал ҳаётий воқеалар орқали намоиш этган. Кеча бошланишидан анча олдинроқ Ҳамза қиморбоз ҳамда банги қиёфасидаги актёрларни сайил майдонининг олдиндан белгилаб қўйилган бирор жойига ўтқазиб қўяр, улар эса ўзларининг «касб-хунарлари»ини элига намоиш қилишни бошлаб юборар эдилар. Воқеалар росаям қизиган пайтда бўлса Ҳамзанинг ўзи ҳам сахнага чиқиб келиб, йиғилган халқнинг олдида жамиятни юксак тараққиётга даъват этувчи оташин нутқларини сўзлар эди.

У «Шарқ кечалари»га атаб «Қузғунлар» асарини ёзганди. Асар мазмуни агитсуд йўналишида бўлса-да, унда судья, айбловчи ҳамда ҳимоячининг ўзиям йўқ. Намойиш этилаётган воқеалар тўғрисида ҳукм чиқариш масаласи бўлса томошабинларнинг ўзларига ҳавола қилинган. Инсценировкада эса тўрт ижобий вакил: Ишчи, Дехқон, Ҳунарманд, Қоровул ҳамда айнан ўша «Қузғунлар» (хон, мурид, қўрбоши, мингбоши, аскар, жаллод, миршаб, қаландар, фолбин, кинначи, гўрков, ўғри, судхўр, қўшмачи ва ҳоказо – жами 45та) қатнашганлар. Инсценировка 16 эпизоддан иборат бўлиб, ҳар бир эпизодда барча қатнашчилар ҳам бир мартадан сахнага чиққанлар. Воқеаларнинг намоёниши жараёнида ушбу «қузғунлар»нинг салбий жиҳатлари янгидан очилган. Ҳамза «Шарқ кечалари»ни Тошкент, Андижон, Бухоро, Хоразмда катта байрам сифатида уюштирган.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг истилочилар ўз сиёсати билан бирга, бу ерга маҳаллий халқлар турмуш тарзига унчалик даражадаям мос келмайдиган ўз маданиятини ҳам олиб киришга уринганлар.

Халқ онгги ва қалбидан 3500 йиллик давлатчилик ҳамда халқ байрамлари, маданияти, урф-одатларини секин-аста сиқиб чиқариб ташлашга интиланган эдилар. Чунки, бирор-бир халқни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун қирғинбарот урушни қилиб ўтирмасдан, унинг маданиятини, тилини, урф-одат, анъана, қадриятлари астагина йўқ қилинса, бу этнос ўз-ўзидан истилочиларга бўйсунди, ўз йўлини йўқотиб, фақат ўзгаларнинг ортидан эргашиб юрадиган оломонга айланиб қолади. Буни бемалол исботлаб берувчи ўнлаб далилларни эса ўзингиз ҳам керагича келтира оласиз.

Лекин, буюк халқимиз истилочиларнинг манфур орзуларига қарамасдан, ўзининг ҳар бири минглаб йиллик тарихга эга бўлган турли байрамлари, урф-одатлари, миллий қадриятларидан сира ҳам воз кечмаганди. Яширинча бўлса-да, ўзининг миллий байрамларни нишонлайверди. Ўзлигидан ҳам мутлақо кечмади. Ҳамиша эркка, озодликка, ҳурликка, миллий истиқлолга интилиб яшайверди.

Хуллас, ўзбек халқ анъанавий байрамлари бу даврда маълум даражада трансформация (ўзгариш)га учраган эди. Ўлка аҳолисини ҳар томонлама қулликнинг исканжасида тутиб туришни хоҳлаган

мустабид тузум тарафдорлари маҳаллий аҳолининг маънавиятини йўқотишга тинимсиз равишда уринганлар. Натижада, гарчи буткул йўқотишга муваффақ бўлинмаса-да, анъанавий ва чинакам халқона байрамларнинг мазмун-моҳияти, тарбиявий хусусиятларига ғоятда катта зарар, зиён етказишга муваффақ бўлинган эди.

1917 йил февралида бошқа партиялар билан ҳамкорликда Россия императори Николай II ни, октябрда оломон кучига таяниб Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаган коммунистлар аввал Петроградда, сўнгра Туркистонда ҳам сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олгач, маҳаллий аҳолини ўз томонига оғдириш мақсадида сиёсий, диний эътиқод эркинлиги ва миллий анъаналарни ривожлантириш, тараққий эттириши ҳақида жуда катта, қоп-қоп ваъдаларни бергандилар.

Жумладан, уларнинг дастлабки расмий ҳужжатларидан бири – «Россия ҳамда Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» номли (1917 йил 20 ноябридаги) мурожаатидаям шундай дейилади: «Бундан буён сизларнинг эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз озод ҳамда дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни эркин, монесиз тарзда қуриш. Бунинг учун ҳуқуқларингиз бор». Большевиклар ҳатто, миллий эътиқод ва анъаналарни ҳимоя қилиш кафолатини ҳам бергандилар: «Билингки, сизларнинг ҳуқуқларингизни, Россиядаги барча халқлар ҳуқуқлари каби, инқилоб ва унинг органлари, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советлари бор кучи билан муҳофаза қилади».

Бирок, Шўро давлати ҳукмдорлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавқеини тўлароқ мустаҳкамлаб олганидан кейин барча ваъдаларини ҳам, табиий равишда, бутунлай унутиб юборган эдилар. Ақсинча, улар томонидан берилган ваъдаларга тамомила тескари бўлган атеистик, экстремистик, террористик фаолият юритила бошланганлигини эса ўзингиз ҳам мактабдаги тарих дарсликларидан жудаям яхши биласиз. Жумладан, ўша пайтларда бизларнинг барча миллий байрамларимиз тақиқлаб қўйилган эди. Айёмларимизнинг бирортасиям шўроларнинг давлати байрами тизимига, тақвимига киритилмаганди.

Улуғ ўзбек халқининг минглаб йиллар давомида мавжуд бўлган миллий анъанавий байрамлари ўрнига шўроча байрамларни жорий қилишга ниҳоятда фаол киришилганди. Масалан, Октябрь тўнтаруви

нишонладиган инқилоб куни (7 – 8 ноябрь), АҚШдаги Чикаго фожиаси муносабати билан пролетариат курашини нишонловчи кун (1 май), хотин-қизларни сиёсий-ижтимоий фаолиikka чорловчи кун (8 март) каби ўзларининг ижтимоий-сиёсий манфаатига хизмат қилувчи турли-туман тарихий воқеаларнинг гўёки байрам сифатида нишонлаш анъанаси жорий этилганди.

Ушбу байрамлар орқали большевиклар ўзларининг коммунистик идеологиясини бетўхтов агитация-пропаганда қилишни кучайтирган. Шўроларнинг сўзи билан ишлари бир-бирига сира мувофиқ эмаслигини аста-секин англаб етган халқимиз уларнинг тадбирларига бефарқ қарай бошлаган. Шундан кейин эса улар аҳолини коммунистик тадбирларга жалб этишнинг антиқа йўлларини қўллашга киришганлар. Жумладан, одамлар қизил клубларга ошга таклиф қилинган. Омма ошни тановул қилаётган вақтда эса халққа янги большевистик тузум афзалликларини гўёки намоиш этувчи коммунистик агитация характеридаги турли томошаларни кўрсатилган. Бундай томошалардан асосий мақсад, турган гап-ки, одамларни гўёки тез орада ишчи ва деҳқонлар томонидан барпо этилажак коммунистик тузум, шўроларнинг большевистик идеологияси тантанасига ишонтириш бўлган.

Шўролар омма онгига таъсир қилиш мақсадида янада қизиқарли, тағинам таъсирчан шаклларни излаб топишга бетиним интилганлар. Жумладан, оммавий инсценировка, митинг – концерт, агитсуд, жонли газеталар ва театрлашган намоиш кабилардан жудаям кенг миқёсда унумли фойдаланилган эди.

XX аср 20- йилларида коммунистлар томонидан очик майдонда ўтказиладиган байрамлар ҳам кўпинча митинг – концертлар шаклида ташкил қилинганди. Ушбу усул ўша даврдаги тарғибот-ташвиқотнинг оммавий турларидан бири ҳисобланиб, унинг бадиий-образли сюжети нотиклар (воизлар, лекторлар) нутқи ва унга илова шаклида қўшиқлар, шеър, драматик лавҳалар ҳамда ҳоказолар билан янада кучайтирилган.

Бу даврларда катта очик майдонларда ўтказилган байрамларнинг тағин бир анча йирик тури – театрлаштирилган карнавал (маскарад кийимларида, турлича томошалар, ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган оммавий сайил) намоишларидир. Улар асосан диний байрамлар куни (ҳайит)да динга қарши атеистик тарғибот воситаси сифатида ташкил

этилган. Бундай янгича шакллар қизиқарли, томошага бой ва таъсирчан бўлган эди. Уларни деярли бутун шаҳарнинг аҳолиси бениҳоя катта қизиқиш билан мириқиб томоша қилган.

Эрта тонгда бошланиб, ярим тунда тугайдиган театрлаштирилган байрам – томошалар қуйидаги композицион қисмлардан иборат эди:

1. Муқаддима: шаҳарнинг ҳамма туманида ўтказиладиган митинг ҳамда митинг-концертлар.

2. Воқеаларнинг ривож: шаҳарнинг қоқ маркази томонга қараб йўл олган бир неча карнаваллаштирилган намоёиш.

3. Воқеалар авжи: шаҳарнинг марказий майдонида ташкил этилган театрлаштирилган агитсуд.

4. Хотима: шаҳарнинг марказида халқ сайиллари, ўйинлари ҳамда майдонларда концертлар ва спектакллар намоёиш қилинган.

XX аср 20- йилларида Шўролар ўзларининг барча тадбирларини байрамона равишда ўта катта тантаналар билан ташкил этишга ҳаракат қилганлар. Улар бу тадбирлар орқали ўзларининг ҳаёлий коммунистик ғояларини аҳолининг, айниқса ёшларнинг онги ҳамда қалбига турлича текин томошаларнинг воситасида сингдиришни асосий мақсад қилиб қўйган эдилар.

Россияда 1917 йилдаги Октябрь тўнтарувидан кейин Шўролар томонидан, юқорида ҳам таъкидланганидек, ўз мақсадларига хизмат қилувчи, бутун йил мобайнида ўтказиладиган байрамлар тизимини яратилган эди. Улар: Янги йил байрами (1 январь), Хотин-қизлар байрами (8 март), Чикаго фожиаси муносабати билан пролетариат курашини кенг нишонловчи кун (1 май), Иккинчи жаҳон урушида фашизмнинг устидан қозонилган улуғ ғалаба куни (9 май), Октябрь тўнтариши тантанасига бағишланган Инқилоб куни (7 – 8 ноябрь). Бундай ижтимоий-инқилобий байрамлар Совет давлатининг барча ҳудудларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ўта тантанали равишда, ниҳоятда кўтаринки руҳида нишонланиши шарт бўлган.

Шўроларнинг асосий байрамлари иккита (1 май ва инқилоб куни) эди. 1 май байрамининг тарихи АҚШнинг Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган пролетариатнинг намоёишидан бошланган. Бу сиёсий тадбир шўро сиёсатдонларига сиёсий жиҳатдан анчагина саводсиз бўлган ишчи-деҳқонларни хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларга

қарши ўта қонли курашга даъват қилиш мақсади нуқтаи назаридан жуда зарур бўлган. Россия империясида бу тадбир 1890 йиллардан нишонлана бошлаган эди. Ўлкамизнинг катта шаҳарларида 1 май байрами 1905 йилдан бошлаб ўтказилган эди. Уни нишонлашнинг, энг аввало, Ота маконимизга кўчириб келинган ёхуд маълум бир сиёсий (янада аниқроғи жиноий) сабабларга кўра ўзи келиб қолган рус инқилобчилари бошлаб бергандилар.

Бу байрам Туркистондаги мавжуд ижтимоий-сиёсий аҳволдан келиб чиқиб: иш ташлаш, намойиш ва митинглар каби шаклларда ўтказилган. Ички ишлар вазирлигининг таркибидаги полиция эса, турган гап-ки, ўша даврдаги тартибларига биноан, қонуний асосда инқилобчиларни (аслида бузғунчи, экстремистлар, террорчиларни) таъқиб қилишни кучайтирган пайтида, 1 майни нишонлаш яширин равишда, шаҳарнинг чеккасида маёвклар шаклида уюштирилган. Биринчи майни нишонлаш қандай шаклда ўтказилишиданам қатъи назар, у оммавий инқилобий ҳаракатларнинг ўсишига ҳам анчагина жиддий таъсирни кўрсатган эди. Ушбу ҳаракат инқилобий-сиёсий, революцион тўнтаришни амалга оширишнинг жуда муҳим, кучли омилларидан бири бўлган эди.

1 май байрами 1917 йил Октябрдаги давлат тўнтариши амалга оширилганидан кейин Шўролар ҳокимиятининг ички ҳамда ташқи душманларига қарши кураш, маданий инқилобни амалга ошириш, социализм системасини барпо этиш сингари шиорларининг остида уюштирилганлигини эса кекса ёшдаги кишилар, нуронийларнинг ўзлари ўз кўзлари билан жудаям кўп бора кўрганлар.

Шўролар мамлакатада байрам икки кун давомида намойиш, сайил, тантана ва томошалар шаклида ўтказилар эди. Корхоналар, муассаса, ташкилотлар ҳамда ўқув юртларида байрам арафасида тантанали мажлис ва тематик концертлар уюштирилди.

Байрамни нишонлаш ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этувчи ўша замонлардаги коммунистик тарбиянинг асосий воситаларидан бирига айлантирилган. Жумладан, бу даврда 7 ноябрь куни эрталаб Тошкентдаги энг катта майдонда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойишлари бошланиб кетарди. Шаҳарнинг қоқ марказидаги бу жой ўша пайтларда «Ленин майдони» деб аталарди.

У Ўзбекистон Республикаси шўроларнинг истибдодига барҳам бериб, истиқболнинг ибтидоси бўлмиш истиқлолига эришганидан кейингина расмий равишда «Мустақиллик майдони» деб юритила бошланди. Шўро тузуми даврида барча шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларининг марказий майдонларида ҳам айнан 7 ноябрь куни халқ намоийишлари, сайиллари бўлиб ўтиши анъанага айланган эди. Ушбу намоийишларда Шўролар давлатининг ҳарбий куч-қудрати, ишлаб чиқариш соҳаларидаги ютуқлари намоийишига катта аҳамият бериларди. Бу тадбирларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш, халқ оммасини атеистик, шўролар большевистик давлатининг бузғунчи, вайронкор ғоялари асосида бирлаштиришдан иборат эди.

Шўролар икки бош байрамининг энг асосий шакли – намоийиш ҳисобланарди. Партия-давлат ташкилотларининг раҳбарлари Ленин ҳайкали пойдевори устидаги баланд бир минбарда савлат тўкиб, тик туришарди. Халқ оммаси бўлса майдон бўйлаб уларнинг олдидан катта намоийиш қилиб ўтарди. Бу намоийишларга ишчи-хизматчилар ҳамда талабалар ихтиёрий-мажбурий равишда кенг жалб этиларди. Намоийиш иштирокчилари раҳбарлар гердаийб турган минбарнинг ёнидан ўтаётганида овоз кучайтирувчи техник воситалардан: «Ура! Ура! Яшасин, коммунистик партиямиз! Бор бўлсин, совет халқи! Партия ва халқ бирдир!..» сингари шиорлар янграб турар эди.

Шўролар байрамларида янги пролетар маданият шакллари ўта кенг равишда тарғиб қилинар эди. Шулардан бири миллий заминга мутлақо эга бўлмаган карнаваллар эди. 80- йилларда шундай воқеа бўлиб ўтган эди: Байрам куни Тошкентнинг ўша вақтдаги Комсомол кўлининг ҳудудидаги рақс майдонидаям духовой-эстрада ансамбли турли хорижий куй-қўшиқлар ижро этиб туради.

Маҳаллий йигитлар улардан бирор-бир ўзбекча куйни ижро этишни илтимос қилишади. Шунда эса оркестр аъзолари битта ҳам миллий куйни билмаслиги маълум бўлиб қолди. Ёшлар яна миллий куйни илтимос қилишганида, улар миллий куйлар оркестрда ижро этишга мутлақо арзимади, деб ўзбекнинг йигитларини, шу билан бирга миллий маънавиятимизни қаттиқ ҳақорат қилишади. Бундай ҳолатлар шўро даврида ўтказилган байрамларда маҳаллий миллий

маданиятимиз росаям топталганидан далолат беради. Бундай жуда шовинистик мазмундаги хатти-ҳаракатлар ҳам, ўз-ўзидан, турлитуман ижтимоий зиддиятлар ҳам келиб чиқишига маълум даражада асос солган эди.

XX аср 80- йиллар ўрталарида коммунистик ғоялар инқирозга учраб, Шўролар тарғибот-ташвиқот шакллари эскирганлиги яққол сезила бошлаган эди. Шундан кейин эса улар байрам тадбирларига миллий айёмларга хос кўҳна унсурларни: карнай-сурнай овозлари, масҳарабоз-қизикчилар чиқишлари, миллий рақс ва халқ ўйинлари кабиларни кўшишга роса ҳаракат қилганлар. Лекин, турган гап-ки, тағзамини жуда чирий бошлаган шўроларнинг байрамлари минглаб йиллик буюк тарихга эга бўлган бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо пойдевор бўла олмасди.

Шўроларнинг байрамлари уларнинг давлати асосли равишда тарих сахнасидан тушириб юборилиши биланок, ўз-ўзидан бизлар учун ўзининг мавқеи ва аҳамиятини ҳам йўқотганлигини барчамиз жудаям яхши кўриб-билиб турибмиз.

Шўролар халқ оммаси онги, қалбига коммунистик идеологияни сингдириш мақсадида, шахс ва миллатлар эҳтиёжларини инкор этиб, давлат манфаатларига хизмат қиладиган воситаларга ям таянардилар. Маҳаллий халқнинг миллий урф-одат, анъаналари ва қадриятлари шўроларнинг мақсад-муддаоларига етти марталаб эгилиб, букилиб, қулларча хизмат қилмаганлиги сабаб, уларга қарши расмий ҳамда норасмий равишда тинимсиз тарзда қаттиқ кураш олиб бориларди. Турли халқ урф-одатлари ва байрамларининг ижобий ёхуд салбий жиҳатлари эса уларни мутлақо қизиқтирмасди.

Шўролар ўта улкан империядаги барча этносларни бир бутун совет халқига айлантириб юбориш мақсадида ҳам турли миллатлар миллий қадриятлари ва анъаналарига қарши тургандилар. Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлабок уларнинг мазмун-моҳиятини тўла-тўқис англаб етишга мутлақо ожизлиги туфайли ҳам улар томонидан бўйсундирилган ҳамма халқларнинг миллий ва диний байрамлари бутунлай тақиқлаб қўйилган эди.

Айниқса, бир неча минг йилларнинг чинакам синовларидан мардона ўтиб келаётган «Наврўз» айёми ҳам Шўро даврига келиб,

амалда расмий байрамларнинг қаторидан чиқариб ташланган эди. Дастлабки даврда шўро сиёсатдонлари Наврўз айёмини тоталитар ва экстремистик моҳиятга эга коммунистик идеологиянинг манфур манфаатларига беминнат хизмат қилдиришга ҳам уриниб кўрган эдилар. Шу ниятда илк баҳор пайтларида шаҳарлардаги катта-катта майдонларда сиёсий томошалар ташкил қилинганди.

Бундай текин томошаларни уюштиришга маҳаллий зиёлилар ҳам, турган гап-ки, ихтиёрий-мажбурий равишда жалб этилганди.

XX аср 30- йилларидаги шўролар давлатининг коммунистик экстремизм ҳамда терроризмга асосланган динга қарши кураш ва қатағон сиёсати оқибатида Наврўз эскилик сарқити, диний байрам сифатида тўхтовсиз қораланган. Ўша пайтда миллий байрамларни таг-туғи билан йўқ қилиб ташлаш мустамлакачиликнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида яққол намоён бўлган эди. Аммо, маҳаллий миллатлар вакиллари чекка-чекка, овлоқ жойларда яширин тарзда ўзларининг анъанавий байрам ва маросимларни ўтказавергандилар.

30 – 50- йилларнинг шахсга сиғиниш давларидаям анъанавий халқ одатлари, байрамларини асраб-авайлаб, уни ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилар эса «шўро давлатининг сиёсатига қарши ёт унсур» ёки «миллатчилар» сифатида айбланган. Ҳаттоки диний мазмунга эга бўлмаган халқона оддий маросимларида қатнашган кишиларга нисбатан турли-туман жазо чора-тадбирлари ҳам кўрила бошланган.

Шўро сиёсатдонлари томонидан қатағон йилларида эзгуликка эш бўлган айём – Наврўз байрамининг ўрнига «Колхоз тўйи» деган янги байрам жорий этилган. Коммунистик маданият тарафдорлари, яъни «эскилик сарқити»га қарши курашувчи фаоллар халқнинг ўз миллий, анъанавий байрамларини нишонлашига сира йўл бермас эдилар. Миллий байрамларга, шу жумладан, Наврўз айёмига ҳам «эскиликнинг сарқити» сифатида ўта салбий муносабатда бўлиниб, унга диний байрам деган тамғаям босилганди. Шўро сиёсатдонлари Наврўз байрамини ёқлашга журъат этган минглаб зиёлилар ҳамда оддий юртдошларимизни «халқ душмани» сифатида айблаганлар ва уларни қатағон тегирмони тошининг остига ташлаб юборганлар.

Аммо, барча тақиқлов ва қаттиқ чора-тадбирларга қарамай, аجدодларимиздан бизларга мерос миллий диний байрамлар аҳоли

томонидан яширинча нишонланаверган. Одамлар гўё дала сайлига чикқандек бўлиб, у ерларда Наврўз байрамини тантана қилганлар. Бундан ўз айғокчилари орқали хабар топган шўронинг фаоллари эса уларни турли шаклларда тинимсиз таъқиб этганлар.

Шўроларнинг ҳукмронлиги даврида Наврўз айёмини пинҳона нишонлаётган турли фидойи кишиларни қўлга олиш кампаниялари уюштирилган. Наврўз байрами тантаналарининг ташкилотчилари ҳамда иштирокчиларнинг айримлари бўлса, коммунистик давлатга қарши фитналар уюштириляётганликда айбланиб, ҳибсга олинган, айримлари бўлса, ҳатто, судланиб қамоққа ҳам ташланган.

Босқинчилар томонидан миллат ҳаётига бутунлай бегона ва ёт бўлган, минглаб йиллик миллий-маънавий қадриятларига мутлақо тўғри келмайдиган урф-одатлар ва анъаналарни сингдириш орқали халқ турмуш тарзини ўзгартириш нияти кўзланганди. Маълум бир даражада, турли-туман йўллар ва воситалар орқали, элни ўзининг асл ўқ илдизидан узиб қўйишга ҳам муваффақ бўлинган эди.

Аммо, ҳаётнинг фалсафаси, тарихнинг фалсафаси миллатнинг маънавий борлиғига зўрлаб сингдирилган сунъий байрамлар ҳеч қачон абадий қолиши мумкин эмаслигидан юзлаб, минглаб марта сабоқ берган ва ҳамон шундай сабоқни бериб келмоқда. Эл тақиққа учраган ўз миллий байрамларини очик-ошкора нишонлай олмасида, доимо қалби, юрагининг энг тўрида эъзозлаб, ардоқлаб келган.

60- йиллар бошларида шўро мамлакатидаям миллий масалада бир озгина «илиқлик» пайдо бўлиб, байрамларни ва маросимларни ўтказишда салгина жонланиш рўй берганди. Матбуотда халқ урф-одатлари, байрамлари ҳақида турли мақолалар ҳам пайдо бўлганди.

Жуда илғор фикрли зиёлилар, маданият соҳасининг баъзи бир раҳбарларининг ташаббуси билан ҳам жойларда Наврўз байрамини нишонлаш ҳаракатлари бошланди. Аммо, асрлар бағридан келган шодиёна, анъаналарни абадиятга айлантирган асл айём – Наврўз шўролар давлати байрами сифатида тан олинмади.

Кўпгина зиёлилар, айрим бир раҳбарлар Наврўзнинг чинакам дунёвий ва чинакам халқчил байрам эканини чин дилдан, қалбдан сезиб, англаб турсалар-да, яқин ўтмишдаги зуғум ва қатағонларни

эсга олган ҳолда, башариятнинг боқий байрами, анъанани ошкора қўллаб-қувватлашдан бирозгина чўчиганлар.

60- йиллар ўрталарида маълум даражада халқ байрамларига бирмунча диққат-эътибор берила бошланган бўлса ҳам кишиларда шўролар сиёсатидан ҳайиқиш, қўрқиш, ваҳимага тушиш кайфияти ҳали ҳам анчагина кучли эди. Шунинг учун ҳам миллий анъанавий байрамлар ва диний маросимлар ими-жимида, қўрқа-писа, яширин равишда амалга оширилганлиги кексалар, нуронийларнинг ёдидан, эсидан ҳанузга қадар кўтарилиб ҳам улгурмаган.

Бироқ, 70 – 80- йиллар ўрталарида ўзбек халқи азалдан севиб, бениҳоя ардоқлаб келган урф-одатлар, маросимлар, байрамлар яна қайтадан чеклаб қўйилган эди, Шўролар томонидан ўтмиши ҳам, келажаги ҳам буюк халқнинг миллий байрамларига қарши жудаям кенг кўламдаги навбатдаги норасмий кураш бошланиб кетган эди. Вилоятлардаги маҳаллий ҳокимият вакилларида жойларда миллий айёмларнинг ўтказилишига зинҳор йўл қўймаслик, уларнинг ўрнига бўлса янгича советона байрамлар ўтказилишини уюштириш зарурлиги ҳақида партиявий органлар томонидан очик ва ёпик, махфий буйруқлар тинимсиз жўнатиб туриларди. Чунки, шўровий сиёсатдонларам, турган гап-ки, Ўзбекистонда миллий уйғониш жараёни бошланишидан жуда ҳам қаттиқ чўчирдилар, ўта ҳадиксирардилар, росаям қўрқардилар.

Шу ўриндаям муҳим бир хулосага, сабоқни чиқаришга арзигулик муҳим ҳолатга ҳам дуч келамиз. Наврўз сингари миллий байрамларни тақиқлаш ҳақида гап кетганида ўзимиз ҳам унинг сабабини фақатгина Марказдан, собиқ Шўро тузумидан қидиришга одатланиб қолганмиз. Тўғри, бизларам юқорида таъкидлаганимиздек, компартия сиёсати ва мафкураси шуни талаб қилганлигидан мутлақо кўзни юмиб бўлмайди. Аммо, барча айбни фақатгина четдан қидириб, ўзимизнинг орамиздан чиққан, ўзларини эса халқимизнинг «етакчилари» деб билган айрим шахсларнинг даврнинг сиёсати, мафкурасига қандай муносабатда бўлганликларига ҳамма вақт ҳам холисона баҳони беравермаймиз.

Мамлакат раҳбари ёки шахс сифатида уларнинг ўз фикри ҳам бўлганмиди? Минг афсуски, улар ўзини «саллани олиб кел деса, каллани ҳам қўшиб олиб боришга доим тайёр» раҳбар сифатида намоён қилгандилар. Уларнинг бундай «хусусиятларини» бошқа

республикалар раҳбарларига таққослаганда росаям ҳайрон қолади киши. Нима учун ўша оғир даврда ҳам, масалан, Тожикистонга энг яқин Денов, Сариосиё сингари туманларда яшовчи Сурхондарё вилоятининг баъзи фуқаролари Наврӯз байрамини Тожикистонга яширинча бориб, ўтказиб келадилару ёхуд Тожикистоннинг ушбу даврдаги раҳбарияти «Наврӯз»ни ўтказиш имконини ҳам топди-ю, ўзимиздаги раҳбарларнинг ўзлари эса бунга тиш-тирноқлари билан қарши бўлган эдилар? Нима учундир шундай қилинди? Ўзининг халқини ҳамда унинг миллий кадриятларини эмас, аксинча ўзининг мавқеини сақлаб қолиш, нима қилиб бўлса ҳам амал курсисидан, раҳбарлик лавозимидан сира ҳам кетиб қолмаслик, ўзини ўйлаш, ўзи учун, амал учун яшаш ва ижро қилиш, яъни ўта амалпарастлик иллоти шундай бало, кулфатларга олиб келганлиги асло сир эмас. Наврӯзнинг қатағон этилишига И. Усмонхўжаев ва Р. Нишоновга ўхшаган айрим бир кимсаларнинг «дўппини ол деса, каллани олиб келганлиги» сабаб эмасмиди? Бу, аслида ўз амалини сақлаб қолиш учун қилинган ҳунар эмасми? Халқимиз шундай хизмат қилишни ўзига роса эп кўрган ва ялоқхўр бўлган бундай малайларни жудаям аччиқ киноя билан «бўзчалар» (русчасига «серый», яъни кулранг, «бўзармоқ» эса ўзимизнинг сўз) деб аташи ҳам асло бежис эмасди.

XX асрнинг 80- йиллари ўрталарида Шўролар давлати инқироzi бошланганида улар охириги кучларини тўплаб, коммунистик идеология ҳукмронлигини бир амаллаб асраб қолиш учунам бутун жон-жаҳдлари билан ҳаракатни қилган эдилар. Миллий байрамлар, жумладан Наврӯз Ўзбекистонда халқ байрами сифатида янада кенгроқ нишонланишида тағин янгидан-янги тўсиқлар, ғовлар ҳам пайдо бўлган эди.

1985 – 1988 йилларда эса оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета, журналлар)га Наврӯз байрами ҳақида бирор оғиз ҳам гапирмаслик, у хусусида асло ҳеч нарсаларни ёзмаслик тўғрисида фармойишлар берилганди. Шу даврларда республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган турли бош мақолалар таҳлил қилинганда инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, унинг озодлиги ва унинг учун бениҳоя кадрли бўлган миллий-маънавий кадриятлар роса таҳқирланганлигига ўзимиз ҳам бемалол гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ўша даврда энг нуфузли газета бўлган «Совет Ўзбекистони»да қандай мақолалар чоп этилганлигига бир диққат-эътиборингизни қаратсангиз. Энг аввало, 1986 йилдан 1988 йилгача 21 март бутун башариятнинг боқий байрами – Наврўз айёми кунида «21 март – ирқий камситишларни тугатиш куни» рукнидаги қатор мақолалар чоп этилганига яққол гувоҳ бўламиз. Масалан, 1986 йил 21 март кунги «Совет Ўзбекистони» газетасида «Шарпевиль акс-садоси» сарлавҳали мақола эълон қилинганди.

Унда энг асл миллий байрамимиз Наврўз ҳақидамас, аксинча «Шарпевиль фожеаси Жанубий Африканинг халқи учун бурилиш нуқтаси бўлганлиги ва ирқчи солдатлар уюштирган хунрезликдан кейин бу мамлакатда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият...» тўғрисида ёзилган ва «эскича методлар билан ҳокимиятни сақлаб қолиб бўлмайди, илгарилари қўл келган нарсалар бугунги кунлар учун бутунлай яроқсиз бўлиб қолмоқда – буниям Жанубий Африка Республикасидаги ирқчилар тобора равшан тушуниб етмоқдалар. Ғарбдаги иттифоқчилари бўлса айнан худди шуниям улар қулоғига қуймоқдалар. Ирқчиларнинг иттифоқчилари қандай қилиб бўлса ҳам Жанубий Африкада революцион портлашга ҳеч йўл қўймаслик чораларини кўрмоқдалар», – деб таъкидланган эди.

Албатта, бу Африка ҳаётига доир воқеалар хусусида. Бизлар ҳам ирқчиликка бутунлай қаршимиз. Бироқ, бундай мақолаларнинг айнан 21 март – Наврўз байрами кунида босилиши ва уни «21 март – ирқий камситишни тугатиш куни» рукнида берилишининг ўзиёқ, очиғини айтганда, буюк халқ миллий ва маънавий қадриятларини керагича камситиш, очикдан-очик инсон шаъни, кадр-қиммати ва миллий қадриятларига нисбатан беписандлик билан қараш, уни тап тортмасдан топташдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатади. Орадан бир йил ўтгач, 1987 йил 21 мартда яна ўша «Совет Ўзбекистони» газетасида айнан шу рукнда «Миллий масалани ҳал қилишга икки хил ёндашув» номли мақола чоп этилган эди. Мақоланинг кишини ўзига жалб этадиган ва ниҳоятда таҳқирлайдиган жойиям шундаки, унда тағин ўша воқеа тилга олинади ва собиқ СССР давлатининг ирқий камситишларга нисбатан муносабатиям билдирилиб, «СССР ирқий камситишнинг пайини қирқишга оид ҳар қандай қадамларни

табриклайди ва уларнинг амалга оширилишини тўла-тўқис қўллаб-қувватлайди», – деб таъкидланган эди.

Шу даврларда КПСС МКга раҳбар, яъни бош бўлиб турган М. С. Горбачевнинг КПСС МКнинг январь Пленумидаям таъкидлаган қуйидаги фикри келтирилган эди. Унга бир диққат-эътиборингизни қаратиб кўринг-а: «Айнан социализм миллий зулмни ҳамда тенг ҳуқуқсизликни, одамларнинг барча ҳуқуқларини турлича миллий важлар билан бирон-бир тарзда камситишнинг тўла тугатди, барча миллат ва элатлар иқтисодий, маънавий тараққиётини таъминлади. Хуллас, партиямизнинг миллий сиёсатининг ўта муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз». Бу фикрни халқимизнинг асл миллий, қадимий ва навқирон байрами бўлмиш Наврўзни йўқотиш учун кўрилган турли чора-тадбирлар биланам таққослаб кўрадиган бўлсак, айнан ўша социализм жойларда халқлар ва миллатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ва миллий-маънавий қадриятлари билан сира ҳисоблашмаганлиги, унга нисбатан ўзига хос камситиш ва таҳқирлаш сиёсатини юритганлигини чиндан англаб олишимиз ҳеч ҳам қийин эмаслигига ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Ўша пайтда улуғ шоир Абдулла Орипов бундай хатти-ҳаракатлар атайлабдан уюштирилгани, «юқорининг» ярамас, бемаъни сиёсатига қарши тузукроқ курашга журъат этилмаганлигига шама ва ўзига хос бир ишорани қилиб, ушбу жудаям оғриқли тўртликни битган эди:

Сен бизни кечиргин эй, Наврўзимиз,
Ғафлатда чалғиди ул кун кўзимиз.
Юзингга шапалоқ тортиб юбордик,
Шўр пахта босамиз энди ўзимиз.

Наврўз ўтказиладиган сайилгоҳ, майдонларга бориладиган йўллар «юқорининг» жуда қатъий равишдаги буйруғини олган, погонини йўқотиб қўйишдан роса ҳам кўрқадиган совет милицияси ходимлари томонидан буткул тўсиб қўйилган. Дорбозларнинг баланд дорлари бўлса томошабинлар сўқинишлари остида гурсиллатиб йиқитиб ташланган.

Айрим ашаддий коммунистик раҳбарлар бўлса Наврўз байрамини кўзида қувонч кўз ёшлари билан нишонлаётган аёлларнинг айёмнинг шоҳона таоми бўлмиш – сумалак аста-секин виқирлаб қайнаётган ҳамда

уни ёш келинчаклар капгир ила ковлаётган дошқозонларини, маросим иштирокчиларининг илтимос ва ўтинчларига заррача эътибор бермай, сурбетларча ағдариб ташлаганлар. Бундай миллий кулфатларга ушбу ёзувлар муаллифларидан бири – Бахтиёр Исоқовнинг шахсан ўзи ҳам жуда кўп бора гувоҳ бўлган эди.

Сурхондарёлик Йўлдош Насимов ўша вақтда қишлоғида бўлган бир воқеа хусусида шундай ҳикоя қилган эди: «Наврўз таққиланган йили қишлоқдошлар ўзлариям юпун-оч бўлса ҳам адирга йиғилиб, сайл қилмоқчи бўлишди: сумалак виқирлаб қайнаётган каттакон дошқозон ёнида самоварга ўтинни ташлаб ўтиргандим. Тумандан шляпа кийган уч – тўрт кишилар келиб, элга жудаям ҳайбат билан «ҳозироқ тарқалинглари, эрта-индин колхоз идорасида «Навбаҳор» деган янги байрамни нишонлаймиз», дейишди. Одамлар кўнмагач, ўшалардан бири дошқозонни ағдариб ташлади ва самоваримни ҳам тепиб юборди. Чидолмадим: «шляпа»ни итариб ташладим. Шунда колхознинг раиси менинг юзимга шапалоқ тортиб юборганди. Уйга бориб росаям йиғладим: раиснинг ўзининг мансаби учун халқнинг ёнини олмагани менга жуда алам қилганди. Мана адолат тикланди: ҳар Наврўз куни адиримиз роса гавжум. Юзимдаги тарсаки излари кетди, лекин юрагимда бир чандиқ қолди-да...» («Оила даврасида» газетаси 2015 йилнинг 19 март).

Бундай таҳқирли ҳолатлар миллатпарвар кишилар нафратини ҳам бениҳоя кўзғатганди, бизнинг мамлакатимизда бунёдкор ва вайронкор ғоялар тарафдорлари ўртасида жудаям қаттиқ тортишувларни вужудга келтирган эди. Ёзувчилар, олимлар ва маданият ходимлари томонидан Наврўз энг қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқона байрами эканлиги, унинг мазмун-моҳиятига табиат қонунлари билан чамбарчас боғлиқлиги ва Наврўзни энг яхши анъаналар асосида янада тараққий эттириш даркорлиги хусусидаям ниҳоятда жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Мустамлакачилик сиёсатиям манфур мақсадига эришиш учун халқимизнинг миллий байрамларига, эл-юрт кўнглига «Авесто» замонидаги Ахриманнинг иблис қизи Бужи сингари қаттиқ ваҳима солиб, таҳдид ва хуруж қилиб турган бир пайтда, айрим маҳаллий

рахбарларнинг большевиклар ашаддий экстремистик сиёсатиниям тўла-тўқис қўллаб-қувватлагани эса дард устига чипқон бўлганди.

1985 йилнинг 10 июлида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси томонидан «жанговар ҳамда меҳнат жасоратлари билан социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигига ҳимоя қилган, унинг куч-қудратини улуғлаган ва юксалтирганларнинг табарруқ хотирасини асраб-авайлаш мақсадида Ўзбекистон ССРда хотира кунини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

У ҳар йили март ойининг учинчи ўн кунлигининг якшанба кунинида нишонлансин», деган бир бемаъни қарор қабул қилинганди. Қарорни диққат-эътибори билан ўқиган киши ундан асл мақсад – ўтганларнинг хотирасини эъзозлаш эмас, аксинча айнан март ойи учинчи ўн кунлигида катта байрам қилинадиган Наврўз айёмининг ўрнида шундай бир тадбирни бир амаллаб ўтказиб олиш, халқиям чалғитиш эканлигини бемалол англай олади. Демак, ўша Хотира куни атайлабдан, айнан минглаб йиллик тарихга эга бўлган Наврўз байрами кунларига роса мослаб белгиланганди.

Коммунистик раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган дастур ва чора-тадбирларнинг асосий мақсади эса халқимизнинг миллий урф-одат ва қадриятларига қарши янгитдан ҳаёт-мамот курашини бошлаб юборишдан иборат эди. Айнан шу пайтда Хотира кунини нишонлаш Наврўзни йўқотиб юбориш йўлида қўйилган навбатдаги ўзига хос қадам бўлганди. Хотира куни тадбири ташкилотчилари томонидан кутилган ижобий натижаларни бермагач, кейинги йили сунъий равишда «Навбаҳор» деган янги байрамни ўйлаб топилган эди. Ушбу янги байрам бўлса ҳар йили апрель ойининг биринчи якшанбасида нишонланиши кўзда тутилганди.

Бироқ, шўроларнинг раҳбарияти томонидан қўлидан келганча кўрилатган барча чора-тадбирларга қарамай, эл-юртнинг Наврўз байрамига бўлган ижобий муносабати ҳеч ўзгармади. Кўрилатган чора-тадбирлар энг асосий мақсадга олиб келмаётганлигини теран англаб етган Марказий Қўмита эса Наврўзга қарши янги ҳужумга ўтган эди.

Марказқўмнинг ўша замонлардаги мафкура бўйича котибаси 1986 йил март ойи иккинчи декадасида, Наврўз байрами арафасида

Республикамызда фаолият кўрсатаётган турли оммавий ахборот воситаларининг масъул ходимлари иштирокида махсус йиғилиш ўтказганди. Котиба Наврўз байрамини нишонламаслик тўғрисида, унинг халқимиз ҳаёти ва турмушига «ғоятда зарарли» эканлиги хусусида росаям оғзини кўпиртириб, керагича сафсата сотган эди.

Шунда бундай асоссиз тухматларга чидай олмаган мажлис иштирокчиларидан бири, Самарқанд вилояти «Ленинский путь» газетаси муҳаррири Борис Шчеголохин котибага астагина эътироз билдириб, Наврўз байрами диний эмас, балки бевосита ҳеч қандай дин билан чамбарчас боғлиқ бўлмаган, миллий байрам эканлигини қатъий таъкидлаб, уни ҳимоя қилишга ўзида журъат топа олганди.

Ўша машъум йиғилишда иштирок этганларнинг аксарияти эса маҳаллий аҳоли вакиллари бўлса-да, улардан ҳеч бири котибанинг асоссиз ҳамда бемаъни, аҳмоқона иддаоларига қарши чурқ этиб оғзини оча олмаганди.

Ўша пайтлардаги коммунистик раҳбарият томонидан сумалак ва ҳалим сингари миллий байрамонга табаррук таомлар номини ҳам ўзгартиришга бир уриниб кўрилганди. Мафкуравий ишлар бўйича ўша котиба «Наврўз» байрами муносабати билан тайёрланадиган «сумалак» ҳамда «ҳалим» каби миллий таомларни ҳақорат қилиб, уларни оддийгина бир «каша» (бўтқа?!) деб ҳисоблаганди.

Баҳорий таомларга нисбатан бундай мутлақо нотўғри таъриф-тавсифни эшитган ва ҳайрон бўлган рус миллатига мансуб фуқаро бўлса бу таомлар «сира ҳам каша эмас!», дея ўзининг эътирозини билдиришга журъат этолганди.

Ўзбекдан ўзга бир миллатнинг вакили ушбу муқаддас таом нима эканини яхши билган бир вақтда ўзбегимиз мафкура котиби унинг фарқига мутлақо бормаганлигини қандай қилиб ва нима деб изоҳлашимиз ҳам мумкин?

«Наврўз» айёмига қарши коммунистик экстремизм, терроризм руҳидаги бундай асоссиз, бемаъниларча кураш усули аслида «қош қўяман деб, кўз чиқариш»дан мутлақо бошқа нарса эмасди. Бундай хатти-ҳаракатларнинг ниҳоятда оғир оқибатларини ўша даврдаги коммунистик раҳбарият ўзининг кўз олдига бирозгина келтириши ҳам ниҳоятда мушкул эди.

1986 йил январь – феввалида бўлган Ўзбекистон Компартияси ХХІ съездида «Дин миллатчилиқ ва шовинизмга ҳар доим катта йўл очишини, иқтисодий-социал тараққиётга тўсқинлиқ қилишини, социалистик турмуш тарзи ва коммунистик маънавиятнинг қарор топишига тўсқинлиқ қилишини ҳар доим эсда тутмоқ керак», – деган кўрсатма берилганди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг айнан ўша пайтдаги раҳбарлари халқона маросимлар, жумладан, «Наврўз»ни байрам сифатида нишонлашни расмий тарзда тақиқлаб қўйгандилар.

1986 йилда Ўзбекистон телевидениеси намойишлари дастуридан Наврўз байрамига бағишланган барча кўрсатувлар олиб ташланган эди. Унинг ўрнига эса «Ассалом, баҳор!» номли концерт дастури намойиш этилган эди. Наврўз байрами ўтказилишини асоссиз равишда таъқиқ қилиш сиёсати истибдодга қарши истиқболли истиқлол иштиёқидаги кишиларнинг ниҳоятда ҳаққоний норозилигини уйғотиб юборган эди.

Шунда шўролар сиёсатдонлари томонидан «Наврўз»нинг ўрнига «Навбаҳор» номли янги бир байрамни ўтказилиши таклиф этилганди. Бу янги байрамнинг тадбирлари сифатида илгари, қадим-қадимдан Наврўзнинг таркибида бўлган ҳашар, кўчатлар ўтқозиш, хотирлаш маросими, қабристонларни обод қилиш ва бошқа кўҳна маросимларга ҳам янгича тус, қиёфа беришга чираниб уринишлар юз берган эди.

Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари қутлуғ Наврўз байрами нишонланишини фақат икки йил – 1986 – 1988 йиллардагина тўхтатиб туришга муваффақ бўла олгандилар, холос. Шунда ҳам улар Наврўзнинг Республикамиз миқёсида расмий равишда нишонланишини, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газеталар)да бу буюк байрам ҳақида маълумотлар беришни тўхтата олгандилар. Бироқ, миллий онги анчагина уйғониб қолган зиёлилар, илғор фикрли ёзувчилар, олимлар Наврўз байрамининг тақиқлаб қўйилишига қарши ўзларининг эркин фикр-мулоҳазаларини биров истиҳола билан, сал-палгина кўрқа-писа бўлса ҳам халқининг эътиборига ҳавола қилишга астойдил киришган эдилар. Натижада, энг асл миллий Наврўз байрамини сақлаб қолиш – неча минглаб йиллик миллий-маданий анъаналаримизни мафкуравий ғанимлардан асраб қолиш ҳаракатига айлана бошлаган эди.

Гапимиз куп-қуруқ бўлиб қолмаслиги учун халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг эл-юртимиз орасидаги машҳур «Дафтар

ҳошиясидаги битиклар» номли китобига киритилган «Энг «аниқ» жавоб» сарлавҳали битиги билан тағин бир бора танишиб қўйсак:

«Наврўз – диний байрам, деган гаплар авж олган кезлар эди. Самарқандга бордик. Мезбонлар бизни Ургутга – Тўпхона деган жойга олиб боришди. Одамлар ҳашар қилиб тоғнинг устида Наврўз учун махсус қурган оромгоҳни кўрсатишди...

Тушдан кейин эса Самарқанд давлат университетида учрашув бўлди. Саид Аҳмад негадир менга меҳрибонлик қилиб, «аввал сен гапирасан», деб туриб олди. Бунақа ғамхўрлик тагида нима маъно ётганини кейинроқ тушундим. Ёзма саволлар орасида «Наврўз негатақиқланди?» деган сўроқ бир неча марта такрорланган эди. Жавоб бермай қўяқолгандим. Гапимни тугатай, деб турганимда бир киши ўрнидан туриб сўраб қолди.

– Битта савол жавобсиз қолди. Наврўз байрамининг динга сираям алоқаси йўқ. Негашундоқ байрам бекор қилинди?

Нима дейман? Чиндан ҳам бу байрамнинг динга алоқаси йўқ, шу иш нотўғри қилинди, десам, зуғумли раҳбарлардан роса балага қоламан, бу байрамнинг кераги йўқ десам, виждонсизлик бўлади. Шумлик қилдим.

– Гап бундай, – дедим. – Орамизда кўпни кўрган устозимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ака ҳам ўтирибдилар. Бу саволга шу киши жавоб бермоқчилар.

Ёнига келиб ўтиришим билан Саид Аҳмад ака шивирлади:

– Ярамас! Шу саволга сени рўпара қилиш учунгина аввал сен гапиргин, дегандим.

У кишиям бошқа ҳамма саволларга жавоб берди-ю, Наврўзга йўламади. Шунда бояги одам тағин ўрнидан турди.

– Домла, ҳалиги савол жавобсиз қолди-ку?

Саид Аҳмад ака ясама жаҳл билан жеркиб берди:

– Нима, мен сенларга авлиёманми? Анави редактор билмаган нарсани мен қаёқдан билай? Жудаям билгинг келса, бугунги кунни дафтарингга ёзиб қўйгин. Бу саволингга роппа-роса икки йилдан кейин жавоб оласан!..

Икки йилни кутишга ҳам тўғри келмади. Оқсоқолнинг гапига фаришталар омин, деган экан. Мустақилликнинг шарофати билан

Наврўз тағин тикланди» (Ўткир Хошимов. «Дафтар хошиясидаги битиклар», Тошкент, «Шарқ» НМАК Бош тахририяти, 2005. 245 – 246- бетлар).

Илмий-амалий анжуманларда ва конференцияларда, атоқли шоирлар ва ёзувчилар иштирокидаги турли йиғинларда қатнашган кишиларнинг фикрлариям аста-секинлик билан ўзгариб, эл-юртни ҳамиша ҳамжиҳатлик ҳамда ҳамкорликка чорловчи энг улуғ айём – Наврўзни ҳимоя қилувчиларнинг сафиям тобора кенгая бошлаган эди. Ватан ичра кичик Ватан бўлмиш маҳаллаларнинг жуда илғор фикрли ва миллатпарвар раҳбарлари Наврўз айёмини нишонлаш юқори идоралар томонидан қатъий тарзда тақиқланишига қарамай, турли жойларда муборак байрамни аҳоли билан ҳамжиҳатликда нишонлайверганлар. Тураржойлар, кўча-кўйларни обдон тозалаш, янги кийимларни кийиш, бир-бирини самимий қутлаш, далаларга, қирларга чиқиб сайр қилиш, сумалак пишириш, зиёфатлар ва ўйин-кулгилар уюштириш орқали Наврўз айёмини нишонлаш амалда сира тўхтамаган. Бундай ижобий хатти-ҳаракатларнинг натижасида миллий анъаналар ҳамда байрамларимизни тағин ҳаётга қайтариш масаласи жиддий даражага кўтарилган. Қадимий ва асл анъаналар учун кураш масаласи амалда миллатнинг равнақи учун курашга, миллатнинг равнақи учун кураш бўлса, ўз навбатида, ҳурлик, эрк ва миллий истиқлолга эришиш учун ижтимоий, маънавий курашга айланиб кетган эди.

XX аср 80- йиллари ўрталарида жанговар атеизм – даҳрийлик тарғибот-ташвиқотигаям етакчилик қилган ашаддий коммунистлар томонидан берилган ушбу ниҳоятда қаттиқ зарба, аслини олганда, умуман ислом динига эмас, аждодларимиз қадимдан чин эътиқод қилиб келган ханафийлик мазҳабига қарши қаратилган эди. Айнан таҳликали пайтларда миллий маънавиятимизга берилган бундай «қақшатқич зарба» халқимизнинг минглаб йилларнинг синовидан ғолибона равишда ўтиб келаётган диний эътиқодига (ханафийлик мазҳабининг ўта мўътадил бўлган, ақидавий масалаларда Қуръон, ҳадис ва ақлу идрок, мантиқ, ҳақиқатга энг яқин турган мотуридия оқими)га ҳам зид бўлган ваҳҳобийлик (ҳанбалийлик мазҳабининг салафийлик оқими. Ғарб адабиётида эса салафийлик мафкурасига

таърифлар бериш жараёнида «тиклашчилик», «традиционализм», «фундаментализм» каби терминлар ишлатилади) оқимига мансуб экстремист кимсалар ва уларнинг хориждаги турли, чўнтаги чет эл валютаси билан роса қаппайган раҳнамолари томонидан олдиндан кўзланган, режалаштирилган баъзи мақсадларига етишига, жудаям кўп бўлмаса-да, маълум бир тарафдорларини ўз атрофига тўплашга муваффақ бўлишларига анчагина катта ёрдам берганди.

Аҳолининг динга муносабатини доимо зоҳир этиб турадиган бир неча кўрсаткичлари мавжуд. Улардан бири – халқ томонидан қадимданам эъзозлаб келинган азиз-авлиёларнинг, алломаларнинг муқаддас қадамжоларига қарши фаол курашда партия органлари ва маъмурий идоралар ходимлари мутлақо ожиз эдилар. Ўша замонда қайси бир туман ва шаҳарда муқаддас қадамжолар мавжуд бўлса, одатда катта-катта партия мажлисларида ҳам айнан ўша ҳудудлар раҳбарларининг бошида кўпроқ ўша коммунистик таёқ, калтаклар росаям қарсиллаб, тарсиллаб синиб ётварар эди.

Шундай бир ғоятда мураккаб шароитда бундай коммунистик раҳбарларга, уларнинг ўзлари ҳам истамаган ҳолда ақидапарастлар жиддий кўмаклашиб юборгандилар. Улар ҳам, «ўз эътиқодларига» асосланган ҳолда муқаддас қадамжоларни аҳолининг кенг қатлами томонидан зиёрат қилнишига қарши ўзларича «жиҳодга» – ҳаёт-мамотнинг жангига чиққан эдилар (Изоҳ: Жиҳод истилоҳи аслида росаям «ғайрат қилиш», «кучни ишга солиш», «ҳаракат қилиш», «интилиш», «бор кучини сарфлаш» каби маъноларини англатади. Унинг қалам, қилич, сўз, қўл, қалб... жиҳоди каби шакллари ҳам мавжуд. Қўли ҳамда тили билан бировларга озор бермаган киши – мужоҳид ҳисобланади. Ушбу атама эса аслида «уруш» маъносини билдирмайди, бунинг учун араб тилида «қитол» деган бир истилоҳ деган ишлатилади – Б. И., Н. И.). Азиз-авлиёлар, улуғ алломалар қадамжоларини зиёрат қилиш улар наздида эса бидъат ҳисобланиб, ақидапарастларнинг ақидаларига мутлақо зид эди.

Шундай пайтларда коммунистик ҳамда диний ақидапарастлик, баъзи ҳолларда, бир-бирини гоҳида очик, гоҳо эса яширин равишда қўллай бошлаган. Тўй ва аза билан боғлиқ баъзи бир маросимларга қарши жон-жаҳди билан қаттиқ курашган ашаддий ақидапарастлар

айрим партия раҳбарлари назарида прогрессив ва тараққийпарвар, улар ортидан эътиқод масаласида бемалол эргашса бўлаверадиган обрў-эътиборли диний уламолар сифатида гавдаланарди.

Шундай қилиб, кўпчилик тасаввурида ашаддий атеист бўлиб, барча динларга қарши тинимсиз кураш олиб борган коммунистлар аслида ислом динидаги мўътадил ва энг бағрикенг бўлган ханафий мазҳабининг ақидаларига қарши ғояда қаттиқ жангларга киришган ақидапараст оқимларнинг, жумладан, диний ақидапарастликнинг бениҳоя кенг тарқалиши учун жуда қулай шарт-шароитни яратиб берган эдилар.

Марксист – атеистлар дин, миллий ва маънавий қадриятларга қарши курашиб, уни халқнинг онгидан чиқариб ташлашга уринган бўлсалар, диний ақидапарастлар ҳам худди улар каби анъанавий миллий байрамлар, турлича тантаналарга, муқаддас қадамжоларга, оламдан ўтиб кетган азиз инсонларни хотирлаш, уларнинг қабрига ёдгорлик тошини қўйишга, қабристонларни зиёрат қилишга, турли дафн маросимларидаги баъзи удумларга қарши чиқадиладар.

Ўша ниҳоятда мураккаб даврларда Ўзбекистонимизнинг Бош мафкурачиси бўлмиш «опача» атеистик курашни яна кучайтириш мақсадида Фарғона вилоятига қилган сафари чоғида бир ғалатиноқ воқеа содир бўлган эди. Бир йиғилишда ўзини аслида диндор деб ҳисоблаётган бир художўй сўз сўраб, «биз дафн маросимларига қаршимиз», деган фикрни айтганди. Бундан ғоятда хурсанд бўлиб кетган бош мафкурачи «диндорлар орасида чинакам прогрессиви ҳам бор экан», – деб уни ўзи билан олиб юрган эди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ҳақли таъбири билан айтилганида: «Ақидапарастлик эса, у қандай қиёфада бўлишидан қатъи назар – бу диний ақидапарастлик бўладими ёки коммунистик ақидапарастлик бўладими – ўз мафкурасига, ҳаётий қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва «кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши» деган тамойил асосида ҳаракат қилади».

Ўша даврда ўйламай-нетмай, халқ вакиллари билан бир оғиз маслаҳатлашмай қилинган турли-туман ножўя хатти-ҳаракатлар эл дилини қаттиқ оғритганди. Халқимиз сиёсий тақик ва таъқибларга, янги-янги номдаги турли-туман байрам ҳамда одатларнинг ўйлаб

топилганига қарамасдан, эзгуликка жуда эш бўлган айём – Наврўз байрамини сираям ўзининг ёдидан, эсидан чиқармаган эди. Турлитуман фикр-мулоҳазалар тўқнашуви оқибатида ушбу муаммонинг ечими борасида олимлар, ёзувчиларнинг орасида анчагина қаттиқ баҳс-мунозара, тортишувлар вужудга келган эди.

Республикамизнинг илғор ёзувчилари, олимлари – зиёлилари томонидан «Наврўз» қадим-қадим замонлардан буён давом этиб келаётган халқона байрам эканлиги, унинг асл моҳияти дин билан эмас, табиатнинг табиий қонунлари биланам бевосита боғлиқлиги, азиз айёмни энг яхши анъаналарнинг асосида такомиллаштирилган ҳолатда тараққий эттириш лозимлиги хусусида жиддий ва илмий асосланган фикр-мулоҳазалар айтилганди.

Қашқадарё вилоятидаги «Муборак» қоракўл наслчилик ширкат хўжалиги раҳбари Ҳайитмурод Оқмаматовнинг ниҳоятда, беҳад завқ-шавқ билан ҳикоя қилишига кўра, «Ислом ака (Каримов – вилоят раҳбари) ҳар сафар бизнинг хўжалигимизга келган чоғида, албатта, кўнглимизни ғоятда кўтариб, тагин бирон-бир янгиликни ҳаётга татбиқ этишга ҳам ундаб кетарди. Шу тариқа, кўпдан-кўп ишлар, қурилишлар амалга оширилганди.

1988 йили у кишининг кўрсатмаси бўйича муҳташам чойхона барпо этгандик. Ҳадемай бу жой кексаю ёшнинг росаям севимли масканига айланиб кетди. Ҳозирги пайтда эса бизнинг тўйларимиз ҳам, маъракаларимиз ҳам шу ерда ўтади.

Ўша вақтда Наврўз байрами қатағон этилган пайт эди. Гарчи шундай бўлса-да, Ислом Абдуғаниевич яхши ният билан бу ғоятда кўркем қошонага «Наврўз» деган ном қўйиб берганини бугунгидек яхши эслаймиз» (Поён Равшанов. Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986 – 1989. – Т.: «Маънавият», 2003. 121- бет).

Фикрлар ҳамда ғояларнинг тўқнашуви ўзининг авж палласига чиққанлиги натижасида, Ўзкомпартия МҚ идеология комиссияси ушбу масалани қайтадан кўриб чиқишга мажбур бўлган. Комиссия мажлиси баёнида энг яқин ўтмишда халқ турмушининг маданий ва маънавий соҳасида маъмуриятчиликларгаям йўл қўйилганлиги, неча асрлар давомида таркиб топган барча анъаналарни ёппасига менсимаслик ва айни бир пайтда тўқиб чиқарилган тадбирларни

халқнинг онгига тикиштириш республикадаги социал-маънавий муҳитга салбий таъсир қилганлиги алоҳида қайд этилган эди...

XX асрда ўзбек халқининг турмуш тарзига кириб келган қиш фаслида ўтказилувчи улкан тантаналардан тағин бириям ҳанузгача ғоятда шод-хуррамлик билан нишонланаётган Янги йил байрами ҳисобланади. Марказий Осиёда бу Янги байрам қадимдан баҳорда нишонланиб келинганлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Советлар даврига келиб умумий ҳисобга, тақвимга ўтилганидан сўнг Янги йил байрамиям ҳар йили икки марта – 1 январда ҳамда 21 мартда нишонлана бошланган. Демак, ушбу байрам рус миллатига мансуб аҳолининг турли маросимлари орқали ўзбек халқи турмуш тарзига кириб келган. Россияда 1492 йилга қадар янги йил 1 мартда, 1492 йилдан 1700 йилгача бўлса 1 сентябрда, 1700 йилдан бошлаб эса император Пётр Iнинг буйруғига биноан 1 январдан нишонлана бошлаганлиги мактаб тарих китобларида ҳам битиб қўйилган.

Ўзига хос йил сарҳисоби бўлмиш бу байрамда ҳар бир оила, корхона, маданият саройлари, ресторанларда янги йил дастурхони ёзиларди. Ҳозирги кунларда ҳам, айниқса болаларимиз интиқлик билан кутадиغان мазкур байрам арафасида шаҳарларнинг марказий майдонлари, маданият саройлари, умумтаълим мактаблари, боғча ва оилаларда байрамнинг тимсоли бўлган арча дарахти ғоятда зўр ҳафсала билан безатилишини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз.

Қадимги славян, латиш ва эстон халқларининг наздида арча – тинчлик, омад ва саодат рамзи бўлган. Мазкур байрамнинг доимий қаҳрамонлари бўлмиш Қорбобо – сахийлик ва раҳмдиллик, Қорқиз эса ёшлик, хурсандчилик ва қувноқликнинг тимсоли ҳисобланади.

Янги йил байрами арафасида арча дарахтини безатиш кўпгина давлатларда Иккинчи жаҳон урушидан кейин, баъзиларида бўлса 1960 йиллардан кейингина бошланган.

Жумладан, Сиз ва Бизнинг Ота юртимиз – Она Ватанимиз – Ўзбекистонда мазкур байрам XX аср иккинчи ярмидан нишонлана бошлаганди. Ушбу байрам амалда 31 декабрь куни эрта тонгданоқ бошланиб, айнан 1 январга ўтар кечасида, яъни тунги соат 24⁰⁰ да ўзининг жудаям авж нуқтасига чиқишини эса ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Дунё бўйича янги йилни хурсандчилик билан кутиб олиш ҳар хил вақтларга тўғри келади. Масалан, Эфиопияда янги йил сентябр ўрталарида, Бирма (Мьянма)да эса апрель ойидагина кириб келади, Индонезиянинг баъзи оролларида янги йил айёми 10 кунгача давом этади ва ҳар йили турли ойларда нишонланади.

Масалан, Ҳиндистоннинг жанубида ўша янги йил март ойида, Шимолда эса – апрелда, Фарбда – октябрь ойида, Керала штатида бўлса гоҳ июль, гоҳида эса августда кутилади.

Янги йилни нишонлаш тадбирлари ҳам турли мамлакатларда қадимдан турли-туман одатлар ҳамда маросимлар билан ўтади.

Италияда янги йил кирар куни деразадан барча эски нарсалар пастга ташлаб юборилади. Японияда эса янги йил куни ярим тунда қўнғироқдан роппа-роса 108 марта кучли зарба берилади. 100 ва 8 рақамлари Японияда бахтли ҳисобланади. Қўнғироқнинг сўнги зарбидан кейин ҳамма ётиб ухлайди. Янги йил қуёш чиқиши билан кутиб олинади. Байрам бутун январь ойида давом этади.

Янги йил японлар учун фақат байрам бўлиб қолмасдан, ҳамма кишилар учун туғилган ўзига хос кун ҳам ҳисобланади. Уларда янги йил арафасида барча идишларга тоза сув тўлдириб қўйилади, бамбук ва қарағай новдалари осиб қўйилади, дастурхонга гуручли шўрва, балиқдан тайёрланган турли-туман таомлар тортилади.

Кубада қоқ ярим тунга яқин хонадонлардаги барча идишларга сув тўлдирилиб қўйилади. Соатнинг миллари эса роппа-роса 12ни кўрсатгач, ўша сув деразадан пастга тўкиб ташланади. Бу келгуси йилда улар ҳаётлари сув мисоли шаффоф ҳамда покиза бўлишини таъминлар экан. Бундан ташқари, ҳар бир кубалик 12 донадан узум ейиши шарт ҳисобланади, ушбу удум йил бўйи барчамиз бахтиёр бўлайлик, деган эзгу орзу-ниятда амалга оширилади.

Венгрияликлар Янги йилда ҳуштак чалишни яхши кўрадилар. Бунда улар болаларнинг ҳуштакли ўйинчоқлари ва найдан унумли равишда фойдаланадилар. Улар наздида, чалинган ҳуштак овози хонадонлардан ёвуз рух, инс-жинс, бало-қазоларни ҳайдаб юбориб, оилаларга ҳақиқий бахт-саодатни олиб келар экан. Венгрияда Янги йил дастурхонига паррандалар гўшти қўйилмайди, чунки парранда

учади. Уларнинг наздида ушбу куни парранда гўштини истеъмол қилинса, оиладан бахт, омад, қут-барака узоқларга учиб кетар экан.

Шотландияда бу кун ҳар қандай киши ўзи хоҳлаган хонадонга меҳмонга кириб келавериши мумкин. Бунинг фақатгина бир шарт бор – меҳмоннинг қўлида пирог, стаканда вино ва бир бўлак кўмир бўлиши шарт. Меҳмон бу уйга киргач, қўлидаги кўмирни печкага ташлаб юборади. Бу билан у ушбу хонадонда йил бўйи, егулик, ичкиликка муҳтож бўлинмаслиги ҳамда узоқ даврлар мобайнида ҳаёт манбаи олов ўчиб қолмаслиги тарафдори эканини билдиради.

Швецияда Янги йил ёруғлик байрами сифатида нишонланади. Байрамнинг бош қаҳрамони – ёруғлик қироличаси Лючия бўлиб, у болаларга байрам совғаларини улашади. Бу куни барча хонадонлар чироғи сира ҳам ўчирилмайди.

Хитойда Янги йил билан табрикланаётган кишининг устидан ўша чоғдаёқ сув қуйиб юборилади. Шу боис, байрам кунида уст-боши жикқа ҳўл бўлиб юриш хитойликларга одат бўлиб қолган.

Корея Республикасидаги қишлоқларида эса янги йил кириб келганидан сўнг кўчаларда оммавий сайил бошланиб етади, қизлар ўртасида бўлса узоқликка сакраш бўйича мусобақалар ўтказилади.

Монголлар эса Янги йил байрамида қўй гўшти пиширадилар, чучвара тайёрлайдилар. Уларнинг эътиқодича янги йил кечасида ким одатдагидан кўпроқ овқат егудек бўлса, у узоқроқ умр кўради. Уларда туғилган болалар ёши ҳам айнан янги йилдан бошланади.

Колумбияда Янги йил шодиёналарининг бош қаҳрамонлари турли қўғирчоқлар ҳисобланади. Ҳар хил эртаклар қаҳрамонлари кийимидаги «Қўғирчоқлар» болаларни жудаям хушнуд этадилар.

Руминияда Янги йил дастурхонига жудаям чиройли варақилар пишириб қўйилади. Улардаги одатга кўра варақининг ичига танга, узук, митти чинни, қўғирчоқ ҳамда қалампирга ўхшаш нарсалар солинади. Варақиларни еган одам, унинг ичидан чиққан нарсаларга қараб, ўзига хос равишда ўзининг бахт-иқболини синаб кўради.

Кенияда йил бошида ҳамма иложи борица чўмилгани боради, аксарият кишилар қайиқларга ўтириб сайр қилади. Суданда бўлса шу куни одамлар бир-бирларига ёнғоқ ҳадя этадилар, бу ирим эса

бутун йил мобайнида сизга бахт, омад доимо ҳамроҳ бўлсин, деган эзгу маънони англатади.

Ўзингизга жуда яхши маълумки, ҳозирги давр янги йил арча байрамини қувноқ ашула, дилрабо куйлар, шўх ўйинлар, оммавий рақслар бадий-маънавий жиҳатдан безаб туради. Арча байрами – бу ўзига хос тарздаги карнавал томошаси ҳамдир. Унда кўпчилик турли хил образларни гавдалантирувчи ниқоблар ва кийимларда иштирок этади. Албатта, арча байрамининг анънавий қаҳрамони бўлиб қолган Қорбобо, Қорқиз шодиёналарнинг бошқарувчиларига айланадилар...

Йил тақвими билан бевосита боғлиқ турли-туман маросимлар таркибида бўлган Наврўз ҳамда Янги йил байрамлари бошқа барча байрам ва маросимлардан анчагина фарқ қилади. Яъни, мазкур байрамлар барчада ўзига хос кўтаринки кайфият, руҳият уйғотади, уларни нишонлашга бўлса алоҳида тайёргарлик кўрилади. Янги йил байрами ўзбек халқининг турмуш тарзига нисбатан кейинроқ кириб келган бўлишига қарамасдан, алоҳида кўтаринки руҳ билан нишонланувчи улуғ байрамга айланиб улгурганлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бу даврда эса мактаб ўқувчиларига қишки таътил берилгани сабабидан байрамона кайфият ўн кунгача давом этади.

Юқорида Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилган барча фикр-мулоҳазалардан хулоса қиладиган бўлсак, кўҳна тарихнинг ҳамма синовларидан муваффақиятли тарзда ўтиб келаётган байрамлар ва маросимлар, урф-одатлар халқимизнинг энг ажойиб фазилатлари, миллий, фақат ўзигагина хос хусусиятларини, энг юксак маънавий қадриятга айланиб кетган халқчиллик руҳи билан роса суғорилган жиҳатлари, яъни ҳалоллик, ўта меҳнатсеварлик, самимийлик билан мужассамлашган барча хислатлариниям намоён этади.

Бундай эзгу фазилатлар, ўз навбатида, бизлар ўз олдимизга жуда юксак мақсад сифатида қўйган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишимизда таянч нуқталардан бири бўлиши эса шубҳасиз.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИНИНГ НАВРЎЗИ

Ислом Каримов томонидан 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ота Юртимиз мустақиллиги Жумлаи Жаҳонга ғоят тантанали равишда эълон қилинди.

Шу кундаёқ Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги буюк тарихий қарори қабул қилинганлигидан ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз. Ушбу ўта муҳим ҳуқуқий ҳужжат иккинчи бандига кўра 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – умумхалқнинг байрами ва дам олиш куни сифатида белгилаб қўйилган эди. Шу тариқа биз озодликка чиққан илк кунимиздаёқ бутун мамлакат (Мустақилликка эришгунимизга қадар Ота юртимиз – Ўзбекистон Республикаси сираям мамлакат деб аталмас эди, у метрополия томонидан бор-йўғи иттифоқдош республика деган кичкина бир мақомгагина лойиқ кўрилган эди. – Б. И., Н. И.), тагин такрорлашгаям тўғри келади, бутун мамлакат бўйлаб истибдоднинг интиҳоси, истиқболнинг ибтидоси бўлмиш энг улуғ ва энг азиз ва муқаддас Истиқлол айёмини ниҳоятда катта тантаналар билан нишонлагандик.

Камида 3,5 минг йиллик давлатчилик тарихига эга Ота Маконимиз – Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги дастлабки қадами катта байрам билан бошланди. Истиқлол айёми мустақиллик йилларида халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига айланганлигини бўлса байрам тантаналарининг ташкилотчиси, тарғиботчиси ва иштирокчиси сифатида ўзингиз ҳам яққол кўриб-билиб турибсиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши арафасида давлат ва ҳукумат томонидан халқ байрамларини тиклаш борасида беҳад улкан маънавий-маърифий ишлар амалга оширилиб, жараёнга кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори жалб этилганди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан «Халқ байрамларини тиклаш муаммолари» бўйича махсус ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ фаол зиёлилар вакилларида таркиб топган эди. Мазкур гуруҳ томонидан ҳар йилида 21 мартдан 21 апрелгача бўлган бир муддатни «Инсонийликни ва табиатни эъзозлаш ойлиги» сифатида белгилаб, айнан бу вақтда «Наврўз», «Хотира куни», «Биринчи экин», «Дон, майса ва сув куни», болалар учун «Бойчечак» байрами, «Ўлола сайли» ва бошқа байрам маросимларини ниҳоятда катта тантаналар билан ўтказиш тавсия этилганди.

Ушбу таклиф-тавсиялар эса, ўз навбатида, кейинги хайр-саховатли ишларга дастлабки дебоча бўлган эди.

XX аср 80- йиллари иккинчи ярмига келиб, яъни миллий истиқлол арафасидагина халқона байрамларимизда «Катта томошалар» намойиш этилиб, элга кўрсатилиб, масхарабозлар, қизикчилар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар ҳамда полвонлар иштирокида минглаб йиллик тарихнинг гувоҳи бўлмиш азалий халқона томошаларни ўша халқнинг ўзи юртга тағин намойиш эта бошлаганди.

Айнан шу пайтлардан халқона байрамларимизда қадим замонда бўлганидек, аскиябозликлар, мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши тағин анъанага айлана бошлаган эди. Байрамлар халқимизга хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намойиш этадиган муҳим маънавий тарбия воситаларидан бири эканлиги, шўролар даврида эса атайлабдан азалий халқона маросимлари, анъаналари, байрамлари ҳам йўқотила борганлиги, инсонпарварлик анъаналарини қайтадан тиклаш зарурлиги

ўша даврнинг оммавий ахборот воситаларида ва турли мулоқотларда жиддий равишда таъкидлана бошланганди.

Шўроларнинг ҳукмронлиги даврида минглаб йиллик тарихга эга бўлган улуғ халқимизнинг миллий байрамларидан бирортасиям расмий байрам сифатида йиллик календар (тақвим)ларда кўрсатилмаган эди. Мустақиллик арафасида ҳам миллий байрамларни тиклаш ҳақида гап-сўзлар анчагина кўп эди-ю, аммо уларни у ёки бу тарзда нишонлаш ҳақида расмий ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмасди.

Ислом Каримов Республикамиз биринчи раҳбари бўлганидан кейингина шундай расмий ҳуқуқий ҳужжат пайдо бўлган эди. 1990 йилнинг 28 феврилида унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда ушбу Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида ўта муҳим тарихий қарор қабул қилинганди. 1990 йилдаёқ, ҳали мустамлака зулмидан тўлиқ халос бўлишга улгурилмаган ўзбек юртида Наврўз айёми ниҳоятда тантаналар билан нишонланганди. Бу биз учун ўзаро меҳр-оқибат, кадр-қиммат ва хайру саховат рамзи бўлган энг қадимий ва энг асл байрамимизнинг амалда қайтадан тирилиши эди. Президент Ислом Каримов томонидан «Наврўз» халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида махсус Фармонга имзо чекилган эди ва бундан кейин ҳар йили 21 мартни умумхалқ, эл-юрт байрами – дам олиш куни сифатида нишонланиши эълон қилинганди. Бу унутилмас тарихий воқеани, жуда буюк анъаналарни абадиятга айлантирган айёмнинг расмий равишда нишонланишини мамлакатимиз бутун аҳолиси беҳад чуқур мамнуният ва кўтаринки руҳ билан кутиб олганди.

Келинг яхшиси, шу ўринда айнан мавриди келиб қолганлиги туфайли ҳам, ўша замонларда Шўролар армиясида хизмат қилган Фаҳриддин Содиқнинг «Садо» газетасида (2016 йил 1 сентябрь) босилган «Мутолаа ичра жонланган ҳаёт» сарлавҳали битигидан мавзуга оид кичик бир парчани эътиборингизга ҳавола этсак: «Биз ҳарбий хизматни, йигитлик бурчини ўтаётган 1989 – 1991 йилларда дунё ҳайратда, тизгинсиз қизиқсиниш билан тарихнинг навбатдаги эврилишига яққол гувоҳ бўлиб турганди. Зеро, дунёнинг харитаси кун сайин ўзгача ранглар ва қалин чизиқларнинг эвазига тинимсиз равишда ўзгариб бораётганди...

«Бепоен мамлакат»нинг деярли ҳар бир бурчида ой сайин, кун сари янгидан-янги «можаро»лар чиқиб турарди, аҳолининг эртанги кунга нисбатан буткул ишончсизлиги ва алланечук бир саросима кайфият ҳукм суларди.

Бу қисмга дастлаб биз – ўзбекистонликлар келгандик, кейин Москва, Новгород, Рига, Куйбишев, Доғистондан келишди...

Бизнинг ротамизнинг командири бўлмиш Тисленко бир куни эрталабки саф тортиш (развод) вақтида:

- У узбеков отныне свой Президент есть – деб қолди.
- У нас же есть президент, и государство, и президент! – деб кимдир лукма ташлаб қолди.
- Значит у них государство! – деди Тисленко ҳамда бошқача лукмаларга сира ўрин қолдирмасдан, взвод командирларига ротани бошқаришлари учун буйруқ берди.

Бу бизлар – ротадаги ўзбеклар учун учун янги хабар эди ва дабдурустдан уни тушунмагандик. Бироқ, ўша кунгек телевизор ёки газета орқалими, ишқилиб, ушбу янгиликдан – она юртимизда Президентлик бошқаруви жорий қилинганидан воқиф бўлгандик. Тўғриси айтганда – биз, айна шу пайтда Ватандан четда хизмат қилаётган йигитлар жуда чексиз бир ғурур билан қувонч ҳиссини туйганмиз, аммо айна шу хурсандчилик билан бир вақтнинг ўзида яхшигина хавотирни ҳам ҳис қилганмиз. Зотан, хавотиримиз бежиз эмас эди, негаки, худди шундан кейин, ҳатто офицерлар ҳам биз билан «сермаъно» янгича муносабатга ўтишганди.

– Вы такие отдельные, особенные, да нашли или вдруг вы узбеки узнавали сами себя – мана шунга ўхшаш гапларни мен ва хизматдош дўстларим кўп эшитганмиз. Бу каби қочирим ёки ўз номи билан айтганда «писмиқ» гапларга эса жавоб қайтариш керак эди. Табиийки, хизматдаги шароитнинг тақозосига кўра, жавоб ҳам фақат гапу сўзлар билан бўлмайди – кимдир яхшигина «кўкаради» ёки ўзимиз ҳам тузуккина «кўкарадимиз»... Дарвоқе, энг қизиғи ёки энг муҳим воқеа фақатгина бу эмасди. Ҳаммамизни роса ҳаяжонга солгани, барчамизга тоғлардан-да баланд ифтихорни бахш этиб, ўзимизга бошқача – муносиб қарашларига ундовчи сабаб бўлган воқеа эса кейинчалик содир бўлган...

... Совуқ ўлкада, Верхняя Сальдада қор йилнинг ноябридан бошланиб, келаси йилнинг июни бошигача эримасдан тураверади. Шундай ўлканинг табиати ҳам ўзига яраша бўлар экан-да. Чунки, фақат тақвимдагина келадиган баҳор эса табиатни ўзининг ҳукмига бўйсундира олмайди – чини билан, чин кўнгилдан баҳорни ҳам ҳис қилолмайсан киши. Агар ишонсангиз, ўшанда Наврўзимизни эсга олишга олдиғу, бир-икки йигитлар билан баҳор айёмини ўзимизча нишонлагандек бўлгандик. Бизларнинг нишонлашимиз ҳам қандай бўларди дейсиз, имконимиз қадар тушликни биров бойитгандик...

Айнан ўша куни махсус хонада «кип-қизил» русча «Красная звезда» газетаси, учинчи саҳифасининг қоқ ўртасида кўзларимга кип-қизил чўғ янглиғ кўриниб турган ўзбекча сўзларни, матннинг энг бошидаги **«БАРЧА ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ЙИГИТЛАРИМИЗГА!»** деган жумлани ўқигандим. Ич-ичимдан гупириб келаётган алланарсаларни босиб-босмай эса, матн остидаги ўзимизнинг Президентимизнинг имзосини кўрдим. Унда эса шундай самимий тилаклар мавжуд эди:

«Азиз ва қадрдон Ўзбекистон ўғлонлари!

Барчангизни улуғ ҳамда муқаддас Наврўз байрами билан чин дилдан табриклайман. Табиатнинг уйғониш фаслида сизга Она юрт соғинчи ва меҳр-муҳаббатга тўла саломларини йўллайман...

Бугун дастурхондаги насибангиз узра олисдаги сиз азизларни яна бир бор эсга олиб ҳар бирингизнинг азиз бошингизга омонлик тилаймиз. Мунис ва меҳрибон ота-оналарингизнинг бағрига, сизни кўз тикиб интизор кутаётган яқинларингиз бағрига тез кунларда эсон-омон, соғ ва саломат қайтишингизни тилаймиз.

Катта-кичик, барча дўсту биродарларингизга бизнинг Наврўз саломимизни етказинг.

Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ».

Тезда ўқиб чиққан матнни пахтакорлик хизматдош дўстим Олимга кўрсатгандим. Ўзбекча табрикни кўриб, унинг ҳам кўзлари порлаб кетган эди: «Қара, ўзимизнинг Она тилимиздаги сўзларни бошқа сўзлардан ҳам қизғанаркансан одам», деганди»...

Наврўз айёми, шак-шубҳасиз, кўпгина халқ байрамларининг ҳам отаси, ҳам онаси ҳисобланади. Асрларнинг бағридан қийналиб

етиб келган беҳад улкан шодиёна, байрамнинг энг катта фазилати ҳам шундан иборатки, айём, энг аввало, турли-туман тоифаларга мансуб бўлган, миллатидан қатъи назар барча одамларни ўзаро яқинлаштиради, биродарлаштиради ва дўстлаштиради.

Байрам кунларида қариндош-уруғлар ҳамда қўни-қўшнилар бир-бирларини ўзаро йўқлайдилар, совға-саломлар йўллайдилар, зарурият туғилгудай бўлса, муҳтожларга моддий ёхуд маънавий ёрдам, кўмакни сидқидилдан берадилар.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов нуқтаи назаричаям: «Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни ҳам юракда олиб юрмаслик, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам энг ёруғ кунларнинг умиди билан, эртанги кунга қатъий ишонч билан яшаш – Наврўзи оламнинг ўзи бизларни чорлайдиган аломат».

Шу боисдан ҳам ушбу куни одамлар ўртасида хафагарчилик, адоват, гина-кудратларни унутишга ҳаракат қилинади. Урушганлар ярашиб оладилар. Ёшлар эса кексалар, нуронийларни зиёрат қилиб, уларнинг олтинга тенг, аслида бўлса тилладан ҳам қимматбаҳороқ, инсон руҳи, қалбига бекиёс куч бағишловчи дуосидан, олқишидан баҳраманд бўладилар...

21 мартнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1999 йилда «Бутун дунё шеърият куни» деб эълон қилинганлигида ҳам улкан рамзий маъно бор. Халқимизнинг ғурур ва ифтихори манбаи, эзгуликка беҳад эш бўлган айём – Наврўз байрами ҳамиша ижодкорлар қалбиниям ўзига ром этиб, улар учун битмас-туганмас илҳом, завқ-шавқнинг ўзига хос бир манбаи бўлиб келган.

Кўҳна Шарқнинг улуғ мутафаккирларидан тортиб, эндигина назм бўстонига астагина ёки ловуллаб ёниб кириб келган ҳаваскор шоирларгача Наврўз талқини орқали гўзаллик, нафосатни, эзгулик ҳамда бунёдкорликни мадҳ этиб, шеърлар битганлар, ҳамон битиб келаётганларини эса ўзингиз ҳам, бир қалам тебратувчи сифатида, ниҳоятда яхши биласиз. Шоирларнинг кўнгил тубидан ҳаётбахш нур янглиғ аста сизиб чиққан шеър, дostonларида инсон, инсоният, жамиятга ўзларининг орзу-умидларини, тилаклари ва ниятларини изҳор этганлар. Чунки, шеър ёзиш ҳам ўзинг билмаган ҳолатда бировга, ўзга инсонларга астойдил яхшилик қилишдек бениҳоя бир

савоб иш эканлигини ҳақиқий ижод аҳли, вакиллари ва уларнинг ижодидан баҳраманд кишилар жуда ҳам яхши биладилар.

Адабиётимизнинг кўхна тарихига назар ташлагудек бўлсак, Наврўз ҳақидаги биринчи ғазални XIII асрнинг шоири Рабғузий ёзганлиги гувоҳиям бўламиз. Ва, бу ўзбек адабиётидаги илк ғазал ҳисобланади. XX аср ўзбек адабиётида бўлса Наврўз ва бойчечак ҳақидаги биринчи шеърни Абдулҳамид Чўлпон ёзган эди.

Унинг дилбар мисраларини ўзингиз ҳам шошилмасдан ўқиб кўринг-а: «Ҳар йили бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиклай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди...

Толларнинг кўм-кўк сочпопуклари қизларнинг майда ўрилган кокилларидай салкиллаб тушмоққа бошлади.

Муз тагида лойқаланиб оққан сувнинг ғамли юзлари кулади, ўзлари ҳорғин оқсалар-да, бўшалган қул каби эркинлик нашъасини кемира-кемира аста илгари босадилар. Симёғочларнинг учларида эса якка-якка қушлар кўрина бошлади. Биринчи кўринган кўклам қуши биринчи ёрилган бодроқ нашъасини беради... Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?..».

Ҳа, ҳаёт, айниқса, эртаги кўклам маҳаллари ниҳоятда ўзгача кўринади. Бу синоатнинг боиси эса боқий Наврўз айёмидир.

Чўлпоннинг «Баҳор келди» сарлавҳали шеърдан баҳра олинг:

Йўқсилларни ингратгучи қиш кетиб,
Баҳор келди, гулбарралар очилди.
Ваҳимали қиш биноси йиқилиб,
Гўзал баҳор эшиклари очилди.

Бу севгили қўноқ учун қувониб,
Кўнгил очмоқ истаб қирга чиқармиз
Ўйнаб-кулиб, гулбарралар теришиб,
Югуришиб, адирларга чиқармиз.

Баҳор билан бирга келган булбуллар,
Боқчаларда нола қилиб сайрашар.

Қизил гулнинг қаршисига қўнишиб,
«Ғунча туғиб, очилгин», – деб сўрашар.

Булбулларнинг мусиқадек овози
Рухимизга ширин озик берадир.
Жилва билан турса баҳор шамоли,
Димоқларга шодлик иси келадир.

Куллуқ сенга, гўзал баҳор, хуш келдинг,
Энди тоғда қизил гуллар очилсин.
Олма, ўрик, шафтолилар гуллашиб,
Майдонларда кўк майсалар кўкарсин.

Наврўз байрами, баҳор фасли, халқ шодиёнаси, тантаналари
барча замонларда шеърят аҳлига алоҳида завқ, илҳом бағишлаган.
Мавлоно Муқимийнинг:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинлар, жўралар ўртоқлар!
Хуш бу махфида тириклик, улфату ахбоб ила,
Ўйнашиб гоҳи табиатни қилайлик чоғлар...

каби байтлари билан бошланадиган содда ва нафис оҳанглари ҳам
Наврўз кунлари беҳад гўзал табиатнинг сеҳрли қучоғида, назмни
нозик тушунгувчи дўст-биродарлар даврасида шоир қалбининг энг
покиза мавжидан туғилгандир.

Наврўз ва Навоий... Бир-бирига нақадар боғлиқ тушунчалар.
Гарчи Наврўзни нишонлаш ўзбек учун Навоийдан минглаб йиллар
олдиндан беҳад маънавий мерос сифатида келаётган бўлса-да, бу
байрамга даҳо шоиримизнинг муносабатини билиш бугун учунам,
келажак учун ҳам жуда-жуда зарур. Аввало, Наврўз – Навоий учун
муҳим бир бадийи восита вазифасини ўтагани. Маълумки, Навоий
жами олти дoston яратган. Уларнинг бештаси энг буюк «Хамса»
эпопеясини ташкил этади. Ўз умрининг сўнгги йилларида эса улў
шоир олтинчи маснавийси – «Лисон ут-тайр»ни битгани. Ана шу
дostonларнинг барчасидаям Наврўз қаламга олинган. Шу сабабдан

ҳам Наврӯз айёми ҳақида гап кетганида ҳазрат Навоийнинг гўзал бир сатри, ҳамиша охорли тилаги беихтиёр ёдимизга тушаверади:

Эй юзунг боғи насимида ҳавойи наврӯз,
Лаъли тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрӯз.

Зулфи рухсор ила комимға мени еткурсанг,
Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин наврӯз.

«Садди Искандарий» достонида бўлса Наврӯзнинг байрам қилиниши хусусида шундай сатрлар мавжуд:

Баҳор эрдию гул арусига зеб,
Арусона булбулға андин фиреб.
Гулу сабза айёмида бўлди тўй,
Бўлиб гулшан ойин била шахру кўй.
Аёқчи, кетур жомни лабба-лаб!
Ки тўй ўлди айёму айшу тараб.
Ки бу сурур оламафрӯз ҳам.
Хусусан эрур фаслу наврӯз ҳам.

«Хазойин-ул-маоний»да бўлса Наврӯздаги тун ва куннинг ўзаро тенглиги жудаям ажиб бир тарзда баён этилади:

Васли аро, кўрдум, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврӯз.
Бу асарда Наврӯз хусусида тағин шундай битиклар мавжуд:
Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Огаҳийнинг лирик меросида «Наврӯз» ҳақида ўнлаб асарлар учрайди. Уларда Наврӯз байрами ўтказилиши тартиблари ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар анчагина. Шоирнинг тасвирлашича, аввало, байрамда яқин кишилар бир-бирларини янги йил билан чин дилдан табриклаб, энг эзгу ниятларини билдирадилар:

Эй, ёр санго тангри таборак бўлсин,
Наврўз ила тоза йил муборак бўлсин.

Ахбоб сарафроз ўлубон лутфингдин,
Аъдо боши манкуби балорак бўлсин.

Бобокалонимиз Носириддин Рабғузий эса шундай ёзганлар:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечти баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, бузи.

Кун келу минг курки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Тонг отарда эснаюр тўрт булунгдин шамол, зиё,
Кин тузар киндик йипор йизланур ёбон ёзи.

Ёрлиги епгун – бағирдин обуғи ёшил, кизил,
Ораси буток, ябурғок, тол чечаклар туб тузи.

Ўрласа булутлар гулчирар боғу бўстон,
Тол йиғочлар енг солишур ўйнаюртек қўй-қўзи.

Киршани қор қани энглик боқса тоғлар сурати,
Тўнлиқи тангсуқ йипордин Рум хитой атлас чузи.

Лола сағроқин ичарда сайрар усруб сандувоч.
Турна ун тортиб ўтарда сакрашур бақлан қўзи.

Кўкда ўйнар қўл солишур қугу қоз қил қарғулоч,
Ерда югруб жуфт олишур ос, тийинг, киш, кундузи.

Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри, булбул мукри бўлиб ун тузар тун кундузи.

Яғиз ер, кўк менгизлик яшнаюр майдон бўлуб,

Оғрушим ойтак чечаклар теграсинда юлдузи.

Ҳури ин ужмоҳ ичинда енг солиб таҳсин қилур.
Ёз уза мундоғ ғазаллар аймишда Носир Рабғузий.

Замонасининг беҳад забардаст, заҳматкаш ва зиёли забондони
Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳор айёмини йигитликнинг росаям
кучга тўлган, ниҳоятда навқирон даврига қиёс қилади:

Баҳор айёмидир, доғи йигитликнинг равонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Наврўзда инсон қалбиям ғам-аламлардан тозаланади. Фурқат
дўстларни кенг байрам даврасига чорлаб шундай дейди:

Навбаҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар,
Боғ аро нўш айлайлик, биз ҳам шароби ноблар.

Шоира Бону қаламидан бўлса мана шундай соҳир сатрлар
қордек оппоқ қоғозга бутун кўрк-таровати билан тўкилганди:

Келди Наврўзи ажойиб, сайри гулзор айлангиз,
Тўти-ю булбулсифат, оҳанги дилдор айлангиз.
Жам бўлиб аҳбоб ила тузмоқда базми боғаро,
Ошиқу девона айтмай бизни ҳам ёд айлангиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг ўта
соҳир қаламига мансуб «Халқ сўзи» газетаси 2014 йил 21 мартда
чоп этилган «Наврўз» шеърини ҳам Сиз маза қилиб ўқишингизни
Бизлар ҳам чин дилдан истаймиз:

Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Қишнинг аҳволига боқиб, ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,

Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврӯз!

Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврӯз!

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврӯз!

Шавкат Раҳмоннинг Наврӯз илҳомиданам баҳраманд бўлинг:

Тоғларга чоп, далаларга чоп,
Бағрингни оч мовий навога.
Тупроқни ўп, майсаларни ўп,
Дардингни айт субҳи сабога.
Гулга айлан, ёмғирга айлан,
Сайхонларга қуйил зиёдай.
Қайта туғил, ёруғ юз билан,
Водийларни кезгин пиёда...
Тоғларга бор, далаларга бор,
Нурга тўлдир умрнинг дамин,
Тупроқни ўп, ялиниб ёлбор,
Гуноҳингни кечирар замин.

Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб
ушбу сатрларни бўлса ўзингиз ҳам ёддан айтиб бера оласиз:

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор қўйнидан зўрға сенга етиндим,

Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Кокилига толпопукдан соч илсин.
Бойчечакка борар йўллар очилсин,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим...

Кўкинг билан кийинтирай даламни,
Оёқяланг суюнтирай боламни.
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.
Қумри билан бирга чикдик биз қишдан,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим...

Бундай олиб қараганда, баҳорни ким куйламайди дейсиз. Ҳар бир тоза қалб эгаси борки, Наврўзга ошно, баҳорнинг шайдосидир.

Шу ўринда, ушбу қўлланма муаллифларининг отаси ҳамда бобоси Робиддин Исҳоқовнинг ҳам бундан ярим асрлар муқаддам инсонларни истиқболга етакловчи ва истибдодга барҳам берувчи миллий истиқлол орзусида удумларни роса яшартган, анъаналарни абадиятга айлантирган энг азиз айём, башариятнинг боқий байрами хусусида битган бир неча шеърларини Сиз азизларнинг диққат-эътиборингизга ҳавола этишдек эзгу бир истак ҳам туғилди:

Рубобингни чалгин, созанда Наврўз,
Рақсга тушсин қора қош каклик.
Қаҳратон қаҳри-ю, бўрон шаштин буз,
Гул фасли бу – хандон кулайлик!
Булбулларинг чақир базмга,
Базм ўтмас бизда куйсиз навосиз.
Наврўз латофати кўчсин назмга,
Сатрларда қолсин лолалардан из ...
Олам яшаради – Наврўз юзидай,

Наврўз кияр яшил шоҳидан либос.
 Олча гулларини узатиб ёрга,
 Бахтимиз олқишлаб,
 Янгратайлик соз!
 Рубобингни чалгин, созанда Наврўз...

Шоирнинг «Манзара» номли шеърида эса Онажон табиатнинг шундай ажиб бир тасвирига дуч келамиз:

Ёмғир ёғди.
 Жажжи новданинг
 кўз очмаган куртагин ўпди.
 Бироқ,
 Ҳали табиат дўқи,
 Шамолу сел,
 Бўрони кўпдир.
 Сахий қуёш ёғдуси билан
 Йўргаклагач куртак – гўдагин,
 Қалбин очиб, Она табиат –
 Беланчак айлади –
 Наврўз этагин...

Қоғозга шоир қалбининг тубидан тўкилган сўзлар воситасида чизилган тагин бир ажиб манзараям гўзал Наврўзни кўз ўнгимизда яққолроқ намоён этади:

Қор кўрпаси йиғиб этагин
 Жилға бўлиб оқди адирдан.
 Аста куйлаб севги эртагин –
 Ниҳол майса кўз очди қирдан...
 Чарх уради бошида тўрғай,
 Япроғидан ўпиб учади.
 Янги қўшиқ,
 янги куй ила
 Наврўз аста дилга кўчади...

Энди шоир Асад Асил томонидан соҳир сўзлар воситасида чизилган «Манзара»дан бахраманд бўламиз:

Қиш ётарди писиб тоғда ой-ойлаб,
 Бирдан босиб тушди пайтини пойлаб.
 Қиру тоғда, боғу роғда қизгин жанг,
 Кўз ҳам кетди бўлиб қолгач ҳоли танг.
 Оқ момикқа ўраб олди ўлжасин:
 Қор босибди ҳатто шаҳар кўчасин...
 Зафар завқи қишни мағрур этган чоғ,
 Тўрт томонга кучи тарқаб кетган чоғ,
 Пистирмадан чиқди баҳор лашкари –
 Исиб кетди хона, ҳатто ташқари.
 Увададек қора булут елади,
 Кўз очирмай қорни қувиб келади...
 Кўклам отлиғ зўравондан тап тортиб,
 Қочиб борар қиш кўч-кўронин ортиб...

Миллий Истиқлолга эришганимиздан кейин Ислом Каримов томонидан асрлар бағридан қийналиб, қаршиликлар билан бўлса-да, етиб кела олган, майин саболари эса бошлаган улуғ шодиёна боқий Наврўз умухалқ байрами сифатида эълон қилингач, Маҳмуд Ҳасаний бутун дунёга дoston диёримиздаги азиз айёмга бағишлаб ҳақиқий шукроналик ҳамда зафар қувончи ила қуйидаги ёрқин бир манзумани битганди:

Водийларни яёв кезганда,
 Бир ажиб ҳис бор эди манда...
 (Ҳамид Олимжондан)

Кўриб бунда Наврўз жамолин,
 Балоғатга етган камолин,
 Бошларимдан учар эмиш хуш,
 Кўрганларим гўёки бир туш.
 Афсонадек гўзал бу бўстон.
 Наврўз билан яна гулистон.

Қолар қочиб тоғнинг бошига,
 Ерлар қониб унинг «ёшига»,
 Чаман билан бурканиб Ватан,
 Шодликларга тўлди ҳар бир тан.
 Наврўз билан келади шодлик,
 Наврўз билан элда ободлик.
 Наврўз келса гуллайди боғлар.
 Наврўз келгач яшнайти тоғлар.
 Наврўз келса дарахтларда гул,
 Наврўз келса гул очади чўл,
 Наврўз келса ариқларда сув,
 Наврўз келса далада сурув.
 Наврўз келса тилда ашула,
 Дам дилига тушар ғулғула.
 Наврўз келса ҳамма ёру дўст,
 Унутилар барча каму кўст.
 Наврўз келса суманбар малак,
 Икки қўллаб тутар сумалак.
 Кўк сомсадан қувонади кўз,
 Чучварага тополмасман сўз.
 Бир томонда найнинг навоси,
 Бир томонда карнай садоси.
 Бир томонда рубобнинг сози,
 Бир томонда ҳофиз овози.
 Бахтимизга Наврўз бор бўлсин,
 Катта кичик бахтиёр бўлсин.
 Омон бўлсин элу юрт, омон,
 Омон бўлсин тургунча замон!..

Шоир Баҳодир ИСОнинг ниҳоятда соҳир сатрлар воситасида оппоқ қоғозга кўчира олган жудаям гўзал «Баҳор» дея номланган манзарани бемалол ўзингизнинг кўзингиз, кўнгил кўзи билан кўра олишингиз, завқланишингизга ҳамда ушбу шеърни такрор-такрор мириқиб ўқиб чиқиб, ўз дўстларингиз ва дугоналарингизга тавсия этишингизга ҳам ишонамиз:

Ернинг сийнасидан тошди ҳарорат,
 Ҳайкал дарахтларга такрор кирди жон.
 Томларнинг лабида туриб омонат,
 Ялқов мушуклар ҳам бошлади фиғон...

Шифокор куёшнинг малҳам тиглари
 Бемор жуссасини узди тўшакдан –
 Ана, кўтарилди буғдой туғлари
 Чорбоғда қор босиб ётган хашакдан...

Ўчоқлар оғзига исланиб қайтди
 Мўрилар бўғзидан тутган тутунлар.
 Эшитдим – Худога шукрона айтди
 Охири кўриниб қолган ўтинлар...

Тупроқ кўпчиб берди етилган қиздай,
 Чапани кетмонга боқди сузилиб...
 Бўғотда ханжарга айланган музда
 Қартайган қиш жони кетди узилиб...

«Тиббиёт ва замон» журнали ҳамда «Тамаддун» газетасининг муҳаррири, шоир Мусо АКМАЛнинг 2015 йилда «Наманган» нашриётида чоп этилган «Пайғом» номли бир шеърый китобидан муносиб даражада ўрин олган «Фасллар алмашинуви» сарлавҳали битиклари ҳам Сизнинг диққат-эътибрингиздан четда қолмайди, деган умиддамиз:

Қиш қиличин сермаб чарчади,
 Етолмади ўй, муродига.
 Охири муз юзларин тирнаб,
 Аччиқ қамчи босди отига.

Ҳайдаб кетди шамоллар уни,
 Уввос тортиб бўзлаб, йиғлади.
 Ёмғирлардан кейинги куни

Қуёш яна нари қувлади.

Оғир экан айрилмоқ дарди,
Сочларини ёйиб ташлади.
Ниманидир излаб ахтарди,
Мавжудотнинг қалбин ғашлади.

Ялпиз ҳиди таралди, хулё!
Ирғишлади асов от – анҳор.
Сабзаланди бус-бутун дунё,
Сепин ёйди келинчак баҳор.

Ана шундай бошланди кўклам,
Алҳол, офтоб қилди тантана.
Наврўз менга ёқади бирам.
Гўё қувват олар жон-тана.

Энди Суннат Убайдулло тмонидан битилган «Наврўз назми»
билан мириқиб танишамиз, оқибатда кўнглимиз ҳам ором олади:

Ўсмадин сув эмди қош ва сурмадин бу кўзлар,
Мушкидин айланди бош, келдими боз Наврўзлар.
Новдаларда во ажаб, ғунчалар очмиш чирой,
Гулми, дей анга қараб, ё шохдаги юлдузлар?
Сабза урмиш майсалар, бойчечаклар қирда шох,
Хумор этиб бўсалар, сайрибоғ истар қизлар.
Сумалакдин лабда бол, сайилдин дилда кўп хузур,
Мени этди масту лол, хуш бўйидин ялпизлар.
Қайга бормай мен бугун, дилкушолар жамулжам,
Қадаҳда маю гулгун, тилларда шакар сўзлар.
Хуш бу айёмда Суннат юзни бур бир гўшага,
Анда бўлсин жаннату, хуррам ўлсин ёлғизлар.

XX асрнинг 20- йилларига қадар ўзбеклар орасида туғилган
кунини нишонлаш одатиям унчалик тараққий этмаганди. Илгари
кўпгина Шарқ халқларида, Марказий Осиёликларда, шу жумладан,

ўзбеклардаям «йил боши» («Наврўз») келганидан сўнг, ҳар қандай инсоннинг умрига яна бир ёш қўшилди, деб ҳисоблана бораверган.

Шу сабабга биноан қутлуғ Наврўз байрами фақат табиатнинг қайтадан уйғониши, янгиланиши бўлибгина қолмай, барча-барча кишилар учун ўзига хос «йил ошди», туғилган кунининг ҳақиқий тантанаси ҳам бўлган.

Халқимиз кишиларнинг таваллуд топган куни ёки ёш тўйида: «Фалон баҳорингиз муборак бўлсин!» – дейди.

Демак, ёш тушунчасиям қадимдан Шарқда бевосита йилнинг боши билан боғлаб айтилади.

Льюис Базен қаламига мансуб «Қадимги туркий халқларда ёш концепцияси» деган жудаям муҳим илмий тадқиқотда ёзилишича, қадимги туркийлар йилнинг янгиланганлигини илк баҳорда ўсиб чиққан ўт-майсаларга қараб аниқлаганлар. «Ёш» сўзи «Намлик», «Кўз ёши», «Янги униб чиққан кўклик» маъносини билдирган.

Қадимги туркий боболаримиз кунни бевосита Қуёшга нисбат қилиб «кун», ойни эса Ойга нисбат қилиб «Ой» деганлари сингари, йилни ҳам эрта баҳорда яшил майсаларнинг дилларни қувонтириб, аста-секин униб чиқишига нисбат бериб «ёш» деб атаганлар.

Шундай қилиб, бугунги даврдаям доимий ишлатадиганимиз – «Йигирма тўртга кирдим» деган бир ифода: «Йигирма тўртинчи марта янги майсани кўряпман», яъни салгина бошқачароқ қилиб ифодалаганимизда: «Йигирма тўртинчи баҳорни қарши оляпман», – деганиям бўлади-да.

Лекин, қадимги туркийлар янги йилни баҳорнинг муайян бир кунидан бошлаб ҳисобламаганлар: ҳар йили кўкламнинг қайси пайтга тўғри келишига ҳам қаралган. Кўклам эса, табиийки, баъзан эртароқ, баъзан бўлса нисбатан кечроқ келишини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз, ўзингизнинг кириб келган ёшингизга биноан кўп бора бунга шахсан гувоҳ ҳам бўлгансиз.

Ана шундай мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда, адабиётшунос олим Султонмурод Олим томонидан бир этимологик тахмин ҳам ўртага ташланганди: Балки «яшил» атамаси ҳам «ЁШ» ва «ЙИЛ» сўзларидан келиб чиққандир? Ҳар йили эрта Баҳорда ёш майсалар униб чиқади, ва ёш йил ҳам бошланиб кетади...

Маҳмуд Қошғарий жаҳонга жуда машҳур «Девону луғатит-турк»да 12 мучал йиллари, ойлар, ҳафталар ва кунлар, Наврӯз тўғрисида турли хил маълумотларни бериб, шу масалага дахлдор халқ қўшиқларидан намуналар келтирган. «Турклар ўн икки хил ҳайвон исмини ўн икки йилга от қўйганлар... Кўчманчилар ва мусулмон бўлмаган турклар ойларни тўрт фасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни эса бир исм билан юритадилар. Йил ўтишини шундай биладилар. Масалан, Наврӯздан кейинги аввал баҳорга оғлақ ай (ой), сўнгра эса улуғ оғлақ ай дерлар. Чунки, ой бу вақтда (анча) катта бўлиб қолади. Бундан кейингисига улуғ ай дейилади. Чунки, бу ой ёзнинг ўртасида бўлиб, бу вақтда сут ва ер неъматлари кўп бўлади».

Қадимдан аجدодларимиз Наврӯз айёми чоғларида ҳам мучал ёшини катта тантана билан нишонлаганлар. Мучални нишонлаш маросими қуйидаги тартибда ўтган: ўн икки ёшга тўлаётган барча ўғил-қизлар олдиндан махсус тикилган оппоқ либослар кийганлар (аждодларимиз наздида оқ ранг тозаллик ва поклик рамзи бўлган).

Наврӯз кунда мучал ёшига тўлган барча ўғил-қизлар бир-бирлариникига кириб, дўстлари ҳамда дугоналарини сидқидилдан табриклаганлар, ундан кейин эса олдиндан белгилаб қўйилган бир жойга тўпланганлар, кўча-кўйлардаям сайр қилганлар. Одатда «оқ либосли» айнан ўша ёшлар Наврӯз айёми бениҳоя катта тантаналар ўтказилаётган жойларга, сайилгоҳга ташриф буюришганида, барча уларни қутлаган, уларга эзгу истаклар билдирилган. Ёш болалар мучал ёшига етиб келганларга баҳор гулларини тақдим этганлар. Қариялар бўлса уларни роса дуо қилганлар. Хуллас, мучал ёшини нишонлаётган барча болалар башариятнинг беҳад боқий байрами бўлмиш – Наврӯз айёмининг рамзий қаҳрамонларига айланганлар.

«Оқ либос»ликлар асосий тўдадан ажралиб, ўзлари алоҳида тоғ ён бағирлари ёки дала-боғларда сайр қилганлар, ўйнаб-кулиб, завққа тўлиб ўз уйларига қайтганлар. Хонадонларда эса ота-оналар мучали тўлган болалари шарафига зиёфатлар берганлар. Бухорода зиёфатдан олдин қизиқ бир одат бўлган. Дастурхон ёзилган уйнинг қоқ ўртасига зағома тарозини остирилган (зағомалар таги чармдан қопланган бўлиб, улар тарозига палла вазифасини ўтаган). Мучали

нишонланаётган болалар ана шу зағомалардан бирига ўтқазилиб, иккинчисига каллақанд солинган. Каллақанд ўз оғирлигида бола турган паллани босгач, уни дастурхоннинг энг тўрига ўтқазганлар. Шу боланинг вазни бараварлигидаги каллақандни бўлса дастурхон атрофидагиларга тенг тақсимлаб, кулча устига қўйиб улашилган, болалар росаям хурсандчилик қилганлар ҳамда шундан кейингина маросим якунига етган. Бундай зиёфатлар турли жойларда турлича ўтган. Баъзи ерларда барча катта-кичик меҳмонлар учун умумий катта дастурхон ёзилган бўлса, бошқа жойларда эса олдин болалар, кейин бўлса катталар – қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар учун ҳам алоҳида базмлар уюштирилган.

Одатда, Наврўз байрами, сайли, тантаналари иштирокчилари дини, миллати ва ижтимоий ҳолати, уларнинг қайси ирққа мансуб эканлиги сираям ҳисобга олинмайди. Ушбу жиҳатларнинг ҳеч ким учун ҳеч қандай аҳамияти ҳам йўқ. Шу маънода 1966 йилдан БМТ 21 мартни «Халқаро ирқий камситишларни тугатиш учун кураш куни» деган махсус бир ном билан эълон қилганлигида ҳам ўзига хос улкан рамзий маъно-мазмун бор. Бу хусусдаги айрим фикр-мулоҳазаларимизни юқоридаям баён этган эдик.

Бундан ташқари эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2012 йилдаги мажлисида 2013 йил 21 мартини Халқаро ўрмонлар куни сифатида ҳам эълон қилинган эди.

21 март Курраи Замин миқёсида «Она сайёра куни» сифатида ҳам нишонланади. Айни бу куни БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан ҳар йили баҳорги тенг кунликнинг муносабати билан Дунё кўнғироғи жаранглайди. Демак, барчамизга улуғ аجدодлардан асл мерос, асрлар бағридан келган шодиёна, эзгуликка эш бўлган айём – Наврўз аслида фақатгина Шарқ халқларини эмас, амалиётда БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан, юқоридаям қайд этилганидек, юридик жиҳатдан ҳам бутун инсониятнинг, башариятнинг бебаҳо, боқий байрамига айлантирилди...

Бизнинг маънавий қадриятларимиз ва ўзлигимиз фақатгина Ислом дини ва унинг таълимотлари билангина чекланиб қолмайди. Шу боисдан ҳам миллий анъаналарга чиндан содиқ қолган ҳолда, ўта узоқ ўтмишдаги аجدодларимиз томонидан амалга оширилган

удумларга ҳурмат-эҳтиромниям бажо айлаб, Наврӯз тантаналари ўтказиладиган бош сайилгоҳга Она Ватаннинг тимсоли сифатида, унинг пойида Мангу олов ёниб турган рамзий ҳайкални ўрнатиш ва Наврӯз шодиёналарини эса айнан шу ердан бошлаш мақсадга жуда ҳам мувофиқ бўлар эди.

Республикамизнинг Биринчи раҳбари Ислом Каримов 1990 йил бошида халқ вакиллари, депутатлар, зиёлилар билан бўлган кенгашда шундай эзгу ғояни илгари сурганди: «Миллий анъаналар халқнинг энг нозик ва энг ҳурматталаб фазилатларидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто, ўзимиздан чиққан айрим (бир) раҳбарлар «Наврӯз» байрамига, миллий кийим-кечакка (ҳам жудаям қаттиқ) қарши чиқди. Шу даражага бориб етдикки, ўз қариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйиқ ўтказилди.

Диндорлар билан мулоқотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини кўяверинг. Хуллас, (ҳаммаси) бўлганича бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралашимизни, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва (жиддий) эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор (сизларга) уқтириб ўтмоқчиман» (Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011, 143 – 144- бетлар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 19 феввалидаги «2016 йилги Наврӯз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги муҳим қарорининг 1- бандида «Наврӯз байрамини пойтахт Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказларида, барча шаҳар, туман ҳамда қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида жудаям юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий..., маданий-маънавий тадбирларнинг режасини ишлаб чиқиш» масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилганди. Яъни, Наврӯз юртдаги 130дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари бўлмиш якка-ю ягона Ўзбекистон халқининг умумий шодиёнаси, асл миллий байналмилал айёми ҳисобланади.

Буюк халқимиз азал-азалдан барча тўйларни ва шодиёналарни алоҳида тараддуд ва катта тайёргарлик билан қарши олади. Ҳашар

халқимизга хос бўлган зўр фазилатларнинг бири бўлиб, байрамлар, тантаналарнинг арафасида шаҳар-қишлоқлар, кўчалар, хиёбонлар, ташкилот ҳамда муассасаларни обдон тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш беҳад яхши анъанага айланган. Жумладан, ҳар йили эрта баҳорда жуда ҳам уюшқоқлик билан ўтказиладиган тадбирларда Ота юртимизнинг турли ҳудудларида янги кўчатлар, гуллар ўтказилади, дарахтларнинг шох-шаббалари бўлса тартибга келтирилиб, гўё оппоқ пайпоқ кийдирилгандек оқланади, ариқлар-зовурлар эса турли-туман чиқиндилардан тозаланади. Қолаверса, ҳашар туфайли одамларнинг ўртасидаги меҳр-оқибат ришталариям ниҳоятда мустаҳкамланади, ўзининг хонадони, мактаби, ишхонаси, қишлоғи, шаҳри, Ватани учун дахлдорлик ҳисси ҳам кучаяди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этишимиз жоизки, башариятнинг бебаҳо боқий байрами бўлмиш Наврўз Ўзбекистоннинг асл миллий истиқлоли давридагина ҳақиқий ва чинакам байналмилал байрамга айланиб кетди. Бунисини эса ўзингиз ҳам кўриб-билиб турибсиз.

1995 йили Республика санъаткорларининг катта бир гуруҳи, Туркияда биринчи бор давлат миқёсида тантанали нишонланаётган Наврўз айёмида фаол иштирок этиш ва унда буюк ўзбек халқининг юксак санъатини намойиш этиш мақсадида ижодий сафарда бўлган эдилар. Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонасида эса Наврўзга бағишланган жуда катта тантаналар уюштирилганди.

Ўзбекистон санъаткорларининг 25 дақиқали дастур бўйича чиқишлари айниқса, Қозоғистон, Туркия, Кипр, Япония, Корея каби давлатлар вакиллари диққат-эътибориниям ўзига тортганди. Бундан ташқари эса, санъаткорларимиз 2 маротаба 15 дақиқалик дастур асосида ўз санъатларини «Евроосиё» телеканали орқали намойиш этгандилар. Бу ижодий сафарнинг беҳад ижобий томони шундаки, у дунёнинг қатор давлатларининг вакилларига шўролар замонида деярли унутилаёзган ўзбек халқи миллий анъаналари ва қадриятлари мазмун-моҳиятини тушунишлари ва аجدодларимиз, бизларнинг маданиятга ҳурмат-эҳтиром кўзи билан қараш ҳиссини ўзининг уйқусидан уйғотиш имконини ҳам берганди.

Мустақиллик арафаси ва истиқлолнинг дастлабки йилларида халқ маросимлари ҳамда байрамларини қайтадан тиклаш жараёни

бошланиб кетганлигидан эса катта ёшли ҳамюртларимиз яхшигина бохабарлар. Тарихий манбалар асосида қадимий урф-одатларимиз, халқимизнинг жуда ажойиб, кишиларни бирлашув, ҳамжиҳатликка чорловчи байрамларни ўтказишга доир мавжуд тажрибаларини бениҳоя қунт билан ўрганишга астойдил киришилган эди.

Миллий-анъанавий байрамлардан қайси бирларини қайтадан тиклаш ва уларни қандай ташкил қилиш ҳақидаги кишиларнинг турли-туман фикрлари жиддий равишда ўрганилиб, байрамларнинг тарихи ҳамда уларнинг асл мазмун-моҳиятига бағишланган қатор илмий-амалий қўлланмалар ҳам яратилди. Аجدодларимизнинг неча асрлар давомида асраб-авайлаб, эъзозлаб авлоддан-авлодга ўтказиб келган жуда яхши урф-одат ва анъаналари тағин ҳам сайқал топиб, янада бойитилиши ва ривожлантирилиши, тараққий эттирилишига ниҳоятда катта аҳамият берилди.

Халқимизнинг энг қадимий Наврўз, Қовун сайли, Узум сайли, Ҳосил байрами каби байрам маросимлари ҳам оммавий равишда кенг нишонлана бошланганлигини бўлса ўзингизам яхши биласиз.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ миллий анъаналар, миллий қадриятларни қайтадан тиклаш масаласи давлат сиёсати даражасигача кўтарилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти, энг аввало, халқимизнинг маънавий эҳтиёжлари ва орзу-истакларидан келиб чиқиб, азалий байрамларни тиклашга ниҳоятда катта эътибор бера бошлади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президентининг фармон, фармойиш, қарорлари асосида халқимизнинг буюк тарихий мероси бўлган *Наврўз* билан бир қаторда, диний байрамлар – Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитлари ҳам расмий равишда қайтадан тикланганлигидан унинг фаол иштирокчиси сифатида ўзингиз ҳам яхши бохабарсиз.

Қадр-қимматимиз, таянчимиз ва ифтихоримиз бўлмиш миллий Истиқлолимизни жуда шарафлайдиган айёмлар: Мустақиллик куни, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Хотира ва қадрлаш куни каби янги байрамлар ҳам жорий этилди.

«Давлат тили ҳақида»ги қонунимиз қабул қилинган кун (21 октябрь) Она Ватанимиз – Ота Маконимизда Тил байрами сифатида ниҳоятда кенг нишонланадиган бўлганлигиниям биласиз.

Умуминсоний қадриятларни оммавий тарзда тарғиб қилувчи «Янги йил байрами» ҳамда «Хотин-қизлар байрами»нинг мазмун-моҳияти янада кенгайтирилди ҳамда истиқлолга эришилганидан кейин амалда ҳам миллий, ҳам расмий байрам сифатида ниҳоятда кенг даражада тантана қилинмоқда.

Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган Тошкент кинофестивали, «Шарқ тароналари» (ҳар икки йилда Самарқандда), «Театр фестивали», «Симфоник мусиқа фестивали» сингари халқаро анжуманлар ҳам буюк халқимизнинг жуда катта маънавий-маърифий байрамларига айланиб кетмоқда...

Булардан ташқари, қадим замонларда мавжуд бўлган, лекин, кейинчалик удумдан чиқиб кетган ёки атайлаб чиқариб юборилган бир неча турдаги халқ сайиллари ҳам миллий истиқлол йилларида тагин қайтадан тикланди.

Бойчечак сайли Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Фарғона водийсининг тоғли Янгиқўрғон, Чуст ва Косонсой туманларининг айрим қишлоқларида ҳозирга қадар ўтказилмоқда.

«Бойчечак» атамаси қадимги туркий тилдаги «бой» (давлат, муқаддас, бойлик, тақиқланган, яъни руҳлар учун қурбонликка аталган нарса) ҳамда чечак (гул) сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган. Худди «Бойбўри» – муқаддас бўри ва «Бойкўл» (Байкал) – муқаддас кўл маъносини билдиргани каби «бойчечак» сўзининг этимологик маъноси ҳам «муқаддас гул»дир. Шу боис, бойчечак билан бевосита боғлиқ барча маросимлар, урф-одатлар ҳамда ирим-сиримлар тарихан магик-ритуал аҳамиятга эга бўлиб, аввало, ҳосилдорлик, тўкин-сочинлик, фаровонлик сингари ғоялар билан боғланиб кетади. Болалар териб келинган бойчечагини, даставвал, кекса ёшдаги қариялар, нуронийларга беришади. Чунки, бу гул, энг аввало, улар учун ниҳоятда қадрли бўлиб, қаттиқ, қаҳратон қишдан эсон-омон чиқиб олинганлиги, тагин баҳор келганидан, янги ҳаёт бошланганидан ҳам яққол далолат берган.

Ёз ва қишнинг олишуви билан бевосита боғлиқ «Бойчечак» маросимида бойчечак тутган ва эчки ниқобини кийган жўрабоши ўзларини кўклам гуллари билан ниҳоятда безаган шериклари билан уйма-уй юриб, хонадонлардан қишни тўла-тўкис ҳайдаган. Уларга

бўлса бўри ниқобидаги кишининг бошчилигида пўстинни тескари кийган қиш тарафдорлари жуда қаршилиқ кўрсатган. Одамлар эса бойчечакчиларга кўмак бериб, қаҳратон қишни қувиб юборганлиги учун тортиқлар берган. Енгилган тараф (қиш) эса, энг аввал, ушбу хонадонни, сўнгра бутун қишлоқни тарк этган. Маросим якунидаги оммавий шодиёнада барча тортиқлар катта қозонга солинган, ушбу удум эса «қозонтўлди» деб аталган.

«Қошингни қаро дейдилар...» қўшиқ-рақсида йигитлар (қиш) қизлар – кўкламнинг сочи, қоши, кўзи, юзи ҳамда бели тавсифида баҳорни сўроқлайди. Қизлар эса «қалдирғоч келди, толпопуклар, чучмомалар чикди, менинг даврим етди, энди эса сен кет!», дейди. Айтишувда ғолиб бўлган қизлар «Кичкинажон кичкина» қўшиғини айтадилар, айнан шу ерда ҳозир бўлган йигитлар бўлса бутун жонжаҳдлари билан рақсга тушадилар. Бунда раққос йигит (қиш)нинг тимсоли рамзий жиҳатдан аста-секин кичиклашиб бориб, охирида тариққа – урукқа айланиб қолади. Бундай ҳолат бўлса қишнинг енгилиб, уруғ бўлиб, ернинг остига кириб кетганини англатади...

Наманган шаҳри ва атрофларидаги қишлоқларда ҳам болалар қир-адирлардан бойчечак теришиб, белбоғ ёки рўмолга солишиб, қишлоқ хонадонларини бирга айланганлар. Болалар бир хонадонга кириб боришса, ўша уйдаги кекса ёшли кишилар ўша бойчечакни юз-кўзларига суртиб, «Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга ҳам биргалашиб эсон-омон етайлик!»,– дея эзгу ниятларни қилганлар ҳамда хурсандлик, шодлик олиб келган болаларга мева-чева ва турли-туман ширинликларни иззат-эҳтиром ила сидқидилдан ҳадя қилганлар.

Этнолог Ш. Устоевнинг қайд қилишча, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги, Дарбанд қишлоғида бойчечакни териш удуми Наврўз айёми билан бевосита боғлиқ ҳолда ўтказилган.

Дарбандликлар хут ойидаги 28 – 29- кунларда, яъни 18 – 21-мартда Наврўзни нишонлаганлар. Наврўзнинг биринчи куни ҳар бир хонадон соҳиби эрта тонгданоқ ўз болаларини уйғотганлар. Ёш болакайларни уйларнинг лой томи устига, баланд тепаликларга ям чиқариб қўйганлар. Кўчалар, ҳовлилар ўртасида гулхан ёққанлар. Болалар бошларини кўтарганча, осмонга тикилиб, наврўз ҳақидаги

турли-туман хил кўшиқларни куйлаганлар. Ўсмирлар эса бойчечак ҳақида кўшиқ айтганча, бу баҳорий чечакни териб келиш учун қир-адирларга йўл олганлар. Дарбандликларнинг эътиқодича, болалар тезроқ ўсишлари учун уларни Наврўзнинг илк кунда уйларнинг томига чиқариб қўяр эканлар. Гулхан бўлса «эски йил»даги барча ёмонликларни куйдиради, деб қаралган, болакайларнинг осмонга, кўкка кўзларини тиккан ҳолатда кўшиқ айтишлари бўлса баҳор шодиёнаси кунда осмонда росяма чарх уриб учади, деб тасаввур қилинган «бахт куши» – Лайлатулқадрни кўриш орзу-умидининг ўзига хос бир ифодасидир.

Дарбандликлар орасида жудаям кенг тарқалган афсонага кўра, қадимда бир киши Баҳоройни ўз кўзлари кўрган экан. Баҳорой – пушти рангли ҳарир матодан кўйлак кийган бир гўзал қиз бўлиб, кўлида оппоқ гулли бир новдани кўтарганча далалар узра ялангоёқ чопиб юрган эмиш. Ўз кўлидаги новдани қайси дарахтнинг шохига тегизса, у ўша заҳотиёқ гулларга бурканармиш. Баҳоройнинг оёғи теккан жойларда бўлса бойчечаклар бодрокдай сочилар, боши узра Лайлатулқадр ниҳоятда гўзал, чиройли қуш бўлиб учиб юрармиш.

Бу қишлоқда оқ ва сариқ рангда очиладиган бойчечак ўсади. Оқ бойчечакларни териб келган болаларини ўз ота-оналари уйга киритишмаган: улар бу гулларни тезда йўқ қилишни буюрганлар. Чунки, халқона қарашларга биноан, оқ бойчечаклар қишнинг «кўз ёшлари» бўлганлиги сабабли ҳам у кирган уйдан қут-барака буткул кўтарилиб кетар эмиш. Бу бойчечаклар эса ҳар йили ердан бошини кўтарганида теварак-атрофига қараб: «Бу одамни мен ўтган йили ҳам кўрган эдим, у ҳалиям тирик экан», – дер эмиш. Шу боисдан одамлар оқ бойчечакни унчалик ҳам хуш кўрмас эканлар. Сариқ бойчечаклар бўлса ҳар бир хонадонга гўёки зиё, нур янглиғ кириб, қут-баракани ҳам ўзи билан олиб келади, деб беҳад қувонадилар.

Қадимги аجدодларимиз бошлаб берган ва ҳозирги авлодларам давом эттираётган Наврўз сайлининг ўзига хос ажойиб хусусияти ҳам шундаки, ҳали-ҳануз унинг очилиш маросимини яққол кўриш мумкин-у, аммо яқунланишини сезиш жудаям амри маҳол. Чунки, у ҳозирги замонда ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотлар,

ўқув юртлири, деҳқон – фермерлар даласида, маҳаллалар, кўчалар ва оилаларда давом этаверади.

Қадимдан Ўзбекистоннинг турли жойларида Наврўз турлича кутиб олинган. Айём одатда 3 кундан 15 кунга қадар нишонланган. Масалан, Хоразмда Наврўз байрамини нишонлашдан аввал махсус йиғинлар ўтказилган. Унда айём тантанасини ташкил этиш раиси, яъни корфармони тайинланган. Тантаналар жадвалида эса, турган гап-ки, томошалар, сайиллар, мусобақаларни ўтказишнинг тартиб ва қоидалари ҳақида сўз борган.

Қашқадарёликлар удумига кўра, ўша куни мабодо ёмғир ёғиб қолса ёхуд ўзга бир сабабларга биноан Наврўз кириб келган кунни кўнгилдагидек тантана қила олмасалар, ўша кун «куни бекор» деб аталган. Натижада, «ҳечдан кўра кеч» тамойилига амал қилинган ва эртасига байрам, тантана қилинаверган.

Водилликлар улуғ айёмни «Наврўз гули»сиз нишонлашмайди. Ёш-яланг ушбу гулни териб келиш учун тоққа чиқадилар. Кечга яқин кучоқ-кучоқ гулларни териб қайтадилар. Кўпчилик «Наврўз келди, қут-барака келди, шу кунларга етказганига ҳам минг бора шукур, тинчлик-омонлик бўлсин, шу яшнатиш фаслида янаги йил, янаги баҳорга ҳам эсон-омон тўрт кўз тугал бўлиб етайлик!» – дея «Наврўзнинг гули» – бойчечакни меҳр билан ҳидлайдилар, уни юз-кўзларига суртадилар:

Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга.
Бойчечак айтган билан тўямизми,
Қадимги расмимизни қўямизми?..

Сизнинг қўлингиздаги қўлланма муаллифларининг туғилиб ўсган Ота юрти – Янгиқўрғон туманидаги гўё арслон сингари юрт, Ватанимиз сарҳадини қўриқлаб ётган ҳайбатли Ўнғортоғ пойидаги «Юксакликдаги қўрғон» – Поромон қишлоғидаям бу удум ханузга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўзимиз ҳам ўтган XX асрнинг 60- йиллари 2- ярми – 70- йиллари ибтидосидан бошлаб доимо ўзимизники деб ҳисоблайдиган Поромон тоғининг «Сассиқ унгур», «Тешиктош», «Кийикбой чўққи», «Узун оёқ», «Етти зиндон» ва

«Сарик осқа» деб номланган ўзимиз учун жуда азиз, қалбларни, юракларни ҳаприқтирадиган жойларидан бойчечакни териб келиб, бувиларимизга, оналаримизга совға қилиб, ҳамон улар шодлигидан баҳраманд бўлиб, бойчечак эвазига эса олтиндан ҳам қимматлироқ ва улуғроқ дуоларни, олқишларни олиб келмоқдамиз.

Бундан ташқари, миллий истиқлол йилларида қишлоғимизда ўзгалар ҳам ҳавас қиладиган даражада Наврўз айёми тантаналари нишонлаб келинмоқда. Бунинг учун қишлоқда аجدодлари оламдан ўтиб кетган оилалар фарзандлари, неваралари, қариндош-уруғлари бутун қишлоқ аҳлига буюк байрамни ўтказиб бериш орзу-ниятида, аввалдан, яъни бир неча йил аввалроқ Поромон қишлоқ фуқаролар йиғинига махсус ариза билан мурожаат қиладилар.

Ҳар бир йилнинг айнан 19 мартада қишлоқ марказидаги айём тантаналари юз берадиган рамзий маънода қишлоғимизнинг Онаси ҳайкали пойида келгуси йилда бир қатор номзодлар орасидан эса қайси оила ва сулола (фамилия, яъни, Мўминовлар, Исроиловлар, Мусабегов, Қаюмовлар...) Наврўз тантанасининг асосий мезбони деган юксак шарафга лойиқ бўлганим барчага тантанали равишда эълон қилинади. Улар келгуси йилда бўлажак байрам сценарийси хусусида махсус режа тузишга киришадилар. Байрам мезбонлари айнан 19 мартда бутун қишлоқ аҳлига Хотира ошини тортадилар.

Санъаткорлар, полвонлар, дорбоз, хўроз уриштирувчиларга совғаларни топширадилар. Байрамни ўтказиб берувчи бир фамилия тимсолида қишлоқдаги барча аجدодлар эсланади ва хотирланади. Ҳар ким кўлдан келганича бу тантанага ўзининг улушини кўшади: кимдир кўшиқ куйлайди, тағин бири рақсга тушиб беради. Барча кишилар, бутун қишлоқ аҳли гўё бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар. Шу боисдан ҳам Поромонимизда тантана қилинадиган Наврўзнинг овозаси узоқ-узоқларга, ва ҳатто кўшни вилоятларга аллақачон тарқалиб кетгандир. Назаримизда, бу сингари ўзига хос танлов асосидаги Наврўз байрамига мезбонлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг бошқа жойларида ҳозирча бўлмаса ҳам керак.

Ҳозир ҳам одамлар ҳар баҳорни бениҳоя интизорлик, жудаям интиқлик билан кутадилар. Чунки, навбаҳорнинг элчиси сифатида энг биринчи – бойчечак, бинафша, лолалар қалбларни қувонтириб

роса очилади. Айни шу сабабдан ҳам қадим замонлардан қизларга Бойчечак, Бинафша, Гунафша, Лола, Наврўза, Озода, Навбахор деб исмлар қўйилган, бу ажойиб маънавий анъана ҳозирда ҳам давом этиб келаётганлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Қадим-қадимдаям тоғ, қир-адирлардан терилган бойчечаклар хонадонма-хонадон юриб бошқалар кишига ғурур-ифтихор билан кўрсатилган. Беморлар, хасталарнинг ҳузурига улардан ҳол-аҳвол, кўнгил сўраш мақсадида бориб уларга «Бойчечак» қўшиғи куйлаб берилган. Баҳорни беҳад интиқлик билан кутаётган беморлар ушбу жарангдор қўшиқни мириқиб эшитиб, ўзлариниям анчагина енгил, худди зудлик билан соғая бошлагандек ҳис қилганлар.

Ўсмир болалар бойчечак териб келиб, хонадонларга улашиб, ушбу термаларни айтиб юришган:

Бойчечакнинг онаси, боласи, ей,
Қулоғимда донаси, донаси, ей.
Онасини териб олсам,
Бодраб чиқди боласи, боласи, ей...

Халқ термаларидан бирида шундай тилак билдирилади:

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,
Олам ҳам баробар бир кеча-кундуз экан.
Ҳой деҳқон бобо, далангга берсин барака,
Ҳой чўпон бобо, қўрангга берсин барака,
Ҳой боғбон бобо, ниҳолга берсин барака,
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан...

Ўз аждодарига муносиб меросхўр халқимизнинг азал-азалдан гулларни жуда суйганлиги, гулларга жудаям мафтунлиги хусусида рус этнографи Н. П. Остроумов 1890 йили Тошкентда чоп этилган «Сартлар» номли китобида шундай деб ёзганди: «Мен фаросатсиз бўлиб кўринган мардикор, камбағал аравакаш ёки мешкобчининг, ҳаттоки гадонинг ҳам қулоғига тақиши, дўпписи тагига қистириши учун гул ахтаришини кўриб ниҳоятда ҳайратда қолдим».

...Бойчечак, бинафша, лола баҳор элчиси, даракчиси сифатида росаям эъзозланган ва қўшиқларда куйланган. Тоғ-тошлар ва қир-

адирлардан қидирилаётган бойчечакни ким биринчи бўлиб топиб олса, ўша энг бахтли ҳисобланган. «Бойчечак» кўшиғи бениҳоя кўп турли-туман мавзуларни ҳам ўз ичига қамраб олган. Умуман, ушбу кўшиқ орқали инсоний энг эзгу туйғулар тараннум этилган:

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак.
 Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак.
 Бойчечагим бойланди.
 Қозон тўла айронди.
 Айронингдан бермасанг
 Қозон-товоғинг вайронди.
 Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак.
 Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечакни тутдилар,
 Тут ёғочга осдилар,
 Қилич билан чопдилар,
 Бахмал билан ёпдилар...

Мазкур кўшиқ бир қаралганда анча жўн ҳамда тушунарсиздек туюлади. Лекин, бу фақат юзаки қараганда шундай. Ушбу кўшиқда бойчечак беҳад муқаддас саналиб, у «қурбонлик» қилиниши билан боғлиқ қадимий бир маросим ҳақидаям сўз бормоқда. Қиш узоқроқ чўзилиб кўклам келиши интиқлик билан кутилганида «Бойчечак» маросими ўтказила бошлаган. Бу маросим улус ҳаётида бениҳоя муҳим саналган ва унга махсус равишда тайёргарликлар кўрилган. Даставал катталар ижросида ўтказилган ушбу маросимлар бўлса кейинчалик болаларнинг асл фольклари кўринишини олган. Зеро, унутиб юборилган кўпгина маросимларнинг излари айнан болалар фольклорининг таркибида ҳанузга қадар сақланиб келамоқда.

Бойчечак кўшиғини айтаётган ушбу болакайлар бойчечакнинг қаҳратон қишнинг кўнжидан қандай қийинчилик билан чиққанини ҳикоя қилишмоқда. Яъни бойчечакни ернинг тагида ушлаб турган жудаям қудратли куч қиш эди. Қиш ҳукмдорлик пайтида ҳаммаёқ қозонлар тўла айрондек оппоқ қор билан қопланган. Бойчечаклар астагина ниш уриб, кўклам келадиган вақтлар яқинлашди. Айрон –

кор ерга бутунлай сингиб кетиб, бойчечаклар бўлса бир юмалаб,
каттиқ ерни қаталаб, бошини астагина кўтариб ён-атрофга боқади.

Бойчечагим бойирон,

Гуллар ичра айирон.

Айронингдан ичмайман,

Баҳоримдан кечмайман.

Бойчечак терган болалар уйма-уй юриб, барча хонадонлардан
қишни ҳайдаворганлар. Бу маросим қанчалик тантанали ўтса, унда
куйланган кўкламни улуғловчи кўшиқлар қанча баланд куйланса,
қиш ҳам шунчалик тез хонадонларни тарк этган. Хонадон эгалари
бойчечак келтирган болаларга улар айнан қишни қувиб юборгани,
уйга кўкламни бошлаб келгани учун ҳам совғаларни улашадилар.

Бойчечакни кўриб қувониш, уни кўзига суртиш кўкламнинг
ғалабасини – қиш бўлса тугаб баҳор бошланганини англатган. Она
Табиатни жонлантириб тасаввур қилиш, бутун борлиқни эса қиш
пайтида ўлиб, кўклам келгач яна қайтадан тирилади деб тушуниш,
айни жараён эса қиш ва ёзнинг аёвсиз курашида ўтади, деб талқин
этиш дунёдаги барча халқларнинг ҳаётий тажрибасидаям учрайди.
Шу асосда кўпчилик халқлар қиш ҳамда кўклам курашини махсус
театрлашган ҳолда оммага тасвир этувчи магик мазмундаги турли
маросимларни уюштиришган. Келаётган кўкламнинг бу курашда
қишни енгиши Она табиатга албатта таъсир қилади, деб англанди.

Улуғ аллома Маҳмуд Қошғарийнинг ўзингизам юкорида ўқиб
чиққан қиш ва кўкламнинг мунозараси бойчечак маросими билан
нихоятда уйғун эканлигиям алоҳида диққат-эътиборга моликдир...

Бойчечак айтган билан тўямизми,

Бурунгининг қаъдасини қўямизми,

Бойчечагим билла, бойчечак, бойчечак,

Ҳамён тўла тилла, бойчечак, бойчечак,

Ўша тилладан берсангиз, бойчечак, бойчечак,

Ўғлингиз бўлсин мулла, бойчечак, бойчечак.

Кўшиқнинг ижро усули ва унинг матнидаги айрим мисралар
айнан рўза кунларида болалар томонидан айтиладиган анъанавий
«ё рамазон» кўшиқларига жуда ўхшаб кетади. Бу эса «ё рамазон»

кўшиқлари ижро шакли аслида Марказий Осиё халқларининг аграр культлар аввал ўлувчи, кейин тирилувчи табиатни ўзида бевосита мужассам этган ҳар-хил мифологик персонажлар билан алоқадор календарь (таквимий) маросимларидан бири – бойчечаклар чиққан пайтида хонадонма-хонадон юриб, янги «кўклам даракчиси»нинг хабарини етказиш анъанасининг ислом дини таъсиридаям қайтадан поэтик мушоҳада этилиши натижаси эканлигини кўрсатади.

Ўзингизга ҳам яхши маълумки, «Бойчечак хабари» маросими кўшиғида ҳам хонадон соҳибларига эзгу истакларни баён қилиш, айниқса, «бойчечак» айтиб келинган хонадон эгалари бешигигаям кўчқордек ўғил тилаш мазмуни етакчилик қилади:

Бойчечагим боласи, қулоғида донаси,
Донасини олай десанг, югуриб чиқади онаси,
Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,
Кўчқордек ўғил берсин бешигингизга.
Бойчечак айтар экан Ҳаким ота,
Бошида катта дастор, белида пўта,
Бойчечак, бойчечак.

«Бойчечак хабари» маросими кўшиғининг қуйидаги намунаси таркибий тузилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос бўлиб, кўклам гулини юз-кўзларига ва пешоналарига суриб навбаҳорга етиб келганларига шукрона қилган кишиларнинг турли-туман эҳсонларини олволган болаларнинг хонадон эгаларини чин кўнгилдан алқаш анъанавий фотиҳа – алқаш жанрига хос хусусиятни касб этган:

Сув қайнаган қозонингда мой қайнасин,
Тўрингда тўрт-беш ўғлинг жайрангласин,
Насибаси ортиқ бўлсин болаларинг,
Ўйнаб-кулиб ёнбошингда мой чайнасин,
Эшигингнинг олди ўр бўлсин,
Сенга келган балонинг
Икки кўзи кўр бўлсин,
Жабағадаги кигизидан,
Ёмғир ёғса ўтмасин,
Худой берган кенг давлат,

Тепкиласа кетмасин,
Ичкани катик бўлсин,
Насибаси ортик бўлсин,
Бойчечак, бойчечак.

Бойчечак қўшиғининг махсус куйловчилари ҳам бўлган эди. Қўшиқ ўзингиз ҳам яхши биладиган «Ёр-ёр», «Ўлан» усулларида айтилган. Қиш қаҳратонини енгиб, гуллар орасида илк дафъа Она Ердан астагина ўз бошини кўтарган, ёруғликка – Қуёшга интилган Бойчечакнинг жасурлиги, мағрурлиги ниҳоятда улуғланган.

Ушбу мўъжиза гул – туғилиш ва яшашнинг рамзи сифатида ўта шарафланган. Зеро, баҳорнинг илк кунларидаёқ қир-адирларда Бойчечак, Чучмома, Гулбарра, Бинафша, Қизғалдоқ териб одамлар роса суюнчиланган, толбарглардан узун кокиллар, бинафшалардан эса беҳад чиройли исирғалар ҳамда қоқигуллардан ниҳоятда гўзал зулфчамбарлар қилиб тақилган...

Бойчечак қўшиғи тугаллангач, бойчечакчиларга турли совға-саломлар берилган, болалар совғаларни ўзаро бўлиб олишган ёхуд ҳаммалари биргаликда баҳам кўрганлар. Қўшиқда таърифланган бойчечак – эрта баҳорда росаям очиладиган оддийгина гул эмас, аслида умумлашма даражасига кўтарилган рамзий образ ҳам. Унда мурғаккина болалик образи ўзининг тажассумини топган.

Халқ ёш болани эрта баҳорнинг илк гули тимсолида кўрган, ўша бола шундай нозик, ёқимли навнихол, чиндан ҳам башарият баҳорининг илк ғунчаси сифатида ниҳоятда эъзозланган...

2009 йилнинг 30 сентябрида бўлса Наврўз ЮНЕСКОнинг инсониятнинг номоддий буюк мероси сифатида рўйхатга олинган ҳамда дунё аҳли томонидан асраб-авайлаб ўта тантана қилинмоқда. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат фикрига кўра («Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 12 март), «Наврўз айёми Марказий, Ғарбий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, Болқон ҳамда бошқа турли минтақалардаги миллионлаб одамлар томонидан кенг нишонланади. 2009 йилда бу байрам инсониятнинг чинакам номоддий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив (кимгадир, нимагадир вакил этилган, кўрсатишга арзийдиган – Б.

И., Н. И.) рўйхатига киритилди. Мазкур рўйхат турли халқларнинг асрлар давомида асраб-сакланиб ва аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган урф-одатлари ҳамда анъаналарини, миллий, маънавий қадриятларини ўз ичига олган. Бу ҳолат номоддий маданий мерос ва унинг дунё маданиятида тутган ўрнини янада теранроқ англашга ҳамда маданий хилма-хилликни ҳам ҳурмат қилиш асносида турли халқларнинг ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади...

ЮНЕСКОнинг самарали фаолияти маданият соҳасидаги қатор ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси томониданам ратификация қилинган Жаҳон маданий ҳамда табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (1972 йил), Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенцияга (2003 йил) тўла-тўқис асосланади. Бу ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларини янада асраб-авайлаш ва Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатидан ҳам жой олган Наврўз, Бойсун маданий мероси, Шашмақом, Катта ашула (ва 2014 йил ноябрда рўйхатга кирган Аския санъати, 2016 йилдаги палов ҳам – Б. И., Н. И.) каби маданий мероснинг номоддий элементларини кенг тарғиб-ташвиқ этиш, барқарор тараққиётга эришиш жараёнида маданият ролини мустаҳкамлаш борасидаги самарали фаолиятимизга асос бўлади».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2010 йилда бўлиб ўтган 64- сессиясининг кун тартибига 49- рақам билан киритилган «Жаҳон маданияти» масаласи ҳам муҳокама этилган ва «Наврўз халқаро куни» номли махсус резолюция қабул қилинганди. Унинг лойиҳаси бўлса БМТ Бош Ассамблеясига Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон, Туркия давлат делегациялари томонидан таклиф қилинган эди. Шундай қилиб, БМТнинг Бош Ассамблеяси резолюциясига биноан 21 март БМТ қароргоҳида ҳам, жаҳон миқёсида ҳам башариятнинг боқий айёми – Халқаро Наврўз куни сифатида ниҳоятда кенг нишонланмоқда.

БМТнинг бу резолюциясида баҳор айёмини ўзининг миллий байрами сифатида тантанали нишонлайдиган барча мамлакатларга

Наврўзнинг асл тарихи, айёмнинг турли-туман урф-одатлари ҳамда расм-русумларини кенг тарғиб-ташвиқот қилиб, бошқа миллат ва халқлар вакиллари ҳам ғоятда шукуҳли байрамнинг улуғ тарихи, мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан доимо яқиндан таништириб бориш бўйича махсус тавсияси ҳам берилган эди.

Ушбу Резолюцияда, шунингдек, қайд этилишича, Наврўз 3 минг йилдан зиёд Марказий Осиё ва Кавказ, Қора денгиз ҳавзаси, Яқин Шарқ, Болқонда ва бошқа минтақаларда тантанали тарзда нишонланади. Бош ассамблея БМТга аъзо-давлатларни Наврўзнинг тарихи ҳамда анъаналарини ўрганиш ва ушбу билимларни халқаро ҳамжамиятнинг орасида татбиқ этиш, ва шунингдек мазкур байрам муносабати билан ҳар йили навбаҳор чоғида турли-туман байрам тадбирларини ташкил этишга чақирган.

Шунингдек, Бош ассамблея манфаатдор аъзо-давлатларга ҳамда Бирлашган Миллатларнинг Ташкилотига, ва хусусан, унинг тегишли ихтисослашган муассасалари, Фондлар ва дастурларига, асосан таълим, фан ҳамда маданиятга доир масалалари бўйича, манфаатдор халқаро ва турли минтақавий ташкилотларига Наврўз байрами нишонланадиган давлатларда ўтказиладиган тадбирларда фаол равишда қатнашишни ҳам тавсия этган.

Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулудда ҳамда мухтор элчиси Фумихико Като башариятнинг асл боқий байрами хусусида ўзининг шундай фикр-мулозаларини билдирганди: «Мен биринчи маротаба сизнинг юртингизда – Ўзбекистонда Наврўзни нишонламоқдан ҳамда ушбу байрам менга жудаям ёқиб қолди. Айниқса, татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлганим сумалакнинг росаям ажойиб таъмини алоҳида қайд этишни жуда истардим.

21 март Японияда ҳам байрам сифатида кенг нишонланади. Бу кунда биз кўкламнинг кириб келишини байрам қиламиз. Бу эса, ўз навбатида, халқларимизнинг ўртасидаги тарихий ва маданий яқинликнинг тагин яққол бир тасдиғи ҳисобланади».

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг юртимиз ҳудудидаги лойиҳалари координатори Дьерд Сабо шундай дейди: «Мен икки йилдан бери Сизларнинг гул диёрингизда фаолият кўрсатиб келяпман. Наврўзни халқингиз билан бирга нишонлаш

менга доимо катта мамнуният бағишлайди... Мен дунёнинг бошқа бир томонидан келганман, шу сабабдан ҳам анъаналарингизни кўриш, уни сизлардан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Баҳор ҳамма жойда жудаям орзиқиб кутилади, аммо юртингизда баҳор кириб келишининг нишонланиши қизиқарли ва яхши намунадир».

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлмиш Найтхарт Хёфер-Виссинг ўз мамнуниятини шундай сўзлар билан изҳор этганди: «Мен Наврўз муносабати билан ташкил этилган тантаналарда биринчи маротаба қатнашдим. Айнан шу орқали ўзбеклар маданияти ва санъатининг бутун ранг-баранглигини кўрдим, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз асарлари, мамлакатингиз барча вилоятлари маданиятини намоён этувчи ашула ва рақслардан ҳам баҳраманд бўлдим» («Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 26 март).

Бирлашган Араб Амирликлари Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Ҳареб Ал-Меҳаирбий юртимизни бошқаларга нисбатан анчагина яхши биладиган дипломат. У анъаналаримизни абадиятга айлантирган айём хусусида шундай деган эди: «Мен саккиз йилдан буён Ўзбекистонда фаолият юритяпман. Ҳар гал ушбу байрамни орзиқиб кутаман. Наврўзга бағишланган тантаналарда қатнашиш ҳамда ўзбек халқининг қувончига шерик бўлиш мен учун ниҳоятда катта шарафдир. Ҳамма жойда байрамона ҳамда дўстона муҳит, ижобий кайфият ҳукм сурмоқда. Мамлакатингизда ягона ва аҳил оила сифатида истиқомат қилаётган турли миллат вакиллариининг чиқишларини томоша қилиш кишига ниҳоятда катта мамнуниятни бағишлайди. Наврўз тинчликни ва осойишталикни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ҳам ўта муҳим ва улкан воқеа экани баробарида, кўплаб мамлакатлар учун яхши намуна сифатида хизмат қилади. Буюк ўзбек халқининг жуда кўхна тарихи, миллий урф-одатлари, маросимлари ва анъаналари, бениҳоя меҳнатсеварлиги Ўзбекистон эришаётган барча муваффақиятларнинг асл асосиям ҳисобланади» («Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 21 март).

«Наврўзни тўртинчи марта Тошкентда нишонламоқдаман, – деган эди, Польшанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Марианн Пшезьедецкий, – афсуски, жорий йилнинг сўнгига

келиб менинг Ўзбекистондаги миссиям ҳам ниҳоясига етади. Аммо умрим охиригачаям Ўзбекистондада ўтказган ажойиб дамларимни ёдимда доимо сақлаб қоламан».

Покистоннинг диёримиздаги элчиси Риаз Хуссаин Бухари гурур билан айтганидек, «Ушбу ёрқин байрам бизнинг Покистонда ҳам жудаям кенг нишонланади, у «Жашне Баҳар» деб аталади. Бу давлатларимиз халқларининг анъаналари, тарихи ва маданияти ниҳоятда муштарак эканидан ҳам далолат беради» («Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 27 март).

Ҳиндистон элчиси Анумула Гитеш Сарма ҳақли равишда қайд этганидек: «Наврўз байрамининг мазмун-моҳиятида ниҳоятда эзгу гоёлар мужассам. Бу айём ҳам инсонларни тинчлик-осойишталик, тотувлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат сари бетиним равишда ундаб туради. Ободлик, бунёдкорлик ҳисси билан яшашни тарғиб этади. Ўзбекистонда Наврўз ўзгача кўтаринки шукуҳ билан тантанали нишонланади. Наврўз Ҳиндистоннинг ғарбий қисмидаям, хусусан, Мумбай шаҳрида анча кенг байрам қилинади. Бу куни ёшу қари бир жойга йиғилиб, байрам таомларидан тановул қилади. Дўстона ришталар бўлса янада мустаҳкамланади.

Ҳиндистондаям шунга ўхшаган байрам – Холи нишонланади. Бу куни одамлар бир-бирига турли рангдаги сувлар ва кукунларни сепеди. Ранг-баранг кўчалар, куй-қўшиқлар айёмнинг файзига файз қўшади. Одамлар бир-бирининг ҳол-аҳволидан хабар олади, турли ширинликлар ҳамда совғалар улашилади. Бу кунда ўзаро адоватга барҳам берилиб, гина-кудуратлар эса унутилади» («Қишлоқ ҳаёти» газетаси, 2014 йил 11 март).

Ҳозирги замонда башариятнинг бебаҳо боқий байрами БМТ қароргоҳи ҳамда Европа парламентида ҳам доимий равишда катта тантана билан нишонланиб келинмоқда. Бунга газета-журналларни мутолаа қилиб, телевизор кўриб ҳамда радиони тинглаб, Интернет сайтларига кириб ўзингиз ҳам жонли гувоҳ бўлиб турганингиздан Биз ҳам яхши хабардормиз...

Эндиликда Наврўз байрамини ўтказиш маросимлари замон руҳи, талабига мослаб ўзгартирилмоқда ва қадимий анъаналарнинг

ҳақиқий моҳиятини сақлаб қолган ҳолда янги мазмун ва замонавий белгилар билан янада ҳам бойитилмоқда.

Ҳозирда Наврӯзнинг ўзига хос рамзий тимсолини ўзида яққол гавдалантирувчи «Баҳорой» ушбу айёмнинг энг асосий қаҳрамони ҳисобланади. Одатда, Наврӯз келиши биланок Баҳорой безатилган очиқ машина ёхуд аравада маҳалла ҳамда кўча-кўйларни карнай-сурнай садолари остида астагина айланиб чиқади. Баҳорой ўлкага баҳор кириб келгани билан аҳолини табриклайди, ҳаммани Наврӯз байрами тантаналарига чин қалбидан ҳамда самимий таклиф этади. Жойларда эса, ғоятда шўх-шодон ўйин-кулгилар уюштирилади.

Бугунги кунлардаги Наврӯз байрамининг ғоявий мазмун-моҳияти, **биринчидан**, халқимизнинг энг юксак меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғланиб келган ёрқин ва ўта кўп қиррали улуг интилишлари, юксак орзу-умидларига асосланганидир;

иккинчидан, халқимизнинг турмуш тарзи, миллий руҳи, халқ санъатининг ажойиб шакллари ва турлари, турли мусобакалар билан диққат-эътиборни ўзига жалб этувчи ушбу байрам халқнинг маънавий турмушини бойитиш, англаш ҳамда халқимизнинг гўзал анъаналарини асраб-авайлаш ва сақлашга холис хизмат қилмоқда;

учинчидан, наврӯз байрамини тантанали ўтказиш жисмонан ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашда, халқимиз барча соҳалардаги ижодиётининг жуда яхши намуналари мисолида уларнинг дунёқарашини шакллантиришда ҳамда миллий ўзликни англашда беҳад катта аҳамият касб этади.

Ислом Каримов 2008 йилги Наврӯз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам таъкидлаганидек: «Халқимиз доимо орзиқиб ва интизор бўлиб кутадиган янги кун ва янги фасл дебочаси шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврӯз айёми ўзининг маъно-мазмуни, кўрки ва таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Нега дейилганда, Наврӯз табиат очилиши, уйғониши ҳамда янгиланиш фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадимий, бизлар учун асл миллий, ғоятда ардоқли ҳамда эъзозли байрамдир.

Наврўз ўзига хос бетакрор гўзал олам бўлиб, инсон зотини табиат билан доимо уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашга доимо даъват этадиган ўзаро меҳр-оқибат, кадр-қиммат, хайр-саховатнинг рамзи ва ўзига хос бир белгисидир».

Хуллас, қадимий қадриятлар жамланган Наврўзимиз кўп ва хўп улуғ, буюк хосиятларга эга бўлган айёмдир. Наврўзни улуғлар ва ардоқлар эканмиз, фикр-мулоҳазаларимизнинг исботи сифатида шоира Зулфия Мансурова битган «Табрик» сарлавҳали шеъридаги куйидаги соҳир сатрларни сизнинг эътиборингизга ҳавола этишни ҳам ўринли деб топдик:

Истиқболи буюк халқнинг баҳоридир бу,
Юртбошига суюк халқнинг баҳоридир бу,
Истиқлолу эрки нақднинг баҳоридир бу,
Мангу ёруғ пешонаси элимнинг бешак,
Ўзбекистон, янги кунинг – Наврўз муборак!

Бугунги Наврўз айёми моҳиятан Мустақиллик мазмуни билан уйғунлашиб кетганлиги ўзингиз ҳам ҳис этиб турибсиз. Биз бугун Наврўзни янгидан-янги орзу-умидлар, гўзал баҳор ҳамда яшариш маъноси билан биргаликда, миллий раванг, миллий тараққиётимиз, буюк келажак учун интилишнинг бунёдкор ғоялари ила муштарак ҳолда англамоқдамиз.

Шу боисдан ҳам меҳнат фахрийси Содиқжон Тўхтамуродов қаламига мансуб «Дунё ва давр» газетасининг 2016 йил 22 мартда босилган «Қадрдон юртим» сарлавҳали битигиниям Сиз азизларга чексиз ҳурмат-эҳтиром ила, улуғ айём табриги сифатида илиндик:

Истиқлолга юз тутдинг, ғурурим чексиз,
Дилимда ҳаяжон, илҳомим тубсиз.
Субҳи содиқ онлари қаламим тинмас,
Мадҳингни ёзишдан тинмагай ҳаргиз.
Бутун дунё тан олган, табаррук элим,
Наврўзинг муборак, қадрдон юртим!

Ватаним бағри кенг, ҳамиша шодлик,
Бир пиёла чойи бор, нони ҳам тотлик.

Асли кимлармиз бугун билолдик,
 Хақсевар миллатлар дуосин олдик.
 Бутун дунё тан олган, табаррук элим,
 Наврўзинг муборак, қадрдон юртим!

Она диёр, боримсан, Ўзбекистоним,
 Халқимга тухфа деб ёзай достоним.
 Раббим қўллаб турар, тўла иймоним,
 Ватанимга фидодир, Содик жон-танним.
 Бутун дунё тан олган, табаррук элим,
 Наврўзинг муборак, қадрдон юртим!

Наврўз байрами воситасида халқимизнинг жуда бой миллий-маънавий мероси қайтадан қадини баланд кўтармоқда. Жойларда маданиятмизнинг негизлари ва миллий қадриятларимиз тикланиб, унга янги ҳаёт, янги умрни бахш этилмоқда. Наврўз мустақиллик ҳамда элнинг ўзига росаям хос ва мос бўлган жудаям бой миллий маънавияти негизлари билан янада уйғунлашиб бормоқда.

Зотан, Наврўз ва Мустақиллик бизлар учун тенгдош бўлиб янгидан дунёга келди ва Дунёга ўзлигини росаям кўз-кўз этмоқда. Айни пайтда бўлса, қайта тикланган Наврўз қайтадан тикланган Миллий Истиқлол тантанаси, тараққиёти туфайлигина ўзининг асл, ҳақиқий, чинакамга ўзига хос ва мос мавқеига эга бўлганлигини ўзингиз жудаям яхши кўриб-билиб турибсиз.

Миллий Истиқлол ғоялари халқимизнинг қадимий удумлари, чинакам турмуш тарзи, урф-одатларини ўзидаям мужассам этган, анъаналарни абадиятга айлантира олган айём, башариятнинг боқий бебаҳо байрами бўлмиш – Наврўздан мададни олди, руҳни олди.

Ана шу қудратли руҳият эса элнинг жон-жонига, қон-қонига, тарихий илдизларигача сингиб кетди.

Демак, эндиликда бизлар миллий Истиқлол тушунчаси билан Наврўз нашидасини бир-биридан сира ҳам ажрата олмаймиз.

Умуман, Наврўз асрлар мобайнида биз учун эзгулик, ҳурлик, озодликнинг тимсоли, инсон қалби ва онгида бунёдкор, ёруғ орзу-

умидлар астагина куртак очадиган фасл бўлиб келган ва келажакда ҳам, албатта, шундай бўлиб қолажак.

Чунки, бутун башариятнинг боқий байрами бўлмиш – Наврўз биз қандай улуг аждодларнинг энг асл авлоди эканимизни, қандай буюк, бой мерос, қадриятларнинг ҳақиқий ворислари эканимизни, маррани жуда баланд олаётганимизни, ўша юксакликларни эса забт этаётганимизни Жумлаи Жаҳонга яққол намоён этадиган улкан бир маънавий кўзгу ҳисобланади.

ХОТИМА

Ҳар қандай этнос, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini улар ҳаётининг маънавий кўзгуси, қувончи ва шодлиги манбаи бўлмиш байрамларисиз тасаввур қилиш ғоятда мушкул. Ўзининг гўзал, завқли, хушчақчақ байрамларига эга бўла олган халқнинг келажаги ҳам, истиқболи ҳам ниҳоятда порлоқдир.

Зотан, ота-боболаримиз неча минг йиллар давомида юксак маънавият сифатида эъзозлаб, аждодлардан авлодларга маънавий мерос қилиб қолдирган байрамларини эҳтиёткорлик билан оқилона равишда тиклаб, ҳозирги замон руҳи билан роса бойитиб, истиқбол йўлини белгилаш ҳамда келажак авлодларга асраб-авайлаб етказиб бериш муқаддас вазифамиз ва маънавий бурчимиз эканлигини ҳеч қачон унутиб қўймаслигимиз даркор.

Она Республикаимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов «2016 йил Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ғоятда кенг ёритиш» масаласи тарихчилар, олимлар, этнологларнинг зиммасига юксак зиёлилик масъулияти сифатида қўйилганидан ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши бохабарсиз.

Байрамлар инсон, жамият, давлат ҳаётининг теран маънавий илдизларидан бири, унинг ғоятда муҳим қисмидир. Байрам шахс,

оила, жамият, миллат, давлат, халқаро ҳаётдаги энг муҳим ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этиб боради ва уларни тантанали равишда нишонлашга шарт-шароит ва имкониятни яратиб беради.

У кишилар ҳаёти ва меҳнат фаолиятида эришган ютуқларини турли тантаналар орқали яққол ифодалайдиган маънавий-маърифий ҳодисадир. Ўзбекнинг халқида қадим-қадимдан йирик бунёдкорлик ишларнинг бошланиши ва якунланиши жараёни одатда жуда катта байрамга айланиб кетади.

Байрамлар инсониятнинг ўзи минг машаққатлар билан босиб ўтган йўлларини чуқур англашга, эришилган ғалабалардан ҳақли равишда фахрланишга, эртанги кун учун асосли режалар тузишга, келажакдаги фаровон ҳаётга катта умид боғлашга ёрдам беради. Айни шу боисдаи ҳам, байрам арафасида кишилар бир-бирларини самимий табриклайдилар, кексаю ёшларга энг эзгу орзу-ниятларни, хоҳиш-истакларни билдирадилар.

Байрам кунларида кишилар «Орадан шунча... вақт ўтибди-я?!» деган сўзларни жуда кўп бора айтадилар. Байрамлар инсон учун энг улуғ, қадрли, орқасига сираям қайтариб бўлмас мулк – вақтнинг қадрига етишга, уни бениҳоя эъзозлашга, асраб-авайлашга даъват этади.

Байрам кунлари халқимиз учун азал-азалдан тинчлик-тотувлик палласи ҳисобланган. Ўша куни уруш-жанжал ва низо-можаролар тўхтатилган. Бу кунда кишилар ўртасидаги адоват, гина-кудуратлар унутилган, ўзаро аразлашиб қолган кишилар эса байрам баҳонаси билан ярашиб ҳам олганлар. Байрамлар чоғида шундай ниҳоятда кўтаринки бир руҳий ҳолат вужудга келадики, унда ҳамма кишилар ғоявий-маънавий жиҳатдан бирлашадилар, натижада эса, эл-юртда бунёдкорлик учун асос бўлмиш ўзаро бирдамлик, тинчлик-омонлик ва ҳамжиҳатликнинг руҳи ҳам шаклланади.

Байрамларда вужудга келадиган ниҳоятда кўтаринки кайфият, роса ҳам обод бўлган кўнгил эса, ўз навбатида кишиларни эртанги кунга орзу-умидни боғлашга, келажакка бўлса қатъий ишонч билан қарашга тинимсиз тарзда ундаб туради.

Байрамлар ижтимоий-маданий ҳаётнинг кўзгуси сифатида ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ютуқларини ҳам дунё аҳлига бениҳоя кенг равишда намойиш қилади.

Байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики, у муҳим анъаналарни қўллаб-қувватлаш асосида башарият маданиятининг ютуқларини янада мустаҳкамлайди.

Байрамлар моддий ҳамда маданий ҳаётда эришилган каттакон муваффақиятларнинг ўзига хос бўлган намойишиям ҳисобланади. Чунки, байрам кунига бағишланган тантаналарда иштирок этувчи барча муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ўзлари эришган катта муваффақиятларни эл-юртга ҳам намойиш қиладилар.

Айнан байрамлар бутун дунё маданияти хазинасига йиғилган қимматли маънавий бойликларни ўз руҳида мужассамлаштиради. Шу боисдан ҳам байрамлар инсоният маданиятининг ғоятда муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда, кишилик жамиятини ривожлантиришнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Зардуштийлик динига эътиқод қилиш давридаёқ, яъни бундан 3500 йил муқаддам қадимий аجدодларимиз байрамлари тизимиям шаклланган. Бунда Наврўз, Меҳржон, Сада, Ангом каби байрамлар айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларда яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим, савоб ва гуноҳ ўртасидаги зиддиятлар акс этиб, ўша давр одатларида биз учун ниҳоятда азиз инсонийлик белгилари – эзгулик, яхшилик, одамгарчилик, меҳрибонлик, меҳр-мурувватлилиқ ва раҳм-шафқат, хайр-саховат маънавий-инсоний фазилатлари қадрлана бошланган.

Ўрта асрлардан бошлаб эса диний байрамлар – Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити сингари бир қатор айёмлар ота-боболаримизнинг маънавий-маърифий ҳаётига ҳам катта таъсир ўтказа бошлаган эди.

Хуллас, тарихнинг чин мулкига айланиб бўлган минг йиллар мобайнида буюк халқимизнинг турли-туман диний эътиқодлари анъанавий маҳаллий байрамлар руҳияти билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларнинг ўзаро муштараклигисиз улуғ ўзбек халқининг байрамлари мазмун-моҳиятини ва шакл-шамойилини ҳам тасаввур қилиш ниҳоятда мушкул.

Ҳозирги ғоят мўрт, беҳад қалтис, мураккаб ҳамда таҳликали даврда ўзбек халқи анъанавий байрамларининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатларига ҳам алоҳида диққат-эътибор бермоғимиз лозим. Зеро, халқ байрамларида энг қадимий миллий ҳамда диний одатлар ўзаро чатишиб кетиб, улар одамлар ўртасида меҳр-оқибат, иззат-хурмат, қадр-қиммат, мурувват сингари чинакам инсоний фазилатларнинг раванқ топишига жуда катта хизмат қилади.

Буюк ўзбек халқи анъанавий байрамлари аجدодларимизнинг энг яхши, улуғ фазилатлари, фикрлари, ғоялари, чинакам ҳаётий тажрибалари, ютуқлари, қадриятларини мужассамлаштиргани учун ҳам жамиятни ахлоқий соғломлаштирувчи ва инсонпарварликни барқарор этувчи, аҳолининг маънавий жиҳатдан камол топишига хизмат қиладиган муҳим бир омил сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, байрамлар одамлар орасидаям одоб-ахлоқ, имон-эътиқод, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховат, одиллик, ҳалол-поклик, биродарлик, ватанпарварлик, меҳмондўстлик хислатларини раванқ топтиришда ниҳоятда муҳим таянч ҳам ҳисобланади.

Байрамлар моҳияти уларнинг мазмуни, илгари сурилаётган ва тарғиб-ташвиқ этилаётган ғоясига бевосита боғлиқ бўлади.

Мазмун-моҳият, ғоя ҳар қандай байрамнинг асосини, образли қилиб айтганда, «жони», «қони»ни ташкил этади. Узоқ давом этган тарихий тараққиёт жараёнида байрамларнинг асл маъноси, ғояси халқнинг ўйлари, дардлари, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва турли-туман даврларда ўзгариб, ё йўқолиб кетган, ёхуд заифлашган ёки аста-секинлик билан ривожланиб бораверган.

Мустамлакачилар ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар ҳам халқимиз азалий ва абадий байрамларининг мазмун-моҳиятига ўзларининг бузғунчи – вайронкор ғояларини сингдириб юборишга ўта ҳаракат қилганлар. Масалан, Наврўз ҳамда Меҳржон сингари айёмларга мустамлакачилар ўз мафкураси ёки ислом дини пешволари диний ғояларни сингдиришга интилганлар. Шўролар эса Ҳосил тўйини социалистик ғоялар билан бойитишга ҳам урингандилар.

Зўравонлик билан мажбуран сингдирилган ғоялар ўз-ўзидан анъанавий байрамлар мазмун-моҳияти, шаклига анчагина путур етказишга улгурган. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, одамларнинг

байрамларга бўлган табиий қизиқишларини сусайтириб юборган. Ушбу сабабларга кўра, айрим қадимий байрамлар бутунлай унутиб юборилган ёки улар давом эттирилмагани учун йўқолиб кетган.

Хукмдорлар халқ урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари ва байрамларига фақат ўзларигагина хизмат қилувчи ғояларини сингдиролмай қолган пайтларда бўлса уларни тақиқлаб қўйишга ҳаракат қилганлар. Бироқ, аҳоли учун қулай шароит пайдо бўлиши биланоқ байрамлар мазмунига яна «жон» кириб кетган. Жумладан, миллий мустақиллик даврида шундай янги имконият яратилдики, халқнинг табиий-маънавий эҳтиёжиниям қондирадиган байрамлар (Наврўз, Ҳосил байрами) янгича мазмун ва янгича бунёдкор ғоялар билан янада бойиган ҳолда қайтадан тикланди.

Қадимдан турли-туман босқинчи, кўчманчилар ва бошқалар Ватанимиз маданиятига маълум бир даражадаги ижобий ёки салбий таъсирни кўрсатишга улгурганлар. Бироқ, ўзгаларнинг анъаналари ва байрамлари ҳеч қачон маҳаллий ўзбек халқининг асл маданияти ва урф-одатларининг ўзагини, ўқ илдизини ташкил эта олмаган.

Аждодларимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва маънавияти ўз Ота юртимизда – энг қадим-қадимдан Турон, Мовароуннахр, Туркистон, Ўзбекистон деб аталмиш айнаи ўзимизнинг ҳудудимизда пайдо бўлган ва ривож топиб келган.

Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳақли равишда ва ниҳоятда кўп бора қайта-қайта таъкидлаганидек, «...кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ, боқий қолаверади, унинг маданияти абадий яшайди».

Советлар замонида, айниқса, коммунистик мафкуранинг ёвуз қарашлари ўзининг энг юқори нуқтасига эришган XX асрнинг 70 – 80- йилларидан бошлаб кўплаб миллий анъаналар қаторида Наврўз байрами ҳам «ўтмишнинг сарқити» сифатида жуда қораланган. Баъзи маҳаллий раҳбарларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли мазкур байрамни «Навбаҳор» деб номлашга ҳам ҳаракат қилинган, уриниб кўрилган эди.

Мустақиллик йилларида миллий ва анъанавий байрам бўлмиш Наврўз қайтадан ўзининг муносиб ўрниниям топди ва 1990 йилдан бошлаб 21 март куни оммавий дам олиш куни сифатида мамлакат

миқёсида кенг нишонлана бошланди. Наврўз байрами орқали ўзбек халқининг жуда бой тарихи, маданий мероси, миллий қадриятлари тикланиб, унга янгидан чинакам ҳаёт бахш этилмоқда.

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси археология фондида қадимий ҳамда навқирон Афросиёбда ўтказилган қазилма ишлари пайтида топилган мил. авв. VI – V асрларга тегишли бўлган ўғир сақланмоқда. Аجدодларимиз Наврўз кунида меҳр-муҳаббат билан пишириладиган сумалак учун ундирилган бугдойни айнан мана шундай ўғирда янчиб, ширасини олганлари тарихий манбалардаям анчагина кенг тарзда баён этилган.

Ушбу фонддаги Наврўз билан бевосита боғлиқ жудаям нодир ашёлардан яна бири VII – VIII асрларга оид ошиқлар ҳисобланади. Ошиқ ўйини қадимий миллий ўйинлардан бўлиб, у асосан баҳор пайтларида, айнан байрамлар чоғида ўйналган. «Абадий барҳаёт шаҳар» – Самарқанддаги музейда сақланаётган ўртаси тешик бу ошиқлар айнан ушбу ўйин учун мўлжалланган экан. Бу ҳақда эса кўплаб тарихий китобларда маълумотлар бор. Этнография фонди бўлимида авайлаб сақланаётган, Наврўз байрами чоғида хотин-қизлар кийган миллий либослар, турли тақинчоқ ва безаклар ҳам ўзига хос тарихга эга. XIX аср охири ва XX аср бошларига оид бу ашёларда Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент ҳамда Фарғона водийси аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи ва кийиниш маданияти ҳамда анъаналари ўзининг ифодасини топган.

Бундан ташқари, музей-қўриқхона тасвирий санъат фондида Наврўзга оид маросимлар ва халқ сайиллари ифода этилган кўплаб рангтасвир ҳамда графика асарлари ҳам мавжуд. Ушбу ашёлар ҳам ушбу байрамнинг асл тарихи, у билан боғлиқ қадриятлар ҳақида узоқ мозийдан ҳикоя қилади.

Жумладан, самарқандлик машҳур мусаввир Намоз Султонов томонидан 1977 йилда ишланган тасвирий санъат асарида сумалак пишириш маросими ўзининг аксини топган.

Тағин бир таниқли ижодкор Мирсаид Самадов асарида бўлса Наврўз маросимидаги кураш миллий ўйинини тасвирлаган. Бундай ғоят гўзал рангтасвир асарлари Наврўз тақиқланган пайтларда ҳам, халқимиз ўзлигини сира йўқотмаган ҳолда, бу байрамни гарчи тор

доирада бўлса-да, нишонлаганини, анъаналарни сақлаб қолганини кўрсатади.

Кейинги йилларда эса Наврўз байрамининг арафасида музей-кўриқхонада ниҳоятда асраб-авайлаб сақланаётган ноёб тарихий экспонатларни жамлаган ҳолда махсус кўргазмаларни ташкил этиш ҳам жуда яхши, эзгу бир анъанага айланиб бормоқда

Наврўз байрамининг энг асосий қисми томоша ҳисобланади. Бизда қадимдан «Майдон томошаси» деган бир тушунча ҳам бор. Яъни, махсус равишда тайёрланган сахнада эмас, кенг далаларда қизиқчилар, халқ театри вакиллари, дорбозлар, аскиячилар ва халқ ансамбллари чиқишлари бўлганки, буни «Майдон томошаси» деб айтилган.

Ана шундай жуда кенг майдон томошаларидаги қадимий урф-одатлар ва ҳаракатлар Наврўз байрамини нишонлаш муносабати билан қайта тикланди. Масалан, халқимизда қадимдан ковуш ракси бўлган. Шу ракс қайсидир бир қишлоқларимизда сақланиб қолган экан ва бугунги кунларда Наврўз байрами дастурига киритилди.

Бу сингари қайтадан тикланган кўшиқлар, рақслар, лапарлар аллақанча, сон-саноксиз. Ва айнан шу муносабат билан юртимизда фольклор-этнографик ансамбллари фаолияти ниҳоятда кенг қулоч ёйганлигини ўзингиз ҳам кўриб-билиб турибсиз. Ҳозирги даврда нафақат ҳар бир вилоятда, балки ҳар бир туманда ҳамда кўпгина қишлоқларимиздаям фольклор-этнографик ансамбллари жуда кенг миқёсда халқимизнинг қалбига, кўнглига қувонч бағишламоқда, руҳини бўлса янада юксак-юксакларга кўтармоқда.

Уларнинг репертуарларида асосан Наврўз билан боғлиқ урф-одатлар, кўшиқлар ва лапарлар ўзининг сахнавий талқинини ҳам топмоқда. Биргина мисол — келин салом. Сахнада сиз кўрганингиз келин салом реал ҳаётимиздаги, турмушимиздаги келин саломдан анча фарқланади. Демакки, турмушда бўладиган келин саломнинг янги сахнавий талқини яратилган. Ушбу сахнавий кўринишларда ўша кўхна анъаналардаги энг асосий ҳолатлар сақланиб қолинган. Буларнинг таркибига бўлса кўш ҳайдашда, хирмон совуришда ва ҳунармандчиликда айтиладиган ўнлаб кўхна халқона кўшиқларни киритишимиз мумкин. Уларнинг барчаси Наврўз байрамида жуда

кенг равишда талқин этилмоқда. Бу маданий ҳаётимиздаги улкан маънавий воқеалардан бири ҳисобланади.

Аждодларимизнинг буюк маънавий меросини тиклаш бўйича қилинаётган ишларимизни бутун жаҳон аҳли ҳам тан олмоқда. Бу борадаги оламшумул ишларимизни ўрганиш мақсадида дунёнинг кўп мамлакатлари (чунончи, АҚШ, Норвегия, Голландия, Франция, Германия, Туркия, Япония)дан келган мутахассис-олимлар бизнинг чинакам ўзбекона анъанавий маданиятимизни, жумладан, миллий байрамларимизни қайтадан янгиланган, замонавийлашган ҳолатда тиклаш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатларга қойил қолмоқдалар.

Агар, керак бўлса, биз ўзга халқлар баҳорий байрамларидаги ижобий жиҳатлардан фойдалансак, сираям ортиқчалик қилмайди. Японияда баҳорнинг дастлабки ҳафтасида «Мома-но сэкку», яъни ўрик гули байрами нишонланади. Таиланднинг Чиангмай шаҳрида ҳар йил февраль ойининг биринчи жумасида «Гуллар сайри» деган маросим бошланади. Руминия ва Молдовада баҳорнинг илк кунида «Мэрцишор» тантанаси бўлади. Шу куни одамлар бир-бирларига оқ ва қизил дастрўмолларни совға қилишади. Дастрўмолни олган кишилар эса уни бир ой авайлаб сақлаб, 1 апрелда дарахтга илиб қўядилар. Бу ҳолат улар учун кўкламнинг даракчиси ҳисобланади. Асосий тадбирлар эса айнан шундан кейин бошланиб кетади...

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида беҳад улкан тантаналар билан нишонлаган 2015 йилги Наврўз байрамида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадиий-фольклор ва этнографик чиқишларига ҳам бениҳоя кенг ўрин берилган эди. Ҳар бир ҳудуднинг ранг-баранг дастурларида уларнинг ўзига хос анъаналари, лапару ўланлари, рақс ва ҳазил-мутойиба, бахшилар айтишуви ижро этилди. «Оламни маҳлиё айлаган диёр»имизда гўё бир тану бир жон бўлиб ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётган барча миллатлар ҳамда элатлар вакилларининг гўзал бадиий чиқишлари эса қалбларимизни бениҳоя улкан фахр-ифтихорга тўлдирди.

Фахр ва ифтихор билан шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ота юрт – Ўзбекистон Республикасида турли-туман миллий ва анъанавий байрамларни ташкил этилиши масаласи МДХда энг илғор тажриба сифатида ҳам тан олинмоқда. Шунинг учун бўлса керак, дунёнинг

кўпгина юртларидан мамлакатимизга келган мутахассис олимлар Ўзбекистон байрамлари савиясига тан бериш билан бир қаторда, юртимиз маънавий тикланиш, миллий тикланиш тажрибаларини янада жиддийроқ ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни ҳам амалга оширмоқдалар.

«Олдингдан оққан сувнинг қадриям йўқ», деганларидек, ўзбек миллий ҳамда анъанавий байрамларининг тарихи, мазмун-моҳияти муаммоларини биздан кўра кўпроқ чет эл олимлари жиддий тарзда ўрганмоқдалар. Балки бизлар ўзимизнинг муваффақиятларимизга ўзимиз маълум бир даражада ўрганиб ва кўникиб қолгандирмиз.

Эҳтимол, хорижликлар бизнинг минглаб йиллик улуғ тарихга эга бўлган маънавият-маърифат соҳасидаги буюк ютуқларимиз ва тажрибамизни узоқроқдан теранроқ кўра олсалар керак. Европадан, Америкадан келган олимлар байрам бўйича тажрибаларимизни қизиқиб ўрганаётганлари хусусида юқоридаям қайд этгандик.

Хусусан, америкалик социолог олим Лора Адаме бизнинг Она Ватанимизда бир неча йил яшаган ҳолда, ўзи бевосита иштирокчи сифатида қатнашиб, Ўзбекистонимиз байрамларига оид докторлик диссертациясини ёзди ва уни Америкада муваффақиятли ёқлади.

Албатта, бу борада биз ҳам фақат ўзгалардан умидвор бўлиб, оғзимизни очиб ўтирганимиз йўқ. Мустақиллик йилларида Наврўз байрами тарихини ўрганиш борасидаям маълум бир ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси нашриёти «Наврўз» деган яхши китобни нашр этганди. Бу китоб, гарчи илгарироқ нашрга тайёрланган бўлса-да, фақат 1992 йилга келибгина чоп этиш имкони бўлди. Демакки, бу китоб ҳам миллий мустақилликнинг мевасидир. Шундан кейин Наврўз ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Бу байрам мавзусида бир қатор илмий ишлар қилинган. Айни жараён билан боғлиқ тадқиқотлар сирасига Маматқул Жўраевнинг «Наврўз байрами» ва «Ўзбек мавсумий маросим фольклори» деган яхши китобларини, Абдулатип Саримсоқовнинг «Ўзбекларнинг тақвимий маросимлари» номли монографияси, Шомирза Турдимов ва Жаббор Эшонқулов томонидан тузилган «Наврўз нашидаси» тўпламини ҳам киритишимиз мумкин. Тўпламдан Наврўз ҳақида

Рабғузийдан тортиб то бугунги кунларга қадар ёзувчи-шоирлар томонидан она Наврўзга бағишлаб битилган ижод намуналари ва фольклор намуналари ўрин олган. Шу ўринда Наврўзни ўрганиш борасида ҳали лозим бўлган вазифалар ниҳоятда кўп. Масалан, бизга Наврўз тарихи бўйича унинг барча қирраларини тўла-тўқис қамраб оладиган китоб керак.

1990 йилдан бошлаб бугунга қадар Наврўз айёми, байрамини тантанали нишонлашда Ота маконимизнинг маданият ходимлари томонидан эгаллашга муваффақ бўлинган улкан амалий тажрибани умумлаштириш ва уни жуда кенг тарғиб-ташвиқ қилиш масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Ҳар йили пойтахтимизда ниҳоятда кўтаринки руҳда, бутун дунё аҳолисини ҳам ҳайратга соладиган даражада нишонланадиган асосий байрам томошаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш вақти ҳам етиб келди. Ушбу байрам дастурларини ўрганишнинг икки муҳим, долзарб жиҳати ҳам бор. Биринчидан, бу тантаналарда аллақанча деярли унут бўлаёзган ирим-сиримлари ва маросимлардан тортиб, зўр фольклор намуналаригача аксарияти қайтадан тикланди.

Иккинчидан, бизнинг шоирларимиз, санъаткорларимиз ушбу томошани мукамал ўтказиш учун ўз ижодий фаолиятларини ҳам янада фаоллаштирдилар. Демак, бу жараённинг жиддий ўрганиш, ўзлаштириш керак бўлади. Хусусан, санъатшунос, фольклоршунос, адабиётшунослар, тарихчилар, этнологлар ва бошқа соҳаларнинг вакилари айнан ушбу соҳада ўзларининг кучлари, салоҳиятларини бирлаштириб, улкан монографик асарларни яратишлари бугунги давримизнинг чинакам ҳамда долзарб талаби ҳисобланади.

Шундай қилиб, қадимги даврлардан бошлаб шакллана борган ўзбек халқи байрамларини махсус ва ҳар томонлама ўрганиш ва баён этишга ҳалиям жуда каттагина эҳтиёж мавжуд.

Тўғри, бир қўлланма доирасида ўзбек халқининг байрамлари, анъаналарни абадиётга айлантира олган айём ҳамда башариятнинг боқий байрами – Наврўзнинг тўлиқ тарихи, унинг мазмуни ҳамда моҳиятига доир барча муаммоларни қамраб олиш жуда ҳам қийин назарий, илмий-амалий муаммолардан бири ҳисобланади.

Шундай бўлишига қарамай, қўлингиздаги ушбу қўлланмада бир неча минг йиллик ўзбек халқининг азиз байрамлари, айниқса, Наврўз тарихи, унинг энг қадимги даврлардан токи ҳозирги кунгача бўлган ривож, муҳим босқичлари, асосий турлари ва анъаналари шакллана бориши, тарихий тажрибалари, шўролар давридаги жуда оғир аҳволи, мустақиллик шароитида бўлса қайтадан тикланиши ҳамда истиқболи хусусида ўзингиз ҳам юқорида ўқиб чиққанингиз маълум бир фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов жудаям ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллигига ҳамда эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўзининг таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларида ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган интилишлар, ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар».

Улуғ айёмлар, айниқса башариятнинг боқий байрами – Наврўз халқимизнинг ғурур-ифтихориниям тиклаш, унинг қалби ва онгига миллий истиқлолнинг энг бунёдкор ғояларини сингдириш, эркин, озод ҳаёт, умр кечиришга тинимсиз равишда тарғиб-ташвиқ этиш, одамларнинг руҳиятини эса баланд кўтариб, уларни юрт ободлиги, бунёдкорлик ҳамда яратувчанлик ишларига чорлаш вазифасини ҳамиша бажараверади.

Байрамларда, айниқса, асрлар бағридан етиб келган шодиёна – Наврўз айёмида фуқароларнинг хурсандчилик туйғулари янадаям жўш ураверади, агарда таъбир жоиз бўлса, истиқболли Истиқлол нашидаси тараннум этилади.

Бу бўлса, ўз навбатида, буюк ўзбек халқи қалбида истибдодга барҳам бериб, миллий истиқлол йўлида дадил қадамини босаётган Ота юртимиз, Она Ватанимиз – Ўзбекистоннинг бугуни ва порлоқ келажагига ишонч туйғуларини уйғотади, кучайтиради ва бизларни маррани тағин ҳам юксакроқ олволиб, доим олға қадам ташлашга тинимсиз тарзда чорлайверади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йилги Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзидан

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб ва гул-чечаклар очилиб, атроф яшил либосга бурканиб бораётган шу кунларда яшариш ва янгиланишнинг фасли бўлмиш Наврўзи олам юртимизга кириб келиши муносабати билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ҳамда самимий тилакларимни изҳор этиш – мен учун катта бахтдир.

Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари «Авесто» даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан буткул йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли ва энг гўзал баҳор байрамидир.

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда кўклам нафаси ва майин шабадалар кириб келиши, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига баҳор нашидаси югургандек бўлади. Барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, куч-қувватга ва шижоатга тўлгандек сезамиз, ўзимизни табиатнинг узвий ва ажралмас қисми деб ҳис қиламиз...

Аҳолимиз, қайси миллат ва элатнинг вакили бўлишидан қатъи назар, байрамона кайфиятга берилиб, ажойиб айёмни катта шоду хуррамлик билан ўтказади, бундай дамларда нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам чин дилдан қутлаб, бағрига босиб, соғлик, бахту саодат тилаши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан...

Наврўзнинг ўлмас руҳи, қадриятлари аجدодлардан-авлодларга безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу гоё ва одатлар бугунги кунда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда...

Бугун шу фойзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларни қутлаб, сизларнинг тимсолингизда, энг аввало, Ўзбекистонимизни

янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳиссасини қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қойил қолдираётган, ёвуз кучларга асло бош эгмайдиган, ўзининг қадр-қимматини, мустақиллигини жуда юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, ана шундай олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган халқимизнинг олдида таъзим қиламан...

Барча-барча орзу-ниятлармиз ушалсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!».

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	4
Наврўз байрами тарихига оид манбалар.....	11
Қадимий аجدодларимиз – зардуштийларнинг азиз айёмлари.....	27
Ўрта асрлардаги анъанавий байрамлар.....	103
Истибдод – мустамлака давридаги байрамлар.....	183
Миллий Истиқлол даврининг Наврўзи.....	226
Хотима.....	267

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТ «КЕЛАЖАК НУРИ» НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ

Бахтиёр ИСОҚОВ
Наргиза ИСОҚОВА


НАВРЎЗ – МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ

Асрлар бағридан келган шодиёна, башариятнинг боқий байрами, улкан маънавий кўзгу, ғурур ва ифтихор манбаи, анъаналарни абадиётга айлантирган айём – Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот жараёнида фойдаланиш учун услубий қўлланма

Мухаррир:	Гулчеҳра Зокирова
Бадий муҳаррир:	Фарҳод Исоқов
Дизайнер:	Бехзод Исоқов
Мусахҳиҳлар:	Комила Қаямова, Дилдора Исоқова
Саҳифаловчи:	Шаҳноза Исоқова

Теришга берилди 01.02.2017. Босишга рухсат этилди 07.02.2017 й.
Бичими 60x42 1/8, Ҳажми 17 босма табок. Адади 800 нусха.
Буюртма № 5 Китоб бепул тарқатилади

“Наманган” нашриёти: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36- уй
Нашриёт лицензия рақами АІ – 156, 2009 йил 14 августда берилган
“Vodiv Poligraf” МЧЖ босмахонасида чоп этилди
Корхона манзили: Наманган шаҳри, Ғалаба кўчаси, 19- уй



НАВРЎЗ – МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ